СЕРВИС

№4/1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2022

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2022 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда 0561-рақам билан рўйхатга олинган.
ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Таҳририят ижодий жамоаси:
Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир ўринбосари:
профессор Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
профессор М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:
М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:
Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудири, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

М У Н Д А Р И Ж А :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Янги Ўзбекистонда инновация – инсон, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётининг муҳим омили	5
Сарвар Аюбовна Исхакова Ижтимоий тадбиркорликнинг моҳияти ва жамиятдаги роли	14
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Ойбек Абдуллаевич Арипов Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши	18
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рахматулла Хидирович Эргашев, Нигора Рустамовна Хўжақулова Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашда ички ресурслар самарадорлигини ошириш йўллари	25
Феруз Нематуллаевич Абилов Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари	31
Мухриддин Мўйдинжон ўғли Турғунов Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш масалалари	37
Отаёр Бахтиёр ўғли Муродов Саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш**.**	41
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Шавкат Собирович Олтаев Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	45
Ғолиб Султонмуродович Мустафоев Нарпай тумани демографияси: меҳнат ресурслари, ишсизлик ва аҳоли бандлиги муаммо ва ечимлари	49
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишлари ва унда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва роли	55
Ортиқ Эшназарович Эрназаров Инновациялар асосида енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи омилларни аниқлаш йўллари.	59
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Олим Мамаюнусович Пардаев, Улуғбек Ахмаджон ўғли Сагдуллаев Электрон ҳукуматни ташкил этишнинг хориж тажрибаси	64
Зариф Юсупович Аминов Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги	69
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова Дори-дармон маҳсулотларининг товар тарқатиш каналларини такомиллаштириш йўллари	73

Акрам Абдурахмонович Азизкулов Маддоҳлик – ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Самарқанд вилоятида агросервис хизмат соҳасининг ривожланиш динамикаси	83
Шохида Илясовна Артикова Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик асослари	87
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Хасан Абдусаитович Рахимов Туристик корхоналарда молиявий натижалар таҳлилининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари	92
Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи бўлган туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш	96
Азим Қаюмович Ғаппаров Экологик туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари	100
Burxon Rustamovich Dehqonov Ichki turizmni rivojlantirishning innovatsion boshqaruv mexanizmlari	103
Ilyos Ilhomovich Ayubov, Suxrob Raxmatillo o‘g‘li Baxronov Raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm sohasining rivojlanish imkoniyatlari.	107
Ibragim Xudayarovich Nimatov Turistik mahsulotni tanlashda motivlashtirishning ahamiyati	110
Dilfuza Zoxitovna Norkulova, Shaxlo Akram qizi Turdiyeva O‘zbekiston tarixiy-madaniy meros ob’yektlarini saqlashda Yunesconing o‘rni	114
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Константин Иванович Курпаяниди Состояние и проблемы институционального развития предпринимательства в Узбекистане	118
Нилуфар Абдахатовна Абдукадирова Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари	123
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Bekzod Maxsudovich Abdumannonov Qurilish tarmog‘ida inson resurslari mehnatini tashkil etishda rivojlangan xorijiy davlatlar tajribasidan foydalanishning ahamiyati	128
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Джаҳонгир Расулович Зайналов Валютная самостоятельность предпринимательских субъектов	134
Абдураҳим Нортожиевич Тўраев Тижорат банкларида активларни секьюритизациялаш тизимини такомиллаштириш	137
Санжар Абдулаҳадович.Раҳимов Тижорат банклари фойдасининг эконометрик таҳлили	143
Зарина Муродовна Мухаммедова, Шавкат Фарходович Муродов Инвестиция лойиҳаларини венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг жаҳон илғор тажрибаси	148

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Комил Бахрамович Уразов, Эркин Джамалдинович Муйдинов Корхоналарда асосий воситалар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритишнинг амалий жиҳатлари (2-мақола)	152
Абдумалик Бектемиров Корхона фаолиятида даромадлиликни (рентабелликни) таҳлил қилишнинг айрим жиҳатлари	161
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий салоҳият рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари	163
Алишер Уктамович Каршиев, Дилафруз Каршиевна Усманова Анализ эффективности деятельности строительных организаций в Узбекистане	167
Бобур Фарходович Боронов Ёғ-мой саноати корхоналарида яроқсиз маҳсулотлар ҳисоби ва таснифи	173
To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish korxonalarining iqtisodiy tahlilining ob’yekti sifatida alohida xususiyatlari	178
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
To‘lqin Kulibaevich Mardiyev Baxt konseptining ingliz va o‘zbek frazeologik birliklardagi talqini	182
Umar Xudayberdiyev Maktab – ta’lim va tarbiya maskani, muqaddas dargoh	185
Севара Абдиназаровна Бабаназарова Олий таълим тизимидаги педагоглар фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий мезонлари	188
Ҳилола Нематовна Очилова Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили (1-мақола)	192
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Улуғ устозларим ибратлари	197

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов – ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯ – ИНСОН, ИҚТИСОДИЁТ, ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: мақолада Янги Ўзбекистонда инновациянинг жорий қилиниши инсон, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётининг муҳим омили эканлиги талқин қилинган. Бунда асосий эътибор инновацион иқтисодиётга эришишимиз учун инноваторларни яратишимиз, бунинг учун эса, инсон ақлини ривожлантиришимиз лозимлиги асосланган. Шунингдек, аҳолининг ўсиши билан ресурслар тежамкорлигига эришиш ва ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатидан ошириш лозимлиги ҳам асосланган.
Калит сўзлар: инновация, инновацион ишланмалар, инновацион омиллар, инновацион тараққиёт, инновацион ғоя, инноватор, илм, илмий-тадқиқот, таълим, миллий ғоя, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси.

Кириш. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш учун энг муҳим омиллардан бири инновацион иқтисодиётни жорий қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги "Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-42-сон Қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида 2022 йил 17 майда ПҚ-245 Қарори, 2022 йил 26 апрелда имзоланган “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221 каби Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларда инсон капиталини, унинг интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда инноваторларни яратиш бўйича тегишли вазифалар қўйилган.

Ушбу вазифаларни Янги Ўзбекистон тараққиётига мос ҳолда бажариш ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга инновациянинг жорий қилиниши катта аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Шу орқали инсон, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётини таъминлашда инновациянинг муҳим омили эканлигига ҳам асосий эътибор қаратилган Бунда инновацион иқтисодиётга эришишимиз учун инноваторларни яратишимиз, бунинг учун эса, инсон ақлини ривожлантиришимиз лозимлиги ҳам асосланган. Шунингдек, аҳолининг ўсиши билан ресурслар тежамкорлигига эришиш ва ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатидан ошириш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Кўриниб турибдики, мақола ўта долзарб масалаларнинг ечимига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Инновация ва инновацион иқтисодиёт масалаларининг турли жиҳатлари мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Булар жумласига С.С.Ғуломов[1], М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Т.Х.Мамасоатов,

[1]Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Янги Ўзбекистонда ўзлигимизни, ўз қариятларимизни инновацион омиллар қуршовида сақлаб қолсакгина асл миллийликни сақлаган миллат бўлиб қоламиз. // SamTVR | MTRK. august 28, 2022. https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTONDA-%D0%8EZLIGIMIZNI-%D0%8EZ-%D2%9AARIYATLARIMIZNI-INNOVACION-OMILLAR-%D2%9AURSHOVIDA-SA%D2%9ALAB-%D2%9AOLSAKGINA-ASL-MILLIJLIKNI-SA%D2%9ALAGAN-MILL-08-28. 28.08.2022. 503. 16:50., Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Янги Ўзбекистон болалари сунъий идрок орқали ақлий қобилиятини ошириш йўлларини билиши лозим. September 20, 2022// SamTVR | MTRK. https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTON-BOLALARI-SUNIJ-IDROK-OR%D2%9AALI-A%D2%9ALIJ-%D2%9AOBILIYATINI-OSHIRISH-J%D0%8ELLARINI-BILISHI-LOZIM-09-20 20.09.2022. 549. 12:42., Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Инсон камолотида хотира муҳим роль ўйнайди... SamTVR | MTRK. // https://telegra.ph/INSON-KAMOLOTIDA-HOTIRA-MU%D2%B2IM-ROL-%D0%8EJNAJDI-10-18 18.10.2022. 691. 18:51 –

О.М.Пардаев[1], Н.М.Махмудов, Д.Н.Акобирова[2], Б.А.Абдуллаев[3], М.А.Маҳкамова[4], З.Т.Гаибназарова[5], Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жонзаков[6] кабиларни, шунингдек, Б.З.Мельнер раҳбарлигидаги бир гуруҳ Россия Федерацияси ва бошқа давлатлардан муаллифлар жамоасини (жами 28 киши)[7] киритиш мумкин. Мамлакатимизда чоп этилган илмий ишлар ва ҳимоя қилинган диссертацияларни тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, мамлакат иқтисодиётида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва кўллаб-қўвватлаш, айниқса мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдаги роли ҳамон тўлиқ ёритилмаган. Мавзунинг долзарблиги ва махсус тадқиқот этилмаганлигидан келиб чиққан ҳолда ушбу жиҳат мазкур мақоланинг асоси сифатида танлаб олинади. Ушбу ишда асосий эътибор бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган муаммоларга, бунда инновацион фаолиятнинг назарий асосларига, инновацион фаолиятни такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни олиб боришда макон ва замон, миқдор ва сифат, қиёсий ва мантиқий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари, инновацияга қилган катта эътибори туфайли 2017 йилда илмий-тадқиқот ишларининг (ИТИ) мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улушини 0,1 %дан 0,5 %га оширилди. Бир қарашда ушбу кўрсаткич анча яхши, чунки ИТИга ажратилган маблағлар ЯИМ таркибида 5 мартага оширилган. Аммо у кутилган самарани бермаяпти.

Булар: Биринчидан, ажратилган маблағларнинг аксарият қисми биноларни қуришга ва таъмирлашга ишлатилмоқда. Бу ҳолат маблағларнинг ишлатилишида “пассив”ликдан далолат беради. Иккинчидан мамлакатимизда тизимли равишда инноваторларни тайёрлаш йўлга қўйилди, лекин улар ҳали самара бера олган эмас. Натижада ҳар йили 1 млн. аҳолига тўғри келадиган янгидан яратилган хорижий патент идораларида тан олинган инновациялар сони бўйича жуда орқадамиз. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:

АҚШ да - 261,7 та.
Японияда - 213,0 та.
Германияда - 206,3 та
Францияда 171,9 та
Россияда 1,3 та
Ўзбекистонда ҳали бирга ҳам етмаган.

Инноватор инсонлар 1 миллион йил илгари одамзотни сақлаб қолиб, бугун уларнинг сонини 8 миллиардга етказиб, озиқ-овқат билан таъминлаяпти. Бу ўз-ўзидан бўлаётган эмас. Ривожланиш илм-фан асосида барқарор ҳолда давом этмоқда. Бугунги кунда биргина Гидропоника усули билан ерсиз, кам сув сарфлаган ҳолда 0,5 млн. аҳолига сабзавотлар етиштириб бермоқда. Бу шиддат билан кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси

0,2 б.т..,Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Инновация – тараққиётнинг муҳим омили... SamTVR | MTRK. // https://telegra.ph/Innovaciya--tara%D2%9B%D2%9Biyotning-mu%D2%B3im-omili-10-19 19.10.2022. 167. 9:51 – 0,2 б.т.

[1] Пардаев М.К., Уразов К.Б. Фан ва таълим интеграцияси – интеллектуал мулкни кўпайтиришнинг муҳим омили. //Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.(2-қисм). Самарқанд, 2012. - 3-11 бетлар., Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 104 бет.

[2] Махмудов Н.М., Акобирова Д.Н. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики.Монография. – Т.: «Иытисодиёт», 2011. – 356 с.

[3] Абдуллаев Б.А.Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Андижон, 2002. – 24 б.

[4] Махкамова М.А. Инновационный менеджмент. Методические пособие. Т.: ТГТУ, 2002. – 58 с.

[5] Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2012. – 26 б.

[6] Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э.Ш., Жонзаков Б.К. Инновацион иқтисодиёт. – Т.: ”Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 298 бет.

[7] Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями / Под. Ред.Б.З.Мильнера. – М.: ИНФРА-М, 2013, - 624 с.

инновацияларнинг ҳосиласидир.

Инновацион ғояларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Голландияда сигирлар 80-90 литрдан сут беради. АҚШнинг буқалари 3-5 тонна гўшт қилади. Польшада пакана серҳосил мева дарахтлари ўстирилади. Булар ҳам катта миқдорда ҳосил беради. Яна бир муҳим жиҳат, серсут ва сергўшт ҳайвонлар оддий ҳайвонларга нисбатан жуда тез етилади. Худди шундай серҳосил дарахт ва ўсимликлар ҳам тез ва тежамкор бўлади.

БМТ кейинги 1000 йилликка мўлжалланган Барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиққан. Олимлар ва мутахассислар, ҳамда халқаро ташкилотларнинг прогнози бўйича Ўзбекистон аҳолиси 2050 йилга бориб, 45-50 млн.га етиши кўзда тутилган. Лекин ер, ер ости қазилма бойликлари, сув, ҳаво, озиқ-овқат, энергия кабилар бугунги суръатда ишлатилса, неча йилга етиши ноаниқ. Буларнинг исрофгарчилиги ва экологияни бузилиши ҳисобидан кескин озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва миқдори камайиши ва озиқ-овқат хавфини туғдириши ҳам мумкин. Агар иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш кечиктирилса, аҳолининг ўртача умр кўриш муддати қисқариши ва турмуш даражасининг ҳам пасайиши рўй бериши мумкин.

Бутун дунёнинг ривожланган мамлакатларида, хусусан мамлакатимизда ҳам турли неъматларнинг исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида бир қанча маҳсулотларнинг танқислиги билан бирга экологияни бузилишига олиб келиши мумкин.

Биринчи бўлиб, Ўзбекистонда сув муаммоси кўтарилади. Чунки бизга сувлар Қирғизистон ва Тожикистондан оқиб келади, Роғун ва Қамбар ота ГЭСлари қурилганидан сўнг сувни бизга пулга сотиш хавфи ҳам йўқ эмас. Бу аҳволда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ошиб кетиши эвазига аҳолининг яшаш даражаси бир мунча пасайиб кетиш хавфи ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Иккинчидан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида гидропоника усулларидан фойдаланишни кўпайтириш билан бирга, шаҳарларда сувни, айниқса ичимлик сувини тозалаш ва қайта ишлатиш технологияларини жорий этиш зарур.

Учинчидан, сув ҳавзаларининг тагига ва устига плёнка ёпиш ёки қишда яхлаган ҳовузларни сақлаб, уларни кузгача аста-секин эритиб оқизиш масалалари ҳам ўта муҳим. Буларнинг ҳаммаси БМТ томонидан кейинги 1000 йилликдаги дунё иқтисодиётининг барқарор ривожланиш коцепциясининг мақсадига мос келади.

Бугунги эҳтиёжларимизнинг қондираётганлиги билан бирга, кейинги 1000 йилликда ҳам авлодларимизга табиий, моддий ва маънавий ресурсларни етарли сақлаб қолдириш ва уларни илм-фан, инновациялар ва интеллектуал таълим асосида аҳолини ўсишига мос бошқа неъматларни ҳам мунтазам равишда кўпайтириб боришга ўргатишимиз керак бўлади. Хуллас, табиий ресурслар капиталидан ақл-заковат капиталигача, яъни сунъий интеллектгача бўлган босқичлар пирамидасида ушбу ҳолат яққол кўриниб турибди (1-расм).

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси билан боғлиқ глобал Учинчи Рақамли Ренессанс иқтисодиёти пирамидасини (АҚШ ва ЕИ модели) асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг йўллари жуда кўп. Улардан бири Ўзбекистонда Диний идораларнинг обрўси ва ёрдамидан ҳам самарали фойдаланишни йўлга қўйиш керак бўлмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги (Остона, 09.09.2017 й) маърузасида бу ҳақда муҳим стратегик аҳамиятга молик таклифларни берган эди. Бунда Президентимизнинг “Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш” мавзусидаги нутқида айтилган вазифаларни халқ ичида, хусусан, масжидларда, Амри Маъруф ва Ақиқаларда кенг тарғибот қилиш ва халқда инновацион ғояларга ва технологияларга исломий йўл билан меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳам зарур бўлмоқда. Чунки масжидларга халқимизнинг турли қатламлари, турли ёшдагилари Аллоҳга ихлос қилиб, ўз ихтиёрлари билан бирор манфаатли нарсаларни ўрганиш ва ибодатни адо қилиш учун боради. Охирги даврларда мусулмонларнинг инновацион ривожланишда орқада қолиб, фожиага учраётганликларининг сабабларини тушунтириш ҳам ўта зарур амаллардан биридир.

1-расм. Глобал Учинчи Рақамли Ренессанс иқтисодиёти пирамидаси (АҚШ ва ЕИ модели)

Кейинги 1000 йилликда ЮКСАК МАЪНАВИЯТ инновацион ғояларнинг мазмунини ташкил қилиши борасидаги асосий вазифаси ҳам белгилаб берилган. Булардан келиб чиқиб, қуйидагиларни қайд этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

1. Боқимандалик кайфиятини йўқотиш, яъни камбағалликка кўникиб, мияни самарали ишлатмасдан яшашга одатланиб қолишдан халос қилиш.

2. Ота-боболаримиздан қолган ақлий меросни кўпайтириш, уни сифатли амалга ошириш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш, уларни батафсил ўрганиб, бугунги тараққиётга мос йўналишлар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш.

3. Бутун аҳолининг, айниқса ёшларнинг янги инновацион ва рақамли технологияларга муҳаббат уйғотиш. Чунки буларсиз бугунги кунда умуман муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини чуқур англатиш.

4. Исломий одатларга кўра ўз оиласига садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга атрофдаги ёрдамга муҳтож оилаларга, ижтимоий тадбирларга беғараз ёрдам кўрсатишнинг нечоғлик ижобий аҳамиятга эга эканлигини сингдириш ва ушбу жараённи кучайтириш чораларини кўриш.

5. Тадбиркорларимизга ўз закотларига мўлжалланган маблағларини кам таъминланганлар билан биргаликда илм-фан, таълим, соғликни сақлаш, янги иш ўринларини очишга мўлжалланган бизнесга ҳомийлик қилишнинг нақадар савоб иш эканлигини сингдириш.

6. Ҳар бир шахсни ўз оиласидан тортиб, бутун жамият миқёсида тежамкорликка катта аҳамият бериш лозимлигини ва экологияни асраб-авайлаш ва уни яхшилашга масъуллигини ошириш.

7. Мамлакатимизда барча инсонларни ўз оиласини асосан ақлий меҳнат билан боқиш кўникмасини шакллантириш ва болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга катта аҳамият бериш.

8. Болаларимизни хулоса қилишда 7 ўйлаб иш тутишига, ишларнинг режасидан камида 7 та камчилик топиб, тузатиб сифатни яхшилаш йўлларини ўргатишни ҳам йўлга қўйиш лозим.

9. Мамлакатимиз фуқароларида мавжуд моддий, маънавий ва меҳнат ресурсларидан

ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни доимий равишда тежаб ишлатиш билан бирга кўпайтириб боришга ҳаракат қилиш кўникмасини ҳам шакллантиришга қаратилган йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш ва уларни аҳоли онгига сингдириб, кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

10. Агар одамнинг қўлидан келса “заҳардан-дори тайёрлаш” мумкинлигига ишонч билан ҳаракат қилиш бундай инновацион йўналишда инсон қобилиятини, айниқса мияни (ақлни) тизимли ишлатишни ўрганиш.

11. Ҳар бир инсоннинг ақл-заковатни ўстириш билан бирга фаол яшаш, имкони борича саломатликни умрнинг охиригача сақлаш йўлларини ҳам ўрганишга тегишли тадбирларни қўллаш, ҳар куни маълум вақтни саломатлик вақти, деб белгилаб, бу билан тизимли равишда шуғулланишни йўлга қўйиш ҳам лозим.

12. Юксак маънавиятнинг шаклланишига ва ундан самарали фойдаланишга доимий равишда эътибор қилиб, қадриятларимиз асосида ҳар бир инсонда иймон-эътиқодни шакллантириб, бировнинг ҳаққини ўзлаштириш қанчалик ширин туюлмасин, оқибати заҳар бўлишлигини сингдириш ҳам тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида қараш.

Юқорида қайд этилган тадбирларнинг барчаси маълум эътибор ва меҳнатни талаб қилади. Бир қиёс: масалан, мевали дарахтни илдизига гўнг, сув ва сифатли ишлов берилганда яхши ҳосил бергани каби мияни ҳам ривожлантириш бўйича тегишли тадбирларни қўллаб, яширин очарчилигини камайтирилса яхши инновацион ғояларни ярата оладиган инсонлар шаклланади. Одамнинг “ҳосилдорлиги” ошади. Кучли илдизсиз дарахт мева бермагандек, ривожланмаган мия ҳам инновацияларни ярата олмайди. Кўриниб турибдики, келажагимиз бевосита инновацияларга боғлиқ экан, демак, буларсиз тараққиётни таъминлаш, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ва аҳолининг фаровонлигини ошириш масаласи мураккаблашиб бораверади.

Ҳозирги ёшларимиз инсоннинг инновацион фикрлаш моделига эга бўлиши кераклиги бугунги ҳаёт талаби. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, ҳар ишни бошлашдан олдин камида 7 марта ўйлаб (7 марта ўлчаб) кейин ишни бошлашга киришиш керак. Бунинг учун мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратиб, уларни топиб, инновациялар ёрдамида тузатиб, бор нарсанинг сифатини яхшилаб, кўпайтиришга киришиш лозим бўлади. Камчилик топиш ва уни тузатиш – келажак меваси ҳисобланади. Чунки камчиликни билмасдан иш бошлагандан сўнг, натижа сифатли бўлмайди. Сифатсиз товарнинг ҳам, ишнинг ҳам, хизматнинг ҳам харидори (истеъмолчиси) кутилгандек бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айниқса, ҳозирги инновацион иқтисодиёт ҳаётимизга изчиллик билан кириб келаётган пайтда булар ўта муҳимдир. Агар ишни 7 марта ўйлаб сифатли иш қилинмаса одам 7 марта афсусланади. Аммо афсус билан ўтган вақтни, сифатсиз маҳсулот ва хизматларга сарфланган маблағларни қайтариб бўлмайди. Бундай ҳолда иш ҳам юришмайди, турмуш ҳам обод бўлмайди. Бундай аҳволга тушмаслик учун инсон эътиборини, ақлини, фикрларини инновацион ғояларни ва технологияларни яратишга қаратиши лозим бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш суръатлари 5-6 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўсиш АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда 1-2 фоизга тенг. Буларда асосан сифатни ўсишига катта аҳамият берилади ва шу йўл билан дунё бозорини эгаллашмоқда. Натижада шу давлатлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳам мунтазам равишда ошиб бормоқда. Биздаги ўсиш бу яхши кўрсаткич. Аммо 1 фоиз ўсишнинг салмоғи ҳали бизда жуда кам. Зеро, ҳозирги кунларда ривожланган Давлатлар тараққиёти асосан инновациялардан фойдаланиш орқали табиий ва моддий ресурсларни тежашга ва келажак авлодлар учун уларни сақлашга, сифатни оширишга ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ўсишига ҳамда дунё бозорида рақобатбардош бўлишига катта аҳамият бериб келмоқда. Масалан, бугунги бизни пишган ғишт 500 йил олдинги квадрат шаклидаги мусулмон ғишти орасида жуда катта фарқ бор. Қадимги ғиштлар билан XIV-XV асрларда қурилган тарихий обидалар, масчитлар ҳамон асл ҳолида сақланмоқда. Бугунги бизнинг ғиштлар неча йилга етади. Агар улар ёмғир ва қор остида бўлса, қисқа вақтда тўкилиб тушади. Қадимги

ҳолатни тиклашимиз учун ҳам бугунги кунда ҳар бир ишга инновацион ғоялар билан ёндошмоғимиз лозим.

Инновация фақат янгиликни яратиш эмас, балки унутилган яхши нарсаларни бугунги кунда яна кашф этиш билан ҳам шуғулланиб, уларни қайта тиклаш билан ҳам машғул бўлишлари лозим. Биз бугун қурилиш ишларига 300-400 маркали цемент ишлатмоқдамиз. Европада эса, 800-900 маркали цементи ишлатилади. Улар ўртасидаги фарқни кўриб турибсиз. Агар қаттиқ зилзила рўй берса биз ишлатадиган цемент ва ғишт билан қурилган уйлар ҳаётимиз учун катта хавф туғдириши мумкин. Европада яратилган юқори маркали цемент бундан бир қанча ўн йиллар давомида инновацион ғоялар асосида вужудга келган. Барча ишлар узоқни кўзлаб иш тутганликнинг натижаси. Биз ўзимизга хос инновацион йўл билан ҳеч бўлмаганда шу маркани яратишга эришишимиз, таъкидлаганидек, XIV-XV асрдаги қурилиш материалларини тиклашимиз лозим бўлмоқда.

Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосан сонини кўпайтириш билан бирга асосий эътиборни сифатнинг оширилишига қаратмоғи лозим. Бугунги кунда сифат менежменти шаклланган. Унинг замонавий моделлари ҳам яратилган. Булар асосида тўлиқ сифат, TQM (*Total Quality* менежмент) тамойиллари ва жараёнлари ҳам бошқарилмоқда. Бундай ёндошувлар хорижий мамлакатларда инновацион ғоялардан самарали фойдаланиш имкониятини бермоқда. Буни ўзимизда ҳам жорий қилиш вақти келди ва буни барча соҳаларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Буни қуйидаги расмда кўриш мумскин (2-расм).

2-расм. Инновацион ривожланиш шароитида соғлом интеллектуал таълим (IQ ўсиш) модели

Расмдан кўриниб турибдики, бугунги кунда биринчи қаторда қобилиятни ривожлантирадиган ва инновацияларга ўртагадиган тизими келтирилган. Булар асосан ички омиллар бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга иккинчи қаторда таълим сифатига таъсир этувчи ташқи омилларнинг ҳамкорлиги келтирилган. Бу омиллардан самарали

фойдаланиш чораларини кўришимиз лозим. Бу айниқса бугунги ҳолатда, яъни мамлакатимиз аҳолиси кескин кўпайиши билан бирга ресурсларимиз камайиб бориши мумкин бўлган даврда жуда катта аҳамият касб этади.

Бундай шароитни ҳисобга олиб, биз ақлий таълим ва тадбиркорликни аҳолининг ўсишига мос ҳолда кўпайтирмасак, албатта орқада қолиб кетишимиз, кўпгина табиий ресурслар тақчиллигига ҳам дуч келиб қолишимиз мумкин. Бунинг учун ҳам таълим сифатини оширишга жиддий эътиборни қаратиб, ёшларимизни янгиликларни ўргатиш билан бирга тежамкор технологияларни кўпайтиришга эътиборини қаратишимиз ҳам мақсадга мувофиқ. Ақлий меҳнат, инновация, сифат ва ресурслар тежамкорлиги жамият тараққиётининг ҳамма соҳаларини қамраб олади. Шу йўл билан буюк мақсадларга эриша оламиз.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун болаларнинг хотирасини кучайтириш, чуқур фикрлайдиган, инновацион ғояларга эга янгиликлар яратадиган авлодни тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун уч “МММ (Мнемоника, Ментальная арифметика, Медитация)” тамойилидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. **Мнемоника** оддий қилиб айтганда, хотирани кучайтириш санъати тушунилади. **Ментальная арифметика** деганда, арифметик ҳисоблашлар орқали инсоннинг ақлий қобилиятини ва ижодий салоҳиятини оширишга қаратилган дастурий воситалар тушунилади. **Медитация** деганда, ички ва ташқи энергия кучларини ишга солиш эвазига инсоннинг ақлий қобилиятини ошириш тушунилади. Ҳозирги пайтда барча таълим тизимида ушбу усулларни қўллаш марказларини очиш, болаларни бундан кенг миқёсда фойдаланиш, ҳаётга қўллаш усулларини шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларнинг ҳосиласи сифатида **мнемотехника усули** ҳам пайдо бўлди. Бу усул махсус ёндошув ва усулларнинг йиғиндиси бўлиб, хотиранинг ҳажмини кўпайтиришга, керак ахборотларни турли йўллар билан хотирада сақлаб қолишга хизмат қиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Бунда инсоннинг кўриш, эшитиш, тасаввур қилиш, сезиш, хотирани ишга солиш каби имкониятларидан фойдаланилади. Биринчи босқичда, одамларнинг турли органлари билан қабул қилинган ахборотларини турли йўллар билан хотирада сақлаб қолиш усулини ўрганиш лозим бўлади. Иккинчи босқичда хотирадаги ахборотларни ишга солиш йўлларини аниқ белгилаши учун тасаввур қилиш механизмини шакллантириш лозим. Аниқ тасаввурдан кейин уни ҳаётда, амалиётда фойдаланиш, фойдаланганда ҳам инновацион маҳсулотларни яратишга сафарбар қилишга ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларни ишга сола олсак, инновация – инсон, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётининг муҳим омилига айланиши табиий. Кўриниб турибдики, инновацияни яратиш учун биринчи галда инноваторларни шакллантириш лозим экан. Инноваторларни шакллантириш онанинг вужудидан бошланади. Бола дунёга келгач оилада катта эътиборни талаб қилади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ёшликдан қобилиятига қараб уни қайси соҳа (мусиқачи, шоир, рассомчилик, математик, тадбиркорлик в.б.) билан шуғулланишига аниқлик киритиш лозим бўлади. Мактабга кирганда ҳам ушбу тарбия тизимли равишда давом этиши мақсадга мувофиқ. Мактабларда хар йили болага мос танланган қобилиятнинг ўстиришга қаратиш ва шу омилларнинг таъсир даражасини таҳлил қилиб борилиши лозим. Бунда мактаб билан ота-оналар ҳам ҳамжиҳатликда ишлашлари лозим.

Фарзандларимизни қобилиятини ёшликдан аниқлаб, уларни танлаган соҳасига мос ҳолда тарбиялаб бориладиган бўлса, шубҳасиз мамлакатимизда Ибн Сино ва Мирзо Улуғбеклар, Амир Темур ва Бобурлар, Алишер Навоий ва Замахшарийлар дунёга келади. УЧИНЧИ РЕНЕССАНС осмондан тушмайди, ўзимизда, ўзимизнинг фарзандларимизда шаклланади. Яна бир муҳим жиҳат болаларимизни ҳалол луқма билан ўстириб, адолатли қилиб тарбиялаб, адолатли жамиятни шакллантиришимиз ҳам ўта муҳим. Ёшлар ўрта махсус профессионал таълимда касбга ўргатилиши лозим. Бунда касб билан унинг назарий асосини ҳам ўргатиб бориши керак экан. Олий таълимни бакалавр ва магистр босқичида назария билан бирга амалиётни ўзимизнинг қадриятларимизга асосланган ҳолда

эришган ютуқларимиз билан бирга хорижий тажрибани ҳам ўрганиб, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётига мос ҳолда жорий қилишни ўргатиш лозим бўлади. Бунинг учун мамлакатимизда юксак фикрлайдиган инноваторлар шакллантириш орқали уларни навбатдаги босқичга тайёрлаш керак бўлади. PhD ва DSc докторантура тизимида янги билим ва инновацияларни яратиб, хорижга хом ашё ва оддий маҳсулотлар экспорт қилишдан Инновацион ғояларни ва технологияларни экспорт қилишга ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Ушбу таълим занжирининг бирорта бўғинида сифатга эътибор сусаймаслиги лозим. Шундагина биз кўзлаган мақсадга тўлиқ эришамиз. Шундагина Янги Ўзбекистон ривожланган 50 та мамлакат қаторидан жой эгаллашига асос бўлади.

Мамлакатимиз келажаги таълимга жуда катта эътибор қилишни, уни чуқур ўйлаган ҳолда тубдан ислоҳ қилишни тақозо қилади. Мана спортга эътиборни кучайтирдик, уларга жуда катта рағбат (мотивация) яратдик, натижа аён. Болаларимиз дунё саҳнасида (аренасида) тенги йўқ муваффақиятларни қўлга киритаётганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Булар ҳам ўзимизнинг болаларимиз, осмондан тушган эмас. Таълим соҳасида ҳам ўзимизнинг болаларимз таълим олмоқда ва тарбияланмоқда. Булар бизнинг келажагимиз, келажакка бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ. Кўриниб турибдики, агар биз инновацияларни ҳаётимизга татбиқ эта олсак, шунга мос инноваторларни тайёрлай олсак – инсоннинг камолоти, иқтисодиётнинг тараққиёти, ижтимоий ҳаётнинг ўнгланиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши ва ниҳоят жамиятимиз тараққиётининг юксалишига тез орада эришамиз, барчамиз унга гувоҳ бўламиз.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда мамлакатимизда инновацион иқтисодиёт шаклланиш босқичида. Чунки барча давлатлар қатори биз ҳам барқарор ривожланишни ҳозирги глобаллашув ва глобал рақобат шароитида фақат инновацион омиллар орқали амалга оширишимиз мумкин. Аммо тараққиётимиз учун зарур бўлган инновацион технологияларни ўзимизда ишлаб чиқишни ҳали тўлиқ йўлга қўя олганимиз йўқ. Шу туфайли бундай технологияларни асосан хориждан олиб келиб жорий этишимизга тўғри келмоқда. Бу биринчидан маълум даражада қимматга тушади ва энг ачинарлиси, ушбу юқори технологияларнинг техник имкониятларидан самарали фойдалана олмаяпмиз. Чунки шунга мос кадрларимиз ҳам тўлиқ етарли, деб бўлмайди. Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, импорт қилинган компьютер ва уяли телефонларни дастурий таъминотининг имкониятларининг 20-30 %дан ҳам фойдалана олмаётган эканмиз.

Хориждан олиб келинган технологияларни модернизация қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнларида сарфланган харажатларимизни қоплайдиган даражада самарадорлигини оширишга ҳам тўлиқ эришдик, деб бўлмайди. Айрим ҳолларда юқори технология бор, аммо, таъкидланганидек, уни тўлиқ қувватда ишлатадиган кадрлар (мутахассислар) етишмайди. Бундай кадрлар бор жойда уларга лойиқ инновацион технологияларнинг ҳам етишмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Демак инновацион технологияларни ўзимизда яратишни ва шунга яраша мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш керак экан.

Иқтисодиёт соҳасини ривожлантиришнинг яна бир йўли, турли материалларни мақсадга мувофиқ ҳолда ишлатиш лозимлиги билан ҳам белгиланади. Биз кўп ҳолларда пластик материалларни ишлатиш мумкин бўлган жойларга ҳамон темир материалларни ишлатганмиз ва бу жараён айрим ҳолларда ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу туфайли иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда турли материалларни мақсадга мувофиқ ҳолда ишлатмаслик оқибатида жамиятга ортиқча юкни келтириб чиқармоқдамиз. Масалан, пластик материаллар ишлатиш керак бўлган жойга металлдан фойдаланилмоқда. Бу ресурс сарфи бўйича ҳам, харажатларнинг кўплиги бўйича, ишлатиш муддатнинг қисқалиги бўйича ҳам ишлаб чиқаришга ҳамда жамиятга ортиқча юк ҳисобланади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб ихтиролар қилинмоқда ва патентлар ва лицензиялар олинмоқда. Улардан амалиётда фойдаланиб, янги инновацион технологияларни яратиб, экспорт қилиш ва ўзимизда шу янги технологиялардан фойдаланиш тегишли даражада самара беради. Шу туфайли ушбу жараённи давом эттириб, мамлакат экспортида инновацион технологияларнинг улушини оширишга эришиш лозим.

Мамлакатимизда турли металлар етиштирилмоқда. Аммо уларни оддий метал шаклида эмас, балки буюм қилиб тайёрлаб, юқори қўшимча қиймат билан экспорт қилишга ўтишимиз ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига яхши самара беради. Ҳозирги пайтда автомашиналарнинг янги-янгиларини ишлаб чиқармоқдамиз. Бу ўз навбатида яна шунча темир, резина, пластмасса каби табиий ва моддий ресурсларни талаб қилади. Ушбу ресурслар ўзимизда борлигини инобатга олиб, ушбу имкониятлардан ҳам самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлмоқда. Бунда жуда кўплаб бутловчи материалларни ўзимизда ишлаб чиқишни йўлга қўйишга эришиш имконияти яратилади.

Мамлакатимизда яратилган инновацион ғоялардан ва интеллектуал маҳсулотлардан бугунги кунда фойдаланиш учун ўзимизда тегишли шароит бўлмаса, уларни патентлар шаклида экспорт қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Булардан топилган даромадлар ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш имконияти ҳам яратилади. Мамлакатимизнинг барқарорлиги ва унинг тараққиётини таъминлаш жараёнида мамлакатимиз ҳудудларидаги табиий ва моддий ресурсларимизни сақлашга тегишли тарзда аҳамият бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мамлакатимизда экологик вазиятни ҳам бузмаган ҳолда кейинги авлодларга сақлаб қолиш йўлларини кўришимизни тақозо қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги "Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-42-сон Қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида 2022 йил 17 майда ПҚ-245 Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелда имзоланган “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221 каби қарори.
3. Большой экономический словарь /Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. и перераб.- М.: Институт новой экономики, 1999. С. 309.
4. Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Янги Ўзбекистонда ўзлигимизни, ўз қадриятларимизни инновацион омиллар қуршовида сақлаб қолсакгина асл миллийликни сақлаган миллат бўлиб қоламиз. // SamTVR | MTRK. august 28, 2022. https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTONDA-%D0%8EZLIGIMIZNI-%D0%8EZ-%D2%9AARIYATLARIMIZNI-INNOVACION-OMILLAR-%D2%9AURSHOVIDA-SA%D2%9ALAB-%D2%9AOLSAKGINA-ASL-MILLIJLIKNI-SA%D2%9ALAGAN-MILL-08-28. 28.08.2022. 503. 16:50.
5. Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Янги Ўзбекистон болалари сунъий идрок орқали ақлий қобилиятини ошириш йўлларини билиши лозим. September 20, 2022// SamTVR | MTRK. https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTON-BOLALARI-SUNIJ-IDROK-OR%D2%9AALI-A%D2%9ALIJ-%D2%9AOBILIYATINI-OSHIRISH-J%D0%8ELLARINI-BILISHI-LOZIM-09-20 20.09.2022. 549. 12:42.
6. Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Халқ бой бўлса – давлат ҳам бой ва қудратли бўлади... SamTVR | MTRK. // https://telegra.ph/HAL%D2%9A-BOJ-B%D0%8ELSA--DAVLAT-%D2%B2AM-BOJ-VA-%D2%9AUDRATLI-B%D0%8ELADI-09-23 23.09.2022. 63. 11:06
7. Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Инсон камолотида хотира муҳим роль ўйнайди... SamTVR | MTRK. // https://telegra.ph/INSON-KAMOLOTIDA-HOTIRA-MU%D2%B2IM-ROL-%D0%8EJNAJDI-10-18 18.10.2022. 691. 18:51 – 0,2 б.т.
8. Ғуломов Саидахрор, Пардаев Мамаюнус. Инновация – тараққиётнинг муҳим омили... SamTVR | MTRK. // https://telegra.ph/Innovaciya--tara%D2%9B%D2%9Biyotning-mu%D2%B3im-omili-10-19 19.10.2022. 167. 9:51 – 0,2 б.т.
9. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.

10. Пардаев М.Қ. Инновацион иқтисодиёт шароитида бизнес-таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари ва таркибий тузилишининг назарий масалалари. // “Сервис” илмий-амалий журнал. 2021. 4-сон. – 5-9 бетлар.
11. Пардаев Мамаюнус, Пардаева Озода. Тараққиёт йўлида Япония тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари. // Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази журнали. 2022 “Иқтисодий шарҳ” журнали. 2022 йил. 2- сон. – 80-83-бетлар.
12. Пардаев М.Қ., Очилова Ҳ.Н., Мамаюнусова М.О. Инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантириш муаммолари. // Инсон капитали ва ижтимоий ривожланиш журнали 2-сон, 2021 – 2-16-бетлар.
13. Пардаев М.Қ., Абдурахманов Х.Х., М.А.Маҳкамова ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалалари. Монография. – Т: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2021. – 172 бет.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Е-М. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. - Б. 212

С.Гулямов, М.Пардаев **Инновации в Новом Узбекистане – важный фактор развития человека, экономики, социальной жизни и общества**	**S. Gulyamov, M. Pardaev** **Innovations in New Uzbekistan are an important factor in the development of a human, economy, social life and society**
Аннотация: в статье объясняется, что внедрение инноваций в Новом Узбекистане является важным фактором развития человека, экономики, общественной жизни и общества. При этом основное внимание уделяется необходимости формирования инноваторов для достижения инновационной экономики, а для этого нам необходимо развивать человеческий разум. Также обоснована необходимость экономии ресурсов и увеличения производства в количественном и качественном отношении с ростом населения.	**Abstract:** the article explains that the introduction of innovations in New Uzbekistan is an important factor in the development of human, economy, social life and society. At the same time, the focus is on the need to form innovators to achieve an innovative economy, and for this we need to develop the human mind. The need to save resources and increase production in quantitative and qualitative terms with population growth is also substantiated.
Ключевые слова: инновации, инновационные разработки, инновационные факторы, инновационное развитие, инновационная идея, инноватор, наука, исследования, образование, национальная идея, благосостояние населения, уровень жизни.	**Keywords:** innovations, innovative design, innovative factors, innovative development, innovative idea, innovator, science, research, education, national idea, welfare of the population, standard of living.

Сарвар Аюбовна Исхакова – СамИСИ доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

Аннотация: мақолада ижтимоий тадбиркорликнинг моҳияти, замонавий жамият ҳаётидаги роли ёритиб берилган ва Ўзбекистонда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар берилган.
Калит сўзлар: ижтимоий иқтисодиёт, ижтимоий муаммолар, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари, ижтимоий товар, ижтимоий хизматлар, ижтимоий соҳадаги фаолият, ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона.

Кириш. Бугунги кунда ижтимоий тадбиркорликка қизиқиш ва эътибор жуда кучайиб бормоқда. Ижтимоий соҳада бизнесни амалга оширишга қизиқишнинг пайдо бўлиши сўнгги ўн йилликларнинг глобал тенденцияси сифатида бир қатор сабабларга кўра юзага

келади. Булар жумласига, аҳоли томонидан ижтимоий хизматларга талабнинг ортиб бориши, кўпчилик давлатларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилиши учун молиявий ресурсларининг етишмаслиги ва уларнинг ижтимоий хизматларни тўлиқ ҳажмда таъминлай олмаслиги кабилар киради. Бу эса ўз навбатида, бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммоларни, яъни молиявий маблағ топиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва ижтимоий корхоналар эгаларига фойда келтира олиш кабиларни ҳал қилишга қодир механизм сифатида ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга замин яратади.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида ижтимоий тадбиркорликнинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги роли беқиёсдир.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилгани алоҳида эътиборга моликдир.[1]

Шу сабабли, ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш муаммоларини ўрганиш жуда долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ижтимоий тадбиркорликнинг умумназарий асослари Г. Диз, Дж. Томпсон, С. Элворд, Дж. Маир и И. Мартилар асарларида ўз ифодасини топган. Ижтимоий тадбиркорликни ўрганаётган МҲД олимлари орасида А.Н. Макаревич, Т.Ю. Сазонов, М.Л. Баталина, А.А. Московская, Л.Д. Тарадиналарни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Улар ўз тадқиқотларида ижтимоий тадбиркорликнинг назарий асосларининг таҳлилини ушбу ҳодисанинг шаклланиши ва ривожланишининг хорижий тажрибасини умумлаштириш асосида амалга оширганлар, чунки Россияда ижтимоий тадбиркорлик амалий фаолият сифатида 2000-йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб ривожлана бошлади.

Шундай қилиб, ижтимоий тадбиркорлик соҳасида жуда кўплаб илмий ишларнинг мавжудлигига қарамасдан, ушбу йўналишдаги, шунингдек, ижтимоий тадбиркорликка ёндашувларнинг хилма-хиллиги тўғрисидаги саволлар бўйича илмий мунозаралар ҳали якунланмаган. Ҳозирги пайтда ижтимоий корхоналар фаолияти тўғрисидаги амалий маълумотлар ҳамда назарий хулосаларни тўплаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ижтимоий тадбиркорликни тизимли таҳлил қилишга эҳтиёж борлиги сезилмоқда.

Мавжуд илмий тадқиқотларда замонавий дунёда ушбу ҳодисанинг ўрни ва ролини, ўзига хос хусусиятларини ва чегараларини аниқлаш муаммоларига ҳали етарлича эътибор қаратилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ижтимоий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида, мавжуд ижтимоий муаммоларга жамоатчилик жавоби сифатида вужудга келган. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади жамиятга фойда келтириш бўлиб, бундай тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятида жамият манфаатларини устувор ҳисоблайди.

Ижтимоий тадбиркорлик – бу юридик шахслар ёхуд якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолини муайян ижтимоий муаммолари ва уларнинг оқибатларини енгиллаштириш ёки ҳал қилишга қаратилган фаолиятидир.

Ижтимоий тадбиркорликнинг асосий мақсади – аҳолининг заиф қатлами турмуш даражасини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат.

Ижтимоий тадбиркорликнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий адолат;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [Электрон ресурс] / Кириш йўли: https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020. (Мурожаат қилинган сана: 10.12.2022).

- жамият манфаатларининг устуворлиги;
- ижтимоий тадбиркорликнинг ихтиёрийлиги.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг мақсадларига аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига дори воситалари ёки ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларини таннархида ёхуд таннархидан паст бўлган нархларда реализация қилиш, табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ва фавқулодда хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни бартараф этиш, бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган фаолиятни амалга ошириш киради.

Ижтимоий тадбиркорлик қашшоқликни бартараф қилишда ҳам асосий ечим ҳисобланади. Бу борада АҚШ, Буюк Британия, Полша, Бельгия, Италия ва бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилганда, ушбу тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари иш билан таъминланиши билан бирга, ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида юқори натижаларга эришилганлигини кўриш мумкин.

Тарихга назар солсак, ижтимоий тадбиркорлик кўп ҳолларда давлатларнинг ижтимоий ҳолати ва иқтисодий зарурияти ортидан ҳаётга татбиқ этилганига гувоҳ бўламиз. Аммо буни бугунги кунда ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкам кафолатларидан бирига айлантириб олган Жанубий Корея мисолида кўрсак, мақсадга мувофиқ. XX асрнинг сўнгги декадасида қитъамиз мамлакатлари учун муаммо туғдирган Осиё молиявий инқирози таъсиридан ҳимояланиш ва унинг салбий натижасининг олдини олишда ушбу мамлакат томонидан ижтимоий тадбиркорликнинг кенг жорий этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Корея ҳукумати оммавий ишсизлик даражасининг кескин ортиши ва фуқароларнинг кун кечириши тобора ёмонлашиб қолган паллада оқилона ёндашгани бугунгача ўз сўзини айтиб келмоқда. Бунда 10 йиллик тажриба асосида 2007 йилга келиб, “Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани соҳа ривожига янги нафас берганини ҳам айтиш жоиз. Зеро дунё миқёсида “ижтимоий тадбиркорлик”нинг ягона таърифи (ҳатто бугунги кунга қадар) мавжуд бўлмаган ҳолатда Корея бу қонун билан янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда Жанубий Кореяда давлат миқёсида ижтимоий корхоналарини қўллаб-қувватлаш агентлиги ва Ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси фаолият олиб бормоқда. Бу эса, мунтазам равишда соҳани такомиллаштириш ва унда учраётган муаммоларни ўз вақтидан кечиктирмай бартараф этиш имконини беради.

Айнан 2007 йилда мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 71,5 фоизни ташкил этди. Бунда ижтимоий тадбиркорликнинг ўрни катта. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Жанубий Кореяда иш ҳақи 7,47 АҚШ долларига тенг. “Тижорат кодекси” ишлаб чиққан давлатда бу кунлик эмас, бир соатга тўланадиган ҳақ. 1963 йилда аҳолининг ЯИМ бўйича харид қобилияти паритети 100 $ бўлган ва бу кўрсаткич 2014 йилга келиб, 35 000 $ га кўтарилган, бугунги кунда аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнесда ишлаётган давлат тажрибаси, шу тариқа ўрганиш ва маҳаллий талаб ҳамда шароитдан келиб чиқиб, ўзимизда қўллашга арзийди.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда бошқа ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ҳал қилиниши керак бўлган ижтимоий муаммолар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Ижтимоий тадбиркорлик эса бу муаммоларни юмшатиш ва ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири бўлиши мумкин. Ҳар қандай бизнес каби ижтимоий тадбиркорлик ҳам бюджетга даромад келтиради ҳамда мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий тадбиркорлик мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири саналади. Шу сабабли мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти ва ижтимоий корхоналар ишини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бугун ижтимоий тадбиркорлик институтини яратиш ва уни ривожлантириш учун давлат томонидан тўлақонли қўллаб-қувватлаш тизимини амалиётга жорий этиш энг асосий масала ҳисобланади. Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун иш ўринларини яратиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсулот ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар белгиланган. Лекин ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий тушунчаси ва унга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари аниқ назарда тутилмаган. Шу сабабли ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, яъни ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонунни қабул қилиш мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти ва ижтимоий корхоналар ишини рағбатлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий лойиҳалар учун инвестициялар жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий корхоналарга субсидиялар ва грантлар ажратиш, имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш ушбу соҳани ривожланиши учун катта туртки бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [Электрон ресурс] // Кириш йўли: https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020. (Мурожаат қилинган сана: 10.12.2022).
2. Alvord S.H. Social Entrepreneurship and Societal Transformation / S.H. Alvord, L.D.Brown, C.W. Letts// Journal of Applied Behavioral Science. 2004. № 3 (40). 260-282p.
3. Dees, J.G. The Meaning of «Social Entrepreneurship» [Электронный ресурс] // Fuqua Centers. – URL: https://centers.fuqua.duke.edu/case/wpcontent/uploads/sites/7/2015/03/Article_Dees_ MeaningofSocialEntrepreneurship_2001.pdf
4. Баталина, М. Л. Обзор опыта и концепций социального предпринимательства с учетом возможностей его применения в современной России / М.Л. Баталина, А.А.Московская, Л.Д. Тарадина. М.: ГУ ВШЭ, 2008. 84 с.
5. Макаревич, А.Н. Сущность и специфика социального предпринимательства в России / А.Н. Макаревич, Т.Ю. Сазонова // Российское предпринимательство. 2012. № 24 (222). С. 52-56.
6. Московская, А.А. Социальное предпринимательство в системе социальной политики: мировой опыт и перспективы России / А.А. Московская, И.В. Соболева // Проблемы прогнозирования. 2016. № 6 (159). С. 103-111.

С.А.Исхакова

Сущность социального предпринимательства и роль его в обществе

Аннотация: в статье раскрывается сущность социального предпринимательства, его роль в жизни современного общества, а также даются предложения по развитию социального предпринимательства в Узбекистане.

Ключевые слова: социальная экономика, социальные проблемы, социально нуждающиеся категории населения, социальные блага, социальные услуги, деятельность в социальной сфере, социальное предпринимательство, социальное предприятие.

S.A.Iskhakova

The essence of social entrepreneurship and its role in society

Abstract: the article reveals the essence of social entrepreneurship, its role in the life of modern society, as well as proposals for the development of social entrepreneurship in Uzbekistan.

Keywords: social economy, social problems, socially needy categories of the population, social benefits, social services, activities in the social sphere, social entrepreneurship, social enterprise.

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

УДК: 334.7
Ойбек Абдуллаевич Арипов – НамМҚИ, «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, и.ф.д. (DSc), профессор

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ КЕНГАЙИШИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида ишбилармонлик муҳитини янада кенгайишига олиб келадиган мулоҳазалар юритилган.
Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ишбилармонлик муҳити, кичик бизнес, тадбиркорлик, виртуал муҳит, технология, ахборот, коррупция.

Кириш. Иқтисодиёти барқарорлашиб борган ҳар бир мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг тобора ривожланишига рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами сезиларли бўлиб бормоқда. Айниқса глобал ривожланаётган иқтисодий муносабатлар тобора кўпроқ виртуал муҳитда амалга оширилмоқда, бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Фикримизча, ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига таъсир кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт туфайли виртуал муҳит ташкил топмоқда. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт тушунчаси бизнинг ҳаётимизда тобора оммалашиб, виртуал муҳит орқали ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришдаги аҳамияти ортмоқда. Ҳаётимизда рақамли иқтисодиёт тушунчаси оммалашиб борар экан, келажакда моддий жиҳатдан ҳам ўзига хос қулайликлар яратиб боради. Кўпчилик нақдсиз тўловларни амалга оширишга ва онлайн харид қилишга ўрганиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт моҳиятини шундай тушунтириш мумкинки, келажакда у инсонни деярли барча соҳалардаги фаоллигини оширади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунини очиб беришда хорижлик жуда кўп иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотларидан намуналар келтириш мумкин. Жумладан, E.Staley ва R.Morse (1971)[1], A.Bruno ва T.Tyebjee (1982)[2], W.Gartner (1985)[3], кабилар ишбилармонлик муҳитини мамлакат ёки ҳудуд миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий ва институционал шарт-шароитларни ўз ичига олувчи ва қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар зарурлиги билан тушунтирадилар. Бундан ташқари K.Manning, S.Birley ва D.Norburn (1989)[4], фикрича, инсонда қобилият ва кўникмалар, тажриба ва мотивациянинг бўлиши янги корхоналарни яратишда муҳим роль ўйнайди. Бошқача айтганда, инсондаги бу каби фазилатларгина ишбилармонлик муҳитини шаклланишига туртки беради.

Бизнесни ташкил этиш ва унинг муҳитидаги ўзаро таъсир интенсивлигини ўрганаётган А.Н.Дятлов[5] каби иқтисодчилар шартли равишда ташқи муҳит омилларини уч гуруҳга ажратадилар.

Айни пайтда мамлакатимизда чоп этилган ўзбек тилидаги иқтисодий илмий ман-

[1] Staley E., & Morse, R. (1971). Developing entrepreneurship: Elements for a program. In P. Kilby (Ed.), Entrepreneurship and economic development, pp. 357-384. New York: Free Press.
[2] Bruno A.V., & Tyebjee T.T. (1982). The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, & K.H.Vesper (Eds.), Encyclopedia of entrepreneurship, pp. 288-307. Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall.
[3] Garther W.B. (1985). A conceptual framework for describing the phenomenon of new venture creation Academy of Management Review, 10 (A), pp. 696-706.
[4] Manning K., Birley S., & Norburn D. (1989). Developing new ventures strategy Entrepreneurship Theory and Practice, 14 (1), pp. 69-76.
[5] Қаранг: Дятлов А.Н. Общий менеджмент: Концепции и комментарии: Учебник. / А. Н. Дятлов, М.В.Плотников, И.А.Мутовин. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. Гл. 4. – 400 с.

баларда «ишбилармонлик муҳити» тушунчасининг моҳиятини ифодалайдиган таърифлар келтирилмаган. Шунга қарамай, А.Хаджимуратов[1], М.Мирсаидов[2], О.Абдуллаев ва Р.Исмоилов[3] каби иқтисодчиларнинг илмий асарларида кичик бизнес ва тадбиркорликни назарий жиҳатдан ўрганишга, шунингдек, ривожлантириш, тадбиркорликни тузилиши, кўлами, фаолиятини ташкил этиш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва шарт-шароит яратишга доир фикрлари келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда виртуал муҳит ишбилармонлик муҳитининг таркибий қисмига тобора кириб бормоқда ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаоллаштиришга кўмаклашмоқда (1-расм). Бошқача айтганда, ахборот-коммуникация технологиялари асосида бизнесни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари уни янги электрон шаклдаги муҳитнинг ривожланишига олиб келмоқда.



1-расм. Рақамли иқтисодиётнинг ишбилармонлик муҳитига таъсири туфайли виртуал муҳитни пайдо бўлиши[4]

Дарҳақиқат, кўпчилигимиз нақд пуллик савдолашишдан кўра онлайн тарзда харид қилишга ўрганиб боряпмиз. Ҳўш рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти нимадан иборат ва унинг кўлами қандай?

Иқтисодиётнинг рақамли тури одатда қандайдир модель кўринишида муайян миқёсда фаолият кўрсатади. Масалан, бозор субъектларининг электрон шаклдаги турли иқтисодий алоқалари, онлайн тарздаги савдо-сотиқлар, аҳолига виртуал хизматлар кўрсатиш, умуман электрон тарздаги инфратузилмаларининг кенгайиб бораётганлиги, шулар жумласидандир.

Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт туфайли юзага келган виртуал муҳит ўз-ўзидан ишбилармонлик муҳитининг кенгайишига олиб келмоқда. Аммо ишбилармонлик муҳитининг кенгайишида қонунчиликни такомиллаштириш, малакали мутахассисларни жалб этиш, инфратузилма фаолиятини яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш каби омилларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз (2-расм).

Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши кичик бизнес субъектларининг ички ва ташқи муҳитига таъсир қилиб, уларнинг ишчанлик фаолиятини оширади. Ахборот-коммуникация технологиялари такомиллашиб борган сари рақамли иқтисодиётнинг кўлами кенгайиб, корхоналар янгидан-янги виртуал бозорларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат самарадорлиги ҳамда унумдорлигини ошириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Фикримизча, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида ахборот инфратузилмаси – иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва синтез килиш билан шуғулланадиган агентликлар ва фирмалар алоҳида рол ўйнайди.

Демак, рақамли иқтисодиёт – бу ишлаб чиқариш мажмуаси яъни, маҳсулот ва

[1] Хаджимуратов А.А. Предпринимательство: Сущность и основные компоненты. –СПб.: Изд. Санкт-Петербргского Университета Экономики и финансов. 1995. С. 73.
[2] Мирсаидов М.С. Тадбиркорлик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 272 б.
[3] Абдуллаев О., Исмоилов Р. Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. –Наманган.: НаМПИ, 2001. – 115 б.
[4] Расм муаллиф томонидан ишланган.

хизматларни яратувчи ишлаб чиқариш тизими сифатида, инсоннинг ёки аҳолининг бекаму кўст ҳаётини таъминлайдиган қандайдир кибер-моддий тизим асосидаги иқтисодиёт.



2-расм. **Рақамли иқтисодиёт таъсирида ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши механизми**[1]

Халқаро миқёсда рақамли иқтисодиёт – бу хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг тармоққа уланган тизимли равишда ташкиллаштирилган тизимдир. Бу тизим янги ахборот, технологиялар ва маҳсулотлар яратиш, телекоммуникация хизматлари, электрон бизнес, электрон тижорат, электрон бозорлар, масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа компонентларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ўз ичига олади.

Аксарият хорижий ишбилармонлар рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланган ҳолда, ўзларининг бизнеслари учун янги-янги имкониятларни келтириб чиқариш ҳақида ўйлайдилар. Аммо маҳаллий тадбиркорларимиз рақамли иқтисодиёт тўғрисида ҳали тор доирадаги дунёқарашга эгалар. Масалан, иқтисодий фаолият турлари бўйича жами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг атиги 3 фоизи ахборот ва алоқа тармоғига тўғри келади[2]. Хусусан, жаҳон мамлакатларида АКТ ривожланишининг 2017 йилги индекслари ҳисобланганда Ўзбекистон индекси 4,90 га тенг бўлиб, дунё бўйича 95-ўринда турибди[3]. Аммо шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ишбилармонлик муҳитининг қулайлашувига жуда салмоқли ижобий таъсир кўрсатиб боряпти. Қолаверса, халқаро бизнеснинг ривожланишида инновацион тарзда жуда муҳим роль ўйнамоқда.

[1] Расм муаллиф томонидан ишланган.
[2] Қаранг: Баймуратова Л.Р., Долгова О.А., Имаева Г.Р., Гриценко В.И., Смирно К.В., Аймалетдинов Т.А. Цифровая грамотность для экономики будущего / Аналитический центр НАФИ. –М.: Издательство НАФИ, 2018. – 86 с.
[3] Абдурахманов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Узбекистонда фойдаланиш истиқболлари. № 4 (124)-2018. // http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/58192

Айнан рақамли иқтисодиётнинг ўзи энг янги инновацияларни ўз ичига қамраб олмоқда. Аксарият хорижий ишбилармонлар рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланган ҳолда, ўзларининг бизнеслари учун янги-янги имкониятларни келтириб чиқариш ҳақида ўйлайдилар. Худди шундай маҳаллий тадбиркорларимиз ушбу соҳани ўзлаштириш зарурлигини аллақачон тушуниб етганлар. Чунки инновацион тадбиркорликнинг янгича босқичини ўзлаштириш орқалигина рақобат муҳитида илғор бўлиш мумкин.

Ҳозирги даврда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида туб ўзгаришлар рўй бермоқдаки, турли йўналишдаги компанияларнинг иқтисодий фаолиятида бу каби ўзгаришлар, у ёки бу тарздаги аксини топмоқда. Интернет туфайли кичик корхоналар, микрофирмалар, ҳаттоки янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва сотиш имкониятларига эгадирлар. Ҳаттоки кичик сармоялар асосида янги корхоналар пайдо бўлмоқда ва улар тез ривожланиб бормоқдалар. Ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши туфайли кичик бизнес субъектларининг аксарияти учун қулай муҳит тобора кенгайиб бораётганлигини англатади.

Баъзи тадбиркорлар бугунги кунда компьютерда мавжуд вазифаларни соддалаштириш учун технологиядан фойдалансалар ҳам, аслида рақамли иқтисодиётни янада ривожланганроқ деб тушуниш даркор. Чунки фақат анъанавий равишда қўлда ёки аналог қурилмаларда бажариладиган вазифаларни амалга ошириш учунгина компьютерни ишлатиш ярашмайди. Ундан кенгроқ фойдаланиш керак. Рақамли иқтисодиёт кичик бизнес субъектларига ва тадбиркор шахсларга ўз вазифаларини аввалгидан кўра тезроқ, сифатлироқ ва замонавийроқ бажариш учун технологиядан фойдаланиш имконияти ва эҳтиёжларини таъминлаб беради.

Бироқ, шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда кичик корхона ёки микрофирмаларнинг иқтисодий аҳволи тобора қийинлашиб қолаётган вазиятни ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай вазият айниқса, бозор тизимига асосланиб бораётган МДҲ мамлакатлари иқтисодиётида сезилмоқда. Дарҳақиқат, ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг амалиётга жорий этилишида муаммолар мавжуд. Корхоналарда стратегик қарорлар қабул қилишда хавф-хатар ва таваккалчилик даражаси ошиб бормоқда. Бу эса бозор конъюнктурасини барқарорлашишига салбий таъсир қилиб, бундай вазиятни технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Бу каби иқтисодий жараёнларни тартиблаш учун иқтисодиётга давлатнинг таъсири керак бўлади.

Рақамли иқтисодиёт бугунги кунда жуда муҳим тармоқ бўлиб, жуда катта ўсиш имкониятини бера олади. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиётнинг таъсир кўлами ахборот товарлари ва хизматларидан ташқари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, умуман инсоннинг ҳаёт тарзини ўз ичига қамраб олади. Мобил қурилмаларнинг ривожланиши, хусусан, жамиятдаги интернет тармоғини кенгайтириш имконини берди. Шунинг учун рақамли иқтисодиётдаги рақобат масалалари кичик бизнес субъектлари рақобатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши кичик бизнес субъектларининг барчасига бирдек ижобий таъсир қилади, деган фикрдан йироқдамиз. Чунки рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши тўрт томонлама вазиятни келтириб чиқаради.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бозордаги муҳитнинг кескинлашувига олиб келади. Бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар тезлашади, рақобатлашувнинг янги (электрон) шакллари юзага келади. Натижада бозорда айрим фаол ҳаракатланаётган кичик бизнес субъектларига қулай муҳит шакллангандек туюлса, ана бошқалари учун ишбилармонлик муҳити ноқулайлашгандек бўлади. Чунки ўз фаолиятини қийин ташкил этадиган кичик бизнес корхоналари ахборотлашган тизимга мослаша олмай қийналади.

Маълумот учун қайд этиш керакки, россияликларнинг 78 фоизи улар учун компью-

терда ишлаш табиий ва кундалик жараён эканини айтишган[1]. Хусусан, муаллиф томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида аксарият респондентлар рақамли иқтисодиёт тўғрисида эшитган бўлсалар-да, ўз фикрлари билан тушунтира олмадилар. Лекин сўровномада иштирок этган респондентларнинг 89,6 фоизи (бу рақам фақат сўровномада қатнашганларга нисбатан олинган) компьютерда ишлашни табиий ва кундалик жараён деб биладилар[2]. Бугунги кунда тадбиркорларнинг деярли барчаси интернет тизимидан фойдаланиб келишмоқда. Аммо, уларнинг аксарияти «виртуал алоқа», «рақамли иқтисодиёт» тушунчаларининг қисқача моҳиятини ўз фикрлари билан қайд эта олишмаган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб борса-да, айрим тадбиркорлар (уларни орасида тажрибалилари ҳам бор) рақамли иқтисодиёт самарадорлигини яхши тушуниб етмаяптилар.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг бизнес юритишлари учун янги бозор қоидаларининг юзага келиши намоён бўлади. Бундай муҳитда кичик корхоналар янги рақобат стратегияларини қидириши ва рақобат самарадорлигини оширишлари керак. Айнан шу тарзда ишбилармонлик муҳитида янгича ривожланиш босқичи рўй беради. Чунки рақамли иқтисодиётда ҳам ўзига хос инновациялар қўлланилади. Бу эса мазкур соҳани тараққий этишига олиб келади. Ўз навбатида кичик корхоналар ва микрофирмалар янги шароитларга мослашишлари ва ривожланишлари учун рақамли ахборот технологиялари соҳасида ўзларининг билим ва малакаларини оширишлари талаб этилади. Шу тарздагина кичик бизнес субъектлари бозор муҳитида ўз фаолиятларини сақлаб қолишлари мумкин.

Учинчидан, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши меҳнат бозорига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Миллий иқтисодиётни деярли барча соҳаларида иқтисодий муносабатларнинг электрон тарзда амалга оширилиши глобал тараққиётнинг навбатдаги кўринишларидандир. Шу муносабат билан бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси миллий иқтисодиётни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиши учун барча шароитларни яратишга киришган. Айни даврда глобал бозорда, шу жумладан ишбилармонлик муҳити таркибидаги виртуал муҳитда бизнинг тадбиркорларимизнинг рақобатдошлигини оширишга эришмоғимиз даркор.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари тизими ривожланган сари хавфсизлик масалалари ҳам ўзига хос мураккаблашади. Чунки рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши туфайли барча иқтисодий муносабатларда ахборотлар билан ишлаш жараёнлари электронлашади. Айрим тармоқларда роботлашган тизим жорий этилади. Барча вазиятларнинг қарама-қарши томони бўлганидек, ўз-ўзидан электрон муносабатларга хавф туғдирадиган омиллар юзага келади. Масалан, ахборотларни ўғирлаш, тадбиркорларга тегишли бўлган маълумотларга яширинча кириш, банк операцияларига халақит бериш ва шу каби хавфсизлик ҳаракатлари ҳам намоён бўлиши мумкин.

Масалан, 2017 йил сентябрь ойида ўтказилган НАФИ тадбиркорларининг бутун Россия миқёсидаги сўровнома натижалари шундан далолат берадики, 2017 йилда Россия компанияларининг ярми турли хил таҳдидларга дуч келган ва уларнинг 22 фоизи ҳужумлардан молиявий зарар кўришган. Компаниялардаги ўртача йўқотиш миқдори таҳминан 300 минг рублни ташкил қилган ва бу бизнеснинг ҳажмига боғлиқ бўлган. Мамлакатда кибер ҳужумларнинг зарари 115 967 204 788 рублни ташкил қилган[3].

Шундай қилиб бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши сабабли қуйидаги жараёнлар юзага келмоқда:

1) амалдаги иқтисодий-ижтимоий муҳит изчил автоматлаштирилади;

[1] Баймуратова Л.Р., Долгова О.А., Имаева Г.Р., Гриценко В.И., Смирно К.В., Аймалетдинов Т.А. Цифровая грамотность для экономики будущего / Аналитический центр НАФИ. –М.: Издательство НАФИ, 2018. С.5.

[2] Ижтимоий сўровнома муаллиф томонидан Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро (Жондор тумани) ва Тошкент вилоятлари бўйича 2019 йил август ойида ўтказилган.

[3] https://nafi.ru/analytics/ Российские компании потеряли не менее 116 млрд. рублей от кибератак в 2017 году.

2) бу соҳада ишлай оладиган кадрларни тайёрлашга ўтилади, қолаверса, инсонларни ўз фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш зарурияти келиб чиқади;

3) электрон хавфсизликни таъминлаш чоралари жиддийлашади ва рақамли маданиятни ривожлантириш тақозо этилади.

Ўз-ўзидан бундай жараёнлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари орасида кенг оммалашиб боради. Шунинг учун янгидан-янги стратегиялар ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантириш ва таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Электрон ишбилармонлик муҳити – бу бизнес муносабатларига ахборот-коммуникация технологиялари орқали воситачилик қилиш бўлиб, бизнес алмашинувининг турли объектив ва субъектив омилларининг комплекс мажмуидир[1]. Аммо бунда электр энергия узлуксизлиги таъминланиши шарт.

Айниқса, ёшлар рақамли иқтисодиётга тегишли янги касбларни ўзлаштиришлари давр тақозосидир. Улар турли технологиялардан фойдаланиш, компьютерлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туришлари керак. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши туфайли одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш талаби кучаяди.

Кичик бизнес субъектлари рақобатлашиши учун тижорат корхоналари, хизматга йўналтирилган корхоналар, айниқса, соғлиқни сақлаш тизими, молия, таълим, шунингдек, нотижорат ва давлат муассасаларида ахборот коммуникацион технологияларни жорий эта оладиган, унда бемалол ишлай оладиган мутахассислар зарур бўлади. Айни пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг замонавий ва илмталаб соҳалари инновация ва рақамли технологиялардан фойдаланишда қодир бўлган ходимларга муҳтож.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва тегишли олий ўқув юртлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тизимининг ишчилари учун «Рақамли иқтисодиёт асослари», «Краудсорсинг ва краудфандинг: янги бизнес имкониятлари», «Рақамли бизнес моделларида патентлашнинг ўрни» каби ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва уларни Савдо-саноат палатаси ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонликни бошқариш вақолати бор муассасалар томонидан қўшма ўқув дастурларини жорий этиш ва бу асосда тадбиркорларни ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Рақамли технологияларга ўтиш корхоналар учун ҳам, давлат учун ҳам бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, тадбиркорлар учун янги рақамли технологияларни жорий қилишнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

− энг аввало корхоналарнинг харажатлари камаяди;

− меҳнат унумдорлиги ошади ва мижозлар билан ишлаш жараёнлари мувофиқлаштирилади;

− кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда тезкорлик ошиши туфайли самарадорлик ортади.

Худди шундай, давлат учун рақамли иқтисодиётнинг афзаллиги қуйидагича:

− маъмурий тартиб-қоидаларни соддалаштиришга ёрдам беради;

− кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солишда қулайлик яратади;

− кичик бизнес субъектлари билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар яқинлашади ва ўзаро манфаатли муносабатлар чуқурроқ ўрганилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар рақамли иқтисодиёт имкониятларидан тўлиқ хабардор бўлмаганликлари туфайли, янги технологияларни жорий этиш ва ходимларга рақамли технологияларни ўқитишга тайёр эмаслар. Шунинг учун кичик бизнес субъектларини рақамли технологияларни ўзлаштиришга ўргатиш ва бизнеснинг рақамли

[1] Хисаева И.Ш. Формирование инструментария развития предпринимательских структур в электронной бизнес-среде: Автореф. дис. канд. экон. наук. – Уфа: УГАЭС, 2012. –С. 6.

модели афзалликларини тушунтиришга эришиш зарур.

Фикримизча, бизнес юритишда рақамли технологияларни муваффақиятли татбиқ этиш учун нафақат рақамли технологияларни жорий қилиш, балки бундай технологиялар билан ишлайдиган мутахассисларни етиштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, жойларда (давлат бошқарув идораларидан тортиб, оддий кичик корхоналаргача) бизнес жараёнларини яратиш ва маълумотларни ҳимоя қилиш учун энг янги воситалардан фойдаланиш, янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилган махсус корпоратив маданиятни яратиш керак. Бизнес соҳасидаги ходимларни доимий равишда ривожланишлари ва ўзларининг рақамли иқтисодиёт тенденциялари тўғрисида билимларини оширишлари учун энг замонавий ва тегишли ахборотларни олишлари керак. Бунинг учун раҳбар ўзи бу соҳани ўзлаштириш учун ва ўз ходимларини мазкур соҳада янги билим ва амалиётга эга бўлишлари учун тренинглар ва қўшимча курсларни ташкил қилиш шароитларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришда ва қулайлаштиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида қайд этиш керак. Бундай иқтисодиёт туфайли ривожланаётган виртуал муҳит ишбилармонлик муҳитининг таркибий қисмига айланиб, кичик бизнес субъектларини фаоллаштиради, узоқ масофаларни яқинлаштиради, иқтисодий алоқаларни соддалаштиради, турли бошқарув идоралари билан бўлган алоқаларда коррупцияга йўл қўймайди, жаҳон бозорига тезроқ чиқиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахманов К.Х. Рақамли иқтисодиёт: Жанубий Корея тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари. № 4 (124)-2018. // http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/58192
2. Баймуратова Л.Р., Долгова О.А., Имаева Г.Р., Гриценко В.И., Смирно К.В., Аймалетдинов Т.А. Цифровая грамотность для экономики будущего / Аналитический центр НАФИ. –М.: Издательство НАФИ, 2018. С.5.
3. Арипов О.А. Монография: Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонилдан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: «Lesson press» нашриёти, 2021. – 236 б.
4. Арипов О.А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. British Journal for Social and Economic Research, 2(5), 33-40.
5. Арипов, О. А. (2018). ОСНОВНЫЕ КОМПОНЕНТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДЕЛОВОЙ СРЕДЫ И МАСШТАБНЫЕ РАЗВИТИЯ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАН. In Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (pp. 121-123).
6. Хисаева И.Ш. Формирование инструментария развития предпринимательских структур в электронной бизнес-среде: Автореф. дис. канд. экон. наук. – Уфа: УГАЭС, 2012. –С. 6.
7. https://nafi.ru/analytics/ Российские компании потеряли не менее 116 млрд. рублей от кибератак в 2017 году.
8. https://ru.wikipedia.org/wiki/Промышленная революция.

О.Арипов

Развитие цифровой экономики и расширение деловой среды

Аннотация: В статье рассматривается дальнейшее расширение деловой среды в результате развития цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, деловая среда, малый бизнес, предпринимательство, виртуальная среда, технология, информация, коррупция.

O.Aripov

Development of the digital economy and expansion of the business enviroment

Abstract: The article discusses the further expansion of the business environment as a result of the development of the digital economy.

Keywords: digital economy, business environment, small business, entrepreneurship, virtual environment, technology, information, corruption.

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Рахматулла Хидирович Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.,
Нигора Рустамовна Хўжақулова – ҚарМИИ таянч докторанти

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДА ИЧКИ РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: доривор ўсимликларни етиштириш ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар таснифланган ҳамда доривор ўсимликларни етиштиришни ривожлантиришга оид минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, қайта ишлаш, доривор ўсимлик хом-ашёси, иқтисодий асос, импорт, экспорт, самарадорлик, механизм, ресурслар.

Кириш. Ҳозирги пайтда жаҳонда доривор ўсимликларга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу биринчи навбатда уларни инсон организмига бўлган ижобий таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Ер шари аҳолисининг мунтазам ўсиб бориши, турли хил касалликларнинг профилактик диагностикаси сифатини яхшиланиб бораётгани, шу билан бир қаторда доривор ўсимликлар ўсадиган табиий майдонларининг қисқариш тенденцияси кузатилаётгани доривор ўсимлик хом ашёсига бўлган талабни доимий равишда ошиб боришига олиб келмоқда. Кейинги йилларда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда, айни пайтда 60,0 % дан ортиқ дори воситалари таркибида (маълум даражада) ўсимлик компонентлари мавжудлиги қайд этилган.

Мамлакатимиз табиий ресурслари жуда бой, хилма-хил ва ранг-баранг. Шундай ресурслардан бири сифатида ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни санаб ўтиш мумкин. Айни пайтда ёввойи доривор ўсимликлардан анъанавий тиббиёт ва халқ табобатида фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Шу боис, табиблар ва аҳолининг ўхшаш қатлами ўсимлик йиғувчилар томонидан доривор ўсимликлар хом ашёсини йиғиш ҳам ўсиб бормоқда. Аммо ушбу хом ашёни йиғишда талаб этиладиган давр ва меъёрларга кўп ҳолларда риоя этилмайди, бу эса ўз навбатида республикамиздаги доривор ўсимликлар ресурслари камайишига олиб келади.

Маълумотларга кўра, биргина юртимизда истеъмолдаги 6400 хилдаги дори воситаларнинг атиги 2,3 фоизи табиий дори воситалари ҳисобланади. Дунё давлатларига назар ташлайдиганн бўлсак: доривор ўсимликларни кўпайтириш, қайта ишлаш Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШда кенг ривожланган. Биргина Хитойда йилига 700 минг тонна доривор ўсимлик етиштирилиб, шундан 122 минг тонна хом ашё сифатида экспорт қилинади. Қайта ишлаш орқали 50 млрд. долларлик миқдорда даромад олади.

Қашқадарё вилоятининг табиати, айниқса тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қулай иқлим шароитига кўра бой ва турли хил ранг-баранглликка эга. Дастлабки, ҳисоб-китобларга кўра бу ерда илмий тиббиётда қўлланиладиган ёки тавсия қилинадиган 120 дан ортиқ, халқ табобатида фойдаланиладиган 1000 дан ортиқ ўсимликлар турлари учрайди. Лекин, айни пайтда расман хом ашё сифатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар тури 40 тадан ошмайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш самарадорлиги шу соҳа бўйича фаолият олиб борувчи корхона ва хўжаликлар, тадбиркорлар билан қайта ишлаш тизими муносабатлари орасидаги мавжуд ўзаро ташкилий-иқтисодий тизим фаолияти билан изоҳланади. Ушбу ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолияти давомида ўзаро иқтисодий манфаатдорликка асосланган алоқалар кўринишида иқтисодий муносабатлар шаклланади. Қишлоқ хўжалигининг тегишли бўғинларини бир-бирига муносабати ва ўзаро таъсири натижасида доривор ўсимликларни етиштириш, уларни ишлаш ва тайёр бўлган маҳсулотни истеъмолчига етказиш амалга оширилади.

Иқтисодиётга доир адабиётларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш, доривор ўсимликларни етиштирувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда самарадорлигини баҳолаш каби масалалар иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Иқтисодиёт соҳасида ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари асосида профессор Р.Х.Эргашев қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик ҳақида шундай фикрларни келтиради:

“Иқтисодий ишлаб чиқариш – иқтисодий самарадорлик – технологик ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодий механизмларнинг биргаликдаги таъсир натижалари. У қиймат кўрсаткичлари – таннарх, ялпи даромад ва соф фойда ва бошқалар билан ўлчанади[1]. Иқтисодий самарадорлик олинган самарани фойдаланилган ресурслар ёки харажатга таққослаш йўли билан аниқланади. Жонли ва моддийлашган меҳнатнинг умумий харажатлари билан қандай бўлса, ишлаб чиқариш ресурслари билан ҳам шу тарзда таққослама асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш шуни билдирадики, ишлаб чиқариш натижаси унинг харажатлари, шунингдек, ушбу жараёнга жалб этилган барча ресурслар ҳажми билан ҳам олдиндан белгиланади.

Ана шундай масалаларга бағишланган иқтисодчи олим О. Зокировнинг ёзишича “Иқтисодий ўсиш – бу ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш омилларининг миқдорини кўпайтириш ва сифат жиҳатдан мукаммаллаштириш кўринишида ифодаланган мақсадли вазифаси. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиш ялпи маҳсулотнинг мутлоқ ҳажмда, ҳам аҳоли жон бошига, ҳам кўпайиши сифатида аниқланади. Унинг қишлоқ хўжалигидаги асосий мақсади – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш, унинг моддий фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир”.[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли “Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, ҳудудлар бўйича доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштириш белгилаб берилган.

Таниқли иқтисодчи олим Ф.Жўраев эса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштириш юзасидан қуйидаги фикрларни билдиради: «Ихтисослаштириш деб, бозор талабини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат ҳудудларидаги корхоналарининг табиий – иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб илмий асосларда, маълум турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган қилиб жойлаштирилган ижтимоий меҳнат тақсимотига айтилади». Шунингдек, «Ишлаб чиқаришни жойлаштириш – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида мамлакат туманларининг табиий – иқтисодий ва экологик омилларини ҳисобга олган ҳолда, уларда у ёки бу турдаги қишлоқ хўжалик экини ёки чорва моллари турини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматни мос ҳолда жойлаштиришдир»[3].

Шунингдек, ушбу масала юзасидан амалдаги меъёрий ҳужжатда –Низомда “Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш — қишлоқ хўжалиги экинларининг алоҳида турларини экин ер майдонлари контурлари ва ердан фойдаланувчилар кесимида жойлаштириш ва етиштиришни (ишлаб чиқаришни) ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи”[4]деб таъкидланган.

Тадқиқот методологияси. Изланишларимиз натижасида қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлашнинг иқтисодий асосларини ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф

[1]ErgashevR.X./Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti/ Darslik.Toshkent-«EXTREMUMPRESS»2011. –412 bet (27).
[2]О.Зокиров.«Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti»Darslik.Toshkent -“ILMZIYO”2017.262-bet.
[3]Ф.Жўраев Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиsаришни ташкил этиш (Дарслик).–Т.: Истиқлол.–2004.–320 б.(94-б).
[4]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 505-сон Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”

ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, мантиқий ёндошув, қиёсий таҳлил ҳамда истиқболли башоратлаш каби усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Доривор ўсимлик хом ашёсини саралаш жараёни операциялардан иборат бўлиб, натижада унинг тозалигини оширишга эришилади; доривор ўсимликларнинг нуқсонли қисмларини олиб ташлаш, бошқа доривор ўсимликларнинг бегона қисмларини, органик ва минерал аралашмаларни олиб ташлаш.

Доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлашнинг асосий мақсади ташиш ва сақлаш вақтида салбий таъсирлардан ҳимоя қилишдир, қадоқлаш усули ва қадоқлаш тури норматив-техник ҳужжатларда ҳар бир хом ашё тури учун тартибга солинади.

Маркировка босқичи норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ хом ашёни қадоқлашнинг ҳар бир бирлигига ёзув қўллашни ўз ичига олади.

Доривор ўсимлик хом ашёсини қуруқ, тоза, бегона ҳидлардан холи ва зарарланган омбор зараркунандаларидан холи ҳар қандай транспорт воситаси билан ташишга рухсат этилади. Заҳарли, юқори кучли эфир мойи хом ашёсини ташиш бошқа хом ашёлардан алоҳида амалга оширилиши керак.

Доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш давлат томонидан тартибга солинишига кўра, доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш, тамғалаш ва ташиш талаблари билан тартибга солинади.

Доривор ўсимлик хом ашёсини сақлаш шароитларига риоя қилиш унинг биологик фаол моддалар кўринишида ҳам, таркибида ҳам ўзгармаслигини таъминлаши керак, чунки уни сақлаш биологик фаол моддаларнинг йўқотилиши билан кечади. Шундай қилиб, доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқаришнинг биргина технологик жараёни қўшимча иш ўринлари яратиш орқали ишсизликнинг камайишига ижобий таъсир кўрсата олишини айтиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, бозор иқтисодиётида доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан тартибга солиш ва нафақат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, балки доривор ўсимликларни етиштириш учун ихтисослашган ташкилотларни яратиш, экологик тоза доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш билан муҳофаза қилиш ва мувофиқликни таъминлаш керак.

Доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш, бошқа ишлаб чиқариш каби, турли ресурслардан фойдаланишга асосланган: ер, меҳнат, асосий ва айланма капитал, интеллектуал ва бошқалар. Кенг маънода ресурслар-захиралар, имкониятлар, нақд пуллар ва даромад манбалари.

Доривор ўсимлик хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда уларни сотиш жараёнида ресурслар товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ҳамма нарсани англатади. Анъанага кўра, "ресурслар" тушунчаси "табиий ресурслар" тушунчаси билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда, шу нуқтаи назардан бир қатор зиддиятлар келиб чиқади. Биринчидан, Доривор ўсимлик хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда уларни сотиш жараёнида кўпгина табиий ресурслар қайта тикланмайди, уларнинг камайиб бориши муаммоси XX аср бошларида анча кескин глобаллашди ва "табиий ресурслар" иборасидан фойдаланишнинг тўғрилигини шубҳа остига олиш мумкин бўлди. Иккинчидан, Доривор ўсимлик хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда уларни сотиш жараёнида ресурс тушунчаси иқтисодий назарияга кўра: меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилиятларини ўз ичига олувчи иқтисодий омиллар тушунчаси билан боғлиқ. Инглиз тилидаги иқтисодий адабиётларда "ресурс" ва "омил" тушунчалари аниқланган. Бу инглиз тилидаги иқтисодий луғатларнинг таърифларидан далолат беради.

Доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш давлатнинг стратегик захираси ва манфаатини ифодаловчи ресурсларни ўз ичига олади ва ишлаб чиқаради, уларнинг таҳлили ва мониторинги доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ва унинг минтақавий ривожланиш истиқболларини баҳолашда муҳим босқич ҳисобланади.

Импорт ўрнини босишнинг давлат стратегиясига кўра, маҳаллий доривор ўсимлик

хом ашёсини ишлаб чиқариш яна ҳам муҳим ва долзарб бўлиб, у кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган (1-расм).

1-расм. Доривор ўсимлик хом ашёсини етиштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик мақсадлари[1]

Аҳолини доривор ўсимлик хом ашёси билан таъминлаш, дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида бўлгани каби, давлат сиёсатининг стратегик устувор йўналишларидан биридир, чунки у энг муҳим йўналишларидан камида учтасини қамраб олади: миллий хавфсизлик, миллий соғлиқни сақлаш ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш.

Доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш бир вақтнинг ўзида иккита миллий лойиҳани амалга ошириш мақсади бўлиб хизмат қиладиган саноқли тармоқлардан биридир: "миллат саломатлиги ва агросаноат мажмуасини ривожлантириш". Бюджет ва маъмурий ресурсларни аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратиш зарурлигини таъкидлаган ва давлат сиёсатининг асосий масаласи – одамларга инвестициялар курсини белгилаган.

"Саломатлик" миллий лойиҳаси аҳолини эмлашга кўмаклашади; бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш; янги тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш; фармацевтика саноатини ривожлантириш.

"Агросаноат мажмуасини ривожлантириш" миллий лойиҳаси чорвачилик, агрофирманинг кичик шаклларини ривожлантириш ва саноатдаги демографик инқирозни бартараф этишга қаратилган. Бу 2020 йилгача муддатга узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тушунчаси, 2025 йилгача муддатга қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш тушунчаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тартибга солишдир.

Замонавий дорихона, жумладан, фармакогнозиянинг долзарб вазифаларидан бири-импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш ва жорий этиш, шунингдек, доривор ўсимликлар ва доривор ўсимлик хом ашёсидан далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мувофиқ фойдаланишнинг оқилона йўлларини излашдир. Шу нуқтаи

[1]Манба: муаллиф томонидан тузилган

назардан, 2025 сўнгги 15-20 йил давомида фармакогнозия соҳасида бўлгани каби, объектив шароитлар бор қадар давр учун аҳолини дори билан таъминлаш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш доривор ўсимликлар кимёвий таркибини ўрганиш жиҳатидан бир сифат ўзгаришидир.

Замонавий шароитда доривор ўсимлик хом ашёси ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш доимий равишда янги технологияларни пайдо қилиш ва жорий этиш, ишлаб чиқариш иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни яхшилаш, агросаноат мажмуаси тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсатини шакллантиришни талаб этади.

Шундай қилиб, истеъмол бозорининг ўсиб бораётган талабини ва доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар бозорини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳанинг ривожланиши туфайли бир қатор ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мумкин, масалан, ишсизлик даражасини камайтириш, бу эса фуқароларнинг даромад олишини таъминлайди ва корхоналар фойда олади.

Доривор ўсимлик ресурсларини стратегик деб белгилаш, фито ва тиббий маҳсулотларни мустақил ишлаб чиқариш учун асос бўлиб, ёввойи доривор ўсимлик хом ашёсини истеъмол қилиш қобилиятига эга эканлигини тушуниш керак, шунинг учун бу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш учун асос, уни йиғиш билан бирга, етиштирилган доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқариш керак. Ушбу ёндашув ҳудудни ривожлантириш нуқтаи назаридан янада самаралидир, чунки у барқарор ривожланиш учун шарт-шароитларни амалга оширишни таъминлайди, шунингдек доривор ўсимлик хом ашёсини ишлаб чиқаришда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Бунда эса қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- доривор ўсимликлар ўсиши учун қулай ҳудудларда махсус плантациялар ташкил этиш, шу жумладан етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш орқали ва табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;
- доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини ривожлантириш жараёнларига хорижий сармояларни, чет эллик мутахассислар ҳамда маслаҳатчиларни фаол жалб этиш, ушбу соҳада илғор технологияларни жорий этиш;
- мазкур соҳа учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, шунингдек, хорижда уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш.
- плантацияларни ташкил этиш, доривор ўсимликларни саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юқори қўшилган қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;
- доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш;
- доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш.

Хулоса ва такифлар. Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш тизимида иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари тадқиқ қилиниб, бир қанча хулосаларга келинди ва илмий-назарий, амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида доривор ўсимлик-

лар хом ашёсини етиштириш, сотиш ва уни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш бўйича таҳлиллар ўтказилди.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлашда бир нечтасининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тадқиқот жараёнида аниқланди. Шулардан мойчечакни 25-35 минг сўмга сотиш мумкинлиги, дорихоналарда кичик 2 граммлик пакетчаларда қадоқланиб, ўн донаси жойлаштирилган картон қути идишдаги сотилиш баҳоси 5-6 минг сўмдир. Бундай пакетларда қадоқланган 1 килограмм мойчечакнинг нархи 250-300 минг сўмни ташкил этмоқда. Бундан ташқари 1 гектар ерда валерияна илдизи етиштириш учун 11 млн.сўм харажат қилиб, 50 млн. сўм даромад олиш мумкин. Тожик каврагидан 45 млн. сўм харажат қилиб, 63 млн. сўм даромад топилади. Наъматакдан эса 21,1 млн. сўм харажат қилиб, 48 млн. сўм соф фойда олинади. Шу тариқа, иттиканак-чередадан 40 млн. сўм, қалампир ялпизидан 25,5 млн. сўм, пол-поладан 38,3 млн. сўм, қизилмиядан 33,2 млн. сўм фойда кўриш мумкинлиги таҳлил қилинди.

3. Тадқиқот жараёнида доривор ўсимлик ресурсларини стратегик деб белгилаш, фито ва тиббий маҳсулотларни мустақил ишлаб чиқиш, ёввойи доривор ўсимлик хом ашёсини истеъмол қилиш шу асосида ушбу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат сиёсатининг стратегик мақсадлари аниқланди.

4. Доривор ўсимликларни етиштиришни ва қайта ишлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими бу- ўрмон, фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва сотиш шахобчалари тизими барқарор фаолият кўрсатишлари, мавжуд имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Бу тизим деҳқон ва фермерлар, қайта ишлаш корхоналари ҳамда истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаши лозимлиги асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670- сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 505-сон Қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.
3. Саттаров Ж.С. Биоразнообразие и ресурсы дикорастущих лекарственных растений в некоторых районах Центрального Таджикистана- (диссертация “доктор наук”) 2020 г.
4. Почупайло О.Е. Государственная поддержка предпринимательской деятельности в сфере производства лекарственного растительного сырья (на примере Республики Крым)-(автореферат)-“Симферополь” 2019 г.
5. Ergashev R.X. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. Darslik.Toshkent-«EXTREMUMPRESS»2011. –412 bet (27).
6. Зокиров О. «Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti» Darslik.Toshkent -“ILMZIYO”2017.262-bet.
7. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш (Дарслик).– Т.: Истиқлол.–2004.–320 б.(94-б).

Р.Эргашев, Н.Ходжакулова

Пути повышения эффективности внутренних ресурсов при выращивании и переработке лекарственных растений

Аннотация: в статье классифицированы основные факторы, влияющие на выращивание лекарственных растений и его эффективность, разработаны предложения по совершенствованию механизма государственной поддержки отрасли при разработке региональных программ развития лекарственных растений.

Ключевые слова: лекарственные растения, переработка, лекарственное растительное сырье, экономическая база, импорт, экспорт, эффективность, механизм, ресурсы.

R.Ergashev, N.Khojakulova

Ways to increase the efficiency of internal resources in the cultivation and processing of medicinal plants

Abstract: the main factors influencing the cultivation of medicinal plants and its effectiveness are classified, and suggestions for improving the mechanism of state support for the sector in the development of regional programs for the development of medicinal plants are developed in this article.

Keywords: medicinal plants, processing, medicinal plant raw materials, economic base, import, export, efficiency, mechanism, resources.

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарқанд вилояти ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада озиқ-овқат хавфсизлигига барҳам бериш – дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бирига айланганлиги аниқ маълумотлар асосида келтирилган. Масаланинг назарий томони тадқиқ қилиниб, озиқ-овқат хавфсизлигининг таърифи ҳам ишлаб чиқилди. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган омиллар ва уларнинг изоҳи ҳам келтирилди.
Калит сўзлар: озиқ-овқат, озиқ-овқат хавфсизлиги, глобал муаммо, хавфсизликни таъминловчи омиллар, маҳсулотларни сақлаш, ташиш.

Кириш. Дунё аҳолиси ҳар йили 80 миллиондан зиёдга кўпаймоқда. “натижада 2050 йилга келиб, сайёрамиз аҳолиси 10 миллиард кишига яқинлашиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида 1 миллиардга яқин киши тўйиб овқатланиш имкониятидан маҳрум”[1]. Боз устига бутун дунёда, хусусан, мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги кундан кунга жиддийлашиб бормоқда. Шу туфайли ушбу масала бутун дунё миқёсидаги муаммога айланиш билан бирга, унинг олдини олиш чоралари ҳам ҳамма давлатларга дахлдор масалалар сирасига кирадиган бўлди. Мамлакатимизнинг ички бозорига 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинмоқда[2]. Ушбу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариб, кўпайтириш бўйича лойиҳа пакетларини тақдимот қилиб, ҳукумат қарорини чиқариб, имкон қадар хорижга тобе бўлиб қолмаслик чораларини кўриш масаласи ҳам кун тартибида турибди. Ушбу масалага 2022 йилнинг 16 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТнинг мажлисида ҳам катта аҳамият берилди.

Маълумки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлат раҳбарлари ўртасида ушбу кенгашда олдин тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Сўнгра мажлис кенгайтирилган тартибда давом этди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенгашнинг раислигини олиб бориш билан бирга, нутқ ҳам сўзлади. Президентимиз ШҲТ давлатлари раҳбарлари ва иштирок-чилари эътиборини дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжуд-лигига ва унинг вақт ўтиши билан кескинлашиб боришига қаратди. Ушбу хавф ШҲТ майдонида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилари борлигига қарамасдан бартараф этилмаганлигига алоҳида эътибор қаратди. Чунки, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича мамлакатларимиз ўртасида ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаганлигини ҳам қайд қилиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ШҲТ саммитида “Давлатларимиз салоҳияти ички бозорларни бошоқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, биз ушбу муаммони глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшишимиз керак”[3], деган таклифни айтди. Кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бугунги кунда глобал давлатлараро муаммолардан бирига айланган. Шу туфайли ушбу муаммони тадқиқ қилиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бирига айланган.

Тадқиқот методологияси. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мантиқий таҳлил, индукция ва дедукция, макон ва замон, иқтисодий таҳлил ва синтез каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилган. Бунда асосан глобал амалий таҳлил маълумотларини қўллаган ҳолда, мамлакатимиздаги аҳвол билан қиёсланган.

Таҳлил ва натижалар. Ушбу масалани тўғри англаш учун энг аввало, озиқ-овқат

[1] Олтиной Мамирова. Хавф ҳақидаги хавотирлар нега ортмоқда. // “Халқ сўзи” газетаси.2022 йил 10 сентябрь. 197-сон. – 2 бет.
[2] https://t.me/SamTvr
[3] https://t.me/joinchat/AAAAADwt0NGCRoONT4f1_Q

хавфсизлиги нима деган саволга жавоб топиш мақсадга мувофиқ. Мазкур саволга БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” томонидан ишлаб чиқилган ушбу тушунчани асос қилиб олиш мумкин. Бунда эътироф этилишича, “озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, бу барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқавий маҳсулотлар билан таъминланишни англатади. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик меъёрлар бўйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши шарт”[1], дейилган. Ушбу тушунча озиқ-овқат хавфсизлигининг таърифини ишлаб чиқишга асос бўлади. Бунга асосан биз қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик: “**Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда, ушбу маҳсулотларнинг шахсни физиологик меъёрлар бўйича қониқтириши, унинг хоҳиш-истагига мос равишда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда бўлиши, уларнинг молиявий имкониятларига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши учун хавфсиз ҳолатда истеъмолга яроқли бўлиши тушунилади**”. Ушбу таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин.

Биринчидан, озиқ-овқатни одамлар истеъмол қилади. У яшашнинг асосий омилларидан бири. Шу туфайли унинг хавфсизлиги бевосита шахснинг физиологик меъёрлари бўйича қониқтира оладиган даражада бўлиши лозим.

Иккинчидан, ушбу маҳсулотлар одамларнинг хоҳиш-истагига хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир ойда 15 кг. нон ейдиган бўлса, у бошланиш 15 кунида бўлмасдан, қолган 15 кунида кўп бўлиши муаммони келтириб чиқаради. Бу маҳсулот ҳар куни етарли даражада бўлиши керак.

Учинчидан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш учун одамларнинг молиявий имкониятлари ҳам етарли бўлиши керак. Маҳсулот кўп бўлсаю, одамларда уни харид қилиш учун молиявий имконияти етарли бўлмаса, албатта у зарур миқдорда тегишли вақтда истеъмол қилиш имкониятига эга бўлмайди. Демак, бундан ҳам кўриниб турибдики, маҳсулотнинг борлиги, унинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланди, дегани эмас экан.

Тўртинчидан, етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳудудлардан етказиб келиш, бу ҳали озиқ-овқат хавфсизлиги тўлиқ таъминланди, дегани эмас экан. Чунки ҳар бир инсон ўз эҳтиёжига мос ҳолда етарли даражада маҳсулот сотиб олиш имкониятига ҳам эга бўлсагина, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланган ҳисобланади. Бунинг учун одамларимизнинг даромадлари шунга етарли бўлишлигини таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, ҳар бир инсон тегишли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилгач, бу маҳсулот унга мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши учун етарли бўлиши ҳам лозим. Чунки қорин тўқ бўлиб, тегишли витаминлар ва микроэлементлар етарли бўлмаса, бу нисбий қашшоқлик бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари инсоннинг организмига етарли бўлган барча витаминлар ва микроэлементлар билан таъминлайдиган бўлиши керак экан. Шундагина озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги таъминланган бўлади.

Олтинчидан, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсиз ҳолатда истеъмолга яроқли бўлиши ҳам лозим. Ушбу маҳсулотлар ҳажми жиҳатидан кўп бўлиши мумкин, аммо унинг вақти ўтган ёки сақланишида ташқи омиллар таъсирида бузилган бўлиб, инсон саломатлигига зарар етказмайдиган бўлса ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги таъминланди, деб бўлмайди.

Ушбу таърифнинг талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун бир қанча омилларни инобатга олиш лозим бўлар экан. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

[1] https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima

1-жадвал

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган омиллар ва уларнинг изоҳи[1]

Т/р	**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган омиллар**	**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлайдиган омилларнинг изоҳи**
1.	Озиқ-овқат маҳсулотла-рининг истеъмолчиларга етарлилиги	Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолчиларга етарлили бўлмаса, иштаҳаси, маблағи бўла туриб, уни истеъмол қилишдан маҳрум бўлади.
2.	Одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш қобилиятининг етарлилиги	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш қобилиятининг етарлилиги ҳам муҳим омиллардан биридир. Одамларда харид қилишга маблағи етарли бўлмаса, маҳсулотларнинг борлиги масаланинг тўлиқ ечими бўла олмайди.
3.	Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари мавжуд бўлгани билан улар истеъмолга яроқли бўлмаса ҳам хавфсизликдан қутилиш қийин. Шу туфайли бу ерда ҳам озиқ-овқат маҳсу-лотларининг сифати масаласи муҳим аҳамиятга эга.
4.	Озиқ-овқат маҳсулотларининг мавсумий омилларни инобатга олган ҳолда захира қилиниши	Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминлаб туришлари лозим. Улар бирорта мавсумда етиштирилади. Аммо истеъмол доимий бўлиши керак. Шу туфайли буларнинг мавсумий омилларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш масалаларини йўлга қўйилган бўлиши ва шу ҳолда захира қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ.
5.	Мамлакат озиқ-овқат мустақиллигининг таъминланиши	Ҳар бир мамлакат ўзининг озиқ-овқат мустақиллигининг таъминланиши учун етарли миқдорда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган бўлиши лозим. Аммо барча маҳсулотлар шу ҳудудда бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли уларни ўз вақтида тегишли ҳажмда ташиб келиш масалаларини ҳам ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.
6.	Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг доимий равишда аҳолининг ўсишига мос равишда ўсиб бориши	Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда муҳим омиллардан бири унинг аҳоли ўсишига мослигидир. Шу туфайли унинг ўсишини доимий равишда аҳолининг ўсишига мос ҳолда ўсиб боришини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Аммо бу жуда кўп омилларга, айниқса соҳага ҳозирги пайтда инновацион омилларни жорий қилиш билан боғлиқлигини инобатга олиш лозим.
7.	Озиқ овқат хавфсизлигига илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда эришиш имкониятлари	Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда кўп қаватли гидропоника усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали сабзавот ва бошқа маҳсулотларни етиштириш, 80-90 литр сут берадиган Голландия сигирларини олиб келиб, ўзимида урчитиш, АҚШнинг 3-5 тонна гўшт берадиган буқаларини олиб келиш, Полшадан пакана серҳосил дарахтларни янада кўпайтиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Эътироф этиш керакки, аҳолининг кўпайиши, қурғоқчиликнинг кенгайиши туфайли чорва моллари учун яйловлар ҳам қисқариб бормоқда. Бу ҳолат озиқ-овқат, айниқса, гўшт маҳсулотининг танқислигини келтириб чиқармоқда. Бу борада Голландиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай шароитда гўшт ўрнига турли хилдаги

[1] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳашаротларни ейиш оддий ҳолатга айланади. Бундан бир неча йил илгари “Вагенинген университети профессори Марсель Дикке дунёнинг турфа мамлакатларида инсонлар минглаб ҳашаротлар турини истеъмол қилишини таъкидлаб, 2020 йилга бориб турли ҳашаротлардан тайёрланган таомлар Ғарб ошхонасининг бир қисмига айланиши муқаррарлигини”[1] билдириб ўтган эди. Ҳақиқатда бу ҳолат рўй берди. Аммо бу ҳам инсониятнинг экологияга етказган зарарларидан бири сифатида намоён бўлади. Бунинг оқибатида экологик мувозанат ҳам бузилиши мумкин.

Тан олиш керакки, охирги пайтларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўпгина давлатларда, хусусан ўзимизда ҳам қимматлашиб бормоқда. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилмоқда:

1. Аҳолининг даромадлари ошмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ҳам ошмоқда. Мос равишда, унинг харид қилиш нархи ҳам ошиб бормоқда.

2. Глобал масштабда рўй бераётган иқлим ўзгариши оқибатида қурғоқчилик кўпайиб бормоқда. Бу озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Маълумки қайси маҳсулот талабга нисбатан кам бўлса, ўз-ўзидан нархи ошиб боради.

3. Аҳолининг ўсиши эвазига ҳосилдор ерларнинг майдони ҳам қисқариб бормоқда. Чунки кўп ҳосилдор жойлар аҳолига уй-жой қуришга ажратиб бериллмоқда. Бу ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни камайтириш билан бирга етиштириш хизматларини қимматлаштирмоқда.

4. Дунёнинг айрим ҳудудларида, жумладан мамлакатимизда ҳам, сув танқислиги рўй бермоқда. Бизда сув ресурсларининг кўпайишини аҳоли кўпайишига нисбатан қиёслаб бўлмайди, чунки сув ресурслари, шу жумладан тоза ичимлик суви ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда.

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларининг ҳам нархлари қимматашиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда 2021 йил сентябрдаги ҳолатига нисбатан “минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларининг нархлари ҳам 2 баробарга ошган”[2]. Бундай ҳолатлар ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Ушбу омиллар нафақат мамлакатимизда, балки барча мамлакатларда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошиб боришига асосий сабаблардан бирига айланмоқда. Натижада “дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга кўтарилган”[3].

Шу муносабат билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқишнинг объектив зарурияти пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари ШҲТга аъзо давлат раҳбарлари кенгашида бутун жамоатчилик диққатини қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларини ишлаб чиқишга қаратди. Шунингдек, давлатлар ўртасида тўғридан тўғри ўзаро таъминот тизимини мувофиқлаштириш масаласига ҳам эътиборни қаратди. Бунда асосан юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Самарқандда 2022 йил 16 сентябрда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашида жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар, ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Ушбу САММИТда бир қанча ҳужжатлар билан бирга “глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги[4] ҳужжат ҳам имзоланди. Кўриниб турибдики мазкур масала халқаро аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир.

[1] https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima.
[2] Олтиной Мамирова. Хавф ҳақидаги хавотирлар нега ортмоқда. // “Халқ сўзи” газетаси.2022 йил 10 сентябрь. 197-сон. – 2 бет.
[3] Ўша жойда, 2-бет.
[4] ЎзА. Салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. // “Инсон ва қонун” газетаси. 2022 йил 20 сентябрь. 36-сон. – 1-бет.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш омилларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда давлатлараро логистика тизимини йўлга қўйиш, "яшил" ва экспресс-йўлакларни ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экан. Ушбу масала бўйича яна бир муҳим эътиборли жиҳат шу бўлдики, келгуси йилда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш лозимлиги ҳам асосланди. Ушбу таклифлар бугунги кунда, ҳаётий эҳтиёжга айланган масалалардан эканлиги эътироф этилди ва бу масалани кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳам таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда, “ер юзасининг умумий сатҳи 510,2 миллион км^{2}га тенг бўлиб, шундан 70 фоизидан ортиқроғи сувликлардан, қарийб 30 фоизи қуриқликдан иборат. Экин экиладиган, бошқачароқ қилиб айтганда, ҳосил олинадиган майдон эса 11 фоизни, яйловлар ва ўтлоқлар 23 фоизни, ўрмон ва бутазорлар 31 фоизни, одамлар яшайдиган ҳудуд 2 фоизни ташкил қилади”[1]. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, ернинг имконияти инсониятни боқиши учун етарли. Аммо тизимли равишда табиатга етказилиб келинаётган зарар, дунё миқёсида экологик вазиятни ўзгартириш билан бирга ер фонди тузилмасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида фойдаланиш мумкин бўлган ҳудудлар ҳажми камайиб, яроқсиз бўлиб бораётган майдонлар ҳажми ортиб бормоқда.

Жаҳон экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, “шу кунгача ер юзидаги 900 миллион гектар серҳосил майдон чўлга айланиб, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолди. Ваҳоланки, кейинги 50 йил давомида аҳоли сони уч бараварга ортиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб қарийб 5 бараварга кўпайган”[2]. Ушбу жараён келажакда ҳам давом этади. Демак озиқ-овқат хавфсизлиги фақат маълум вақт давомида эмас, балки бутун инсоният тарихида эътиборни талаб қиладиган ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири сифатида яшайди. Чунки, БМТнинг ҳисоб-китобига кўра, дунё аҳолиси йилдан йилга кўпайиб боради, аммо шу даражада озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имкониятлари етарли бўлмайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш омилларига қуйидагилар киради. Хусусан, давлатлараро логистика тизимини йўлга қўйиш, "яшил" ва экспресс-йўлакларни ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор қаратишга чақирди. Яна бир муҳим эътиборли жиҳат шу бўлдики, келгуси йилда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш лозимлиги ҳам асосланди. Ушбу таклифлар бугунги кунда, ҳаётий эҳтиёжга айланган масалалардан эканлиги эътироф этилди ва бу масалани кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳам таъкидланди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, аҳоли даромадларининг асосий қисми айнан шу озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга сарфланади ва мос равишда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Буни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

Биринчидан, тадқиқотлар кўрсатдики, мамлакатда етарли миқдорда юқори сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва аҳолининг тўлиқ рациондаги маҳсулотларни сотиб олиш имкониятига эгалиги бу озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланганлигини кўрсатар экан. Буларни инобатга олиб, озиқ-овқат хавфсизлигининг таърифи ишлаб чиқилди ва у илмий-назарий жиҳатдан исботланди.

Иккинчидан, мамлакатимизда ва халқаро миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган еттита омиллар ажратиб олинди ва уларнинг қисқача изоҳи ҳам берилди. Бу омилларнинг аксарият қисми глобал экологик ва иқтисодий-ижтимоий омиллар билан ифодаланишига ҳам ойдинлик киритилди.

[1] https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima
[2] https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima

Учинчидан, охирги пайтларда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўпгина давлатларда, хусусан ўзимизда ҳам қимматлашиб бораётганлиги сабаблари ҳам бешта бандда кўрсатиб берилди. Бундай таъсир қилувчи омилларнинг бир қисми ҳам объектив равишда содир бўлиши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Тўртинчидан, жорий йилда қўшимча ажратилаётган экин майдонларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиб, озиқ-овқат маҳсулотлари экиладиган майдонларни кенгайтириб, ташқаридан келтириладиган озиқ-овқатлари импортни кескин қисқартириш лозим бўлмоқда. Чунки ҳозирги таҳликали замонда ўз аҳолимизни ўзимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашимиз лозим бўлади.

Бешинчидан, бугунги кунда республика бўйича ҳар йили 300 минг тонна картошка, 6 минг тонна дуккакли, 11 минг тонна мойли экинлар уруғини тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги белгиланди. Булардан ташқари, ҳар бир вилоятда камида биттадан интенсив сабзавот кўчатчилик хўжаликларини ишга тушириш ҳам мутасаддиларга топширилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, келажакда ҳам ўзимизни ўзимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаб экспорт қилиш салоҳиятига эга бўламиз. Ушбу ҳолат мамлакатимизни кундан-кунга ривожлантириши билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини мунтазам равишда такомиллаштириб бораверамиз.

Умумий тарзда хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада кўтарилган масалаларнинг амалиётда ўз аксини топиши мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилади. Зеро озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган омилларнинг аниқ манзилларининг кўрсатилиши, соҳани ривожлантиришда тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Томорқа хўжалиги тўғрисида”. // Қонунчилик Палатаси томонидан 2020 йил 26 декабрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” Қонунчилик Палатаси томонидан 2021 йил 13 январда қабул қилинган, Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-Сонли Фармони.
4. Олтиной Мамирова. Хавф ҳақидаги хавотирлар нега ортмоқда. // “Халқ сўзи” газетаси.2022 йил 10 сентябрь. 197-сон. – 2 бет.
5. ЎзА. Салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. // “Инсон ва қонун” газетаси. 2022 йил 20 сентябрь. 36-сон. – 1-бет.
6. https://t.me/joinchat/AAAAADwt0NGCRoONT4f1_Q
7. https://yogmoy.uz/uz/post/view?slug=ozik-ovkat-havfsizligi-nima
8. https://t.me/SamTvr.

Ф.Абилов

Возможности обеспечения продовольственной безопасности

Аннотация: в статье приводятся доказательства того, что отсутствие продовольственной безопасности стало одной из глобальных проблем. Исследован теоретический вопрос проблемы и разработано определение продовольственной безопасности. Также представлены факторы, обеспечивающие продовольственную безопасность и их объяснение.

Ключевые слова: продукты питания, продовольственная безопасность, глобальная проблема, факторы безопасности, хранение продуктов, транспортировка.

Ф.Абилов

Opportunities for ensuring food security

Abstract: the article provides evidence that food insecurity has become one of the global problems. The theoretical question of the problem is investigated and the definition of food security is developed. The factors that ensure food security and their explanation are also presented.

Keywords: food, food security, global problem, safety factors, food storage, transportation.

Мухриддин Мўйдинжон ўғли Турғунов – ФарПИ таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва бу саноатни ривожлантириш, унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, кучли рақобат шароитида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама ривожлантириш мақсад қилиб белгиланган. Тадқиқот ишида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари назарий ва амалий маълумотлар асосида ўрганилган ҳамда мамлакатимиз озиқ-овқат саноат корхоналарини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Саноат, озиқ-овқат саноати, бошқарув, бошқарув механизми, экспорт, импорт, бошқарув структураси, ихтисослашув, инсон омили, меҳнат тақсимоти.

Кириш. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни ва натижада аҳолимиз хаёт тарзи яхшиланиб бораётганлигини эътироф этиш зарур. Одилона олиб борилаётган иқтисодий сиёсат эса кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида саноат тармоқларини ривожлантириш учун замин яратилмоқда. Ҳусусан, озиқ-овқат саноати ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида чинакам ривожланиш босқичига олиб келинди. Ушбу тармоқ бугунги кунда юқори технологияли саноатга айланди. Бунинг натижасида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йилдан-йилга ортиб, аҳолимизнинг озиқ-овқат манбаи таъминланмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Озиқ-овқат саноати фаолиятини хорижий тадқиқотчи олимлардан Х.Битнер, Д.Манн, Р.Сфаим, В.Ж.Стевенсон, А.А.Томпсон, Ф.Вебстер ва бошқалар саноат соҳасини, жумладан озиқ-овқат саноати фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга ҳамда соҳа фаолиятини вертикал ва горизонтал кластерли ёндашув асосида ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борган[1,2]. Республикамиздаги озиқ-овқат саноати фаолияти ривожланиши ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўналишида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар доирасида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқариш бўйича маҳаллий олимлардан Б.Беркинов, И.Бобоев, У.Ғафуров, О.Исмаилов, Н.Сотволдиев О.Ш.Исмаилов ва И.Ю.Умаровнинг тадқиқотларида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ҳамда ушбу корхоналарда иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқ қилинган[3,4]. Ҳудудларда озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий иқтисодий салоҳияти амалий жиҳатдан баҳоланган.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган илмий-тадқиқотларда озиқ-овқат саноат корхоналарига тааллуқли бўлган илмий ҳамда статистик ўзгаришлар, озиқ-овқат саноатининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш талаб этилади. Тадқиқот ишида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ушбу саноат тармоғинининг 2021 йил якуни бўйича статистик маълумотлари алоҳида олиб таҳлил қилинганда амалга оширилаётган ислоҳотлар қай даражада ўзининг натижасини бераётгани ва яна олдинда турган вазифалар аниқлашади. Ўтган йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 42 071,6 млн. АҚШ долларга етган бўлса, унинг таркибида импорт 25 461,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Тадқиқотимиз доирасидаги таҳлил эса 2021 йилнинг жами импортининг 11.5 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 1.2 фоизга ошгани масаланинг долзарблилик даражасини белгилаб беради.

Фикримизча, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқаришга илмий ёндошувларни алоҳида баҳолаш, озиқ-овқат саноати корхоналари айнан импорт маҳсулотлари ўрнига импорт ўрнини босувчи ёки маҳаллийлаштириш тизимини янада ривож-

лантириш зарур ҳисобланади. Бу каби корхоналар бошқарув структурасига мос ҳолда яратилган эконометрик моделлардан кенг фойдаланиш ҳам ушбу фаолиятга мавсумийлик омили таъсирини камайтириш ва озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалалари соҳа фаолиятининг ривожланиш даврини тезлаштириб иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ортишига хизмат қилади.

Республикамизда озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётган корхоналар сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикамиз бўйича озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 18 511.6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб 63 161.9 млрд. сўмга етганини кўришимиз мумкин (1-жадвал). Лекин озиқ-овқат саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми умумий саноат маҳсулотлари таркибидаги улуши 2015 йил 19 фоизни ташкил этган бўлса 2021 йилга келиб қарийб 5 фоизга камайиб 14 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин(1-жадвал).

1-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиши[1]

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
Жами саноат маҳсулотлари, млрд.сўм	97 598,2	111 869,4	148 816,0	235 340,7	297 815,5	451 633,9	451 633,9
Жами саноат маҳсулотлари ўсиши, млрд.сўм	108,0	106,0	107,0	114,4	107,0	108,7	108,7
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд.сўм	18 511,6	22 400,5	23 217,7	25 256,0	30 632,7	63 161,9	63 161,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан ўсиши, %	114,4	110,8	95,0	96,3	108,0	106,1	106,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари жами саноат маҳсулот-ларидаги улуши, %	19,0	20,0	15,6	10,7	10,3	14,0	14,0

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2015-2021 йилларда 8 марта ўсган ва йилига ўсиш даражаси 9,74 фоизни ташкил этган (2-жадвал). Озиқ-овқат саноати бугунги кунда бир қанча талаблар асосида ривожланиб бормоқда. Хусусан, ушбу саноатда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланмоқда. Дунё аҳолисининг ва мамлакатимиз истеъмолчиларининг яшаш тарзи ҳамда уларнинг талаби хавфсиз ва табиий шароитда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларига билдирилмоқда[5].

2-жадвал

Ўзбекистонда озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожланиш динамикаси[2]

Кўрсаткичлар	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, млрд.сўм	42085,5	48 253,8	59 690,4	83 512,6	101 417,5	129 348,6	152 042,8
Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, минг. сўм	1344,6	1515,1	1842,9	2534	3 028,3	3 778,6	4 354,6
Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ўсиши, %	109,7	106,0	106,7	114,7	115,6	105,7	113,5
Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд.сўм	18154,6	21 970,3	23 305,7	24 053,2	29 687,3	44 014,1	55 327,3
Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда озиқ-	43,1	45,5	39,0	28,8	29,3	34,0	36,4

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.
[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган.

овқат маҳсулотлари улуши, %							
Аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, минг.сўм	580,0	689,8	719,6	729,8	886,5	1 285,8	1 584,6
Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ўсиши, %	112,0	94,8	92,9	116,9	109,8	107,2	116,9

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларида келтирилган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 2015 йил 42 085,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу йўналишдаги ўсиш 3 баробарни ташкил этиб, 152 042,8 млрд. сўмга етганини кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш эса 580,0 минг сўмдан 2021 йилнинг мос даврига келиб 1 584,6 минг сўмни ташкил қилган. Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш кўрсаткичи ҳам таҳлил қилинаётган 7 йиллик кўрсаткичлар оралиғида 4,9 фоизга ортганини кўришимиз мумкин[5].

3-жадвал маълумотларида эса Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ва уларнинг 14 йил оралиғидаги рўйхатдан ўтган корхоналар сони, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, тугатилган корхоналар сони, фаоллик индекси ва банкротлик индекслари келтирилган. Рўйхатдан ўтган корхоналар сони 2009 йилда атига 5 597 донани ташкил қилган бўлса, 2021 йилгача давлат сиёсати ва қўллаб-қувватлашининг натижасида 23 712 донани ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Бу эса салкам 5 баробарга ортганини кўрсатмоқда. Аксинча, тугатилган корхоналар сони 2009 йилда 773 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 364 тани ташкил қилганини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони[1]

Йиллар	Корхоналар сони	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	Тугатилган корхоналар	Фаоллик индекси	Банкротлик индекси
2009	5597	4281	773	0,765	0,18
2010	6826	5066	771	0,742	0,15
2011	6867	5659	732	0,824	0,13
2012	7594	6574	692	0,866	0,11
2013	7924	6893	716	0,870	0,10
2014	8723	7805	786	0,895	0,10
2015	9113	8109	776	0,890	0,10
2016	9560	8873	990	0,928	0,11
2017	10007	9405	1099	0,940	0,12
2018	11589	11046	916	0,953	0,08
2019	13545	12912	733	0,953	0,03
2020	16801	15869	642	0,945	0,04
2021	23712	22154	364	0,954	0,03

Ушбу жадвал кўрсаткичлари озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиб бораётганидан далолат бериб мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаётганидан далолат бермоқда. Албатта, охирги даврда, айниқса пандемия ва дунёдаги озиқ-овқат етишмаслик муаммоларини бартараф этиш борасида республика ҳукумати томонидан ўринли чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳукумат бошқарув органининг оператив ишлаётганидан далолат беради.

Шундан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат саноат корхоналарини янада ривожлантиришда уларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш зарурати туғилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда озиқ-овқат саноат корхоналари фаолияти-

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланган.

ни ҳам илғор рақамли технологиялар билан таъминлаш ҳам нарх даражаси мувозанати барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг тўлов қобилияти пасайиб боришини олдини олиш учун қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- Озиқ-овқат саноат корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун рақамлаштириш каби янги инновациялар ва олдиндан белгиланган алгоритмларни қўллаш орқали унумдорлик ва аниқликда сезиларли ўсишга эришиш мумкин. Бунинг учун мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, унда рақамли технологиялардан фойдаланишни ошириш учун кундан кунга ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий муҳит яхшиланиб бормоқда.
- Озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлганлигини, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришини ҳисобга олиб, мазкур соҳадаги тадбикорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш учун соғлом рақобат муҳитини яратиш зарур ҳисобланади.
- Озиқ-овқат саноати корхоналарининг хом ашё манбаи бўлган қишлоқ хўжалигида саноат ишлаб чиқаришнинг кичик саноат корхоналарига давлат кўмагини бериш ҳамда уларга қўшимча имтиёзлар яратиш ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарни ишлаб чиқариш салоҳияти, билими ҳамда малакасини ошириш тизимини янгилаш ва такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.
- Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун 2021 йилда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида”ги каби қонунлар орқали солиқ имтиёзларини қўллаш ҳам ижобий самара беради.

Ҳар қандай тизимнинг ривожлантириш унинг сифатли бошқарилиши энг муҳим шарт ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг барқарорлиги ошириш учун унда маълум бир алгоритм билан ишлайдиган тизимнинг ўрнатилиши мақсадга эришишни таъминлаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Desai, M., Gompers, P., and Lerner, J. (2003) Institutions, Capital Constraints, and Entrepreneurial Firm Dynamics: Evidence from Europe, Harvard HOM Research Paper, 59.
2. Kolsa R.P., Yula J.N. “Food marketing”, USA, 2007. – p. 44.
3. Кудряшова А.А., Пресняковалар О.П. Продовольственной безопасность: показатели, критерии, категории и масштабы. // Ж. Пищевая промышленность. – М.: 2007. № 8. С. 18-21.
4. Умаров И.Ю. Ўзбекистон республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти. DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a25.
5. Муаллиф ҳисоб-китоблари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

М.Тургунов

Вопросы развития предприятий пищевой промышленности в Узбекистане

Аннотация: Данная статья ставит своей целью анализ деятельности предприятий пищевой промышленности страны на основе статистических данных и изучение факторов, влияющих на развитие этой отрасли, комплексное развитие предприятий пищевой промышленности в условиях жесткой конкуренции. В исследовательской работе на основе теоретической и практической информации были изучены особенности эффективного управления деятельностью предприятий пищевой промышленности, а также даны рекомендации по повышению эффективности предприятий пищевой промышленности в нашей стране.

Ключевые слова: Промышленность, пищевая промышленность, управление, механизм управления, экспорт, импорт, структура управления, специа-лизация, человеческий фактор, разделение труда.

M.Turgunov

Issues of development of food industry enterprises in Uzbekistan

Abstract: This article aims to analyze the activities of food industry enterprises of our country on the basis of statistical data and study the factors affecting this industry, comprehensively develop food production enterprises in conditions of strong competition. In the research work, the specifics of effective management of the activities of food industry enterprises were studied on the basis of theoretical and practical information, and recommendations were made to increase the efficiency of food industry enterprises in our country.

Keywords: Industry, food industry, management, management mechanism, export, import, management structure, specialization, human factor, division of labor.

Отаёр Бахтиёр ўғли Муродов – СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси 2-курс MQB-121-гуруҳ магистранти

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш орқали маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётнинг глобаллашуви истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматлар, менежмент усулларига бўлган талабларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис саноатнинг етакчи тармоқларини, яъни енгил саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: стандарт, сертификатлаштириш, тармоқ, корхона, халқаро стандарт, мутахассис, истеъмол бозори, саноат тармоқлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Кириш. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматлар, менежмент усулларига бўлган талабларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис саноатнинг етакчи тармоқларини, яъни енгил саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларининг кескин ўсиб бориши, шунингдек жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган, бир шароитда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидланганидек: “Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак....

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.”[1]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ишлаб чиқаришда сифат масаласи ишлаб чиқариш бошлангандан буён бирга олиб борилган. Аммо уни тадқиқ қилишга асосан XX асрда аҳамият берила бошланди. Бу борада МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимлари анча тадқиқотларни олиб борганлар. Булар жумласига М.М.Канс, Б.В.Иванов, В.Н.Корешкова, А.Г.Схирталадзе[2], К.Исикава[3], О.П.Гудкин[4], Б.И.Герасимов, Н.В.Злобина, С.П.Спридонова[5], Л.Е.Басовский, В.Б.Протасов[6], Е.А.Гарбашко[7], И.И.Мазур,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

[2] Канс М.М., Иванов Б.В.,.Корешкова В.Н., Схирталадзе А.Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2009. – 560 с.

[3] Исикава К. Японские методы управления качеством: сокр. Пер. с англ./ нау. ред. А.В.Гличев. – М.: Экономика, 1998.

[4] Гуткин О.П. Всеобщее управления качеством: Учебник для вузов.-М.: Радио и связ, 1999.

[5] Герасимов Б.И., Злобина Н.В., Спридонова С.П. Управления качеством: Учебное пособие. – М.:Кнорус, 2005.

[6] Басовский Л.Е., Протасов В.Б. Управления качеством: Учебник. – М.: ИНФРА –М, 2002. – 212 с.

[7] Гарбашко Е.А. Управления качеством: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с.

В.Д.Шапиро[1], О.В.Аристов[2] кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз олимлари ҳам ушбу муаммодан четда қолган эмаслар. Булар жумласига И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев[3] М.Қ.Пардаев[3] кабиларни киритиш мумкин. Буларнинг асарларида хизмат кўрсатиш соҳасида, айнан савдо соҳасида хизмат сифатини ошириш муаммолари билан шуғулланганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик бўлганда иқтисодий-математик ва статистик усуллардан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда республикамизда бир қанча корхоналарда ISO 9001 стандартига мувофиқ сертификатлаштирилган. Бироқ, тармоқ ва корхоналарнинг халқаро стандартларни жорий этишга бўлган манфаатдорлигининг сустлиги, мазкур йўналишда етук менежер ва мутахассисларнинг етишмаслиги кўплаб корхоналар томонидан халқаро стандартларни жорий этишда қатор муаммоларга дуч келишларига сабаб бўлмоқда.

Истеъмол бозори талабларининг ўзгарувчанлиги шароитида саноат корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун сифати халқаро ва миллий стандартларга мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш шу асосда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш ва маҳсулот экспорт ҳажмини ошириш, технологик жараёнларнинг хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш орқали хавфсиз меҳнат шароитини яратиш лозим.

Саноат корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган стратегик мақсадларга эришиш учун корхоналарда сифатни бошқариш тизимининг халқаро стандартлари талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозор ва истеъмолчилар талабларининг ўзгаришига ўз вақтида мослашиш мақсадида мунтазам равишда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини ва сифатини яхшилашга қаратилган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Шу жиҳатдан республикамиз минтақаларида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулотларнинг баҳоси, сифати ва унинг кафолатланиши бўйича талабларнинг қондирилишини ҳамда ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, шакллантириш ва сертификатлаштиришда юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, халқаро стандартлар талаблари асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг халқаро сифат талаблари ва халқаро стандартларга жавоб бериши бу корхоналарнинг жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллашида муҳим рол ўйнайди. Корхоналарда сифат бошқаруви тизмини жорий этиш ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматнинг сифати учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда дунёда сифатни бошқаришнинг турли тизимларидан фойдаланилмоқда. Лекин бу тизимлар ҳозирда муваффақиятли фаолият юритиш учун илғор халқаро компаниялар томонидан ўзлаштирилган сифатни тизимли бошқаришнинг саккизта асосий тамойилларига асосланиб ташкил этилиши керак. Бу тамойиллар сифатни бошқариш

[1] Мазур И.И., .Шариро В.Д. Управления качеством: Учебник. – М.:Высшая школа, 2007.
[2] Аристов О.В. Управления качеством: Учебное пособие. – М.: ИНФРА –М, 2004.
[3] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей эффективности труда в кооперативной торговле. – М.: Экономика, 1978. – 78 с.

соҳасидаги ИСО 9000 серияли халқаро стандартларни янгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Биринчи тамойил – истеъмолчига эътибор қилган ҳолда иш тутиш. Истеъмолчиларнинг дидидаги ўзгаришларга ташкилий, услубий ва техник жиҳатдан мослашиш стратегиясини ишлаб чиқиш рақобатли бозор шароитида фаолият юритаётган ҳар бир ташкилот ва корхона учун ҳаётий жиҳатдан муҳим.

Иккинчи тамойил – бошқарувнинг ўрни. Бунга кўра, раҳбар сифатни бошқаришнинг барча тамойилларига тизимли ёндашиши, яъни уларни ўзаро уйғунликда, алоқадорликда тасаввур қилиши лозим. Бу эса сифатни бошқариш ишларининг муваффақиятли якунланишига хизмат қиладиган омилларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиши учун зарур шароитларни яратишга асос бўлади.

Учинчи тамойил – ишчиларни жалб қилиш. Бу *TQM*нинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, унга кўра ҳар бир ишчи сифатни бошқариш фаолиятига жалб қилинган бўлиши керак. Уларнинг ҳар бирида яхшиланишга ички эҳтиёж вужудга келгандагина мазкур мақсадга эришиш мумкин.

Тўртинчи тамойил – жараёнли ёндашув ва у билан боғланган бешинчи тамойил – бошқаришга тизимли ёндашув. Бу тамойилларга кўра маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув ўзаро боғланган жараёнларнинг мажмуидир. Ҳар бир жараёнга ўзининг кириш ва чиқиши, “таъминотчилари” ва “истеъмолчилари”га эга бўлган тизим сифатида қаралади.

Ушбу тамойилларга амал қилиш натижасида қарор топтирилган иерархик ташкилий тузилмага таянган ҳолда бошқарувни амалга оширишни кўзлаган ёндашувларда ўзгаришлар ясалади. Ягона жараёнларнинг ташкилий жиҳатдан ажратилган бўлинмалар томонидан амалга оширилиши оқибатида қийинчиликлар ва муаммолар юзага келишини амалиёт кўрсатди. Уларни бартараф қилиш йўлида гуруҳли ёндашув ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ИСО 9001 ва QS – 9000 стандартларида шундай меъёр ўрин олдики, унга кўра таъминотчи янги ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун турли бўлинмалардан мутахассислар гуруҳини шакллантириш вазифаси қўйилди. Бундай гуруҳлар конструкторлар, технологлар, сифат хизмати мутахассислари ҳамда бошқа хизматлар бўйича мутахассисларни ўз ичига олиши зарур деб белгиланди.

Олтинчи тамойил – доимий яхшилаш. Йигирма йил аввал сифат стратегияси оптимал сифат концепциясига асосланган эди. Кейинчалик Япония, сўнгра Америка ва Европа саноати тажрибасидан маълум бўлдики, яхшилашнинг чегараси бўлмайди, сифатни яхшилаш тадбирлари систематик ташкил қилиниши ва уларнинг ўзи бошқарув тизимининг таркибий қисмига, яъни тизимостига айлантирилиши керак.

Еттинчи тамойил – маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш. Бу тамойилни амалга ошириш асосланмаган қарорлар қабул қилишдан воз кечишни тарғиб қилади. Ҳисобот маълумотларини тўплаб, уларни таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш лозим. Шу мақсадда, бизнинг кунимизга келиб назорат ва таҳлил қилишнинг, тартибга солишнинг статистик усуллари ишлаб чиқилган ва кенг тарқалган.

Саккизинчи тамойил – таъминотчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар. Ушбу тамойил нафақат ташқи, балки ички таъминотчиларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Ўзбекистонда сертификатлаш ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий кўринишда мавжуд. Сифат бошқаруви тизими бозорда етакчи ўринни ISO 9001:2008 эгаллайди, тахминан бозорининг 85 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, аксарият компанияларда ISO стандартларини жорий этиш даромад, рентабеллик ва мижозлар базасининг ўсиши каби самарадорлик кўрсаткичларида ижобий натижалар эришилишига сабаб бўлганлиги кузатилди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда сифатсиз маҳсулотлар салмоғини камайтириш, шунингдек, корхоналар экспорт фаолиятини яхшилаш имконини бермоқда, бу эса ўз навбатида рақобатбардошликнинг ошишига хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Жойларда саноат тармоқларини иқтисодий жиҳатдан таҳлил этишда унинг ҳудудий таркибини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки ҳудудларда саноат тармоқларида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг асосий шакллари, яъни концентрация ва комбинатлаштириш ўз ифодасини топади. Қолаверса, айнан тармоқлар тизимида саноат ишлаб чиқаришга доир янги технологияларини жорий қилиш ва ҳозирги замон фан-техника ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш имкониятлари кўпроқ.

Хулоса натижасида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- Маҳсулот сифатини ошириш учун – сифат бошқаруви тизимида маҳсулот сифатидаги нуқсонлар маҳсулот сифат кўрсаткичининг тушиб кетиш коэффициентини аниқлаш ва маҳсулот сифати яхшиланадиган иш жараёнларини олиб бориш тартибларини ишлаб чиқиш имконини берувчи усул ва омилларни қўллаш натижасида маҳсулот сифати мунтазам равишда ошиб бориш;
- Ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли оралиқ маҳсулотлар билан боғлиқ ишлар камайтириш, хом ашё ва материалларга сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтириш;
- Сифат бошқарувининг каттагина қисми турли жараёнлар бўйича тартиб-қоидалар мажмуидан иборат. Бунда раҳбарият ўртасида, тузилмавий ва функционал бўйсунувчи кўп поғоналар ўртасида жавобгарлик доираси тақсимланади ва ўрнатилади. ISO 9000 сифат бошқаруви тизимининг иккинчи тамойили бўйича бошқарув бу маъмурий фаолияти эмас раҳбарият мақсадлар ва йўналишлар бир бутунлигини таъминлаш, корхона ходимлари корхона мақсадларига эриши учун тўлиқ жавоб бўладиган муҳитни яратиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей эффективности труда в кооперативной торговле. – М.: Экономика, 1978. – 78 с.
2. Аристов О.В. Управления качеством: Учебное пособие. – М.: ИНФРА –М, 2004.
3. Басовский Л.Е., Протасов В.Б. Управления качеством: Учебник. – М.: ИНФРА –М, 2002. – 212 с.
4. Гуткин О.П. Всеобщее управления качеством: Учебник для вузов.-М.: Радио и связ, 1999.
5. Герасимов Б.И., Злобина Н.В., Спридонова С.П. Управления качеством: Учебное пособие. – М.:Кнорус, 2005.
6. Мазур И.И., Шариро В.Д. Управления качеством: Учебник. – М.:Высшая школа, 2007.

О.Муродов

Повышение конкурентоспособности продукции за счет совершенствования системы менеджмента качества на промышленных предприятиях

Аннотация: в данной статье особое внимание уделено вопросам повышения конкурентоспособности продукции за счет внедрения системы менеджмента качества на предприятиях. Сегодня глобализация мировой экономики вызывает повышение интереса потребителей к продуктам и услугам, методам управления. Поэтому разработаны предложения и рекомендации по реализации комплексных мероприятий по модернизации, техническому и технологическому перевооружению ведущих отраслей промышленности, то есть предприятий легкой промышленности.

Ключевые слова: стандарт, сертификация, сеть, предприятие, международный стандарт, специалист, потребительский рынок, отрасли промышленности, эффективность производства.

O.Murodov

Increasing product competitiveness by improving the quality management system in industrial enterprises

Abstract: in this article, special attention is paid to the issues of increasing the competitiveness of products through the implementation of the quality management system in enterprises. Today, the globalization of the world economy is causing an increase in consumers' interest in products and services, management methods. Therefore, proposals and recommendations have been developed for the implementation of complex measures for modernization, technical and technological re-equipment of the leading branches of industry, that is, light industrial enterprises.

Keywords: standard, certification, network, enterprise, international standard, specialist, consumer market, industrial sectors, production efficiency.

МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Шавкат Собирович Олтаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ИМКОНИЯТЛАР

Аннотация: мақолада бозор иқтисодиёти шароитида иш билан банд бўлмаган ёшларни иш билан таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари акс эттирилган. Мазкур мақолада ёшлар меҳнат миграцияси, ишсизлиги ва бандлиги бўйича тадқиқот натижалари, таҳлиллар ва улар натижасида ёшлар бандлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: ёшлар бандлиги, меҳнат бозори, миграция, эмиграция, меҳнат ресурслари, ишсизлик, ёшлар фаоллиги.

Кириш. Бугунги кунда инсон салоҳиятининг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшлар меҳнатидан фойдаланиш соҳасида қандай стратегия белгиланганлигига боғлиқ. Ёшлар кўп жиҳатдан жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга, ёшлар меҳнат бозорида иш топишда катта қийинчиликларга дуч келадиган энг заиф тоифалардан бири ҳисобланади.

Дунё бўйлаб 1,2 миллиард ёшнинг 88 фоизга яқини ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Глобал миқёсда ёшлар иш билан таъминланган қашшоқларнинг қарийб 24 фоизини ташкил қилади ва бу динамика Африкада айниқса сезиларли бўлиб, у ерда ёшларнинг 70 фоиздан кўпроғи кунига 2 доллардан ёки ундан кам миқдорида пул ишлашади.

Жаҳон миқёсидаги ёшлар сонининг ўсиши кутилаётган бўлса-да, ёшлар учун, айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан турғун қишлоқ жойларида яшовчилар учун иш ва тадбиркорлик имкониятлари чегараланиб қолмоқда [1].

Қишлоқ ёшларининг аксарияти норасмий иқтисодиётда оилавий ёрдамчи, ёрдамчи фермер, касаначилик ёки паст малакали ишчи сифатида ишлайди. Улар кам иш ҳақи олишга, одатий ёки мавсумий ишларда ишлашга мойил бўлиб, кўпчилик шаҳарларга кўчиб ўтишга мажбур қиладиган хавфли, кўпинча эксплуатация қилинадиган меҳнат шароитларига дуч келишади. Ёшларни қишлоқ хўжалигига қайта жалб қилиш, тирикчилик қилиш учун дуч келадиган кўплаб тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан мазкур йўналишда жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, профессор М.Қ.Пардаев ўзининг тадқиқотларида ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали ташкилий механизмларининг таъсирини аниқ, социологик баҳолаган. Унинг асосида ёшларни иш билан таъминлашнинг замонавий турлари ва воситаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ишсиз ёшларни касбга йўналтириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган [3].

М.Б.Турсунов томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ёшларнинг иш билан бандлигини оширишнинг устувор йўналишлари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, уни амалга ошириш усуллари ва воситалари назарий жиҳатдан ёритилган [4].

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини

таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини руёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегия-сининг тўртинчи устувор йўналишида "Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш" масалаларига алоҳида урғу берилган [2]. Ушбу Тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, республика ёшлари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожлани-шини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган.

Албатта, тўртинчи устувор йўналишда кўрсатилган ушбу масалаларни меҳнат бозори механизмларини тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, тизимли таҳлил, таққослаш ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан унумли фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда "Меҳнат бозори" тушунчаси умумқабул қилинган ва илмий адабиётларда кенг қўлланилаётган тушунча бўлиб қолди. Бироқ бу ўрганилаётган тушунча мазмунининг тўлиқ англаб етилганлигидан далолат бермайди. Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрига кўра "меҳнат бозори - бу меҳнат ресурсларининг бозор иқтисодиётига мос келадиган ижтимоий-иқтисодий ҳаракати шакли" бўлиб [7], у ёки бу ходимларнинг тоифаларининг хусусиятлардан уларнинг имкониятлари ва чекловлардан уларни меҳнат қилишга ундовчи сабаблардан, меҳнат сарфлайдиган жойларидан ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнидаги нормадан келиб чиқиб бир нечта турларга ажратилади: ёшларнинг меҳнат бозори; хотин-қизларнинг меҳнат бозори; кекса ёшдаги фуқароларнинг меҳнат бозори; ногиронларнинг меҳнат бозори [8].

Меҳнат бозори турлари ичида ёшлар меҳнат бозори алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшлар улуши кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг иш билан бандлиги ва уларни профессионал фаолиятга тайёрлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Умуман олганда ёшлар - бу инсонларнинг шундай авлоди бўлиб, улар ижтимоийлашув жараёнини ўтаётган, таълим, касбий, маданий ва бошқа ижтимоий функцияларни эгаллаётган ҳамда анча етуклик даврида бу кўникмаларни эгаллаб бўлган инсонлардир.

Меҳнат бозорининг бутун тизимини ишга туширишда муҳим таъсир кўрсатадиган жамият меҳнат ресурслари тараққиёти жараёнининг динамикаси ва анъаналарини аниқлашда демографик омилларни ҳар томонлама ҳисобга олиш жиддий аҳамият касб этади. Маълумки, ўтган йиллар давомида Ўзбекистонга алоҳида демографик вазият хос бўлиб, аҳоли сонининг ўсиш суръатлари бошқа МДҲ давлатларига нисбатан анча юқори бўлиб келди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Жойларда қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш ва манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ишсизлар, ёшлар, аёллар, меҳнат бозорида иш топишга қийналадиган шахсларга, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли тоифаларини ишга жойлаштириш кафолатларини руёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳудудларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари асосан эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ таълим муассасаларининг

битирувчиларига, аёллар ва ногиронлиги бўлган аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож тоифаларини ишга жойлаштириш учун ажратилади.

Шунга қарамасдан, меҳнат бозорида ёшлар фаоллигини ошириш чора-тадбирлари долзарб бўлмоқда (1-расм).



1-расм. 2021 йилда меҳнат бозорида ёшлар фаоллиги ҳолати, %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Республикада ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг иш билан бандлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ёшлар орасида ишсизлик даражаси юқори бўлишига қарамасдан, меҳнат бозорида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилганларнинг фақатгина 37 фоизини ёшлар ташкил қилган ва жами кўрсатилган хизматларда уларнинг улуши 38 фоизни ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

2021 йилда ҳудудий бандлик органлари томонидан ёшларга кўрсатилган хизматлар ҳажми

Т/Р	Ҳудуд ва вилоятлар номи	Жами мурожаатлар	шундан ёшлар	Жами мурожаат қилганларга нисбатан ёшлар улуши	Жами кўрсатилган хизматлар	шундан ёшлар	Жами кўрсатилган хизматларда ёшлар улуши
1	Қорақалпоғистон Республикаси	73 723	26 706	36	106 112	39 465	37
2	Андижон	76 540	27 485	36	100 978	36 130	36
3	Бухоро	47 908	19 205	40	63 131	24 683	39
4	Жиззах	43 922	16 656	38	90 434	35 970	40
5	Қашқадарё	54 125	21 169	39	76 387	29 661	39
6	Навоий	27 091	11 529	43	43 532	18 140	42
7	Наманган	83 137	27 321	33	112 976	37 269	33
8	Самарқанд	66 344	26 074	39	86 584	33 287	38
9	Сурхондарё	58 149	25 977	45	86 938	37 354	43
10	Сирдарё	52 689	13 129	25	84 404	32 461	38
11	Тошкент	65 632	26 683	41	85 993	33 247	39
12	Фарғона	84 430	27 182	32	120 628	44 080	37
13	Хоразм	65 008	22 378	34	90 402	37 182	41
14	Тошкент ш.	25 134	10 712	43	31 480	13 019	41
	Жами	823 832	302 206	37	1 179 979	451948	38

Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларини вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Сирдарё вилоятида меҳнат бозорида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилганларининг 25 фоизини ёшлар ташкил қилган бу энг паст кўрсаткич, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида меҳнат бозорида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилганларининг 43 фоизини ёшлар ташкил қилган бу энг юқори кўрсаткич. Жами кўрсатилган хизматларда ёшларнинг улуши Наманган вилоятида 33 фоизни ташкил этмоқда, бу энг паст кўсаткич, энг юқори кўрсаткич эса Сурхондарё вилоятида кузатилмоқда, яъни бу вилоятда ушбу кўрсаткич 43 фоизни ташкил этмоқда. Демак, Сирдарё вилоятида меҳнат бозорида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилган ёшлар улушини оширмоқ керак. Наманган вилоятида эса жами кўрсатилган хизматларда ёшларнинг улушини ошириш керак бўлади.

Ҳукуматнинг ушбу йўналишга эътибори катта, ислоҳотларда изчиллик бор. Шу йилнинг ўзида ҳам айнан Президент бошчилигида бу масала бир неча маротаба муҳокама қилинди, катта-катта йиғилишларнинг кун тартибидан ўрин олди. Лекин очиғини айтиш керак, қуйида муаммолар жуда кўп. Расмиятчилик, қоғозбозлик учун қилинаётган ишлар бор. Режа ва дастурларда минг-минглаб иш ўрни яратиш вазифаси киритилади, аммо уларни амалга оширишга келганда, кўзбуямачиликка йўл қўйилмоқда. Демак, ҳудудларнинг имконияти, шароитига, ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб иш ўрни яратишни режалаштириш керак.

Бундан ташқари, республикада ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки иш топишга қийналаётган фуқаролар учун субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилган бўлиб, 2021 йилда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш учун жами 58106 млн. сўм миқдорида давлат бюджетидан қайтариб берилмайдиган маблағлар, яъни субсидиялар ажратилди.

Республикада фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш мақсадида аҳоли иш билан бандлигини таъминлашга ажратилган 58106 млн сўм миқдоридаги субсидияларнинг 18280 млн сўми ёшлар иш билан бандлигини таъминлаш учун йўналтирилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда ёшларни самарали фаолият олиб бориши қуйидаги чора-тадбирларни бажаришни талаб этади:

1) ҳудудий ёшлар меҳнат бозоридаги ўзига хос, хусусий муаммоларни ечишда маҳаллий бошқарув органлари ролини кучайтириш;

2) ёшлар ўртасида юқори ишсизлик даражаси кузатилган ҳудудларда давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар ҳисобидан ҳудудда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш;

3) моноиқтисодий тузилмага эга аҳоли пунктлари, шаҳар ва саноати ривожланган ҳудудларда ёшларнинг оммавий ишсизлигининг салбий асоратларини бартараф этиш;

4) ёш ходимларни оммавий ишдан бўшатилишларини олдини олиш, ёшлар учун мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, янги прогрессив ишлаб чиқариш тузилмалари учун ёш кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни истиқболли режалаштириш;

5) иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналар ёш ишчиларининг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, иш жойини йўқотган ёшларни самарали қўллаб-қувватлаш;

6) малака ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш мақсадида керакли бўлган инфратузилмага эга йирик "ёшлар қурилишлари"ни ташкил этиш;

7) ёшлар ва аёллар учун барқарор янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш шулар жумласидандир.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклифлар ўзининг ижобий натижаларига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Youth employment. www.fao.org/rural-employment/work-areas/youth- employment/en/

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 - 2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони. Халқ сўзи, 29 январь 2022 й.
3. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. 240 бет.
4. Турсунов М.Б. Қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил.
5. Мирзакаримова М. Таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорини мувофиқлаштириш ёшлар бандлиги омили сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.
6. Абдурахмонов К.Х. "Меҳнат иқтисодиёти" Т.; «ФАН», 2019.130-132 б.
7. Дятлов С. А. Рабочая сила в системе рыночных отношений. - СПб.: СПбУЭФ, 2005. — С. 69.
8. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: "Mehnat", 2004, - 150-б.

Ш.Олтаев	**Sh.Oltaev**
Повышение уровня занятости молодежи нашей страны: проблемы и возможности	**Increasing the level of employment of the youth of our country: problems and opportunities**
Аннотация: В статье отражены результаты исследования занятости безработной молодежи в условиях рыночной экономики. Данная статья содержит результаты исследований, анализы по молодежной трудовой миграции, безработице и занятости, а также выработанные по их результатам предложения и рекомендации по повышению занятости молодежи.	**Abstract:** The article reflects the results of research on employment of unemployed youth in the market economy. It contains research results, analyzes on youth labor migration, unemployment and employment, as well as proposals and recommendations developed as a result of them to increase youth employment.
Ключевые слова: занятость молодежи, рынок труда, миграция, эмиграция, трудовые ресурсы, безработица, активность молодежи.	**Keywords:** youth employment, labor market, migration, emigration, labor resources, unemployment, youth activity.

Ғолиб Султонмуродович Мустафоев – СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси в/б доценти, PhD.

НАРПАЙ ТУМАНИ ДЕМОГРАФИЯСИ: МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ, ИШСИЗЛИК ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Аннотация: Нарпай туманини замон талаби асосида ривожлантириш, мавжуд соҳа ва тармоқлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бугунги ҳолати, меҳнат ресурслари, ишсизлик ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини аниқлашга қаратилган таҳлил ва ривожлантириш масалалари атрофлича ёритилган.
Калит сўзлар: Аҳоли, аҳоли бандлиги, меҳнат ресурслари, ишсизлик, мигрант, ўқувчи талабалар, таълим, хизмат кўрсатиш соҳаси, даромад.

Кириш. Мамлакатнинг чекка туманларида аҳолининг муносиб турмуш шароитини яхшилаш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишга қаратилган қабул қилинаётган қарор ва фармонлар шулар жумласидандир. Нарпай туманида мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, туманнинг бугунги ҳолати ва муносиб ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, туманда мавжуд бўлган аҳоли ишсизлик муаммоларини аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, Нарпай туманининг ички ва ташқи имкониятларини белгилаш орқали туманнинг келажакда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш имкониятларини аниқлашни ва улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, Нарпай туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг миқдор ва сифат ўзгаришини акс эттирувчи рақамлар илмий-

тадқиқотлар асосида ўрганилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳоли бандлигига қаратилган илмий қарашларга кўплаб иқтисодчи олимлар ўз муносабатларини билдиришган. Хусусан, россиялик иқтисодчи олим А.И.Рофе ушбу тушунчага ўз муносабатини билдириб, “Иш билан бандлик - бу мамлакат аҳолисининг иқтисодий фаол қисмидаги кишилар учун ишларнинг мавжудлиги, яъни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган, даромадли машғулот билан билан банд бўлишидир”[1] - деб таъриф берган. Шунингдек, И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильиналар ушбу тушунчага: “ Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ҳамда меҳнатдан даромад (иш ҳақи) келтирувчи ижтимоий фойдали меҳнат сифатида намоён бўлиши мумкин”[2] - деб таъриф берилган.

Мамлакатимиз олимларидан Қ.Абдураҳмонов томонидан “...иш билан бандликнинг энг кам деганда *тўрт ижтимоий жиҳатини* ҳисобга олиш лозимлигини, иш билан бандликнинг инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлиги, турмуш даражаси ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан иш билан бандлик меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолати, ҳар кимнинг ва умуман, жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш, айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради”[3] – деб таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолани таҳлил қилишда, илмий, назарий, иқтисодий усуллар орқали қиёсий синтез усуллари билан бир қаторда, махсус тадқиқотлардан унумли фойдаланилган ва иқтисодий қонуниятлар, амалий – назарий хулоса ва тавсиялар тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. 2021 йилда Нарпай тумани аҳолиси 217 324 минг кишини ташкил этди. Ҳар йили Нарпай тумани аҳолиси ўртача 2-3 минг кишига кўпаяпти. Нарпай тумани аҳолиси вилоят аҳолисининг 4,5 фоизини ташкил этади.

Нарпай тумани доимий аҳоли сонида эркакларнинг улуши 51,9 фоизни, аёлларнинг улуши 49,1 фоизни ташкил этади. Нарпай туманида доимий аҳоли сони 2021 йилда 2020 йилга қараганда 101,4 фоизга ўсган (1-жадвал).

2020 йилда Нарпай туманида иқтисодий фаол аҳоли 83224 минг кишини ташкил этаяпти. 2021 йилда иқтисодий фаол аҳоли сони 2020 йилдаги иқтисодий фаол аҳоли сонидан 2,3 минг кишига кўп. COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Шу сабабли 2020 йилда ишсизлик даражаси 11,5 фоизга етди. Бу кўрсаткич 2019 йилда 9,3 фоизга тенг бўлган. 2021 йилда Нарпай туманидаги ишсизлик даражаси Халқаро меҳнат ташкилоти белгилаган ишсизлик меъёридан 4 фоизга кўп. 2021 йилда Нарпай туманида бандлик даражаси эса 66,3 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, иқтисодий адабиётларда мамлакатни барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда бандлик даражаси 65 фоиздан юқори бўлиши таъкидланган. Шу нуқтаи назардан қаралганда Нарпай туманида бандлик даражаси 66,3 фоиз бўлишига қарамасдан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш даражалари жуда паст.

1-жадвал

Нарпай туманининг демографик ҳолати, минг киши*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
			2018	**2019**	**2020**	**2021**
1	Доимий аҳоли	минг киши	206366	210534	215400	217 324

[1] Экономика труда: учебник / А.И.Рофе.-2-е.-М.: КНОРУС, 2011.- с. 159

[2] Экономика труда: учебник /И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012 – с. 123

[3] Қ.Абдураҳмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 257б.

2	Меҳнат ресурслари	минг киши	115361	117260	117946	117864
3	Меҳнат ресурслари доимий аҳоли сонига нисбати	фоизда	55,9	55,6	54,7	54,2
4	Иқтисодий фаол аҳоли	минг киши	91594	91582	94369	95336
	Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнат ресурсларига нисбати	фоизда	79,3	78,1	80	81
5	Иқтисодиётда бандлар сони	минг киши	82591	83098	83495	78179
	Шу жумладан:					
6	Расмий секторда	минг киши	20178	22123	23044	32215
7	Норасмий секторда	минг киши	62413	60975	60451	45964
8	Хорижга ишлаш учун кетганлар	минг киши	19155	16791	13107	7692
9	Ишсизлар сони	минг киши	9003	8485	70874	9465
10	Ишсизлик даражаси	фоизда	9.8%	9.3%	11.5%	9,9%
11	Бандлик даражаси	фоизда	71,5	70,8	70,7	66,3

*Манба. Нарпай тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

2-жадвал

Нарпай тумани аҳолисининг қишлоқ ва шаҳар жойларда жойлашганлиги тўғрисида маълумот, минг киши

№	Кўрсаткичлар	2018 й		2019 й		2020 й		2021 й	
		сони	улуши. %	сони	улуши. %	сони	улуши. %	сони	улуши. %
1	Жами аҳоли сони, шу жумладан	208600	100	212400	100	215400	100	217324	100
2	Шаҳар	63000	30,2	63900	30	64500	29,9	65197	30
3	Қишлоқ	145600	69,8	148600	70	150900	70,1	152127	70

*Манба. Нарпай тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики 2021 йилда Нарпай тумани аҳолисининг 65,1 минг нафари шаҳар жойларида истиқомат қилган. 2021 йилда туман аҳолисининг шаҳар жойларида истиқомат қилиши 2018 йилга қараганда 103,4 фоизга ошган. Қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли 2021 йилни 2018 йилга қараганда 104,4 фоизга ўсган. Бундан кўринадики қишлоқ жойларида яшаш шароитини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириш зарур. 3-жадвал маълумотлар туман аҳолисининг шаҳар жойларда истиқомат қилиш динамикаси ошиб бормаётганини кўрсатяпти. Бу ўзгаришлар ёки айтайлик аҳолининг яшаш учун шаҳар жойларга силжимаслиги аҳолининг даромадлари ошиб бормаётганлигидан далолат беради. Агарда яқин келажакда 2022-2023 йилларда қишлоқ жойларда ҳам инфратузилма киритилмаса ёки қишлоқ аҳолиси учун ҳам муносиб шароитлар яратиб берилмаса (ичимлик суви, иссиқлик таъминоти, электр энергия, маиший хизматлар ва бошқалар) қишлоқ жойларга яшаш янада қийинлашади.

Нарпай тумани аҳоли бандлиги иқтисодиёт тармоқлари кесимида таҳлил этилганда, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Масалан, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлган аҳолининг 33,3 фоизи фаолият юритаяпти. Ушбу кўрсаткич республика кўрсаткичидан қарийб 7 фоизга зиёд. Шунингдек, иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида жумладан, Германия, Францияда қишлоқ хўжалигида иқтисодиётда банд аҳолисининг атиги 2-3 фоизи меҳнат қилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш учун иқтисодиётда банд бўлганларнинг 10 фоизи етарли. Шу нуқтаи назардан қаралганда Нарпай туманида қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд меҳнат ресурслари самарасиз иш билан банд (3-жадвал). Нарпай тумани иқтисодиёт тармоқларида банд аҳоли сонини Самарқанд вилоят иқтисодиёти тармоқларида банд аҳоли сони билан таққослаганимизда Нарпай туманида иқтисодиёт тармоқлари бўйича аҳоли бандлигини

таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар кўплиги аниқланди. Масалан, туманда саноат тармоғида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг атиги 6,8 фоизи меҳнат қилади. Бу кўрсаткич вилоятда 11,9 фоизни ташкил этади. Нарпай тумани саноат тармоғида банд аҳоли вилоят саноатида банд аҳолидан қарийб 5,1 пунктга кам. Қурилиш тармоғи ҳам аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо Нарпай туманида қурилиш тармоғида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш даражаси қониқарли эмас. Яъни 2019 йилда қурилиш тармоғида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5,1 фоизи меҳнат қилган. Вилоятда эса ушбу кўрсаткич 7,0 фоиздан кам эмас. Нарпай тумани иқтисодиётининг қолган тармоқларида шу жумладан, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов тармоқларида шундай ҳолатлар учрайди. Умуман олганда Нарпай туманида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатидан туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида унумли фойдаланиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Шу сабабли Нарпай туманида саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми жуда паст.

3-жадвал

Нарпай тумани иқтисодиётида банд бўлган ходимларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши, фоизда*

Кўрсаткич	2020 йил				2021 йил			
	Жами	олий	Ўрта махсус	Ўрта ва Тугалланмаган ўрта	Жами	олий	Ўрта махсус	Ўрта ва Тугалланмаган ўрта
Иқтисодиётда	83495	21549	46975	14971	78179	16542	13241	2432

*Манба. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

2020 йилда Нарпай тумани иқтисодиётда банд бўлган ходимларнинг атиги 20,6 фоизи олий маълумотли мутахассисларни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич республика кўрсаткичидан қарийб 15,0 фоизга кам. Нарпай туманида иқтисодиётда банд бўлган ходимларнинг 45,2 фоизи ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ташкил этади. Республикада эса ушбу кўрсаткич 52,0 фоизга тенг. Шунингдек, Нарпай тумани иқтисодиётда банд бўлган ходимлар таркибида ўрта ва тугалланмаган ўрта маълумотли ходимлар улуши республика кўрсаткичидан 17,0 фоизга зиёд. Ваҳоланки, инсон омили ишлаб чиқариш омиллари ичида энг муҳимидир. Олимларнинг таъкидлашича малакали ходимларнинг меҳнат унумдорлиги оддий ходим меҳнат унумдорлигидан 2-3 карра зиёд. Шу нуқтаи назардан қаралганда Нарпай тумани иқтисодиётида банд бўлган ходимлар таркибида олий маълумотли ходимларнинг камлиги, аксинча ўрта ва тугалланмаган ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимларнинг кўплиги ҳисобида туманда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми кам бўлган. 2021 йилда Нарпай туманида иқтисодиётда банд ходимлар таркибида ўзгариш кузатилган. Хусусан жами иқтисодиётда бандлар 78179 минг кишини ташкил этган.

Нарпай туманидаги бандлик ҳолатини тўлароқ англаш, илмий хулосалар чиқариш мақсадида таълим муассасаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Аммо, Нарпай туманидаги 2020-2021 ўқув йилидаги статистик кўрсаткичлар тўлиқ тайёр бўлмаганлиги сабабли, 2019-2020 ўқув йилидаги статистик кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

Нарпай туманида умумий ўрта таълим мактаб, касб – ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Нарпай туманида 2019-2020 ўқув йилида жами мактаб битирувчилар сони 2973 тани ташкил этди. Бу вилоят бўйича жами битирувчилар сонини 3,6 фоизига тенг. 2019-2020 ўқув йилида мактаб битирувчиларидан 411 таси (13,8%) олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. 2562 киши ўқишга кира олмаган. Ўқишга кира олмаган ўқувчилар жами битирувчиларнинг 86,2 фоизини ташкил этади. Нарпай тумани вилоятда мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги бўйича 4-ўринда

туради. Ҳозирги кунда олий ўқув юртига кира олмаган мактаб битирувчиларининг 78,5 фоизи бандлиги таъминланмаган (4-жадвал).

4-жадвал

Нарпай тумани мактабларини 2019-2020 ўқув йилида битирган ўқувчиларини Олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги тўғрисида маълумот*

11-синф битирув-чилари сони, киши	Шундан							
	ОТМ кирганлар		ОТМ кирмаганлар		Бандлиги таъминланган		Бандлиги таъминланмаган	
	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
2973	411	13,8	2562	86,2	229	7,7	2333	78,5

*Манба. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

*Манба. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

Нарпай туманида 2019-2020 ўқув йилида касб-ҳунар коллежи битирувчилари сони 744 тани ташкил этди. Шундан, 49 таси (6,6%) олий ўқув юртига кирган, 695 таси (93,4 %) эса олий таълим муассасаларига кира олмаган. 2019-2020 ўқув йилида касб-ҳунар коллежини битирганларнинг 60,8 фоизи бандлиги таъминланган. Бандлиги таъминланмаган битирувчилар сони 243 тани (32,7 %) ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Нарпай тумани касб-ҳунар коллежларини 2019-2020 ўқув йилида битирган ўқувчиларини Олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги тўғрисида маълумот*

Касб-ҳунар коллежини битирувчилари сони	Шундан							
	ОТМ кирганлар		ОТМ кирмаганлар		Бандлиги таъминланган		Бандлиги таъминланмаган	
	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
744	49	6,6	695	93,4	452	60,8	243	32,7

6-жадвал

Нарпай тумани бўйича ОТМ 2019-2020 ўқув йилини тугатган битирувчилари тўғрисида маълумот*

ОТМ битирувчилар сони (киши)	Шундан			
	Ишга жойлашганлар		Ишга жойлашмаганлар	
	Сони (киши)	Фоизи, %	Сони (киши)	Фоизи, %
363	261	71	102	28

*Манба. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

2019-2020 ўқув йилида Самарқанд вилояти бўйича олий таълим муассасасини битирган ёшлар 7966 тани ташкил этди. Шулардан 393 нафари (4,9 фоизи) Нарпай туманига тўғри келади. Улардан 261 нафари (71 фоизи) иш билан таъминланган, 28 фоизи эса иш билан таъминланмаган. Нарпай тумани бўйича жами мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларини тугатиб ишга жойлашмаганлар 65,1 фоизни ташкил этади (6-жадвал). 2020 йилда Нарпай туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 13107 кишини ташкил этди. 2019 йилда ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 16791 киши бўлиб, доимий аҳоли сонини 7,2 фоизини, иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 18,3 фоизини ташкил этган (7-жадвал).

Нарпай тумани меҳнат бозорини таҳлил этиш уни барқарорлигини таъминлашда ҳамда янги иш ўринларини яратиш стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли Нарпай тумани меҳнат бозорининг ишчи кучи таклифи ўрганилди.

Ишчи кучини таклиф этадиган шахслар (мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдагилар) шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож, банд бўлмаган аҳоли (иш жойи ва даромад манбаига эга бўлмаганлар, чет эллардан ишлаб қайтган меҳнат мигрантлари, муддатли ҳарбий

7-жадвал

Нарпай туманида вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар тўғрисида маълумот

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар сони, киши	Шулардан	
			Аҳоли сонига нисбатан улуши, %	Иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан улуши, %
2018	206366	19155	9.2	20.9
2019	210534	16791	7.2	18.3
2020	215400	13107	6.1	13.8
2021	217 324	7692	3,0	24,1

*Манба. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари асосида тайёрланди.

хизматдан бўшаганлар, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлар ва шу кабилар) ҳисобидан шакллантирилади. Тадқиқотлар 2021 йилда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи 2020 йилга қараганда 1114 кишига кўпайганлигини аниқлади. Ишчи кучи таклифининг ортиб бориши бир жиҳатдан Нарпай тумани учун захирадаги меҳнат ресурслари сифатида изоҳланса, иккинчи томондан самарали фойдаланилмаган меҳнат ресурслари ҳамда йўқотилган маҳсулот ва хизматлар деб изоҳланади. Ишчи кучи таклифига қараб янги иш ўринлари яратилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлар Нарпай туманида аҳоли сонини ошиб бориши ва шунга мос равишда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ҳам ошиб боришини аниқлади. Нарпай туманида яқин келажакда 2023-2024 йилларда аҳолини иш билан билан таъминлаш муаммоси янада актуаллашади.

2020 йилда мактаб битирувчиларнинг 78,5 фоизи, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 32,7 фоизи иш билан таъминланмаганлиги, энг муҳими олий таълим муассасасини битирувчиларнинг 28 фоизи ишга жойлаша олмаганлиги, келажакда улар ҳам хорижга ишлаш учун чиқиб кетиш эхтимоли бор. Бизнинг ҳисобимиз бўйича ушбу битирувчиларни зудлик билан ишга жойлаштириш чоралари ишлаб чиқилмаса 2023-2024 йилларга бориб, Нарпай туманида вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетувчилар сони доимий аҳолининг 20,0 фоизини ташкил этади.

Нарпай туманида 2023-2024 йилларда меҳнат бозори барқарор ишлаши учун туманда энг камида 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши лозим. Нарпай тумани келажакда аҳоли сони ошиб бораётганлигини инобатга олиб тармоқ корхоналарида иш ўринларини яратиш бўйича мақсадли, стратегик вазифаларини белгилаб бериш тавсия этилади. Иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳаси жумладан, маиший хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш шунингдек, туризмни фойдаланилмаган туристик объектларни ишга тушириш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш тавсия этилади.

Туман саноат корхоналарида, тиббиёт муассасаларида ва бошқа тармоқ корхоналарида олий маълумотли ходимларни жалб этишни рағбатлантириш механизмини қўллаш лозим. Тумандаги саноат, хизмат кўрсатиш ва қурилиш фермер хўжаликларидаги ишловчиларнинг иш ҳақи даромадини меҳнат натижаларига мувофиқ ошириб бориш, корхоналар равнақига катта ҳисса қўшаётган ходимларнинг баъзи харажатларини (фарзандларининг контрактларини тўлаб бериш, уйларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, корхонанинг хизмат машиналаридан фойдаланиш имкониятини бериш, коммунал тўловларини тўлаб бериш ва ҳоказо).

Туманда кунлик иш марказини ташкил этиш ва унда ишлашга хоҳиши бор кишиларни тармоқ корхоналарига кунлик ишга жалб этиш. Нарпай туманидаги ишсизларни касб-ҳунар коллежларида қисқа муддатда (3-6 ойда ичида) меҳнат бозорида талаб ошиб бораётган касб ва ҳунарларга ўқитиш тавсия этилади.

Тумандаги барча иқтисодиёт тармоқлари айниқса, саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш тармоқларидаги корхоналар давлат олдидаги инвестицион мажбуриятларини

тўлиқ ишга тушириши лозим. Ушбу корхоналар инвестицион мажбуриятларини бажараётганлигини туманнинг масъул ходимлари томонидан мониторинг олиб бориши ва ҳар чоракда ёки туман маҳаллий Кенгашида уни бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар бериб бориш. Давлат олдидаги инвестицион мажбуриятларини тўлиқ ишга туширишга бефарқ қараётган ва бажариш жараёни суст кечаётган тармоқ корхоналари раҳбарларига чоралар кўриш (унга ажратилган ерларни қайтариб олиш, имтиёзларни бекор қилиш, муҳлат бериш).

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Экономика труда: учебник / А.И.Рофе.-2-е.-М.: КНОРУС, 2011.- с. 400
2. Экономика труда: учебник /И.М.Алиев, Н.А.Горелов, Л.О.Ильина-М.:Издательство Юрайт, 2012 – С. 671.
3. Қ.Абдураҳмонов. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, Т.: 2019. – 544б
4. Нарпай тумани статистика бўлими маълумотлари.
5. Нарпай тумани бандлик бўлими маълумотлари.

Г.Мустафоев **Демография Нарпайского района: трудовые ресурсы, безработица и проблемы занятости и их решения** **Аннотация:** в статье подробно освещены вопросы анализа и развития Нарпайского района в соответствии с современными требованиями, современное состояние существующих отраслей и секторов производства и услуг, роль трудовых ресурсов, безработица и занятость. **Ключевые слова:** население, занятость, трудовые ресурсы, безработица, мигранты, студенты, образование, услуги, доход.	**G.Mustafoev** **Demography of Narpay district: labor resources, unemployment and employment problems and their solutions** **Abstract:** The issues of analysis and development of Narpay district in accordance with modern requirements, the current state of the existing industries and sectors of production and services, the role of labor resources, unemployment and employment are covered in detail in this article. **Keywords:** population, employment, labor resources, unemployment, migrants, students, education, services, income.

Ашур Али Рустам ўғли Латипов – СамИСИ мақсадли таянч докторанти

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация: мақолада инновация тушунчаси унга берилган таъриф ва турлари ҳамда инновацион иқтисодиёт шариоитида камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишларига эътибор қаратилган. Шунингдек, камбағалликни қисқартиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва роли каби масалалар очиб берилган.
Калит сўзлар: инновация, камбағалликни қисқартириш, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, янги иш ўринларини яратиш, интеграция, иқтисодий-ижтимоий, камбағаллик.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳаётимизни инновациялар ҳамда рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида инновацияларни хизмат кўрсатиш соҳасига татбиқ этган ҳолда янги иш ўринларини яратиш, даромадларни ошириш ва бу орқали инсонларни камбағалликдан чиқариш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон Фармони [1] ва “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021

йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон Қарори [2] қабул қилингани инновацион иқтисодиётни шакллантиришга ҳамда мамлакатда камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсатнинг туб моҳиятини ифодалаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда мамлакатимизда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси III йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган **34-мақсад** бўлиб, унда: **“Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш”** ҳамда VI йўналиши миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш бўлимининг 85-мақсади: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш” [3-191-272 б] масалалари қўйилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган объектив зарурият ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, бунинг учун эса, хизматлар соҳаси ва ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллаш ва кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо этади. Акс ҳолда аҳолининг турмуш даражасининг пасайиб бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида меҳнат бозори ва унда вужудга келадиган муаммоларга жиддий қараб аҳоли бандлигига ва жамият ривожига қаратилган бир қанча муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Буларни мавзуга оид адабиётлар таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Кейинги йилларда мамлакатимизда “инновация” ибораси кенг тарқалмоқда ва хизматлар соҳасини ривожлантиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу билан бевосита боғлиқ бўлган бир қатор сўз бирикмалари ва иборалар ҳам мавжуд: “инновацион иқтисодиёт”, “инновацион фаолият”, “инновацион ғоялар”, “инновацион жараёнлар” ва бошқалар. “Инновация” ибораси ва у билан боғлиқ сўз бирикмалари ва тушунчаларининг бутун дунё мамлакатлари, шу билан биргаликда, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалишига сабаб, иқтисодиётни ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссасидир. Бугунги кунда иқтисодий ўсиш, тараққиёт, кўп ва сифатли товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги аввалambор инновация ва инновацион жараёнлар билан узвий боғлиқ. Ҳозирги иқтисодчи олимларнинг аҳолини камбағалликдан чиқаришга ва бандлигини таъминлашга қаратилган ишларида асосий эътиборни айнан хизматлар соҳасига қаратаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, иқтисодчи олимлардан Г.И.Просветов хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим рол ўйнашини келтириб ўтади. Унинг фикрига кўра, мамлакатлар ўртасида интеграцион жараёнларнинг кучайиб бориши оқибатида халқаро савдо, банк, суғурта, транспорт ва алоқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланиб боради ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш имкони пайдо бўлади [4].

Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида инновацион фаолиятнинг ривожланиши постиндустриал ривожланиш йўлини танлаган кўпчилик мамлакатлар учун стратегик ривожланишнинг асосий йўли ҳисобланади. Унинг ривожланиши бозор кучларининг таъсири остида ҳам, мувофиқ равишда давлат сиёсати доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Шунинг учун инновацион фаолият анъанавий илмий-техник тараққиёт йўналиши ҳамда амалий ишланмалар ва илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ жараён сифатида майдонга чиқмоқда. Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятини ривожлантириш ва унга инвестициялар киритишнинг илмий-назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бу борада М.Қ.Пардаев, Обид Пардаев, Озода Пардаеваларнинг тавсиялари муҳим аҳамиятга эга [5].

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, таъкидланганидек, киши иш билан таъминланган тақдирда ҳам унинг оладиган маошлари унинг бирламчи эҳтиёжларини қондирадими? Бундан кўринибд турибдики, камбағалликни қисқартириш учун фақат иш билан таъминлашнинг ўзигина етарли эмас экан. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «*Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак*» [6]. Шу йўл билан аҳолини камбағаллик даражасидан юқорироқ даромад олишга эриштириш мумкин.

Иқтисодчи Т.Д.Бурменко хизмат кўрсатиш олдида турган муҳим бир вазифа – бу, тадбиркорликни ривожлантиришдир, деб ҳисоблайди [7].

Тадқиқот методологияси. Мақолани тайёрлашда мантиқий ва иқтисодий таҳлил, макон ва замон, тизимли ёндошув каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатда инновацион жараёнлар тобора юқори аҳамият касб этмоқда, уларнинг асосий вазифаси корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишдан, аҳолининг сифатли товарлар ва хизматларга талабини тўлароқ қондиришдан ҳамда аҳолини камбағалликдан чиқаришдан иборат. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни либераллаштириш, интеграцион жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган дадил қадамлар, махсус Инновация ҳамда Камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилиши, мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг давлат макроиқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилганлиги инновацион жараёнларни ва камбағалликни қисқартиришда катта туртки бериш муқаррар. Хусусан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчилари вазифаларининг жорий қилининиши аҳолини иш билан таъминлашга ҳамда тадбиркорлик, ўзини-ўзи иш билан банд қилишга кўмаклашиш учун керакли кўникмаларни бериб борилмоқда. 2022 йилда асосий вазифаларидан бири сифатида йил давомида маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни ўрта ва қисқа муддатда ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилган.

Самарқанд вилоятида 2022 йилда амалга ошириб келинаётган “Маҳаллабай” ишлаш орқали камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтириш бўйича чора-тадбирлар келтириб ўтилган. Вилоятда жами 1117 та маҳалла мавжуд бўлиб ишсизларнинг умумий сони 155 020 кишини ташкил этмоқда. Тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни таъминлаш учун 1 082 970 млрд. сўм ажратилган. Мос равишда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун банк кредитлари ҳисобидан 900 000 млн. сўм ажратилиши ва бу орқали 12 255 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш соҳасига банк кредитлар ҳисобидан 176 970 млн. сўм ажратилиб 1099 киши иш билан бандлиги таъминланади. Касб-ҳунарга ўқитиш орқали эса 8861 киши бандлигига эришиши кўзда тутилган. Дарҳақиқат, меҳнат қилиш қобиляти ва истаги бор ҳар бир кишини иш билан таъминлаш, унинг меҳнат салоҳиятини рўёбга чиқариш учун реал имконият яратиб бериш, бир томондан, ўша шахсни даромад манбаи билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ғамхўрлик бўлса, иккинчи томондан, мамлакат миллий иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бандлик муаммосига кучли таьсир кўрсатган омиллар қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар;
- фан ва техника тараққиёти таьсири остида меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш натижасида ресурслардан, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлиги;
- демографик вазиятларда содир бўлган ўзгаришлар;
- муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ёшларнинг, жумла-

дан, олий маълумотли ёки иш стажига эга бўлмаган ёшларнинг ишга жойлашишдаги қийинчиликлар;

- давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолият турлари (озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, ширинликлар ва миллий таомлар, мева ва сабзавотларни консервация қилиш, уйда нон ёпиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш, мебелларни тайёрлаш, қурилиш материаллари, хизматларни амалга оширувчилар жумладан: автомобиллар, сантехника ва бошқа турли маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, тикиш-бичиш каби хизматлар ва бошқалар) билан шуғулланиш кузатилди;
- қишлоқ жойларда яхши ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли ёшларнинг хорижга меҳнат қилиш учун чиқиб кетиши.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб аҳоли бандлиги ва иш ўринларини ташкил этиш бўйича қўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларнинг айримлари:

- ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш тармоқларида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларининг мутахассислик тайёрлаш тизимини долзарб касбларга трансформация қилиш;
- рақамли инновацион иқтисодиётга ўтишда яратилаётган иш ўринларининг сифатига (юқори технологик соҳаларга) ҳам эътибор бериш ва ишчи кучини расмий экспертини кенгайтиришнинг мақсадли йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- республикада олиб борилаётган норасмий сектор объектларини легаллаштириш жараёнларини давом эттирган ҳолда ушбу расмий секторга ўтказилган хўжалик субъектларига расмийлаштиришда дуч келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳудудий меҳнат органларида малакали мутахассислардан кўмагида маслаҳат бериб борилиши ва мониторингини йўлга қўйиш;
- қўшимча иш ўринларини яратишда, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида қишлоқ жойларида кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш хусусан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қуритиш ва қадоқлаш корхоналарини тузиш;

Иш билан банд аҳолининг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келаётганлиги, аҳоли орасида бандликнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш катта захиралар мавжудлигини кўрсатади. Бўндан ташқари аҳоли орасида бандликни таъминлаш бўйича юқори ўсиш суръатлари хизмат кўрсатиш соҳасида, яъни ташиш ва сақлаш, молия ва суғурта фаолияти, қурилиш ва савдо соҳаларида кузатилаётган бўлиб, катта маблағ талаб этмайдиган, арзон ишчи ўринлари яратишда беқиёс имкониятларга эга ушбу соҳаларни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада қолаётган ҳамда камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудуд ва минтақаларда бандлик даражасини ошириш учун кенг имкониятларни яратиб беради. Бу эса ҳар бир минтақада, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ва бу орқали камбағалликдан чиқариш дастурларини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-62-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
4. Г.И. Просветов “Управление в сфере услуг: задачи и решения” учебно-практическое пособие. – М.:Издательство Алфа-Пресс. 2009-184 с.
5. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency.

LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p.
6.Пардаев М.Қ. Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
7.http://toshvil.uz/oz/tadbirkorlikni_rivojlantirish_va_kasbga_tayyorlash_orqali_kambag_allikni_ kamaytirish_choralari_belgi
8.Т.Д. Бурменко “Сфера услуг:экономика, менежмент, маркетинг. Практикум”:учебное пособие/. М:КНОРУС, 2016.422 с.

А.Латипов

Место и роль сферы услуг и основные направления сокращения бедности в условиях инновационной экономики

Аннотация: В статье акцентируется внимание на определениях и видах понятия инноваций, а также на основных направлениях сокращения бедности в условиях инновационной экономики. Также раскрываются такие вопросы, как место и роль сферы услуг в сокращении бедности.

Ключевые слова: инновации, сокращение бедности, сервис, экономика, создание новых рабочих мест, интеграция, экономическое и социальное, бедность.

A.Latipov

Place and role of the service sector and main directions of poverty reduction in the conditions of innovative economy

Abstract: The article focuses on the definitions and types of the concept of innovation, as well as on the main directions of poverty reduction in an innovative economy. It also reveals such issues as the place and role of the service sector in poverty reduction.

Keywords: innovation, poverty reduction, service, economy, creating new jobs, integration, economic and social, poverty.

Ортиқ Эшназарович Эрназаров – Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти

ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада енгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқарилаётган текстил маҳсулотларининг сифати юқори эканлиги, корхоналарда маҳсулотлар сифатини бошқариш механизми яхшиланиши, енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир қиладиган омилларни аниқлаш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг аҳамияти назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: енгил саноат корхоналари, маҳсулот сифати, янги иш ўринлари, корхона самарадорлиги, ҳисобот даври.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бораётган бир даврда, енгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг текстил маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунга энг асосий сабаблардан бири бизнинг юртимизда ишлаб чиқарилаётган текстил маҳсулотларининг сифати юқори эканлиги, корхоналарда маҳсулотлар сифатини бошқариш механизми яхши эканлигидан далолат беради. Шунинг асосида юртимизда кейинги йилларда бир қанча енгил саноат корхоналари ташкил этилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Сифат масаласи ишлаб чиқариш бошлангандан буён бирга олиб борилган. Аммо уни тадқиқ қилишга асосан XX-асрда аҳамият берила бошланди. Бу борада МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимлари анча тадқиқотларни олиб борганлар. Булар жумласига М.М.Канс, Б.В.Иванов, В.Н.Корешкова, А.Г.Схирталадзе[1], К.Исикава[2], О.П.Гудкин[3], Б.И.Герасимов, Н.В.Злобина, С.П.Спридонова[4], Л.Е.Басовский, В.Б.Протасов[1], Е.А.Гарбашко[2], И.И.Мазур,

[1]Канс М.М., Иванов Б.В.,.Корешкова В.Н., Схирталадзе А.Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2009. – 560 с.
[2]Исикава К. Японские методы управления качеством: сокр. Пер. с англ./ нау. ред. А.В.Гличев. – М.: Экономика, 1998.
[3]Гуткин О.П. Всеобщее управления качеством: Учебник для вузов.-М.: Радио и связ, 1999.
[4]Герасимов Б.И., Злобина Н.В., Спридонова С.П. Управления качеством: Учебное пособие. – М.:Кнорус, 2005.

В.Д.Шапиро[3], О.В.Аристов[4] кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз олимлари ҳам ушбу муаммодан четда қолган эмаслар. Булар жумласига И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев[5] кабиларни киритиш мумкин. Буларнинг асарларида хизмат кўрсатиш соҳасида, айнан савдо соҳасида хизмат сифатини ошириш муаммолари билан шуғулланганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, индукция-дедукция, қиёсий ва таркибий таҳлил, таҳлил ва синтез усуллари қўлланилади.

Таҳлил ва натижалар. Енгил саноат корхоналарининг ҳар бири хўжалик юритувчи субъект сифатида маълум самарадорлик билан ишлаши лозим. Қачонки маҳсулот сифатли бўлсагина, маҳсулот сифатини замонавий талаблар асосида шакллантирилсагина корхоналар самарадорликка эришади. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки натижа кўрсаткичлари юқори бўлсагина самарадорлик ҳам юқори бўлади. Ушбу назарий хулосага таянадиган бўлсак, натижавий кўрсаткичлардан биримаҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли чоп қилинмаган. Буларни инобатга олиб ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- корхонадаги умумий ходимларнинг сони;
- корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;
-ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;
- битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Уларнинг натижа кўрсаткичи билан боғлиқлигини қуйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$\mathbf{У_т = Х_с * К_и * И_с * М_у ;} \quad \mathbf{(1)}$$

Бунда: $У_т$ – маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум;

$М_ж$ - корхонадаги умумий ходимларнинг сони;

$К_и$–корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари;

$И_с$– ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари;

$М_у$ – битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Таҳлилнинг асосий вазифаси мазкур омилларнинг натижага таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг фарқини аниқлаш лозим. Ушбу фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\mathbf{\Delta У_т = (Х_с^{х} * К_и^{х} * И_с^{х} * М_у^{х}) – (Х_с^{р} * К_и^{р} * И_с^{р} * М_у^{р});} \quad \mathbf{(2)}$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни корхонадаги умумий ходимларнинг сонининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади $\mathbf{(Х_с^{х} * К_и^{р} * И_с^{р} * М_у^{р})}$ ва ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори $\mathbf{(Х_с^{р} * К_и^{р} * И_с^{р} * М_у^{р})}$ айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\mathbf{\Delta У_{тХс} = (Х_с^{х} * К_и^{р} * И_с^{р} * М_у^{р}) - (Х_с^{р} * К_и^{р} * И_с^{р} * М_у^{р});} \quad \mathbf{(3)}$$

Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари

[1]Басовский Л.Е., Протасов В.Б. Управления качеством: Учебник. – М.: ИНФРА –М, 2002. – 212 с.
[2]Гарбашко Е.А. Управления качеством: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2008. – 384 с.
[3]Мазур И.И., .Шариро В.Д. Управления качеством: Учебник. – М.:Высшая школа, 2007.
[4]Аристов О.В. Управления качеством: Учебное пособие. – М.: ИНФРА –М, 2004.
[5]Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей эффективности труда в кооперативной торговле. – М.: Экономика, 1978. – 78 с.

кўрсаткичи таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади **($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$)** ва ушбу миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори **($Х_с^{х}$ * $К_и^{р}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$)** айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$\Delta У_{тКи}$=($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$) - ($Х_с^{х}$ * $К_и^{р}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$) ; (4)

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажмининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатларининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омил-нинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади **($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{р}$)** ва ушбу миқдордан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори **($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$)** айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формлуадан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$\Delta У_{тИс}$=($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{р}$) - ($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{р}$ * $М_у^{р}$) ; (5)

Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлигининг таъсирини аниқлаш учун, натижани ҳақиқий миқдоридан**($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{х}$)** ва ушбу миқдордан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори **($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{р}$)** айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$\Delta У_{тМу}$=($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{х}$) - ($Х_с^{х}$ * $К_и^{х}$ * $И_с^{х}$ * $М_у^{р}$) ; (6)

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$\Delta У_т$= $\Delta У_{тХс}$ ± $\Delta У_{тКи}$± $\Delta У_{тИс}$± $У_{тМу}$; (7)

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга уни яхшилашнинг ички имкониятлари ҳам ахтариб топилади.

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш учун қуйидаги «ASR IMKON TEXTIL» МЧЖнинг маълумотларини келтирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

«ASR IMKON TEXTILE» МЧЖнинг 2020 ва 2021 йилдаги натижавий кўрсаткичлари[1]

№	Кўрсаткичлар	2020 йил	2021йил	Фарқи (+,-)
1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум. Ут. (минг сўм)	1294726249,00	2655967437,48	1366241188,48
2	Корхонадаги умумий ходимларнинг сони. Хс	55	103	+48
3	Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари. Ки	300	290	-10
4	Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари. Ис	7,5	7,8	+0,3
5	Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги. Му(мингсўм) (1қ / (2қ*3қ*4қ))	10462,43	11399,69	937,26

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида Енгил саноат корхонасидаги умумий ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 48 кишига ортган, шу билан бирга Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари 0,3 соатга, Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги 937,26 сўмга кўпайган. Аммо, Ҳисобот даврида ўртача иш куни 10 кунга камайган. Оқибатда Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум суммаси 1366241188,48 сўмга ошган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари Енгил саноат корхонаси Маҳсулотларни

[1]«ASR IMKON TEXTILE» корхонасининг 2018-2019 йиллардаги ҳисоботларида келтирилган маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

2- жадвал

«ASR IMKON TEXTILE» МЧЖга маҳсулотларни сотишдан келадиган умумий тушумга алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Занжирли алмаштириш			
			$М_ж$	$Ў_б$	$Т_{1м}$	$Ў_{ик}$
Корхонадаги умумий ходимларнинг сони. Хс	55	103	103	103	103	103
Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари. Ки	300	290	300	290	290	290
Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари. Ис	7,5	7,8	7,5	7,5	7,8	7,8
Битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги. Му (мингсўм) (1қ / (2к*3к*4к))	10462,43	11399,69	10462,43	10462,43	10462,43	11399,69
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни, умумий тушум. Ут. (минг сўм)	12947262 49,00	26559674 37,48	24246681 52,5	23438458 80,75	2437599 715,98	265596743 7,48

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум 1366241188,48 (2655967437,48 - 1294726249,00) сўмга ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида рўй берган.

1. Корхонадаги умумий ходимларнинг сонинингтаъсирини маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушумга таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб-китобни амалга оширамиз:

$\Delta Ут_{Хс}$= (103 * 300 * 7,5 * 10462,43) – (55 * 300 * 7,5 * 10462,43) =
= 2424668152,5– 1294726249,00 = 1129941903,5

Корхонадаги умумий ходимларнинг сонининг 48 кишига кўпайганлиги Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 1129941903,5 сўмга кўпайтирган.

2. Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичининг натижа кўрсаткичига таъсирини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$\Delta Ут_{Ки}$ = (103 * 290 * 7,5 * 10462,43) – (103 * 300 * 7,5 * 10462,43) =
= 2343845880,75 – 2424668152,5= - 80822271,75

Корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари кўрсаткичининг **10** кунга камайганлиги Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 80822271,75 сўмга (2343845880,75 – 2424668152,5) камайтирган.

3. Ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмига таъсирини қуйидаги ҳисоб-китоблар билан топамиз:

$\Delta Ут_{Ис}$ = (103 * 290 * 7,8 * 10462,43) – (103 * 290 * 7,5 * 10462,43) =
= 2437599715,98 – 2343845880,75 = 93753835,23

Кўриниб турибдики, ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари 0,3соатга ошганлиги натижа кўрсаткичининг **93753835,23** сўмга **(2437599715,98 – 2343845880,75)** кўпайишига сабаб бўлган.

4. Ҳисобот даврида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи натижа ўзгаришига таъсири қандай бўлганлигини қуйидагича ҳисоблаб топамиз:

$\Delta Ут_{Му}$= (103 * 290 * 7,8 * 11399,69) – (103 * 290 * 7,8 * 10462,43) =
= 2655967437,48 - 2437599715,98 = 218367721,5

Бундан аёнки, ҳисобот даврида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлигининг 937,26 сўмга кўпайиши сабабли маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ҳажми 218367721,5 сўмга (2655967437,48 - 2437599715,98) кўпайган.

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, Маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум ўтган йилдагига нисбатан 1366241188,48 сўмга (2655967437,48 - 1294726249,00) кўпайган. Бу ўз навбатида тўртта омил таъсири остида рўй берган:

ΔУт= 1129941903,5 - 80822271,75 + 93753835,23 + 218367721,5 = 1366241188,48

Бу ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, корхонадаги умумий ходимларнинг сони, ходимларнинг ўртача бир кунда ишлаган иш соатлари, битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум, яъни ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган ва аксинча корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари омили таъсири эвазига эса маҳсулотларни сотишдан соф тушум ҳажми, яъни умумий тушум 80822271,75 сўмга камайган.

Хулоса ва таклифлар. Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «ASR IMKON TEXTIL» МЧЖ ишлаб чиқариш самарадорлиги ижобий томонга ўзгараётганлигини кўришимиз мумкин. Лекин омилли таҳлил ўтказиш натижасида шу нарса аён булдики, корхона ходимларининг бир йилда ишлаган ўртача иш кунлари омили таъсири умумий тушум камайишига сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Хулосадан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

1. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилишда омилли таҳлилдан кенг фойдаланиш;
2. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларини интегрраллаш орқали таҳлилий натижаларни умумийлаштириш;
3. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш унумдорлик кўрсаткичларини ҳосилавий нуқтаи назардан олиб баҳолаш орқали самарадорлик кўрсаткичларини тизимлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халилов Н.Ҳ. Саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. Т.: - Ношир, 2014 й.
2. Басовский Л. Е., Протасьев В. Б. Управление качеством: Учебник. – М.: ИНФРАМ, 2008. – 212 с.
3. Мишин В. М., Управление качеством: Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности “Менеджмент организации” (061100) – 2-е изд. перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2008. – 463 с.
4. Гурков И.Б. Инновационное развитие и конкурентоспособность. Очерки развития российских предприятий. М.: ТЕИС, 2003. с. 8.

О.Эрназаров

Пути определения факторов повышения эффективности производства предприятий легкой промышленности на базе инноваций

Аннотация: в статье особое внимание уделено роли и потенциалу предприятий легкой промышленности в экономике нашей страны, значению высокого качества текстильной продукции, совершенствованию механизма контроля качества продукции на предприятиях, способам определения факторов, влияющих на повышение эффективности производства предприятий легкой промышленности. Разработаны предложения и рекомендации и теоретически обоснована их важность.

Ключевые слова: предприятия легкой промышленности, качество продукции, новые рабочие места, эффективность предприятия, отчетный период.

O.Ernazarov

Ways to determine the factors that increase production efficiency of light industrial enterprises on the base of innovations

Abstract: The article pays special attention to the role and potential of light industry enterprises in the economy of our country, the importance of high quality textile products, improving the mechanism for controlling product quality at enterprises, and ways to determine the factors that affect the increase in production efficiency of light industry enterprises. Proposals and recommendations have been developed and their importance has been theoretically substantiated.

Keywords: light industrial enterprises, product quality, new jobs, enterprise efficiency, reporting period.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Олим Мамаюнусович Пардаев – СамИСИ, “Банк-молия хизматлари” факультети декани, и.ф.д., профессор
Улуғбек Ахмаджон ўғли Сагдуллаев – тадқиқотчи

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: ушбу мақолада аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг рақамлаштирилган тизими, яъни электрон ҳукуматни ташкил этишнинг Буюк Британия, Малайзия, Сингапур, Россия Федерацияси тажрибаси таҳлил қилинган бўлиб, муаллифлар томонидан хорижий тажрибанинг энг илғор намунаси, “хартия”лар тизимини жорий қилиш, электрон хизматларнинг сифатини оширишга алоқадор илмий асосланган таклифлар берилган.
Калит сўзлар: давлат, хизмат, хизмат кўрсатиш, давлат хизматлари, электрон ҳукумат, Фуқаро Хартияси.

Кириш. 2017 йилга келиб дунёда 4 та электрон ҳукумат модели маълум: Континентал Европа модели; Англия-Америка модели; Осиё модели; Рус модели. Континентал Европа модели миллий олий институтларнинг мавжудлиги билан тавсифланади ҳамда ушбу моделда технологиядан фойдаланиш биринчи навбатда хизматлардан фойдаланувчиларининг эҳтиёжларига қаратилган. Англия-Америка моделида фуқароларга ҳукумат тўғрисидаги маълумотларни тақдим этувчи ахборот магистралларини яратди.

Осиё моделида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, маданият ва таълим тизимига ахборот технологияларини жорий этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Рус модели дастурнинг асосий мақсадлари иқтисодиёт, давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ахборотдан эркин фойдаланиш ва зарур хизматларни олиш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Ушбу моделларга асосланиб мамлакатларнинг индивидуал ривожланиш йўлларини, яъни электрон ҳукуматнинг жорий қилиниш тажрибасини ўрганиш шу соҳадаги тадқиқотларни олға кетишига туртки бериши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. О.А.Савранская, Н.М.Сивашева давлат хизматлари ва функцияларининг тушунчаси ҳамда меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши, Джеффри Садлер Буюк Британиянинг давлат хизматлари сифатини оширишга берган эътибори, А.В.Сурина давлат хизматлари ва ходимларни инқирозли ҳолатларда бошқаришнинг ўзига хос алоқаси, К.Б.Шадыбеков, А.В.Третьяков, С.К.Мурзаев, А.А.Капаровалар Қирғизистоннинг давлат хизматларини кўрсатиш тизимини Буюк Британия ва Сингапур каби мамлакатлар тажрибалари билан солиштиришга ўз эътиборларини қаратганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда давлат хизматлари бўйича мавжуд назариялар ва ушбу хизматларнинг ўзига хос томонлари таҳлил қилинди.

Мавзу доирасида муаммони чуқур таҳлил қилиш, илмий асосланган хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда давлат хизматлари асосланган илмий ишларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали олинган маълумотларга асосланган бўлиб, қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Охирги 10 йилда жамиятнинг барча жабҳаларида рақамли технологиялар киритилиб, ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув муносабатларининг соддалашишига ва сифат жиҳатдан такомиллашишига эришилди. Ўзбекистонда электрон ҳукуматни жорий қилиш тажрибасига баҳо бериш мақсадида бошқа мамлакатларда бу жараённинг қай тарзда амалга оширилишига эътибор қаратиб, тажрибаларини таҳлил қилиш талаб этилади.

Буюк Британияда давлат хизматлари институтининг ишлаш амалиёти шуни

кўрсатадики, янги хизматлар давлат органлари эмас, балки турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилади [1].

Давлат хизматларини ислоҳ қилишни биринчи бошлаганлардан бири Буюк Британиядир. Эътибор бериш керакки, аксарият Ғарб мамлакатларида давлат хизматлари атамаси оммавий хизматлари (public service) сифатида белгиланади ва шунингдек, муниципал хизматлар, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни ўз ичига олади.

Буюк Британияда давлат хизматларини кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳукумат томонидан 1991 йилда Фуқаролар Хартиясини (Citizens’ Charter) қабул қилиш орқали бошланган. Британия фуқаролари Хартиясининг тамойилларига қуйидагилар киритилган**:** очиқ бўлиш ва тўлиқ маълумот бериш; стандартларни тайёрлаш жараёнларида истеъмолчиларга маслаҳат бериш ва уларнинг иштирокини таъминлаш; танлаш имкониятини бериш; мулойим муомалада бўлиш; хатони тузатиш; ресурслардан самарали фойдаланиш; инновациялар ва такомиллаштиришларни амалга ошириш; бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик[2].

1996 йилга келиб республика миқёсида 32 та, маҳаллий миқёсда 10 мингга яқин хартия ишлаб чиқилди ва нашр этилди. 1997 йилда Фуқаролар Хартияси "Муҳими - хизмат" (“Services First”) деб номланди ва унинг асосида марказий органларнинг иш стандартлари[3] тасдиқланди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, Фуқаролар Хартияси дастурини амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар юзага келди. Булар, хусусан, аҳолининг Фуқаролар Хартиясининг фойдалилигини паст баҳолаётгани, давлат хизматчиларининг кўрсатилаётган хизматлар сифати учун етарлича жавобгар эмаслиги, стандартлар кўрсаткичларини аниқлашдаги услубий муаммолар, мониторинг самарадорлигининг пастлиги ва субъективлик билан боғлиқ эди. Шуни ҳисобга олиб, 1999 йилда Буюк Британия ҳукумати “Ҳукуматни модернизация қилиш” бўйича Оқ китобни нашр этди. Унда қуйидаги устувор йўналишлар эътироф этилди: давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш, сифатини ошириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш; давлат хизматчилари учун имтиёзларни ўзгартириш[4].

Хизмат кўрсатишни модернизация қилиш учун қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган: миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; хизмат кўрсатиш амалга ошириладиган ижро этувчи ҳокимият даражасига катта ваколатларнинг ўтказилиши; истеъмолчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хизматлар кўрсатишда кўпроқ мослашувчанлик; етказиб берувчини ва хизматни олиш жойини истеъмолчи танлаш имконияти.

Ушбу ишларнинг аҳамияти ва ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ***Буюк Британияда Бош вазир ҳузурида Давлат хизматларини ислоҳ қилиш идораси*** ташкил этилди. Ушбу бошқарма бошлиғи Бош вазирга бўйсунади ва унга ҳисобот беради.

2000 йилга келиб Буюк Британия вазирликлари ва идоралари томонидан давлат хизматларининг асосий йўналишларини қамраб олувчи 40 дан ортиқ хартиялар ишлаб чиқилди. Уларнинг ҳар бири сифат стандартларини белгилайди, унга кўра истеъмолчи ваколатли органлар ва муассасалардан тегишли хизматларни олиши мумкин. Хизматлар сифати стандартлари марказлаштирилмаган ҳолда, алоҳида вазирликлар ва мустақил назорат қилувчи идораларнинг қарорлари билан - миллий даражада, давлат идораларининг ҳудудий бўлинмалари томонидан - маҳаллий даражада, шунингдек, алоҳида давлат органлари томонидан бевосита ўз мижозлари учун жорий этилди.

Хизмат сифати стандартлари давлат сектори ташкилотлари фаолиятининг қуйидаги йўналишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди: ташкилот ишини режалаштириш; юқори органлар томонидан назорат қилиш; хизмат истеъмолчилари томонидан мониторинг; ташкилот ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш йўлларини белгилаш; ташкилот ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш; бутун ташкилот фаолияти самарадорлигини

ошириш; бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Фуқароларга хизмат кўрсатиш марказлари давлат хизматларини кўрсатиш тизимининг асосий бўғинига айланди. Бундай марказлар тармоғи қуйидаги тамойиллар асосида яратилган: Фуқаро эмас, ҳужжатнинг ҳаракати (Move the file not the citizen); Доимий сифатни яхшилаш (The Quality movement); Битта мурожаат – бир жойда (One stop shops on local level).

Эътиборлиси, давлат хизматларини ислоҳ қилиш дастури ҳам “Электрон ҳукумат”ни шакллантириш стратегиясининг бир қисми бўлган. Буюк Британия электрон ҳукуматни босқичма-босқич қуриш ва электрон шаклда хизматлар кўрсатиш йўлидан борди. Ушбу ёндашувнинг моҳияти янги хизматларни ишга туширишдан олдин, биринчи навбатда, асосий инфратузилма блокларини қуришдан иборат эди.

Фуқаролар ва корхоналар учун мавжуд бўлган давлат хизматлари дастлаб ***ukonline.gov.uk*** портали томонидан тақдим этилган. Порталнинг асосий вазифаси фуқароларга кенг қамровли давлат хизматларидан фойдаланишнинг оддий, хавфсиз ва тезкор онлайн усулини тақдим этишдан иборат. ***ukonline.gov.uk*** портали турли манбалардан олинган маълумотлар ва хизматларни бирлаштирди, марказий бўлим "Сизнинг ҳаётингиз" (Your life) бўлиб, икки қисмга бўлинган: "Ҳаёт босқичлари" (Life stages) ва "Ҳаёт воқеалари" (Life events).

Биринчидан, энг машҳур хизматлар бўйича тадқиқотлар асосида аниқланган ҳаёт босқичлари амалга оширилди: бола туғилиши; жиноят ҳолати; янги уйга (квартирага) кўчиб ўтиш; яқинларингизнинг ўлими ва бошқа қийин муаммолар; автомобил ҳайдашни ўрганиш; саёҳатлар (хизмат сафарида ва ҳ.к.). Кейинчалик уларга ҳаётнинг бошқа босқичлари қўшилди: мактаб танлаш, бошқа мактабга ўтиш, иш топиш, пенсия ва нафақага чиқиш, кимгадир ғамхўрлик қилиш, бизнес бошлаш. Онлайн хизматларни муайян ҳаёт босқичлари атрофида гуруҳлаш фуқароларнинг давлат билан мулоқотини осонлаштиришга қаратилган.

2004 йилдан бери ***direct.gov.uk*** онлайн хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. У асосий давлат хизматлари (масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва бошқалар) ва мақсадли гуруҳлар (ота-оналар, ногиронлар, ёшлар ва бошқалар) атрофида ташкил этилган. ***direct.gov.uk*** порталининг хизматлари рақамли телевидение асосида ҳам мавжуд бўлиб, Буюк Британиядаги ўн миллиондан ортиқ уй хўжаликларига уйда рақамли телевизорлар орқали давлат ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятини беради. Шунингдек, тадбиркорлар, мулкдорлар ва менежерлар учун давлат маълумотлари ва хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи ***BusinessLink.gov.uk*** бизнеснинг алоҳида электрон ҳукумат портали ишга туширилди.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг илғор тажрибасини аниқлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, давлат муассасаларининг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришдаги масъулиятини оширишда Буюк Британия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган умуммиллий “Чарт Марк” мукофоти муҳим рол ўйнайди. 1992 йилда. Мукофот танлов асосида берилади. Танловда иштирок этиш учун вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва коллежлар, соғлиқни сақлаш органлари, адлия органлари, фавқулодда вазиятлар хизматлари ариза топширишлари мумкин. Мукофотни олиш учун ариза берувчилар томонидан тақдим этилаётган хизматлар сифати 10 та мезонга жавоб бериши керак, жумладан: яхши ишлаб чиқилган стандартлар; очиқ ва тўлиқ маълумот; хизматларни танлаш, улардан фойдаланиш имконияти ва фойдалилиги; агар улар сифатсиз бўлса, шикоят қилиш ҳуқуқи; фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; ресурслардан самарали фойдаланиш; инновацияларни жорий этиш; хизмат кўрсатувчи провайдерлар билан ҳамкорлик қилиш; аҳолининг фикр-мулоҳазалари; хизматлар истеъмолчиларининг қониқиш даражаси.

Ижроия ҳокимиятини модернизация қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва муассасалар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш бўйича Буюк Британия тажрибаси бошқа

мамлакатларда ҳам кенг тарқалди. Буюк Британия мисолида бошқа мамлакатларда – Белгия (1992), Испания (1992), Франция (1992), Малайзия (1993), Португалия (1993), Ямайка (1994), Канада (1995), Австралия (1997), Ҳиндистон (1997), Малта (1999)да фуқаролар хартиялари қабул қилинган. Давлат хизматларининг ўртача истеъмолчисига эътибор қаратиш тамойиллари ҳамма жойда ўзгаришсиз қолди ва улар тўлиқ амалга оширилган мамлакатларда ислоҳотлар энг муваффақиятли амалга оширилди[5].

Ривожланаётган давлатлар қаторида **Малайзия ва Сингапур** давлат хизматларини ислоҳ қилишни биринчи бўлиб бошлаганлар. 1980 йилларнинг бошидан бери Малайзияда бу ислоҳотлар давлат бошқаруви ва давлат хизматини модернизация қилиш доирасида амалга оширилди. Хизмат кўрсатишни тартибга солувчи зарур норматив-ҳуқуқий базани яратишга катта эътибор қаратилди ва 1993 йилда Ҳукумат томонидан “Хизматлар хартияси” қабул қилинди.

Малайзияда давлат хизматлари сифатини ошириш бўйича ислоҳотлар Бош вазир девонининг бўлинмаси сифатида ташкил этилган Маъмурий модернизация ва бошқарувни режалаштириш бўлими (МАМПУ) томонидан олиб борилмоқда. Унинг асосий вазифаси давлат хизматлари сифатини ошириш ва давлат хизмати самарадорлигини ошириш мақса-дида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда “Бошқарувни ривожлантириш бўйича циркуляр” деб номланган махсус йўриқномалар ишлаб чиқилган. Уларда давлат органлари ўз хизматлари сифатини ошириш бўйича кўришлари керак бўлган қадамлар батафсил баён этилган. Айни пайтда давлат органлари ва муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини текшириш билан давлат аппарати, давлат хизмати бўлими, ғазначилик ва турли назорат функцияларини амалга оширувчи бошқа органлар вакилларидан иборат махсус қўшма комиссия шуғулланади. Ушбу соҳада юқори натижаларга эришишни рағбатлантириш учун Малайзия ҳукуматнинг турли даражаларида бериладиган сифат мукофотларига асосланган илғор рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқди ва жорий қилди. Улар орасида энг муҳими давлат ва хусусий ташкилотларга кўрса-тилаётган хизматлар сифатининг эътирофи бўлган “Бош вазирнинг сифат мукофоти”дир.

Сингапурда 1995 йилда ҳукумат “21-асрда давлат хизмати” (PS21) дастурини ишга туширди. Унга кўра, давлат хизматлари кўрсатиш бўйича қатор ўзгартиришлар киритилди. Мисол учун, Сингапурдаги ҳар бир вазирлик/агентлик мижозларнинг фикр-мулоҳазалари ва шикоятлари учун доимо тайёр бўлган Хизмат сифати менежерига эга. 2004 йилда “Нотўғри эшиклар йўқ” (No Wrong Door) дастури қабул қилинган бўлиб, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб излаб бир идорадан бошқа идорага ўтирмасликлари учун барча идоралар бошқа идоралар билан алоқада бўлиши шарт. Ҳар бир ижро этувчи органнинг хизматларини олиш учун истеъмолчилар у ёки бу шаклни (шаклни) тўлдириш, хизматни олиш учун сарфланган вақтни баҳолайдилар. 2003 йилда Сингапур давлат хизматларини кўрсатишда мукаммаллик учун йиллик «Хизматлар юлдузи мукофоти»ни (Star Service Awards) таъсис этди, у хизмат кўрсатишда мунтазам равишда мукаммалликни намойиш этган амалдорларни тақдирлайди.

Сингапурда 1999 йилда Сингапур ҳукуматининг электрон ресурси очилди, бу ресурсда фуқаролар электрон ресурслар орқали тақдим этилиши мумкин бўлган хизматлар тоифаларини олишлари мумкин эди[6]. Кейин 2000-2006 йилларда электрон давлат хизматларини йўлга қўйишга тайёргарлик кўрилди. Дастурнинг ўзи iGov2010 дастурининг бир қисми сифатида, 2006-2010 йилларда амалга оширилди. Унинг доирасида давлат органлари томонидан 50 дан ортиқ тизим жорий этилган. Сингапур ҳукумати ***http://www.gov.sg*** порталида бизнес ва фуқаролар учун 1600 дан ортиқ онлайн хизматлар мавжуд. iGov2010 дастури якунида 2800 респондент ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатдики, Сингапурнинг ҳар 10 фуқаросидан 9 нафари электрон давлат хизматлари ишидан қониқиш ҳосил қилди ва 93 фоизи давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда улардан фойдаланишни тавсия этишга тайёр[7].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, электрон ҳукумат тажрибаларини амалиётга жорий қилаётган барча мамлакатлар бир нечта босқичдан иборат жараёнларни амалга оширишган. Буюк Британиядаги давлат хизматларини кўрсатишни ислоҳ қилишда Фуқаролар Хартиясини (Citizens’ Charter) қабул қилиш ва мамлакатда кенг тарғиб қилиш, Бош вазир ҳузурида Давлат хизматларини ислоҳ қилиш идораси ташкил этиш ҳамда

ukonline.gov.uk, direct.gov.uk ва ***BusinessLink.gov.uk*** порталлари орқали давлат хизматлари кўрсатишга эришилди. Малайзияда давлат хизмат-ларини кўрсатиш тизимини тартибга солувчи зарур норматив-ҳуқуқий базани яратишга катта эътибор қаратиб, Ҳукумат томонидан “Хизматлар хартияси” қабул қилинди, Маъмурий модернизация ва бошқарувни режалаштириш бўлими (МАМПУ) махсус тузилма яратилиб, “Бошқарувни ривожлантириш бўйича циркуляр” деб номланган махсус йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ушбу соҳада юқори натижаларга эришишни рағбатланти-риш учун Малайзия ҳукуматнинг турли даражаларида бериладиган сифат мукофотларига асосланган илғор рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқди ва жорий қилди. Сингапурда “XXI асрда давлат хизмати” (PS21) дастурини ишга тушириш орқали Хизмат сифати менежери лавозимини жорий қилиш, “Нотўғри эшиклар йўқ” (No Wrong Door) дастури қабул қилиш, давлат хизматларини кўрсатишда мукаммаллик учун йиллик «Хизматлар юлдузи мукофоти»ни (Star Service Awards) таъсис этиш, ***http://www.gov.sg*** порталида бизнес ва фуқаролар учун 1600 дан ортиқ онлайн хизматлар таклиф қилишга эришилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Ўзбекистонда электрон ҳукумат фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- Давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик, қўмита ва бошқармаларнинг ишини баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқиш орқали сифат мониторингини ташкил этиш;
- Ҳар йилнинг сўнгида давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик, қўмита ва бошқармалар кўрсатган натижалардан келиб чиққан ҳолда сифат белгисини англатувчи давлат мукофотини жорий қилиш;
- Сифат белгисини англатувчи давлат мукофоти номинациялар қаторига фуқаролар танлови ва баҳосини билдирадиган номинацияни ҳам киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Савранская О.А., Сивашева Н.М. Муниципальные функции и услуги: понятие, нормативно-правовое регулирование, основные требования к организации исполнения // Вопросы оптимизации предоставления муниципальных услуг с использованием информационно-коммуникационных технологий. — М., 2010.
2. Cabinet Office. The Citizen’s Charter. Raising the standards. London. HMSO (July, 1991).
3. Джеффри Садлер. Повышение качества государственных услуг: опыт Великобритании //www.ptpu.ru/issues/3-00/l0-3-00.htm; Performance benchmarking in the public sector:the United Kingdom experience // www.oecd.org/dataoecd/12/8/1902895.pdf
4. Основы управления. Государственное и муниципальное управление, антикризисное управление персоналом, менеджмент: учебное пособие. Под ред. А.В. Сурина М: КДУ 2008.
5. Оптимизация системы предоставления государственных и муниципальных услуг в Кыргызской Республике: теория и практика. Учеб. пособие / К.Б. Шадыбеков, А.В. Третьяков, С.К. Мурзаев, А.А. Капарова/ Под общ. ред. Н.С. Момуналиева - Б: 2015 г. – 416 с.
6. Public service reforms in Singapore / www.sce.gov.sg/pdfs/printouts
7. Журнал CNews. http://www.itnewsrussia.ru/elektronnoe-pravitelstvo
8. Постановление Правительства РФ «О порядке разработки и утверждения административных регламентов исполнения государственных функций и административных регламентов предоставления государственных услуг» от 2005 г. №679.
9. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/

О. Пардаев, У.Сагдуллаев

Зарубежный опыт организации электронного правительства

Аннотация: в данной статье анализируется цифровая система оказания государственных услуг населению, изучается опыт Великобритании, Малайзии, Сингапура и Российской Федерации в организации электронного правительства, даются связанные с этим научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: государство, услуга, оказание услуг, государственные услуги, электронное правительство, Хартия гражданина.

O.Pardaev, U.Sagdullaev

Foreign experience in organizing e-government

Abstract: this article analyzes the digital system for the provision of public services to the population, studies the experience of the UK, Malaysia, Singapore and the Russian Federation in organizing e-government, provides scientifically based proposals related to this.

Keywords: state, service, provision of services, public services, e-government, citizen's charter.

Зариф Юсупович Аминов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти в.б, и.ф.н.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация: мақолада глобал инқироз шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги ёритиб берилган.
Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, хизматлар соҳаси, меҳнат хавфсизлиги, хавфсизлик хизматлари, иқтисодий хавфсизлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида хавфсизлик.

Кириш. Мамлакатимизда ҳозирги кунда хизматлар соҳаси билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлмаган, ҳеч бўлмаса ушбу соҳа билан дуч келмаган бирон бир корхона ёки ташкилотни топиш қийин. 2018 йилнинг 1 октябри ҳолатида 316,7 мингта фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилот мавжуд бўлиб, шундан хизматлар соҳасида 20 мингтаси ўз фаолиятини юргизмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 9,2% ўсган. Натижада 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида 105244,8 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбтан ўсиш суръати 108,9% ни ташкил қилди[1].

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг асосий сектори сифатида долзарб ва муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ишлаб чиқариш жараёнларининг қийинлашуви, бозорнинг кундалик ва шахсий эҳтиёж билан боғлиқ товарлар билан тўйинганлиги, инновацион ривожланишнинг кескин ўсиш суръатлари, жамият ҳаётига янги хизмат турларини кириб келишини объектив заруратга айлантирди. Буларни янгича хизмат турларисиз яъни информацион, молиявий, транспорт, суғурта, тўлов тизими хизматлари ва бошқаларсиз тасаввур қилб бўлмайди. Биргина 2018 йилнинг 9 ойида жами фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш корхоналарининг таркибида аҳоли соғлиғини сақлаш билан боғлиқ хизматлар 6,6, информация ва алоқа хизматлари 6,8, сақлаш ва ташиш хизматлари 13,0, овқатланиш ва яшаш билан боғлиқ хизматлар 19,2, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш хизматлари 69,4, бошқа хизматлар 94,5 минг бирликни ташкил этмоқда. Жами ушбу даврда 209,5 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда2. Булар аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга янги иш ўринларининг очилишини, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлайди ва шу орқали жамиятни фаровонлигининг оширилишига хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналарнинг иқтисодий юксалиши учун муҳим бўлган масалалардан бири, уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласидир.

Иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакатимиз ва хорижий олимлардан Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев[3], Г.С.Вечканов[4], В.А.Богомолов, Н.Д.Эриашвили, Е.Н.Барикаев, Е.А.Павлов, М.А.Ельчанинов[5], В,С.Гусев[6], З.Н.Курбанов[7], Д.И.Истамов, Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев[8], Л.А.Михайлов[1], Т.Е.Кочергина[2],

[1] 2007 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари. ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ва ЎзР Статистика қўмитаси. // Халқ сўзи. 2008 йил феврал.

[2] 2007 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари. ЎзР иқтисодиёт вазирлиги ва ЎзР Статистика қўмитаси. // Халқ сўзи. 2008 йил феврал.

[3] Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Профессор М.Қ.Пардаев таҳрири остида. Т.: Фан, 2005 йил.- 12 боб, Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.

[4] Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2007. – 384 с.

[5] Экономическая безопасность: учеб. пособие. Под ред В.А.Богомолова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. - 295 с.

[6] Гусев В.С. и др. Экономика и организация безопасности хозяйствующих субъектов. 2-е изд.- СПб.: Питер, 2004. – 288 с.

[7] Курбанов З.Н., Махмудов А. Хуфёна иқтисодиёт ва солиқ ҳуқуқбузарлиги. Рисола. Фарғона: 2004. – 75 б.

[8] Истамов Д.И., Ю.А.Гранаткин, М.М.Мухаммедов, Э.Н.Ходжаев. Экономическая безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Самарканд. 1995.- 152 с.

А.Э.Ишмухаммедов[3], А.П.Градов[4], А.И.Попов[5], Д.К.Нарзуллаева[6], А.Е.Пармонов, А.И.Игамбердиев, Ғ.Дадаев, М.Қодиров[7], Е.А.Олейников раҳбарлигидаги илмий-таҳлилий тадқиқотларда[8] кенг ёритилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги пайтда замонавий, аҳолига техник ва технологик жараёнлар билан боғлиқ хизмат турлари пайдо бўлмоқда. Булар жумласига алоқа, ахборотлаштириш, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш, меҳмонхона ва молия хизматларини киритиш мумкин. 2018 йилда ушбу хизматларнинг ҳажми юқори суръатда ўсди. Кечагина оддий телефонга йиллаб навбат кутиладиган бўлса, бугунги кунда кўпгина оила аъзоларининг ҳаммасида уяли алоқа воситалари мавжуд. Яқиндагина компьютер техникаси битта катта ташкилотда битта бўлган бўлса, ҳозирги кунда кўпчилик хонадонларда ушбу техника мавжуд. Буларнинг ҳаммаси уларнинг мунтазам ишлаб туришини таъминлаш учун алоҳида хизматларини ташкил қилишни тақозо қилади.

Барча хизмат турларининг ўсиши уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортишига олиб келди. Бу эса биринчи навбатда янги хизмат турларини бозорга кириб келиши ҳисобидан бўлиб, барча мутасадди шахсларнинг ушбу соҳага янада катта эътибор беришини талаб қилади. Хизмат кўрсатиш улуши мамлакатимизда юқори даражага эгалиги унинг ҳар бир ҳудуд ва вилоятларда шундай даражага эришиш лозимлигини тақозо қилади. Чунки, хизматлар бўйича янги иш ўринларини очиш ҳам бирмунча арзон ва қулайдир. Энг муҳими, турли замонавий хизматларга аҳолининг эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бориши кузатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида, хизматлар соҳасида корхоналарнинг хавфсизлик хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яқингача хавфсизлик хизматлари билан фақат давлат органлари шуғулланар эди. Эндиликда улар билан бирга хавфсизлик билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлари ҳам вужудга кела бошлади. Корхоналарнинг хавфсизлик хизмати уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир. Ҳозирги кунда махсус нодавлат ташкилотлари билан корхона ва муассасалар хавфсизлик бўйича шартномалар тузмоқдалар. Бунда объектларни қўриқлаш билан шуғулланадиган нодавлат фирмалари шартномага биноан шу ташкилотдан йўқолган, ўғирланган ҳамма зарарларни ўз зиммаларига олиш билан бирга корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, уни ривожланиш стратегияларини белгилаб бериш, корхонани ғирром рақобатдан ҳимоялашни ҳам ўз зиммаларига олмоқда. Бундай ҳолат икки томонлама жавобгарлик ва манфаатдорликни таъминлайди.

Моддий неъматларни яратиш масаласи халқнинг яшаш даражасини яхшилаш учун ечилиши лозим бўлган масаланинг бир қисми холос, уни сақлаш ва нест-нобуд қилмай истеъмолчиларга етказиб бериш, унинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бунга эришиш жаҳонда содир бўлаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва хавфли юқумли касалликларни пайдо бўлиши натижасида иқтисодиётдаги таъсирини юмшатиш учун ҳам муҳим омилдир. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта аҳамият берилиши лозимдир. Зеро, меъёрдаги йўқотишларни тежаш ҳам қўшимча ишлаб чиқариш билан тенгдир. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий

---

[1]Безопастность жизнодеятельности: Учебник для вузов, 2-е изд. / Под ред. Михайлова Л.А. –СПб.: Питер, 2008.- 461 с.
[2] Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 445 с.
[3] Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ , 2004. – 176 б.
[4] Градов А.П. Национальная экономика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007.- 240 с.
[5] Попов А.И. Экономическая теория: Учебник для вузов. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2006 – 544 с.
[6] Нарзуллаева Д.К. Учебно-методический комплекс по дисциплине «Безопасность в индустрии – сервиса». – Т.: ТГЭУ.- 434 с.
[7] Пармонов А.Е., Игамбердиев А., Дадаев Ғ, Қодиров М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. (Лотин алифбосида) Т.: Иқтисод-молия, 2007.-196 б.
[8] Экономическая и национальная безопасность: Учебник. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Экзамен, 2005. – 768 с.

хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам улар фаолиятининг ажралмас ва энг эътиборли қисми бўлмоғи лозим.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўзига хос хизмат турлари ҳисобланади. Бу хизмат тури ҳам бошқа хизматлар сингари ўз ўлчами, сифати, миқдори, нархи каби иқтисодий тушунча ва кўрсаткичларга эга. Шу туфайли уларни ўрганиш ва баҳолашда ифодаловчи кўрсаткичларга таяниш лозимдир. Мазкур хизматни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири унинг самарадорлиги ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичдир.

Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги хизмати сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобот даври давомида мазкур объектда ҳеч қандай йўқотишлар ва ўғирликларнинг бўлмаслиги билан белгиланади. Иккинчи кўрсаткич сифатида шу корхонада йўқолган ёки ўғирланган моддий неъматларни қўриқловчи фирма томонидан ўз вақтида қоплаб беришлик даражаси билан ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Агарда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланса, турли йўқотишларнинг олди олинса, яратилган моддий неъматларимиз ўз вақтида сифатли ҳолда истеъмолчиларга етиб боради ва бу билан аҳолининг фаровонлигини ошириш борасидаги тадбирларимиз амалда бажарилади. Кўриниб турибдики, корхоналарнинг, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг ҳам хавфсизлиги иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида ўз ечимини кутаётган ва бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланган масалалар сирасига киради.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши билан корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи объектив заруриятга айланиб боради. Бунинг учун маълум даражада тижорат сирининг бўлиши тайин. Чунки мулк хусусий бўлгач, иқтисодий жараённи, маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳам, қилинадиган зарарларни қоплаш учун ҳам мазкур субъект ўзининг маблағи ишлатилади. Тадбиркор маблағидан ажралса, мулкдорликдан жудо бўлса, демак унинг фаолияти тўхтайди. Оқибатда, бир қанча кишилар ишсиз қолади, уларнинг оилавий аҳволи ёмонлашади. Бу ҳолат пировардида жамиятда кам таъминланган табақанинг кўпайишига сабаб бўлади. Шу туфайли хусусий мулкка асосланган корхонанинг ривожланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Зеро бу жараён аҳолининг фаровонлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини доимий равишда таъминлаб туришнинг объектив зарурати туғилади. Бу объектив зарурат унинг раҳбариятидан катта эътиборни, ташкилий ишларни амалга оширишни ва уни оқилона бошқариб боришни талаб қилади. Шу туфайли ҳар қандай раҳбар корхонани яхши бошқариш илми билан бирга, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ҳам яхши билиши лозимдир. Шу туфайли корхона, шу жумладан хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга масъуллигини ошириши, уларнинг нафақат яшовчанлигини, балки барқарор тараққиётини таъминлаши учун қаттиқ курашмоғи лозим. Бу эса иқтисодий ишлар тизимида ўта мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Корхонанинг, шу жумладан хизмат кўрсатувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бу ўта мураккаб бўлиш билан бирга жуда кўпқиррали соҳадир. Аммо корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги булар билан ҳам чекланиб қолмайди. Ушбу тадбирларга, бизнинг фикримизча, яна қуйидаги тадбирларни қўшиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. Ҳар бир ходим ўз корхонасига садоқатли бўлиши, ўз ишига катта масъулият ва фидоийлик билан ёндашадиган бўлиши лозим.

2. Корхонадаги шаклланган меҳнат жамоаси юқори малакали, савияли, тажрибали ва ташаббускор кишилардан иборат бўлмоғи лозим.

3. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга шунчаки кундалик тадбир, деб эмас, балки иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми деб, мунтазам равишда жиддий иш сифатида қараш лозимлигини тақозо қилади.

4. Корхонадаги ҳар бир ходим, уларнинг мавқеи ва лавозимидан қатъий назар, унинг мулкига бу “умумий мулкимиз” эмас, балки “менинг мулким” деб қараши лозим. Шундай руҳият билан яшайдиган, ишлайдиган меҳнат жамоаси шаклланса, уларнинг мулкка бўлган муносабатида “бизнинг мулкимиз” деган руҳиятдан “менинг мулким” деган руҳият устувор бўлсагина корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Юқорида келтирилган назарий қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, эндиликда ҳар бир корхонанинг, мулк шаклидан қатъи назар, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив заруриятга айланди. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, корхоналар эркин рақобат шароитида синиб қолиш хавфининг мавжудлиги.

Иккинчидан, фаолият юритишга қаратилган корхоналар харажатларига нисбатан синиб қолиши ва уни ўнглашга кетадиган харажатларнинг кўплиги.

Учинчидан, одамлар руҳиятидаги туб ўзгаришларга эришишнинг зарурлиги. Бунинг амалий ифодасини намоён қилиш учун, ишнинг самарадорлигидан ҳамманинг манфаатдорлигини таъминлашда бошбошдоқлик ўрнига ҳамжиҳатликнинг шаклланиши лозимлиги.

Тўртинчидан, корхоналардаги барча мулкларнинг тўлиқ ва беками-кўст сақланиш лозимлиги.

Бешинчидан, корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ҳаётий зарурлиги.

Олтинчидан, барча мавжуд хавф-хатарларни хавфсизликка айлантириш лозимлиги.

Бундай тадбирларни амалга ошириш маълум даражада эътибор, вақт билан биргаликда корхонадан харажатларни ҳам талаб қилади. Бозор муносабатлари шароитида хавфсизлик масаласи билан боғлиқ харажатлардан қўрқмаслик керак. Фақат харажатларни қайтимини таъминлайдиган қилиб сарфланишга эришмоқ лозимдир. Шундагина фаолият ҳам амалга оширилади, харажатлар ҳам ўз вақтида қопланади ва маълум даражада фойда олиш имконияти яратилади. Агар сарф қилинган харажатлар корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини тўлиқ таъминласа, булар самарали ҳисобланади.

Бундай тадбирларнинг ҳаммаси корхоналарнинг, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис фаолияти билан шуғулланадиган субъектларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг биринчи йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланувчи корхоналар ўзларининг хавфсизлигини ўзлари таъминлашга қаратади. Хавфсизликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг истеъмолчилари учун хавфсиз бўлишликни таъминлашдан ҳам иборатдир. Бу масала хавфсизликнинг иккинчи йўналиши ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида хавфсизликни таъминлаш объектив зарурият сифатида намоён бўлиши янада кучаймоқда. Чунки, ушбу соҳанинг ривожи келажакда иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмини ташкил қилмоқда. Зеро, 2023 йилга бориб ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 49,0 %ни ташкил қилиши кўзда тутилганлиги ҳаммага маълум. Бундай ҳолат хизмат кўрсатиш соҳасига бир қанча талабларни қўяди.

Уларга жавоб бериш учун яна қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Булар:

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрнининг муттасил ошиб бораётганлиги;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг истеъмолчилар, хусусан инсон ҳаётидаги ролининг ошиб бораётганлиги;

- хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш орқали ҳаёт сифатини ошириш ва қулай турмуш тарзига эришиш мумкинлиги;
- хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланадиган кадрларнинг аста-секинлик билан мамлакатимизда тайёрланаётганлиги;
- янги иш ўринларининг кўплаб очилиши ҳам шу соҳага боғлиқлиги ва шу орқали ишсизлик масаласини ҳал қилиш бўйича режаларни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;
- мазкур соҳанинг давлат бюджети даромадларининг кўпайишини ва унинг хазинасига нақд пул тушумини таъминлаш масаласининг ҳал бўлишидаги ўрнининг ошиб боришлиги;
- мамлакат бозорида хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига доир имкониятларнинг очилиши кабилардир.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бугунги кунда ва келажакда корхоналарнинг, шу жумладан сервис фаолияти билан шуғулланадиган субъектларнинг, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш уларнинг эркин рақобат шароитида яшовчанлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш учун объектив заруратдир.

З.Аминов **Развитие сферы услуг и объективная необходимость обеспечения экономической безопасности предприятий**	**Z.Aminov** **The development of the service sector and the objective necessity of ensuring the economic security of enterprises**
Аннотация: в статье описано развитие сферы услуг в условиях мирового кризиса и объективная необходимость обеспечения экономической безопасности предприятий. **Ключевые слова:** сервис, сфера услуг, охрана труда, служба безопасности, экономическая безопасность, сервис и безопасность в сфере обслуживания.	**Abstract:** the article describes the development of the service sector in the context of the global crisis and the objective need to ensure the economic security of enterprises. **Keywords:** service, service industry, labor safety, security services, economic security, service and service industry safety.

Шоира Азимовна Мусаева – СамИСИ профессор в.б.
Дилфуза Илхомовна Усмонова – СамИСИ доценти

ДОРИ-ДАРМОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТОВАР ТАРҚАТИШ КАНАЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада товар тарқатиш, сотишни рағбатлантириш, алоқаларни ўрнатиш, товарни истеъмолчилар талабига мувофиқ ҳолда келтириш, музокаралар ўтказиш, товар ҳаракатини ташкил қилиш, молиялаштириш ва таваккалчиликни ўз зиммасига олиш ҳамда тақсимот каналлари ўзининг узунлиги, кенглиги ва поғоналари сони кўриб чиқилган.
Калит сўзлар: дори-дармон, товар тарқатиш, истеъмолчи, фармацевтика, маҳсулот, ижтимоий-сиёсий ривожланиш, рағбатлантириш.

Кириш. Аҳолининг соғлигини сақлаш соҳаси замонавий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига айланмоқда. Бунга нафақат тиббиёт соҳаси балки кўп жихатдан дори-дармон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар билан етарли даражада таъминлаш корхоналари ва тармоқлари алоҳида фаолият тури сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Дунё бўйича фармацевтика саноати инсон соғлигини сақлаш тизимини барқарор ривожланишини таъминловчи энг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга соҳа ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки ижтимоий сиёсатнинг алоҳида йўналиши бўлган соғлиқни сақлаш тизими

биринчи ўринда касалликларни олдини олиш ёки бошланғич босқичларда аниқлаш ва даволашга қаратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили Фармацевтика маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари бўйича А. Балашов [8], Ю.Н. Ковальногова сингари олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Wigglesworth, K., Zelcer, J. каби олимлар фармацевтик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мижозларининг ҳаракатларини тавсифлаб берган. Шунингдек фармацевтика бозоридаги муаммоларни тадқиқ қилишга хорижий олимлардан О.А. Васнецова, Карева Н.И., В.И. Криков, С.А. Лагунова, Е.А. Максимкина, В.И. Прокопишин, М.В. Рыжкова, А.Ю. Юданов, M. Brown, N. Evanson, J.E. Fincham, R.A. Gosselin, M.C. Smith, J.B. Thomas, A.I. Wertheimerлар ўз ишларини бағишлаганлар. Мамлакатимиз олимларидан Д.Бобожонов, Д.Т.Саипова, К.А.Илясова, А.А.Юнусхўжаев, А.Алимовлар фармацевтик маркетингга эътиборларини қаратганлар.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, танланма кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қуйидагилардан иборат:

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида илмий-тадқиқотимизнинг мақсадига дори-дармон бозорида улгуржи савдо корхоналарининг маркетинг фаолиятини, жумладан сотишни рағбатлантириш усулларини ривожлантириш йўлларини таклиф қилиш киради.

Ушбу мақсадга эришиш учун мақолада қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ҳамда бажарилди:

Фармацевтика бозорида маркетинг фаолиятининг хусусиятларини очиб бериш;

Самарқанд шаҳрида дори-дармон бозори иштирокчилари фаолиятини таҳлил қилиш;

Самарқанд шаҳридаги “Биокосмик” МЧЖда маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш;

Тақсимот каналлари ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон йўлида товарга эгалик қилиш ҳуқуқини ўз зиммасига оладиган ёки сотишга ёрдам берадиган оралиқ бўғинлар йиғиндисидан иборат. Оралиқ бўғинлар сифатида оддий воситачилар, улгуржи ва чакана сотувчилар бўлиши мумкин.

- Самарқанд вилояти фармацевтика бозорининг ўзига хос ҳусусиятлари очиб берилган;
- Дори-дармон бозоридаги улгуржи воситачиларнинг маркетинг фаолияти қонуниятлари очилган;
- Дори-дармон бозорида улгуржи ва чакана савдони бошқариш механизми очиб берилган;
- Дори-дармон савдосида товар тарқатиш ва сотувни рағбатлантиришнинг услубий тавсиялари ишлаб чиқилган.

Товарларни бевосита пировард истеъмолчига сотиш товарларни чакана савдо корхонасида таклиф этиш - «мерчендайзинг», лицензияланган савдо - «франчайзинг» ва истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш - «директмаркетинг» йўллари билан олиб борилади. Воситачилардан фойдаланиш шундан иборатки, улар ўз тажрибалари ва ишнинг юқори сифатига таяниб товарни энг мақсадга мувофиқ шаклда таклиф этишлари мумкин ва шу орқали ишлаб чиқарувчига кўпроқ фойда олиб келиши мумкин. Шу билан бирга воситачилар сонининг кўпайиши товарлар нархининг ошиши, айланишнинг секинлашуви ва умумий ҳолда товар ҳаракати бутун жараёнининг қимматлашувига олиб келиши мумкин.

Гап шундаки, “BIOCOSMIC” МЧЖ да дори-дармон маҳсулотларни эҳтиёжлардан келиб чиқиб керакли танловни амалга оширишга имкон берадиган тор диапазонда чиқарадилар. Ассортиментни ўзгартириш иши воситачилар зиммасига юклатилади, шу орқали улар шерикчилик муносабатларини ўрганишда ва шу асосда товар ишлаб чиқарувчилар билан битимлар тузишда кўп жиҳатдан ижобий рол ўйнайдилар. Улар

орасида ахборот функциялари, сотишни рағбатлантириш, алоқаларни ўрнатиш, товарни истеъмолчилар талабига мувофиқ ҳолда келтириш, музокаралар ўтказиш, товар ҳаракатини ташкил қилиш, молиялаштириш ва таваккалчиликни ўз зиммасига олиш энг кўп эътиборга лойиқ. Тақсимот каналлари ўзининг узунлиги, кенглиги ва поғоналари сони билан тавсифланади. Поғоналар сифатида товар ҳаракатининг оралиқ бўғинлари намоён бўлади. Ўз навбатида оралиқ бўғинларни йиғиндиси тақсимот каналининг узунлигини ҳосил қилади. Бунда товарни ишлаб чиқарувчи каналнинг бошланғич бўғини, истеъмолчилар эса каналнинг пировард бўғини ҳисобланади.

Бир поғонали канал чакана ва улгуржи сотувчидан ташқари кичик улгуржи бўғинни ҳам ўз ичига олади. Савдо амалиётида оралиқ бўғинларнинг сони кўпроқ бўлган каналлар ҳам учраши мумкин, лекин товар ҳаракатини ташкил қилишда улар унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас.

Бугунги кунда “BIOCOSMIC” МЧЖ корхонаси тўрт поғонали усулда ташкил қилинган. Бир поғонали канал, одатда, тўғри маркетинг канали дейилади, чунки у бошланғич ва пировард бўғинлардан иборат, яъни оралиқ бўғинлар йўқ. Тўғри сотиш айниқса, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўсиш тенденциясига эга. Дори маҳсулотларини сотишда ушбу канал деярли қўлланилмайди.

Икки поғонали канал, одатда чакана сотувчидан иборат бўлган битта оралиқ бўғинга эга. Бу турда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, курилиш материаллари ва ҳоказоларни ишлаб чиқарувчилари орасида кенг тарқалган. Ушбу каналлар тури ҳам “BIOCOSMIC” МЧЖсида деярли мавжуд эмас.

Уч поғонали канал сотувчи билан бир қаторда улгуржи бўғин билан тўлдирилади. Бу каналдан қўшимча мураккаб уй-рўзғор техникаси, дори-дармон воситалар, озиқ-овқат товарлари баъзи турларини ишлаб чиқарувчилар фойдаланадилар. “BIOCOSMIC” МЧЖси айнан шундай каналнинг вакили ҳисобланиши мумкин, аммо кўплаб дори воситалари каналнни янада мураккаблаштиришга сабаб бўлмоқда.

Тўрт поғонали канал чакана ва улгуржи сотувчидан ташқари кичик улгуржи бўғинни ҳам ўз ичига олади. Савдо амалиётида оралиқ бўғинларнинг сони кўпроқ бўлган каналлар ҳам учраши мумкин, лекин товар ҳаракатини ташкил қилишда улар кўзга кўринарли рол ўйнамайдилар. Ҳар бир тақсимот канали ўзининг ташкилий структурасига эга ва бу маънода канал иштирокчиси бошқа бўғинлар билан ўзаро алоқада бўлади. Лекин “BIOCOSMIC” МЧЖ корхонасининг ўз навбатда ўзи ҳам, айниқса унинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан пунктларда сотиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жараёнлари қанчалик малакали амалга оширишнинг акси ҳисобланади. Улар алоҳида олинган иштирокчисининг унумдорлиги иккита омил билан аниқланади:

- биринчидан, бутун тақсимот қаналининг ишлаш даражаси билан;

- иккинчидан, мазкур канал бошқа шароб ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқарувчи каналларининг рақобатлаша олиши билан.

Тақсимот каналини танлаш жараёни даставвал маҳсулотни бевосита истеъмолчига томон силжишида ижобий таъсир кўрсатишнинг мумкин бўлган аниқ шерикларни аниқлаш мақсадида макон ва замонни кечиб ўтиш бўйича ҳаракатларни оптималлаштиришга таянади.

Умуман, «ишлаб чиқарувчи - истеъмолчи» занжирида воситачиларнинг сони ва уларнинг функциялари товардан товарга, ҳудуддан ҳудудга, мамлакатдан мамлакатга ўзгаради. Каналнинг кўпчилик иштирокчилари товарни фақат сотиб оладилар ва қайта сотадилар, бошқалар эса маркетинг тадбирларига кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қиладилар. Европа давлатлари тажрибаси тақсимлаш каналининг, шу жумладан, унинг алоҳида элементларининг умумий ҳолда ривожланиши ва такомиллашишидан муайян тенденциялар ҳақида гувоҳлик беради. Лўнда кўринишда уларнинг маъноси қуйидагидан иборат:

- тақсимот каналларидаги оралиқ бўғинларнинг сони товарларни етказиб беришнинг транспорт тизимларидан фойдаланишни ва ахборот узатишни

такомиллаштириш ҳисобига, шунингдек кўп ҳолларда улгуржи сотувчи фукцияларини бажариш имкониятларини исботлаётган товар ишлаб чиқарувчиларнинг мавқеи кучайиши ўрнига улгуржи савдо-сотиқ ролининг пасайиши ҳисобига қисқариб бормоқда (шунингдек, бу йўналишларнинг ташаббускорлари чакана сотувчилар ҳам бўлиши мумкин);

- тақсимлаш каналларида нарх сиёсатини шакллантириш устидан назоратнинг кучайиши, чакана савдо-сотиқнинг агрессив сиёсатига қарама-қарши ўзининг тақсимланиш тизимларини яратишга ҳаракат қиладиган йирик компаниялар;

- аҳоли томонидан бўш иш вақтидан фойдаланишда муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда, бу эса ўз навбатида тақсимлаш каналини сотиш технологиясининг рационал ва самарали усулларидан фойдаланиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, микропроцессорлар (айниқса уларнинг праграммалаш имкониятларини), истеъмолчиларнинг бўш вақтини анча тежашга ва бир вақтда қулайлик ва сервис хизмат кўрсатишга имкон берадиган супермаркетлар ва дўкон клубларини ривожлантириш каби томонларни қайта баҳолашга олиб келади.

Товар тарқатишни мукаммаллаштириш бу бевосита товар ҳақидаги ахборотни истеъмолчиларга тўғри ва аниқ етказиб бериш, бу борада оммавий ахборот воситалари, теле, радио воситаларидан самарали фойдаланиш кабиларни ўз ичига олади.

Булардан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлик хусусияти ҳам юқори даражада бўлиши керак.

“BIOCOSMIC” МЧЖ сида бошқа корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, рақобатбардошлиги билан биргаликда, албатта товар сотилиши учун харидор тўлов қобилиятига эга бўлиши ҳам муҳимдир. Шунинг учун талаб «тўлов қобилиятли эҳтиёж» ҳам деб аталади.

Савдони рағбатлантириш - бу маълум вақт давомида сотишни кўпайтиришга қаратилган тижорат ва маркетинг тадбирлари, шунингдек, дорихона ташкилотидаги фармацевтика ходимларининг иши:

- истеъмолчи талабини рағбатлантириш;
- хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- товар айланиши ва товарларни сотиш жараёнини тезлаштириш;
- маҳсулот/ишлаб чиқарувчи брендининг жойлашуви.

Фаолият мажмуасида иккита фаолият блоки мавжуд:

1) дори воситалари ва дорихона маҳсулотларининг якуний истеъмолчисига қаратилган фаолият. Улар синов ёки такрорий харидни, шунингдек, дорихона маҳсулотларини истеъмол қилиш частотасини оширишни рағбатлантиришлари керак. Ушбу тадбирларнинг якуний мақсади истеъмолчи фаоллигини оширишдир;

2) тарқатиш тармоғининг аъзоси сифатида дорихона ташкилотлари - тарқатиш тармоғини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар. Улар тарқатишни ривожлантириш, айланмани тезлаштириш ва сотишни кўпайтиришга қаратилган.

Дорихона ташкилотига қаратилган маркетинг фаолияти унинг сотилишини рағбатлантириш, товар айланмасини тезлаштириш ва сотиш ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Ушбу чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шериклик содиқлик дастурлари ёки ўзаро маркетингга асосланган содиқлик дастурлари. Харидор дастур ҳамкорларининг таклифларига эга бўлган бонус картасини тузади. Ҳар бир харид учун у картадаги балларни олади, ундан харидлар ёки шериклардан совғалар учун чегирма сифатида фойдаланиш мумкин.

- фармацевтика ташкилотлари ходимларини рағбатлантириш. Рағбатлантириш - бу вазифани муваффақиятли бажариш ёки умуман самарали ишни бажариш учун ходимга ташқи таъсир қилиш жараёни. Ички ва ташқи стимуляция мавжуд. Дори воситаларини сотишнинг маълум ҳажмлари учун ташқи рағбатлантириш дистрибюторлар ва / ёки ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилади. Ички рағбатлантириш дорихона ташкилотининг ишлаш кўрсаткичларига боғлиқ.

Товарни сотиб олишда инсонлар маълум эҳтиёжларни қондиришни назарда тутадилар. Шу сабабли товарнинг сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборот зарур бозорга кириш фирма учун масъулиятли давр, унинг товарлари ҳақида ҳам маълумотлар берилмаган. Бўлажак истеъмолчи қуйидаги ахборотни олиши шарт:

- товарнинг борлиги ва сотилиш жойи;
- қайси эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги;
- истеъмол қийматининг асосий кўрсаткичлари;
- харидорларни қониқтирмай қолган ҳолда уларни ҳимоя қилиш кафолатлари.

Бўлғуси харидорларга ахборотлар етказиш усуллари:

- Рекламалар (радио, телевидение, ёзма).
- Кўргазмалар ўтказиш.
- Йиғилишлар, анжуманлар ва фильмлар орқали.

Ахборотга эга бўлмаган харидорларга мурожаат қилиш уларнинг талабини уйғотиш ва товарни сотиб олишга ундайди.

Демак талаб шаклланишининг асосий сабабларидан бири бу - харидорларни маҳсулотга қизиқтира олиш уларга тўғри ва аниқ маҳсулот ҳақида ахборот бериш, маҳсулотнинг кўриниши, ўрами билан истеъмолчини ўзига жалб қилиши кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Сотишни рағбатлантиришда товар тўғрисида маълум даражада ахборотга эга бўлган истеъмолчиларга мурожаат қилинади. Шунинг учун рағбатлантириш сиёсатининг вазифаси уларда фирма товарларини кейинги вақтда сотиб олишга иштиёқ туғдириш ҳамда доимо алоқада бўлишга чақиришдан иборат.

Одатда талабни шакллантириш тадбирлари истеъмолчиларга ва сотувчиларга қаратилган бўлади. Истеъмолчиларни рағбатлантириш уларга сезиларли тижорат имтиёзлари беришни кўзда тутади:

- товарни сотиб олиш ҳажмига ва доимий алоқада бўлиб туришга бериладиган имтиёз;
- ҳар хил шаклдаги қарзларга товар сотиш;
- товарнинг кўп ҳажмда харид қилинишини кўзлаб, намуналарни бепул тарқатиш;
- товарни вақтинча ишлатиш учун бепул бериш;
- ишлатилган товарни маълум шартлар билан қабул қилиш;
- янги товарларни бўлажак харидорларга кўрсатиш;
- товар ишлаб чиқарувчи корхоналарга саёҳатлар уюштириш;
-янги товарларини бозорга киритилишига бағишланган матбуот конфренциялари ўтказиш;
- товар баҳосини кескин тушириш тўғрисидаги радио, телевидение ва матбуот орқали эълонлар.

Товарларга бағишланган рағбатлантириш сиёсати уларни сотиб олувчи харидорлари турига боғлиқ. Воситачиларни рағбатлантириш, уларнинг фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишга ҳамда истеъмолчилар доирасини кенгайтиришга мўлжалланади. Талабнинг шаклланиши ва сотишни рағбатлантириш сиёсати товарнинг бозордаги ҳаётий босқичларига мувофиқ келиши ва ҳар бирига мос мазмун бағишлаши шарт.

Шахсий савдо / тўғридан-тўғри маркетинг

Ишлаб чиқарувчининг буйруғи билан ёки ўзи томонидан тузилган маълумотлар базасига мувофиқ ёки маълум бир истеъмолчидан фикр-мулоҳазаларни олган ҳолда маълум бир аудиторияга таъсирни ифодалайди. Усулнинг моҳияти реклама хабарини шахсийлаштиришдир. Тўғридан-тўғри маркетингнинг бешта анъанавий шаклларини ажратиб кўрсатиш одатий ҳолдир: тўғридан-тўғри почта маркетинги, каталог маркетинги, телемаркетинг (телефон орқали маркетинг, телекоммуникация технологиялари ва маркетинг мақсадларида маълумотлар базасини бошқариш тизимлари), телевидение маркетинги (телевидениеда реклама, ишлаб чиқилган махсус тижорат каналларидан фойдаланиш), тижорат ва реклама маълумотларини узатиш, уни ўқиб чиққандан сўнг истеъмолчи уйдан чиқмасдан рақобатбардош нархларда товарларга буюртма бериши мумкин),

электрон тижорат. Дорихона ташкилотида бундай реклама тури амалда қўлланилмайди.

Жамоатчилик билан алоқалар - истеъмолчилар онгида муайян маҳсулотнинг ижобий имиджини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тарғиботнинг мақсади - реклама харажатларисиз потенциал истеъмолчилар эътиборини жалб қилиш.

Асосий ташвиқот воситалари:

- нутқлар: фармацевтика ишлаб чиқарувчилари ва фармацевтика ташкилотлари вакилларининг турли тадбирларнинг очилишида иштирок этиши ва бошқалар;
- тадбирлар: матбуот анжуманлари, семинарлар ва юбилейларни ташкил этиш, кўргазмалар, танловлар ва танловларда қатнашиш ва бошқалар;
- янгиликлар: ОАВни фармацевтика ташкилоти, унинг ходимлари тўғрисидаги ижобий янгиликлар билан таъминлаш (пресс-релизлар);
- нашрлар: йиллик ҳисоботлар, ахборот бюллетенлари, брошюралар, журнал ёки газета мақолалари ва мақсадли бозорларга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиладиган бошқа босма материаллар;
- ҳомийлик: хайрия, спорт ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш учун вақт, молиявий ва моддий ресурслар ажратиш;
- идентификациялаш воситалари: фармацевтика ташкилотининг эмблемасидан (логотипидан) фойдаланиш, мойбўёқли ва бошқа белгилар қўйилган ёзув қоғози, корпоратив услубдаги қадоқлаш материаллари, ташриф қоғозлари, веб-сайтлар яратиш, биноларнинг ягона услуби ва дизайнини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган назарий ва амалий изланишлар бизларга қуйидаги хулосаларга келишга имкон берди.

Амалга оширилган изланишлар натижасида бизлар “BIOCOSMIC” МЧЖсида товарт тарқатиш ва сотувни рағбатлантириш бўйича бир қанча тавсияларни ишлаб чиқдик ва уларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Рақобатчилардан устун бўлиш учун дори воситаларига буюртмаларни дифференциациялаш, яъни таснифлар бўйича ажратишни жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, дори маҳсулотларини буюртмалар ҳажми ва буюртмалар такрорланиши бўйича гуруҳларга ажратиш харидорлар эҳтиёжларини қондириш йўлларидан бири ҳисобланади.
2. Дори маҳсулотларига бўлган талабни прогнозлаш ва талаб мониторингини юритишни “BIOCOSMIC” МЧЖсида сотувни такомиллаштириш йўлларидан бири сифатида таклиф қиламиз.
3. Харидорларни рағбатлантириш тизимин корхонала янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун илғор хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш тавсия этилади. “BIOCOSMIC” МЧЖни яна бир муаммаоси – бу кадрларни маркетинг усулларига ўқитиш ва малакасини оширишдир.
4. Бугунги кунда “BIOCOSMIC” МЧЖ товар айланмасида электрон тижорат ҳиссаси жуда кам бўлганлиги учун тавсияларимиздан бири тармоқли (сетевой) маркетинг ва электрон тижоратни ривожлантиришдан иборат.
5. “BIOCOSMIC” МЧЖ ёш, энди шаклланган корхона бўлганлиги сабабли маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга эътиборни кучайтириш зарур.

Ушбу тавсияларни амалга оширилиши “BIOCOSMIC” МЧЖсида дори воситаларини тарқатиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018 йил. – 56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т.: Ўзбекистон, 2016.- 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир

раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017.- 104 б.
5. Солиев А., Вузрукхонов С., Маркетинг, бозоршунослик. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2010. – 424 б.
6. Эргашходжаева Ш.Ж., Қосимова М.С., Юсупов М.А. Маркетинг. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. – 202 б.
7. Bekmurodov A.Sh., Qosimova M.S., Ergashxodjaeva Sh.J. Strategik marketing. O‘quv qo‘llanma. 2010.-161 b.
8. Bekmurodov A.Sh., Qosimova M.S., Safarov B.J., Musayeva Sh. Marketingni boshqarish. O‘quv qo‘llanma. – T.: TDIU, 2007, 160-б.
9. Балашов А.И. Формирование механизма устойчивого развития фармацевтической отрасли. АВТ. Дис. на соис., уч.степени д.э.н. Санкт-Петербург – 2012.
10. Бобожанов Б. Р. Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолатининг статистик таҳлили ва прогнозлаш. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020-yil.
11. Б.Хамидов. Фармацевтическая отрасль Узбекистана при вступлении в ВТО. https://review.uz/post/farmacevticheskaya-otrasl-uzbekistana-pri-vstuplenii-v-vto
12. Ковальногова Ю.Н. Организация прямых продаж фармацевтической косметики с учётом факторов потребительского поведения. АВТ. Дис. на соис., уч.степени к.э.н. Ульяновск – 2018.
13. Wigglesworth, K., Zelcer, J., The Healthcare Supply Chain: Applying Best-Practice Remedies to the Healthcare Sector, in: Gattorna, J. (Ed.), Jones, T., Danks, A., Dhillon, Y., Holdforth, L., (Ass. Ed.), Strategic Supply Chain Alignment: Best Practice in Supply Chain Management, Gower, Vermont, 1998, pp. 572-587.

Ш.Мусаева, Д.Усмонова

Пути совершенствования каналов распределения лекарственных средств

Аннотация: В данной статье рассмотрены дистрибьюция товаров, стимулирование продаж, установление контактов, доставка товаров в соответствии с потребительским спросом, ведение переговоров, организация движения товаров, финансирование и принятие рисков, а также каналы сбыта по их длине, ширине и количеству шагов.

Ключевые слова: лекарства, товародвижение, потребитель, фармацевтика, товар, социальная, политическая, разработка, продвижение.

Sh.Musaeva, D.Usmonova

Ways to improve drug distribution channels.

Abstract: In this article the distribution of goods, promotion of sales, establishment of contacts, delivery of goods in accordance with consumer demand, negotiating, organizing the movement of goods, financing and risk-taking, and distribution channels in their length, width and number of steps are considered.

Keywords: medicine, distribution of goods, consumer, pharmaceutical, product, social, political, development, promotion.

Акрам Абдурахмонович Азизкулов – СамИСИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

МАДДОҲЛИК – ЎРТА АСРЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ СИФАТИДА

Аннотация: мазкур мақолада ўрта асрларда хизмат кўрсатиш сифатида маддоҳликнинг моҳияти баён этилади. Шунингдек мақолада бугунги кунда ижтимоий иллат сифатида намоён бўлаётган маддоҳликнинг салбий оқибатлари фалсафий-методологик жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Мадҳ, маддоҳлик, Ўрта асрлар, фаолият, хизмат кўрсатиш, Ҳусайн Воиз Кошифий, ахлоқ-одоб, ижтимоий иллат, салбий таъсир.

Кириш. Бугунги информацион глобаллашув жараёнларида жамиятимизда фуқаролар орасида кенг тарқалиб бораётган ижтимоий иллатлардан бири маддоҳлик ҳисобланади. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак маддоҳлик - хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида ўрта асрларда кенг тарқалган фаолият тури бўлган экан. Маддоҳ сўзи араб тилида, мадҳ - мақтов, таъриф деган маъноларни англатган. Манбаларда маддоҳликни мусулмон халқларида тарқалган анъанавий айтим йўлларидан бири сифатида қайд этилади. Бозор ва

кўча-кўйларда одам тўплаб, диний мазмундаги ваъз, панд-насиҳат айтиб тирикчилик қилувчи шахс тушунилган. Кўчма маънода эса мақтовчи, мадҳ қилувчи, хушомадгўйлар маддоҳ деб аталган [1.521]. Бугунги кунда маддоҳлик, хушомадгўйлик шахс маънавиятига, миллат истиқболига ҳамда жамият барқарорлиги ва равнақига, қолаверса, демократик қадриятларга путур етказадиган салбий иллат сифатида намоён бўлмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида маддоҳликнинг моҳияти Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида ёритиб берилган. Бугунги кунда маддоҳликнинг ижтимоий иллат сифатида намоён бўлаётганлиги республикамиз олимлари ва диний уламоларимизнинг ижтимоий тармоқлардаги қатор мақолаларида ўз аксини топмоқда.

Тадқиқот методологияси Маддоҳлик, унинг ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳаси сифатидаги моҳиятини ҳамда бугунги кундаги салбий иллат сифатида намоён бўлишини ёритишда объективлик, тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги, қиёсий ва мантиқий таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Маддоҳлик касбий фаолият сифатида узоқ тарихга эга. Ўрта асрларда 2-3 кишидан иборат маддоҳлар гуруҳи байрам сайилларида, масалан Рамазон ҳайит ва бошқа тадбирларда бозор майдонларида кенг халқ оммасини жалб этиб диний мазмундаги мадҳларни ижро этишган. Маддоҳлик Марказий Осиёда кенг тарқалган диний айтим йўллардан бўлиб, унинг, айниқса, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида жумладан Ғиждувон ижрочилик мактаблари машҳур бўлган. Ҳатто Бухорода XX асрнинг 1-чорагида ҳам «Маддоҳ» маҳалласи бўлган. Маддоҳлик йўллари Ўзбекистонда 1950 йилларгача сақланиб қолган [2].

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футуватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида ўрта асрларда маддоҳлик фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтади. Ҳусайн Воиз Кошифий маддоҳликни хизмат кўрсатиш соҳасининг бир кўриниши деб эътироф этади. У маддоҳларни маърака тузувчилар сифатида баён этар экан, бу фаолият тариқат вакиллари орасида ҳам кенг тарқалганлигини таъкидлаб ўтади. Ҳусайн Воиз Кошифий тариқат вакилларидан бўлган маърака тузувчилар ҳамда томоша кўрсатувчиларнинг касб фаолиятига оид ахлоқий қоидаларини ёритиб беради. Маърака тузувчилар сифатида маддоҳликнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлайди: “Шуни билгилки, футувват аҳли (аҳли шадд) орасида маддоҳларнинг мартабаси энг баланддир. Бунинг сабаби шуки, аҳли байт, хонадон муҳаббати барчанинг кўнглида мавжуд ва агар биров бошқа бировни севса, севгилисининг таърифини тилидан қўймайди... Маддоҳлар шундай хусусиятга эга кишилардирлар ва узлуксиз аҳли байт таърифида сўз айтадилар ва хонадоннинг ёдида сўз айтиш билан вақт ўтказадилар” [3.90]. Ўрта асрларда бундай хизмат кўрсатиш фаолият турига эҳтиёж мавжуд бўлган.

Ҳусайн Воиз Кошифий аҳолига хизмат кўрсатишнинг шакли сифатида маддоҳликнинг аҳамиятини тушунтирар экан, уларни интеллектуал салоҳиятига қараб қуйидагича таснифлайди: “Агар маддоҳлар неча хил бўлади, деб сўрасалар, тўрт хил деб айтгил: Биринчидан – ўзлари бадеҳатан ижод қилувчилар, улар ўзлари шеър айтиш қобилиятига эга бўлиб, ҳикояту ривоятларни назмга тушуриб, баён қилаверадилар. Иккинчи хили – бошқа шоирларнинг шеър, ҳикоя ёки бадеҳаларини ижро этиб, халққа фойда етказувчилардир. Масалан, саққолар (сув тарқатувчилар) шундай кишилар бўлиб, уларнинг ишидан одамлар хурсанддирлар. Тўртинчи тоифа ҳар ердан ҳар хил байтларни ёд олган кишилар бўлиб, улар эшикма-эшик юрадилар, қасида айтиб нон йиғадилар ва маддоҳликни гадойлик, деб тушунадилар. Буларни агарчи қиёфаларига қараб маддоҳ десалар-да, аслида ушбу жамоага мувофиқ эмасдирлар” [3.91]. Демак, тиланчилик қилиб юрадиган бадеҳагўйларни Кошифий маддоҳлар сафига қўшмаяпти.

Ҳусайн Воиз Кошифий маддоҳлик Ўрта асрларда кенг тарқалган хизмат кўрсатиш тури эканлигини ҳамда шу билан бирга улар муайян ахлоқ-одоб қоидаларига бўйсунишлари лозимлигини қуйидагича изоҳлайди: “Агар маддоҳлик одоби нечта бўлади, деб сўрасалар, бешта деб айтгил: аввал шуки, доимо тақво ва таҳоратда бўлсин..., ғаразли ниятда

ва қасд олиш учун маддоҳлик қилмасин, бойликка берилган бўлмасин, мадҳда ошириб муболаға қилиш билан шуғулланмасин” [3.91]. Маддоҳлар ҳам фаолият нуқтаи назаридан муайян касбий этикет қоидаларига риоя этишлари шарт бўлган.

Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуфдаги маддоҳлар муайян касбий одоб қоидаларига риоя этишларидан ташқари тариқат вакилларининг ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлиш кераклигини қуйидагича баён этади.: “Агар маддоҳнинг нечта сифати бўлиши керак, деб сўрасалар, айтгилки, маддоҳнинг йигирма сифати бўлади. Булар: сидқ, сабр, шукр, зуҳд (парҳез), тоат, қаноат, муҳосаба (умр ҳисобини олиш), муроқаба, худо ёдида тафаккурга берилиш (тавозеъ, таслим, ихлос, карам, нисор, мужоҳада, жидду жаҳд қилмоқ), тафаккур, таваккул, кам ейиш, кам ухлаш ва шафқатли бўлиш” [3.91]. Маддоҳларнинг тариқат вакилларига хос бўлган барча ахлоқий талабларга риоя этишлари, улар фаолиятини халқ оммаси орасида нуфузини белгилаган.

Шунингдек, Ҳусайн Воиз Кошифий маддоҳлар учун салбий саналган иллатлар мавжудлигини қуйидагича изоҳлайди: ”Агар маддоҳ ҳазар қиладиган сифатлар нечта, деб сўрасалар, ўттизта деб айтгил. Булар: ғафлат, ғурур, айбжўйлик, риё, майхўрлик, қоракўнгиллилик, зино, бадахлоқлик, жанжалкашлик, ярамас ва ношоиста сўз айтиш, ваъдани бузиш, масхара-мазах қилиш, ноўрин таъна, ёлғон гапириш, ёлғон қасам ичиш, биродарларни ғийбат қилиш, туҳмат қилиш, гап ташиш, ғаммозлик, ҳасад, маккорлик, одамларни ёмонлаш, бойликка ҳирс қўйиш, зулм, бахиллик, кўп ухлаш ва кўп ейиш” [3.91]. Демак, маддоҳлар ғайриинсоний хислатлардан, бахиллик, ёлғончилик, ҳасад, зулм каби иллатлардан йироқ бўлиши керак экан.

Аллома маддоҳларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтар экан, шундай дейди: “Агар маддоҳлар бир-бирлари билан муносабатда қайси қоидаларга риоя қилишлари керак, деб сўрасалар қуйидагиларга деб айтгил: аввал шуки, бир-бирлари билан дўст бўлсинлар..., заиф-ожизларни қаторларидан суриб чиқармасинлар, бир-бирларининг ҳурматини сақлашда қилча гумон-шубҳага йўл қўймасинлар, токи ҳамма ерда муҳтарам ва азиз бўлсинлар” [3.92]. Маддоҳларни ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишга, ўзаро самимий муносабатда бўлишлари уларни халқ орасидаги мавқеини юқори бўлишини таъминлаган.

Ҳусайн Воиз Кошифий маддоҳларнинг ақлий салоҳияти ва хотираси, нотиқлигига қараб даражаси ҳамда жараённи қандай ташкил қилишига қараб ҳам қуйидагича таснифлайди: ”Агар маддоҳлар неча хил бўлади, деб сўрасалар, уч хил деб айтгил. Бир хиллари фақат шеър ўқийдилар, шеърни равон ва ифодали ўқиб, тингловчиларга завқ бағишлайдилар. Иккинчи хиллари насрий асарлар, мўъжаз гаплар, ибора ва таърифу тавсифлар (қасидахонликни) наср билан адо этадилар ва бу тоифани ғаррахон (чиройли ўқийдиганлар) деб атайдилар. Учинчи хиллари наср ва назмни аралаштириб ўқийдилар. Бу тоифани мурассаъхон (сўз устаси), деб айтадилар. Ва буларнинг камолу фазли, мартабалари олдинги икки гуруҳдан баланддир” [3.92]. Кўриниб турибдики ўрта асрларда кенг тарқалган маддоҳлик фаолиятининг ҳам муайян қонун-қоидлари ҳамда ахлоқий талаблари мавжуд бўлган. Ўрта асрлардаги ижтимоий зарурият нуқтаи назаридан фаолият олиб борган маддоҳлар ҳам касбий ахлоқий қоидаларга ҳамда умуминсоний ахлоқий талабларга риоя қилишлари керак бўлган. Кишилик жамияти ривожи, илм-фан ва техника тараққиёти билан мазкур фаолият, яъни маддоҳлик ўз аҳамиятини йўқотиб борган.

Бугунги кунда бирор шахсни ёки ғоя, мафкура, тартиботни ўринсиз тарзда ўта мақташ, хушомадгўйлик қилиш **маддоҳлик** деб тушунилади. Маддоҳлик умуминсоний ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан олимларимиз томонидан салбий ижтимоий иллат сифатида таъкидланмоқда. Энг қизиғи диний қадриятлар нуқтаи назаридан ҳам маддоҳлик ғайриинсоний иллат сифатида қораланар экан. Диний уламоларимиз маддоҳлик баъзи жойларда ман қилингандир деб айтадилар [4]. Уларнинг фикрича мадҳнинг ўзида олтита офат мавжуд бўлар экан. Бу офатларнинг тўрттаси мадҳ қилувчида, иккитаси мадҳ қилинувчидадир, деб тушунтирадилар. Демак хушомадгўйлик, маддоҳлик ижтимоий иллат сифатида ҳам маддоҳга, ҳам мадҳ қилинувчига офат келтирар экан. Маддоҳга қилувчи иллат-офат аввало ёлғончилик - мадҳда ҳаддан ошиб ёлғон қўшиб юбориш, риёкорлик - мадҳга риёкорликни аралаштириш, яъни манфаат ва таъмагирлик йўлида гарчанд ўзлари ёқтирмаган одамларни мақтайдилар. Бундан ташқари маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин нарсани гапиради, яъни ортиқча муболаға, кўпиртириш, чунки

арзигулик ижобий хислат ёки жиҳатларга эга бўлмаган кишиларни ҳам таъма йўлида кўкка кўтариб мақтайдилар. Маддоҳ золим ёки фосиқ одамни мақтаб хурсанд қилади.

Мақталаётган шахсдаги офатлар: кибр, такаббурлик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш ҳамда манманликка дучор бўлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра чиройли мақтов эшитган одамнинг миясида серотонин гормони кўп ишлаб чиқарилади. Серотонин – бу юқори кайфият гормони экан. Масалан, бош миянинг онгли қисмида 14 млрд ҳужайра бўлса, деярли 10 млрд. ҳужайра мақтовдан роҳатланади ва серотонинга ўрганиб қолади. Ҳар куни серотонин гормонига ўрганиб қолган мия, яна ва яна уни талаб қилаверади, агар серотонин тушмаса, у безовталанади [4]. Қарабсизки, раҳбар такаббурлик, манманлик касалига мубтало бўлиб қолади. Энди уни доим мақтаб туриш керак бўлади. Бугунги кунда корхона, ташкилот ва муассасаларда раҳбарга яхши кўриниш, юқори лавозимга чиқиш, мукофот ва унвонларни эгаллаш йўлида маддоҳлар сафи кун сайин кўпайиб бормоқда.

Муқаддас и*слом динида маддоҳликни қораланар экан уламоларимиз* пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадисини келтирадилар: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг”, деган эдилар».** Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилган [4]. Ўн тўрт аср аввал маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш зурурлиги баён этилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қиладиган бўлсак, маддоҳлик ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида кенг тарқалган бўлиб, давр ўтиши билан кейинчалик ўз нуфу-зини йўқотиб борган. Ҳатто ўрта асрларда ҳам маддоҳларни муайян ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишларига чақирганлар. Маддоҳ томонидан бирор бир шахс ёки жараён, ҳодиса, воқеани мадҳ этишда муайян чегара, мезон бўлиши кераклиги талаб этилган.

Бугунги кунда маддоҳлик ижтимоий иллат бўлиб нафақат бирор бир шахс балки жамият тараққиётига раҳна солиши ҳамда миллатни обрўсизлантириши мумкин бўлган энг зарарли иллатдир. Шу боис маддоҳлик каби ижтимоий иллатни олдини олиш учун аввало унинг салбий жиҳатларини кенгроқ тарғибот қилиш керак. Иккинчидан маддоҳлик миллатни уялтирувчи иллат эканлигини кенгроқ ёритиб бориш лозим. Учинчидан маддоҳликнинг жамиятга етадиган зарарини объектив тарзда маънавий-маърифий тарғибот жараёнларида тушунтириб бориш керак. Тўртинчидан ўсиб келаётган ёш авлодни маддоҳлик дардига чалинишини олдини олишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. -Т.: “O‘zbekiston ensiklopediyasi”. Давлат илмий нашриёти. - 2020 йил. - 672 бет.
2. Маддоҳлик// https://qomus.info › cat-m › m.
3. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футуватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний-Т.: ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2011.- Б.92.
4. Маддоҳлик https://islom.uz
5. З.Ибодуллаев. Маддоҳлик психологияси - Zamin.uz // https://..uz ›
6. А.Азизқулов. Ўрта асрларда хизмат кўрсатиш соҳасининг халқ томоша ўйинларида намоён бўлиши//Сервис 2021№1 33-36- бетлар.

А.Азизкулов

Профессия маддаха - как сфера служения в средние века

Аннотация: в данной статье описывается сущность лести как служение в средние века. Также в статье с философско-методологической точки зрения анализируются негативные последствия похвалы, проявляющейся сегодня как социальное зло.

Ключевые слова: лесть, восхваление, Средневековье, деятельность, служение, Хусейн Ваиз Кашифи, нравы, общественное зло, негативное влияние.

A.Azizkulov

Maddah profession - as a sphere of service in the Middle Ages

Abstract: this article describes the essence of flattery as a service in the Middle Ages. The article also analyzes the negative consequences of praise, which manifests itself today as a social evil, from a philosophical and methodological point of view.

Keywords: flattery, praise, Middle Ages, activity, service, Husayn Waiz Kashifi, morals, social evil, negative influence.

Нилуфар Зиябаевна Юлдашова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Аннотация: ушбу мақолада Самарқанд вилоятида агромаҳсулотларнинг ишлаб чиқариш динамикаси, агросервис корхоналар ҳақида тушунча, уларда мавжуд бўлган техник воситалар, ҳамда туманларда ҳизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари келтирилган.

Калит сўзлар: агросервис корхоналари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, агросервис хизматлари, МТП, техник воситалар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, экинлар ҳосилдорлиги.

Кириш. Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳаси, унда фаолият юритиш йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Маҳаллий агросаноат мажмуасининг ривожланиши ва рақобатбардошлиги ҳал қилувчи даражада қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигига боғлиқ. Бу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти натижалари билан белгиланади, унинг асосий вазифаси ҳар хил турдаги ресурсларни энг кам харажат билан максимал даражада ишлаб чиқариш ва сотишдир. Рақамли иқтисодиёт шароитида бу вазифани амалга оширишга қишлоқ хўжалиги технологияси, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқлари асосида ишлаб чиқилган инновацион технологияларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармонида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, ЯИМнинг 28,4% ни ташкил қилади. Унда 4,2 миллионга яқин инсонлар фаолият кўрсатадилар – бу умумий бандликнинг 31% ни ташкил қилади. Юқори даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг моддий-техник базасининг ажралмас қисми, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади [3].

Ҳозирги вақтда юқори самарадорлик асосида рентабелликни оширишга ва фойдани кўпайтиришга муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Ишлаб чиқаришнинг фойдаси ва рентабеллиги корхона томонидан олиб борилаётган ишлаб чиқариш, таъминот ва сервис фаолиятига боғлиқ, яъни ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ва изчил фаолият юритишга кўмак берувчи, ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи агро-сервис субъектларини кўпайтириш ривожлантиришни тақозо қилади. Бу, албатта, хизмат турларини ривожлантириш ҳисобланади. Хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бир нарсани аниқ тушуниш лозим – хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарур” [4].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Агросервисда хизмат соҳасини ривожлантиришга оид назарий ва услубий асослари, иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва унга таъсир этувчи омилларни ривожлантириш масалалари А.А.Кульман, А.Н.Митин, Т.Н.Медведева, М.Қ. Пардаев, О.М.Муртазаев, Қ.Ж.Мирзаев, Ғ.Ибрагимов томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Илмий изланишларимиз натижасида агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини таҳлил қилишда мантиқий таҳлил, маълумотлар таққосланиб, хулосалар қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Агросервис – қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаб, тармоққа доимий равишда замонавий, атроф-муҳитга зарарсиз хизматларни жорий этиб бориш энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 20 дан ортиқ агросервис турлари фаолият кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда агросервис хизматларини ривожлантириш қишлоқ хўжалигида

асосий масала бўлиб турибди, шу борада мамлакатимиз олимларидан бири - Қ.Д. Мирзаев қуйидагича таъкидлайди: “Агросервис хизматлари – бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳа тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу жараёнда замонавий техника ва технологияларга асосланган ҳолда истеъмолчилар талаб ва таклифларни ўзаро уйғунликда шакллантирувчи ҳамда уни амалга ошириш даврида даромад келтиришга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолият мажмуидир” [5]. Ушбу таърифга асосланиб, шуни айтишимиз мумкин – агросервис хизматлари истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, уни мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун агросервис хизматларини ривожлантиришдир. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз амалга ошириш ва тармоқни интенсив ривожлантиришда юқори унумли машиналар, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг 12 вилоятларидан бирини – Самарқанд вилоятида агросервис корхоналарини намуна сифатида таҳлил қилиб чиқдик. Самарқанд вилояти – Ўзбекистон-нинг бой сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган ҳудудларидан бири. География жиҳатдан жойлашуви, табиий ва маданий ресурсларга бойлиги билан етакчи ўринни эгаллайди.

Самарқанд вилояти юқори иқтисодий салоҳиятга, бой тарих ва маданиятга эга. Самарқанд вилояти йиллар давомида минтақа иқтисодиётида ижобий динамикани сақлаб қолади. Охирги 2017-2021 йилларда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 11% га ошиб, 43,9 трлн. сўмни ташкил этди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 0,8%, 2017 йилдаги 17,6 трлн. сўмдан 2021 йилда 33,8 трлн. сўмга ошди.

Вилоятимизда энг кўп етиштирилаётган экин турларидан – ғалла, пахта ва мева-сабзавот ҳисобланади. Уларни етиштириш динамикасини 1-жадвалда кўришимиз мумкин:

1-жадвал

Самарқанд вилоятида экин майдонлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг динамикаси[1]

Кўрсаткичлар	**Йиллар**					
	2017	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**	**2021 й.дан 2017 й.га нисбатан, %**
Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, гектар	351967	351833	328107	340750	359283	102,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд.сўм	21506,8	25658,0	28379,5	33759,4	41206,1	191,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан, %	100,4	94,1	103,1	102,5	104,6	104,2
Ялпи ҳосил, тонна:						
Пахта	310852	308902	280852	281008	281852	90,7
Ғалла	318006	345330	376518	378618	388608	122,2
Мева-сабзавот	190056	194432	207240	207430	209130	110

Сўнгги бир неча йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ижобий динамика билан тавсифланади. 2021 йилда қишлоқ хўжалиги экинларининг экин майдони 2017 йилга нисбатан 2,1% ошиб, 359283 гектарни ташкил қилди. Жадвални таҳлил қилганимизда, пахта етиштириш суръатлари анча камайиб, ғалла ва мева-сабзавот етиштириш ижобий суръатлари билан намойиш этилиб, яъни ғаллани ялпи ҳосили бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилаётган даврда 22,2% га ошиб, мева-сабзавотлар ялпи ҳосили – 10% ўсиши билан тавсифланади. 2017 йилдан 2021 йилгача ғалла етиштиришнинг ижобий давом этилиши кузатилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши қишлоқ хўжалигини

[1] Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

амалдагилар доирасида давлат дастурлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида ғалланинг ҳосилдорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон етакчи ўринни эгаллайди, 1 гектардан олинадиган буғдой ҳосили бўйича Марказий Осиёда етакчи ҳисобланади. Тафсилотларга кўра, 2021 йилда республика бўйича ўртача ҳосилдорлик 64 центнерни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 70 центнердан ғалла олиш режалаштирилган. Ҳосилдорликни бундай ўсиши янги навларни етиштириш учун ажратилган ер майдонининг кўпайиши билан боғлиқ. (2-жадвал):

2-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида буғдой ҳосилдорлиги динамикаси (т/гектар)

Мамлакатлар	**Йиллар**				
	2017	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
1.Ўзбекистон	4,78	4,80	4,28	5,20	6,40
2.Туркманистон	1,41	1,71	1,24	1,23	1,21
3.Қозоғистон	1,19	1,21	1,11	0,93	1,04

Бозор иқтисодиёти шароитида дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ижтимоий ҳимояга бўлган талаби ошиб бормоқда. Шу сабабдан ҳукуматлар олдига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи аграр секторлар ҳамда аҳолига хизмат кўрса-тувчи ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни сифатини ва миқдорини кўпайтириш, режалаштирилган ҳажмларни олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини ва мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминланишида агросервис корхоналари муҳим рол ўйнайди.

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ жойларда хизмат ва сервисни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

2-жадвал

Самарқанд вилояти туманларида хизматлар соҳасининг ривожланиш динамикаси[1]

Туманлар	**Хизмат кўрсатиш ва сервис ҳажми (млрд.сўм)**		**Хизмат кўрсатиш ва сервис ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши (минг.сўм)**		**Аҳоли сони 1 январ ҳолатига (минг киши)**		**2021 йилда 2017 йилга нисбатан аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ва сервис ҳажмининг ўзгариши**	
	2020	**2021**	**2020**	**2021**	**2020**	**2021**	**(+,-)**	**%**
1.Қўшработ	295,3	386,6	383	447	131,2	134	64	116,7
2.Пастдарғом	904,3	1143,2	838	986	353	360	148	117,6
3.Жомбой	667,4	801,8	426,5	499	172	176	72,5	116,9
4.Нарпай	268,7	318,8	479	561	212,4	215,5	82	117,1
5.Пахтачи	330,4	411,6	378,5	445,4	144	146	66,9	117,7

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган агросервис хизматларининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан моддий-техника таъминотига боғлиқ ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларига техник хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бевосита агросервис хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг моддий-техник жиҳатдан таъминланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини жиҳозлаш муаммолари технологияси ва ундан фойдаланиш самарадорлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу хўжаликларга моддий-техник агросервис хизматлари кўрсатиш асосан муқобил МТПлар томонидан амалга оширилади, чунки ерни экишга тайёрлашдан бошлаб, то ундан ҳосил олиб йиғиштиргунча барча техник хизматларни ўз ичига олади. Агросервис хизматларини таҳлил қилиш учун Самарқанд вилоятида аграр корхоналарга хизмат кўрсатаётган 5 та МТПларда мавжуд агротехникалар ҳолатини ўрганиб чиқиб, қуйидаги маълумотлар келти-

[1] samstat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

рилди (3-жадвал):

3-жадвал

Самарқанд вилоятининг 5 туман МТПларида агротехникаларнинг ҳолати[1] (2019-2021 йилларда)

№	Агросервис корхоналари	Агротехника		Агротехникаларнинг яроқлилиги	
		жами	яроқли	(+; -)	%
1	Гўзалкент Агросервис МТП	104	56	-48	53,8
2	Қўшработ Агросервис МТП	31	18	-13	58
3	Жомбой Агросервис МТП	62	29	-33	46,8
4	Нарпай Агросервис МТП	57	21	-36	36,8
5	Пахтачи Агросервис МТП	48	22	-26	45,8
	Жами:	302	146	156	48,3

Самарқанд вилоятининг 5 та туманида хизмат кўрсатаётган МТПларни ўрганганимизда, охирги 3 йилда, яъни 2019-2021 йилларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси 302 та, уларнинг 146 таси соз ҳолатда. Яроқли агротехникаларнинг жами агротехникаларга нисбатан 156 тага кам бўлиб – 48,3% ташкил қилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатаётган МТПлар, уларнинг талабдаги техника воситалари билан тўла бутланмаслиги нафақат дала ишларининг бажарилиш сифати ва муддатларига, балки экинлар ҳосилдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун пахта, ғалла, мева-сабзавот экиладиган майдонларда агросервис ишларини тўла механизациялашни таъминлайдиган машиналарнинг русумлари, моделлари ва миқдорини асослашнинг ҳисобий методикасини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида экинларга ишлов бериш, уларни экиш, чопиқ қилиш, саралаш, йиғиб олиш ва бошқа жараёнларга тегишли агрохизмат қилувчи машиналар агротехник мавсумлар давомида бетўхтов ишлаши учун уларнинг иш қобилиятини меъёрида ушлаб туриш ёки қайта тиклаш талаб этилади. Ушбу талаблар машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш орқали қондирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятида бугунги кунда қулай шарт-шароитлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда агросервис соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

-агросервис соҳасида механизация ва техника воситаларига сервис хизматларини доимий такомиллаштириб бориш;

-лизинг ва дилерлик муносабатларини ривожлантириб, такомиллаштириш;

-агросервис соҳасида консалтинг фирмаларни шакллантириш;

-шу соҳада механизация хизмати кўрсатувчи корхоналарга модернизация имкониятларини ишга солиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 9 октябр.www.Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Қишлоқ хўжалиги ва экология статистика бошқармаси” маълумотлари. 2021 йил январ-декабр Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги. Манба: stat.uz.

4.https:uza.uz/posts/86resident-hizmatlar-sohasini-rivozlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur_329377?q=%2Fposts%

5. Fprezident-hizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur_329377

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги маълумотлари.

7. Мирзаев К.Д. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқтисод

[1] Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари

фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2012. – 48 б.

Н. Юлдашова **Динамика развития сферы агросервиса в Самаркандской области** **Аннотация:** В данной статье представлена динамика производства сельскохозяйственной продукции в Самаркандской области, понятие агросервисных предприятий, наличие технических средств, а также показатели развития сферы услуг и сферы обслуживания в районах. **Ключевые слова:** агросервисные предприятия, эффективность производства, агросервисные услуги, МТП, технические средства, сервис и сфера обслуживания, урожайность сельскохозяйственных культур.	**N. Yuldashova** **Dynamics of development of the sphere of agroservice in the Samarkand region** **Abstract:** This article presents the dynamics of agricultural production in the Samarkand region, the concept of agroservice enterprises, the availability of technical vehicles, as well as indicators of the development of the service sector and the service sector in the regions. **Keywords**: agroservice enterprises, production efficiency, agroservices, MTP, technical vehicles, service and service sector, crop productivity.

Шохида Илясовна Артикова – СамИСИ докторанти

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш хизмат кўрсатиш корхоналарининг барқарорлиги, уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида кўрсатилиб, замонавий хизмат турларини кенгайтириш сифатига бўлган талабини қондириш бўйича илмий-услубий, амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: маиший хизмат, ижтимоий меъёрлар, соҳа ривожланганлиги, ҳаёт сифати, иш ўринлари, хизматлар бозори, истеъмол ва хизматлар, рақамли хизмат, инновацион ривожланиш.

Кириш. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлардан бири миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аҳолининг маиший хизматларга бўлган талабини максимал қондириш асосида уларнинг ҳаёт сифатини янада яхшилашдан иборатдир. Шунинг учун республикамизда маиший хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ушбу хизматлар ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади ҳамда истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим рол ўйнайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Бу соҳа асосан хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳадир. Унинг аҳамияти, энг аввало, янги иш ўринларини яратиш эвазига аҳоли фаровонлигини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш орқали хизматлар бозорини тўлдириш, аҳолининг замонавий маиший хизматларга талабини қондириш билан изоҳланади. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш усулларини такомиллаштириш ҳамда самарадорликка эришиш зарур.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимлари ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларни айланиши тезроқ, ҳам дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича иқтисодчи олим ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан “маиший

хизмат” ва ушбу тушунчанинг янада мукаммалроқ асосларини ўз давридаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган. М.Т.Розе ва М.Б.Россинскийларнинг фикрига кўра, маиший хизматларга «уй меҳнатини у ёки бу даражада алмаштирадиган ёки қисқартиришга имкон берадиган хизматлар»ни киритишди.

В.В.Юхименко маиший хизматларни инсоннинг маиший турмуш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондиришга қаратилган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шаклидаги меҳнати ёки ҳаракатининг истеъмол қийматини ўзида акс эттиради .

А.И.Гараниннинг фикрича «Маиший хизматлар, маълумки пуллик хизматларнинг тарихий шаклланган муайян мажмуи ва турлари ҳисобланиб, корхоналар томонидан аҳолининг якка тартибдаги буюртмаларини бажаришга ҳамда уларнинг шахсий даромадлари асосида тўлов қилинадиган хизматлардир».

Маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондириш, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. В.М.Дмитревнинг фикрича: «маиший хизмат – бу самарали ҳаракат сифатида меҳнат унумдорлигиниг натижаси бўлиб, ё моддий-ашёвий предметларда гавдаланадиган, ё сезиларли натижаларни ифодалайдиган аниқ кўринишдаги фаолият тури ҳисобланади». Я.С.Ядгаровнинг фикрича: «Маиший хизмат аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос моддий ишлаб чиқариш сифатида аниқланади»

И.В.Бушуева, А.В.Осипова ва Н.А.Платоноваларнинг фикрича, «замонавий шароитда маиший хизмат тушунчаси сифатида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган маиший эҳтиёжларини, муайян ҳудуд доирасида маҳаллий бошқарув органлари ва давлат, шунингдек жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик шаклида аҳоли турли қатламларининг ижтимоий жиҳатдан зарурий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар» сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ. Бунда муаллифлар маиший хизматларнинг иқтисодиётдаги беқарорлик шароитидаги ўрни ва аҳамиятини ёритишга алоҳида урғу беришга ҳаракат қилишган.

Тадқиқот методологияси. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали хизматлар тури ва сифати бўйича мавжуд бўлган илмий-тадқиқотларни ўрганиш, аҳолига турли хизматлар кўрсатишни таъминлаш, қиёсий солиштириш, таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланиш.

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятларни яратиш, инновацион иқтисодиётга мос маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг миллий ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ҳамда хизматлар сифатини ошириш соҳада иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизматлар ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳа асосан хусусий мулкчилик муносабатларига асосланган тадбиркорлик орқали ривожланадиган соҳадир. Унинг аҳамияти, аввалambор, соҳада янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳоли турмуш даражасини ошириш, замонавий маиший хизмат турларини кўпайтириш орқали республикамизнинг маиший хизматлар бозорини ривожлантириш, муайян даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тўловлари билан давлат бюджетининг даромадини шакллантиради. Бунда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш омиллари ва шарт-шароитларини тадқиқ этиш ҳамда соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш муҳим аҳмиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Мамлакатимизда бозор муносабатларини ҳозирги ривожланиш босқичида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланиши тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, аҳолининг қўшимча даромадлари ошиши, иш билан бандлик ва иш ўринлари сонининг юксалишига, шунингдек асосий ишдан ташқари ностандарт иш билан бандликни таъминлаш имкониятини яратади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий усуллари

вазифаларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киради. Кўпгина илмий ишларда уларни ҳудудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати асослаб берилади. Бундан шу нарса ифодаланадики, ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш меъёрларининг жорий қилиниши мураккаблашмоқда. Бундан ташқари, бу кўрсаткичларнинг қиймат кўринишида ифодаланиши инфляцион мойиллик мавжуд шароитида улардан фойдаланиш статистик маълумотлар олишда реал воқеликка эга бўлиш имкониятини чегаралайди. Шунинг учун маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий меъёрларни қабул қилишда хусусий жараёнлар ривожланиши ҳолатини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунда хусусий жараёнлар бўлиб бозор конъюнктураси талаблари, иқтисодий моҳиятнинг ўзгариши, аҳолининг ижтимоий қатламлари табақаланиши, инфляцион жараёнлар, рақобатчилик муҳити, кенг аҳоли қатламининг паст даражадаги харид қобилияти, юқори солиқ тўловлари кабилар ҳисобланади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кўп функцияли соҳа бўлиб, қулай яшаш шароитларини яратади, фуқароларнинг ўз-ўзини тарбиялаши, дам олиш ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун вақтини тежашга ҳам ёрдам беради. Соҳа ривожи аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам, аҳолига маиший хизматлар бутун минтақа, айниқса маҳаллий молия ва ижтимоий соҳаларнинг жуда истиқболли йўналишидир.

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар ҳамда ушбу жараёнларга пандемиянинг инқирозли таъсири ҳамон сақланиб қолмоқда. Аксарият одамлар янги замонавий мутахассисликларни ўрганишга, мажбур бўлмоқда. Турмуш қийматининг ошиши туфайли қўпчилик қўшимча даромад олиш учун бир нечта жойларда ишлашга мажбур бўлмоқда. Бундай шароитда маиший хизмат кўрсатишнинг аҳамияти паст, лекин муҳим бўлиши мумкин, чунки улар мутахассисларни қайта тайёрлаш, корхоналарни қайта ташкил этиш заруратини келтирмайди.

Мамлакатимизда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши билан иш ўринлари сонининг кўпайишига олиб келади. Бундан ташқари, корхоналар пенсионерлар, ногиронлар, тўлиқ иш кунида ишлашга қодир бўлмаган шахслар – иш топиш қийин бўлган аҳоли тоифалари билан қўшимча тўлдирилиши мумкин бўлади. Маиший хизмат кўрсатишнинг ушбу хусусиятларига асосланиб унинг моҳиятини қуйидагича талқин этамиз: «**маиший хизмат** – бу инсонларнинг ҳаётий фаолиятидаги ижтимоий такрор ишлаб чиқариш доирасидаги касбий ва ижтимоий фойдали фаолияти бўлиб, аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, пировард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчиларнинг иштирокини талаб қиладиган, бозор коньюнктурасига тез мослашадиган ҳамда ривожланиши аҳолининг турмуш фаровонлиги билан шартланадиган серқирра ва мураккаб тушунчадир»[1].

Маиший хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши билан маиший хизматлар бозори ҳам ривожланиб боради. Уни маиший характердаги хизматлар айирбошланиши сифатида талқин қилишимиз мумкин (1-расм).

Агарда бозорни инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини самарали ҳал қилишга йўналтирилган хўжалик механизми сифатида қарайдиган бўлсак, маиший хизматлар соҳасининг кенгайиши билан истеъмол бозорида ортиқча юкланишнинг олди олинади, истеъмол товарлари тақчиллиги камаяди ҳамда аҳоли эҳтиёжларининг янада тўлақонли қондирилишига имконият яратилади. Шунинг учун ҳам маиший хизматлар соҳаси истеъмол бозорининг ажралмас қисми сифатида аҳолининг индивидуал эҳтиёжларини қондиришга, ҳар бир индивидга қулай ва оммабоп бўлган маиший хизмат турларини таклиф қилишга қаратилган (2-расм).

Маиший хизматлар бозорининг асосий иштирокчилари қуйидагилар:

- маиший хизмат яратувчилар: корхона ва алоҳида шахслар;
- истеъмолчилар: жисмоний ва юридик шахслар.

В.С.Максютов маиший хизматлар бозори тушунчасига қуйидаги таърифни берган:

[1] муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



1-расм. Маиший хизматлар бозорининг шаклланиш механизми[1]

2-расм. Маиший хизматлар бозорининг хизматлар бозорида тутган ўрни[2]

[1] муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
[2] муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

«маиший хизматлар бозори – маиший характердаги хизматлар айланиш соҳаси бўлиб, истеъмолчиларга маиший характердаги хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида ижтимоий зарурий меҳнат сарфларини аниқлаш ва баҳолаш, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шакли сифатида хизмат кўрсатувчилар истеъмолчи талабига индивидуал ёндашган ҳолда хизматлар кўрсатишга тайёргарлик кўриши бўйича қарор қабул қиладилар. Ушбу бозорнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, бўш вақт пайдо бўлиши натижасида аҳолининг хизмат кўрсатиш корхоналарига мурожаат қилиши ортиб боради.

Маиший хизматларнинг моҳиятини ёритиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларимиз соҳанинг муҳим жиҳатларини аниқлаш имконини берди. Шундай қилиб, маиший хизматлар, шу қаторда аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳаси қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

- маиший хизматларни алмаштириб бўлмаслиги;
- маиший хизматларнинг турлича йўналтирилганлиги: инсонларга, нарса ёки буюмларга, жамоага, корхона ва ташкилотларга;
- маиший тавсифдаги хизматлар муайян истеъмолчига унинг индивидуал хоҳиш-истаклари ва талаблари асосида маълум қўшимча вақт.

Хулоса ва таклифлар. Кўзда тутилган мақсадларга эришиш қуйидаги масалаларнинг ҳал этилишини талаб этади:

- инвестицион ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш орқали аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг самарали тизимини ташкил қилиш;
- аҳолига маиший хизматлар кўрсатишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- замонавий маиший хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини шакллантириш;
- маиший хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш;
- соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- маиший хизматлар соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли технологияларни жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси Ахборотномаси 2020 йил
3. Юхименко В.В. Социально-экономические вопросы прогнозирования бытового обслуживания населения. Автореферат дис. ... канд. экон. наук. – М., 1974.
4. Гаранин А.И. Социально-экономические проблемы бытового обслуживания населения. Автореферат дис. ... д-ра экон. наук. - М., 1980.
5. Свириденко Ю.П. Сфера услуг: Проблемы и перспективы развития. – М.: Изд «Кандир», 2001. - С. 5.
6. Дмитрев В.М. Основы изучения и прогнозирование спроса на бытовые услуги. М.: Экономика, - с.32
7. Ядгаров Я.С. Бытовое обслуживание. Экономика и культура сервиса. М.: Экономика, 1990-с.19.
8. Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. Том 3. Особенности функционирования отдельных отраслевых групп услуг / М.: «Кандид», 2001. – С. 10-11.
9. Максютов В.С. Бытовые услуги: реалии и тенденции развития: Монография. - Уфа: РИО РУНМЦ МО РБ, 2007; С. 102-103.

Ш.Артикова

Теоретико-методологические основы развития сферы бытовых услуг

Аннотация: В статье показано развитие сферы бытовых услуг как важный фактор повышения устойчивости предприятий сферы услуг, эффективности их хозяйственной деятельности, представлены научно-методические, практические предложения и рекомендации по удовлетворению спроса на качество расширяющихся современных видов услуг.

Ключевые слова: бытовое обслуживание, социальные стандарты, развитие отрасли, качество жизни, рабочие места, рынок услуг, потребление и услуги, цифровой сервис, инновационное развитие.

Sh.Artikova

Theoretical and methodological foundations of the development of the field of household services

Abstract: The article shows the development of the household service industry as an important factor in increasing the stability of service enterprises, the efficiency of their economic activity, and presents scientific-methodical, practical proposals and recommendations to meet the demand for the quality of expanding modern types of services.

Keywords: household service, social standards, industry development, quality of life, jobs, services market, consumption and services, digital service, innovative development.

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ

Хасан Абдусаитович Рахимов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, PhD.

ТУРИСТИК КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада туризм комплексларида молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни шу билан бирга ушбу тармоқнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари алоҳида очиб берилган.

Калит сузлар: туризм, туризм комплекси, иқтисодий самарадорлик, молиявий натижа, туризмни ривожлантириш, туризм комплекслари фаолияти.

Кириш. Мамлакатимиз туризм инфраструктурасини ривожлантириш учун энг аввало, ушбу фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари – туристик фирма, туристик агентлик, туристик комплекслар фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш зарур. Бу эса ўз навбатида улар фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни мунтазам равишда таҳлил қилиб боришни, уларнинг динамикасига таъсир этган омилларни аниқлаш, таъсирини тўғри баҳолаб уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни ва шунга асосан зарурий бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилишни тақозо этмоқда. Бу жараёнда эса иқтисодий таҳлил ролини янада кенгроқ очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат миқёсида иқтисодий таҳлил фанининг туризм фаолияти субъектлари бўйича ўзига хос методологик асосларининг етарли даражада ёритиб берилмаганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадқиқотнинг асосий предмети бўлган туристик корхоналарда молиявий натижалар таҳлилининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари бўйича Ўзбекистонда тадқиқотлар олиб борилмаган. Туризм соҳаси билан шуғулланувчи олимлар ўз тадқиқотларида туристик ресурсларнинг турлари ва белгиларига тўхталиб ўтишган. Уларга хорижий олимлардан М.Б.Биржаков[1], В.С.Сенин[2], Т.Т.Христов[3], А.Д.Чудновский[4], В.С.Боголюбов ва В.П.Орловская[5], республикамиз олимларидан М.Қ.Пардаев, Р.Атабаев[6] И.С.Тухлиев[7], Н.Тухлиев[8], А.С.Солиев ва М.Р.Усмонов[9], А.Норчаев[10] ва Б.Тўраев[11] кабилар киради.

Бироқ, мазкур олимларнинг асарларида Туристик корхоналарда молиявий натижалар таҳлилининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари ва уларни таҳлил қилиш йўллари, улар самарадорлигини ошириш масалалари махсус ва чуқур тадқиқ этилмаган. Туристик корхоналарда молиявий натижалар таҳлилининг вазифалари ва ўзига хос хусусиятларининг назарий ва услубий асослари яратилмаганлиги бу мавзуда чуқур тадқи-

[1] Биржаков М.Б. Введение в туризм. С.Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда», 2006 г.
[2] Сенин В.С. Организация международного туризма. М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с.
[3] Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. - М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 288 с.
[4] Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.
[5] Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. М.:2005. – 151 б.
[6] Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. Сам ИСИ — 2006.
[7] Тухлиев И.С. Туризм асослари: Услубий қўлланма – С.: СамИСИ, 2008- 226 б.
[8] Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в Республике Узбекистана. Т: ГНИ «O‘zekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 368 с.
[9] Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. Самарқанд: СамДУ, – 2005. -131 б.
[10] Норчаев.А.Н. “Халкаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири” . Номзодлик диссертацияси. ТДИУ, 2004 й. - 120 б
[11] Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. Т.: изд. «Фан», 2008. – 166 с

қот олиб бориш лозимлигини тақозо қилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик бўлганда иқтисодий-математик ва статистик усуллардан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Туристик корхоналар шулар жумласидан туристик комплекслар хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун маълум кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Аммо, иқтисодий адабиётларда ўзимизга хос, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм корхоналарига мос кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилмаган. Профессор М.Қ.Пардаевнинг фикрича туристик корхоналар молиявий- хўжалик фаолиятини тўлиқ баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ[1]:

- корхоналарнинг ташкилий – техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар
- ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар
- молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар
- корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар
- корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ кўрсаткичлар
- корхонанинг тўловга қодирлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- корхонанинг мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар
- корхонанинг фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Туристик комплексларда молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида туризм комплекслари молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлили асосан қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

✓ Туристик комплекс молиявий натижаларини ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичнинг тўғри аниқланганлигини бошланғич ҳисоб регистрлари, дастлабки ҳужжатлар ёрдамида тўғри аниқланганлигини текшириш.

✓ Туристик комплекс молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот давридаги динамикасини базис йилларга нисбатан таҳлил қилиш ва баҳо бериш.

✓ Молиявий натижалар кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир этган омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш.

✓ Туристик комплекс молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва уларнинг комплекс якуний молиявий натижасига таъсирини ҳисоблаш.

✓ Туристик комплекснинг рентабеллик ва бошқа молиявий коэффицентларига баҳо бериш.

✓ Туристик комплекснинг рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш.

✓ Туристик комплекснинг фойдаси ва рентабеллик даражасини оширишнинг ички резервларини аниқлаш учун чора – тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

✓ Туристик комплекснинг тижорат сирини сақлаган ҳолда, унинг молиявий натижалар ва у билан боғлиқ кўрсаткичларини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва хорижий инвесторларни комплекс фаолиятини ривожлантиришга жалб этиш.

✓ Комплексда эришилган соф фойдани самарали мақсадларда ишлатиш ва бошқарувнинг энг қулай усулларини жорий этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш лозимки, молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилининг вазифалари юқорида келтирилганлар билан чекланиб қолмасдан, серқирра туризм фаолиятининг барча қирраларини ўрганиш ва баҳо беришда унинг барча вазифалари намоён бўлади.

[1] М.Қ Пардаев, Р Атабаев «Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш» Самарқанд 2006 йил 49-50 бетлар

Туризм комплексларида молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни бошқа тармоқлар таркибидаги хўжалик субъектларидагидек амалга оширилади. Бироқ, ушбу тармоқнинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилининг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари алоҳида намоён бўлади:

Биринчидан, туристик фирмалар, шу жумладан туризм комплекслари даромадларининг асосий шаклланиш манбаи туристик хизматларни сотиш ҳисобланганлиги туфайли, даромадлар ва молиявий натижаларни ифодаловчи бошқа кўрсаткичларнинг ҳажми қабул қилинадиган туристлар сони билан билвосита боғлиқ ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, туристик фирмаларда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг шаклланиши кўпгина ҳолларда фирманинг фаолиятига эмас, балки кўпроқ ташқи омилларга боғлиқ экан. Ташқи омиллар таъсирини ҳисоблаш ва баҳолаш эса таҳлил жараёнида ўзига хос қийинчилик туғдиради.

Иккинчидан, туристик маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёни айнан истеъмол жараёнининг ўзида амалга ошади. Табиийки, бунда туристик маҳсулотларнинг таннархини ташкил этувчи харажатларни, уни сотишдан олинадиган даромаднинг ҳажмини олдиндан истиқбол таҳлилини амалга ошириш, ўзгариш тенденцияларига баҳо беришда айрим мавҳумликлар вужудга келади.

Учинчидан, туризм комплекслари томонидан кўрсатиладиган туристик хизматларнинг ассортименти кўпинча қабул қилинадиган хорижий туристнинг хоҳиши, дидига ва қайси мамлакатдан қайси мақсадларда ташриф буюраётганлигига бевосита боғлиқ. Шу боисдан ҳам, туризм комплекси молиявий натижалар кўрсаткичларининг шаклланиши қабул қилинадиган хорижий туристларнинг таркибига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Таҳлил жараёнида эса буни албатта инобатга олиш зарур.

Тўртинчидан, ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган туристик маҳсулотларнинг сифати аксарият ҳолларда ички омилларга эмас, балки мамлакатдаги сиёсий вазият, табиий – экологик иқлим, маҳаллий аҳолининг менталитети ва туристларга бўлган муносабати, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати каби бир қатор ташқи, объектив омилларга бориб тақалади. Масалан, туристик фирма хорижий туристларга қанчалик жаҳон стандартларига жавоб берувчи, энг юқори сифатли туризм сервисини таклиф этмасин, агар мамлакат ичида бирор нобарқарор вазият ёки бирон экологик муаммо мавжуд бўлса, ушбу туристик маҳсулот ўз истеъмолчисини топиши мураккаблашади. Шунинг учун ҳам, туризм комплекслари даромадлари, харажатлари, фойдасига таъсир этувчи туристик маҳсулот сифати ва таннархини таҳлил қилишда ушбу омилларнинг таъсирига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бешинчидан, маълум бир мамлакатнинг турли туристик регионларида туристик маҳсулотларга бўлган талаб ва қилинаётган таклиф ҳажми турлича бўлиши мумкин. Кўрсатилиши мумкин бўлган туристик хизматларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидагидек, мамлакатнинг талаб юқори бўлган регионларига жўнатиш мушкул иш ҳисобланади. Чунки, туристик маҳсулот таркибидаги кўпгина номоддий компонентлар бошқа регионларда ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Масалан, Самарқанднинг «Регистон» ансамблини кўриш истагида бўлган туристга Бухородаги «Минораи Калон» ни кўрсата олмаймиз, яъни туристик хизмат маълум бир жойда эмас, балки турист қаерни истаса ўша жойда кўрсатилади. Ўзига хос бўлган ушбу жиҳат ҳам туристик фирма фаолиятини таҳлил қилишда мамлакатнинг барча регионлари нуқтаи назаридан баҳо беришга тўғри келади.

Олтинчидан, туристик маҳсулотнинг номоддий қисми хизмат кўрсатилиши жараёнидагина намоён бўлиши туфайли, уни захирага олиб қўйиш ёки ишлатилмай қолинган резерв сифатида кейинги даврларга кўчириш мумкин эмас. Ушбу ўзига хос хусусият ҳам таҳлил жараёнида инобатга олиниши шарт.

Еттинчидан, маълумки ҳозирда мамлакатимизда сервис, хусусан туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада туризм фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига бюджетга тўланадиган солиқлар бўйича бир қанча

имтиёзлар берилган. Берилган ушбу имтиёзлар туризм фаолияти субъектлари молиявий натижалари кўрсаткичларига албатта таъсир кўрсатади. Таҳлил жараёнида берилган ушбу имтиёзлар молиявий натижалар кўрсаткичларининг шаклланишига қилган таъсири ҳисобланади ва берилган имтиёзларнинг мақсадли йўналишларга сарфланиши ўрганилади.

Саккизинчидан, ушбу тармоқ хорижий мамлакатлар ва туристлар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, хориж билан боғлиқ операциялар ҳам комплекс молиявий натижалари таркибида муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлил жараёнида ҳисобот даврида корхона ҳисобига келиб тушган валюталар ҳажми ўрганиб чиқилади.

Хулоса ва таклифлар.

Туризм комплексларида молиявий натижалар таҳлилини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти атрофлича ўрганилди, ушбу тармоқ имкониятларидан фойдаланиш ҳолати танқидий баҳоланиб, тармоқнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар тизими ишлаб чиқилган.

2. Туризм комплексларида молиявий натижалар кўрсаткичларининг ҳисобига таҳлил учун ахборот манбаи сифатида ёндашишнинг назарий асослари ёритиб берилди.

3. Туристик комплексларда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг асосий вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари асослаб берилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, туризм соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга экан. Юқорида кўрсатилган ва бошқа шу каби хусусиятлар туризм комплекслари молиявий натижалар кўрсаткичлари таҳлилининг ўзига хослигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пардаев М.Қ., Пардаев О., Холиқулов А.Н., Бабаназарава С.А. Рақобатбардошликни мустаҳкамлашда кластер ва синергетик самарадорлик таҳлили. Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд.: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти босмахонаси, 2022. – 212 бет.

2. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 2-нашр. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 588 бет

3. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г.Ж. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 252 бет.

4. Пардаев М., Хасанов Б., Исроилов Ж., Пулатов М., Эшбоев Ў., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув-қўлланма, Т.: Чўлпон, 2012, 400 бет.

5. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Рахимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. Иқтисодиёт. – Тошкент. 2013, 210-бет.

6. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Наврўз. – Тошкент. 2014, 236-бет.

7. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет.

Х.Рахимов

Задачи и особенности анализа финансовых результатов туристских предприятий

Аннотация: в статье рассмотрен процесс организации и проведения анализа финансовых показателей деятельности в туристских комплексах, при этом, исходя из внутренних особенностей данной отрасли, отдельно раскрыты специфические аспекты анализа финансовых показателей деятельности.

Ключевые слова: туризм, туристический комплекс, экономическая эффективность, финансовый результат, развитие туризма, деятельность туристских объединений.

Kh.Rakhimov

Tasks and specific features of the analysis of financial results in tourist enterprises

Abstract: in the article, the process of organizing and conducting the analysis of financial performance indicators in tourism complexes, at the same time, based on the internal characteristics of this industry, the specific aspects of the analysis of financial performance indicators are separately revealed.

Keywords: tourism, tourism complex, economic efficiency, financial result, tourism development, activity of tourism complexes.

Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова – Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси, (PhD)

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ БЎЛГАН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: жаҳон иқтисодий муносабатларининг глобаллашуви ва дунёнинг барча мамлакатлари томонидан туризмни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича постиндустриал иқтисодий тизимга ўтиш шароитида туризмни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари кўриб чиқилган. инвестиция қарорларининг туризмни ривожлантириш стратегияси ва унинг вазифаси билан боғлиқлиги ҳамда мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш дастурларини амалга оширишга ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: хизматлар бозори, иқтисодий муносабатлар, глобаллашув, туризмда модернизация, туризм диверсификацияси, туризм маҳсулотлари, туризм салоҳияти, туризмни ривожлантириш стратегияси

Кириш. Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, «сайёрамиздаги ишлаб чиқариш-хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. Таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилга бориб , халқаро туристик саёҳатлардан олинадиган даромадлар бир йилда 2,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинган эди»[1] . Аммо 2020-йили бу кутилган натижа амалга ошмади, сабаби дунё мамлакатларида 2020 йили пандемия муносабати билан ички ва кириш туризмларида чекловлар бўлди. Дунё давлатларидан мамлакатимизга келувчи туристлар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. “Кирувчи туристлар сони 2005 йилда 107 мамлакатдан 240 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 2,5 миллион кишига етди, 2018 йилда 5,3 млн. кишини ташкил қилди. 2020-йилда эса пасайиш тенденцияси ҳолатини кузатамиз. 2020 йил 16 мартдан мамлакатимизда карантин эълон қилинди ва пандемия даври бошланди. Буларнинг 5 млн.га яқини МДҲ мамлакатларидан бўлса, 325 минг нафари узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрдилар”[2]. Бу эса, жаҳонда туризм салоҳиятидан тобора кенгроқ ва самарали фойдаланиш имкониятларининг кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм соҳаси, унинг ривожланиш тенденциялари, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни, соҳага табиатига хос назарий ва методологик масалалар хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Туризм соҳаси билан шуғулланаётган мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Н.Тўхлиев, Қ.Абдурахмонов, А.Саидов, И.Тўхлиев, Н.Абдусаломова, М.Қ.Пардаев, Н.Ибрагимов, А.Норчаев, Б.Мирбабаев, О.Ким, С.Рўзиев, Н.Рахимова, А.Саидов, Б.Сафаров, Н.Тухлиев, О.Пардаев, Т.Абдуллаева, Б.Тўраев, О.Хамидов, М.Алимова кабиларининг илмий ишлари ҳам эътиборга лойиқ[3]. Ушбу олимлар асарларида Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ва ташкилий-иқтисодий механизмларини

[1] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. UNWTO World Tourism Annual Report 2018.

[2] Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида.

[3]Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: ЎзбекистонМиллий Энциклопедияси.-2006. - 367 с.; Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма: учебное пособие – Т. Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” Ташкент, 2013-248 с.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш.– Номзод..дисс., 2008.; Ким О.К. Маркетинг туристских гостиничных услуг. – Канд. дисс., 1999.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Номзод. дисс., 2004.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. Номзод. дисс., 2008.; Пардаев М.Қ.,Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш –Самарқанд.Самиси, 2006.- 137б.;Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараѐнининг ривожланиши. – Номзод. дисс., 2001.; Рузиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. – Номзод.дисс. 2009.; Рахимова Н.Р. Особенности формирования стратегии маркетинга на рынке туристических услуг. – Канд. дисс., 2010.; Саидов А.Ф. Организационноэкономические механизмы управления туризмом республики Узбекистан. – Док.дисс., 1994Тўхлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари Дарслик.- Т. Фан ва технология, 2014.- 332 б.; Хамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана. Канд. дисс., 2006. Тураев Б.Х.Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма.-

аниқлаш, туризмга инновацияларни жорий этиш каби масалалар ушбу муаммога бағишланган адабиётлар етарли даражада ўрганилмаган. Буларнинг ҳаммаси мазкур ишнинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, умумлаштириш, омилли таҳлил ва бошқа таҳлилий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳонда туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётида соҳанинг ҳиссасини оширишга оид масалалар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида бир қатор илмий-назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, туристик индустрияни ривожлантириб, туристик хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг даражасини баҳолаш, туризмнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини ошириш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, хавфсиз туризмни ташкил қилиш, соҳада самарали фаолият юритиш учун оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш каби йўналишларга қаратилган илмий-тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳисобига туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қадимдан тарихий обидаларга бой мамлакат. Аммо ушбу объектлар мустақилликкача туристик объект сифатида фойдаланилмасдан келинарди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида эътироф этилишича Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туриши қайд этилди. Буларга Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Хиванинг Ичанқалъаси, Қаршининг Одина, Кўкгумбаз обидалари, Шаҳрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги, Қўқон ўрдаси доимо сайёҳлар билан гавжум. Уларнинг ҳар бири ҳамиша дунё аҳлини ўзига ром этиб келган. Самарқанд шаҳрида ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Греция, Хорватия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этган эди.

Ўзбекистонда туризм саноатининг асосий капиталига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2020 йилда 66,4 млрд. сўмни, меҳмонхона ва бошқа жойлашув воситалар сони 910 тани, жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони 22,0 мингтани ташкил қилади. Натижада туризм хизматлари экспорти 951 миллион АҚШ долларини ташкил этди, туризм фаолияти билан шуғулланадиган субъектлар сони 418 тага етди[1]. Кўриниб турибдики, ушбу соҳа ҳам кескин ривожланмоқда. Лекин мамлакатимизда туризм индустриясини янада тараққий эттириш учун яна бир қатор ишларни амалга ошириш зарурати бор. Чунки бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд туристик салоҳият хорижий туристлар сонини экспертларнинг баҳолашича яна 10 мартадан зиёдга оширилиши мумкин экан.

Мазкур қарорга биноан туризм индустриясининг ривожланиши ва туризмни диверсификация қилиш йўлларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Вилоятларда ва Тошкент

Док.дисс., 2011.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) – докторлик диссертацияси, 2017.

[1] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари.

шаҳрида янги меҳмонхоналар (30, 40, 60, 200 ўринли) ва туризм инфратузилмаси объектларини қуриш мўлжалланган. Бу албатта туристларнинг кечки бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратишга, жумладан, маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган. Бу борада жаҳон тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки тунги дам олиш тадбирларини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда тажриба етарли эмас. Бу кўпинча бизнинг менталитетимизга ҳам боғлиқ. Чунки, тунда юриш, дам олиш учун меҳмонхоналарнинг ишлаши одат тусига кирмаган. Туризм ривожланишининг яна бир йўналиши Ўзбекистон шаҳарлари ва туристик ресурсларга бой ҳудудларнинг брендини яратиш ва уларни тарғиб қилиш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу ерларда меҳмонхоналар, ҳудуднинг ободонлаштирилиши, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари жаҳон андозалари даражасида ташкил қилинган ва бу жараён янада такомиллаштирилмоқда. Туризмни ривожлантиришнинг яна бир омили янги туризм йўналишларини яратиш ва туризмнинг янги турларини ривожлантиришдан иборатдир. Туристик объект сифатида асосан тарихий ва маданий обидалар намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда туризмни диверсификация қилишнинг йўналишларидан бири туризмнинг экологик, илмий, экстремал, гастрономик ва бошқа турларини янада кўпайтиришдан иборатдир. Туризмнинг мазкур турлари бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Хусусан, биргина Самарқанд вилоятида кўзда тутилган туристик объектларни қуриш ва реконструкция қилиши учун умумий молиялаштириш ҳажми 39 млрд 340 млн сўмни ташкил қилади. Шу тариқа, 2022-2026 йиллар мобайнида туризм хизматлари экспорти ҳажмини 2,5 бараварга, хорижий туристлар сонини 3 бараварга ошириш мумкин. Шунга ўхшаш параметрлар Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти, Хива шаҳри ва Хоразм вилоятида, Шаҳрисабз ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кўзда тутилганлигини инобатга олинадиган бўлса, мазкур соҳага қанчалик эътибор қаратилаётганлигини билиш қийин эмас. Бунга эришиш учун туризм салоҳиятини худди шу муддатда жадал ривожлантириш учун тегишли чора-тадбирлар дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги, ширин-шакар меваларининг, такрорланмас миллий таомлари ва ширинликларининг борлиги туризмнинг янги йўналиши бўлган гастрономик туризмни ривожлантириш учун тегишли шароит мавжудлигидан далолат беради. Бу масалага ҳам ҳозирги пайтда катта аҳамият берилмоқда. Туризмни ривожлантириш бўйича ҳар бир ҳудудда гастрономик туризмни ривожлантириш учун тегишли инфратузилмаларни яратиш масалалари кўзда тутилган. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бир-бирига ўхшамайдиган бетакрор туристик объектлар мавжуд. Шу туфайли туризмни ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳар ҳудудларда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланади. Бунда ҳудудларда мавжуд барча туризмни ривожлантиришга оид салоҳиятдан фойдаланиш масаласи устуворликни ташкил қилади. Шу туфайли ушбу масаланинг моҳиятини, улардаги ҳолатни тўлиқ ўрганиш мақсадида жойларда мазкур масалани ўрганиш ташкил этилади ва ушбу масала бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг ҳисоботлари тегишли тартибда, тегишли бошқарув даражасида эшитилади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиқиб, ушбу объектларни молиялаштириш масаласи ўта муҳим масалалардан бири эканлигини қайд қилишимиз лозим. Бунга биринчи галда чет эллик тадбиркорлар ва мамлакатимиз сармоядорларининг маблағларини жалб қилиш кўзда тутилган. Зарур ҳолларда мазкур мақсадларни амалга ошириш учун давлат кўмагини олишга доир таклиф ва буюртмаларнинг ҳам бўлиши мумкинлиги, мамлакатимизда ўрнатилган тартибга асосан амалга оширилади. Характерли жиҳати шундаки, туризмни, айниқса чет элдан келадиган хорижий туристларни мамлакатимизга жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам жалб қилинган. Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бизда ислом тамаддунига улкан ҳисса қўшган жуда кўп зиёрат объектлари мавжуд. Булар жумласига биргина Самарқанд вилоятида Имом Бухорий, Махдуми Аъзам Даҳбедий, Хожа Аҳрор Вали, Шайх Худойдод Валий, Шоҳ Неъматулло Валий, Маҳдуми Хоразмий, Сайид Ота каби масканлар киради. Зиёрат туризми бўйича ҳамкор мамлакатлар билан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб виза тартибини соддалаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Туризм соҳаси бевосита аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатинини оширишга, иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлигининг ошишига таъсир қиладиган муҳим омиллардан биридир. Аммо туризмни ривожлантириш ўта мураккаб бўлиб, уни амалга оширишда таъсирчан ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўғри фойдаланишни тақозо қилади. Ўз навбатида ташкилий-иқтисодий механизмлар барча соҳалардаги сингари, туризм соҳасида ҳам қотиб қолган ёки ўзгариши мумкин бўлмайдиган дастак эмас. Улар бир томондан, вақт ўтиши билан жамиятнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг юксалиши, ҳаёт талабининг ўзгариши билан такомиллашиб бораверадиган бўлса, иккинчи томондан, туризмни ривожланиши билан бирор мақсадга эришиш учун унга таъсир қилувчи омилларни уюштириш, сафарбар қилиш масалаларига янада эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги Қонун (ЎРҚ-549, 18.07.2019й).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 15 январдаги “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-52 сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2020 йил 24 январь.

5. Александрова А.Ю. География туризма. М.: Аспект Пресс, 2002. – С. 6-7.
6. Пардаев М.Қ., Атабаев Р.Туризм асослари.. Самарқанд. СамИСИ, 2006.- 76 бет.- 4,5 б.Т.
7. Ташкенбаева З.У. Туризм соҳасида бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. 08.00.08. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, ТМИ, 2019. - 62 б.
8. Рахимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш. 08.00.05. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясb автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2019. - 60 б.
9. 40. Пардаев М.Қ., Тухлиев И.С. Туризм бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “НОШИРЛИК ЁҒДУСИ” нашриёти, 2010.- 74 б.- 4,6 б.т.
10. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 28 б.-2,0 б.т.

М.Куймуратова

Эффективное использование потенциала туризма как стратегической отрасли экономики страны

Аннотация: в статье рассматриваются теоретические и методические основы развития туризма в условиях глобализации мирохозяйственных связей и перехода к постиндустриальной экономической системе всеми странами мира, касающиеся модернизации и диверсификации туризма. Акцент сделан на связи инвестиционных решений со стратегией развития туризма и ее миссией, также уделено внимание реализации программ по модернизации экономики страны.

Ключевые слова: рынок услуг, экономические отношения, глобализация, модернизация туризма, диверсификация туризма, турпродукт, туристский потенциал, стратегия развития туризма.

M.Kuymuratova

Effective use of the potential of tourism as a strategic sector of the country's economy

Abstract: The article discusses the theoretical and methodological foundations of tourism development in the context of the globalization of world economic relations and the transition to a post-industrial economic system by all countries of the world, concerning the modernization and diversification of tourism. The emphasis is on the connection of investment decisions with the tourism development strategy and its mission, and attention is also paid to the implementation of programs to modernize the country's economy.

Keywords: service market, economic relations, globalization, tourism modernization, tourism diversification, tourist product, tourism potential, tourism development strategy.

Азим Қаюмович Ғаппаров – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ўқитувчиси

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: мақолада экологик туризмнинг тарихий ривожланиш босқичлари, экологик туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари кўрсатиб берилган.
Калит сузлар: туризм, экологик туризм, туризм жамияти, Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм индустрияси, табиат туризми.

Кириш. Туризм салоҳияти имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилган мажмуали чораларни амалга ошириш, ташқи ва ички туризмни ривожлантиришни жадаллаштириш, хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши ва сифатини жаҳон андозаларига мос равишда яхшиланишини таъминлаш ҳамда Республика иқтисодиётининг ўсишида туризм тармоғи улушини ошириш мақсадида жуда катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан бу ислоҳотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига асосан қабул қилинган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинишида кўришимиз мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризм сохасини ривожлантиришнинг илмий-методологик масалаларига олимлардан[1], Тухлиев Н, Абдуллаева Т., Тўраев Б.Х., Усманова Д.Қ., Пардаев М.Қ., Атабаев Р, Пардаев М.Р., Хаитбоев Р, Матёқубов У., Солиев А.С., Усманов М.Р. ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Экологик туризм XX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб жаҳон туризми индустриясига аста-секин кира бошлади. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумоти бўйича кейинги беш йилда экологик туризмда туристлар оқими тобора кучайиб бораётганлиги ҳақида ҳисоб-китоб натижалари келтирилган.

Бу туризм йўналишида Жанубий Европа, Жанубий – Шарқий Осиё, Хитой ва Африка қитъасидаги давлатлар олдинги ўринларга чиқмоқда. Лекин, экологик туризм тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилгани йўқ. Экотуризм тушунчасини олимлар, мутахассислар ва халқаро туризм ва халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари турлича таърифлашмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМҚХИ) – “Экологик туризм ёки экотуризм табиий муҳитга нисбатан масъулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда уни ўрганиш, ҳамда табиатнинг бетакрор, жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилган ҳолда табиатга кўмаклашади, атроф-муҳитга “юмшоқ” таъсир этади, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”.

Туризм жамияти (ТЖ) – “Табиий ҳудудларга масъулят билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш

[1] Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент – 2005. – 423 стр. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент – 2005. – 423 стр. Тўраев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. Тошкент: изд. «Фан», 2008. –166 стр., Усмонов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). География фан. номзоди дис. автореферати. Тошкент, ЎзМУ, 2003. – 25 б., Усмонова Д.К. Особенности формирования туристкого продукта и перспективные направления его развития. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. – 156 б. Пардаев М.К., Атабоев Р., Пардаев М.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Тошкент, Фан ва технология, 2007. –32 б. Ҳаитбоев Р., Матёқубов У. Экологик туризм. СамИСИ, Самарқанд, 2010. – 60 б. Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш Концепцияси. Экология хабарномаси. Тошкент 2007. № 6, Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. Самарқанд, СамИСИ. – 2005. – 131 б

даражасини яхшилайди”.

Ёввойи табиат умумжаҳон жамғармаси (ЁТУЖ) – “Экотуризм – нисбатан табиатга зиён етказмаган ҳудудларга саёҳат, маданий этнографик хусусиятлари ҳақида тасаввур олиш мақсадида, тизимнинг бутунлигини бузмаган ҳолда, шундай иқтисодий шароитлар яратадики, унда табиатни муҳофаза қилиш яхшиланади ва табиий ресурслар маҳаллий халққа фойда келтиради”.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) – “Экотуризмда табиий ҳудудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди”.

Ўзбекистон экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида[1]-“Экологик туризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат балки, ижтимоий – иқтисодий масалаларни амалга ошириш ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз”.

Америка Қўшма Штатлари экотуризм жамияти-маҳаллий аҳоли манфаатларини эътиборга олувчи, табиий ресурсларни муҳофаза қилувчи, экотуризмларни бутунлигини сақловчи, маҳаллий маданият ва табиий муҳитни чуқур англаш учун табиий ҳудудларга қилинган мақсадли саёҳат.

Австралия миллий экотуризм стратегияси-экологик турғунлик принципларига ва экологик билим, маданий дастурларга амал қилишга асосланган ҳолда табиатга мақсадли саёҳат қилиш туризми.

Дунё ҳамжамиятига хизмат қилувчи халқаро марказларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари ҳар хил бўлса-да экотуризмнинг ўрнини белгилашдаги хулосалари деярли бир хил. Лекин, экотуризмни тарғиб қилаётган БТТ(Бутунжаҳон туризм ташкилоти), ТЖ(Туризм жамияти), ТМҚХИ(Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи)нинг иш тартиби, мақсадлари доимо бир-бирига қарши туради. Дастлабки, икки халқаро жамият табиатдан туристик мақсадларда фойдаланиш тарафдори, кейинги халқаро ташкилот эса табиатни муҳофаза қилиш билан машғул.

Энди экотуризм тушунчасига аниқлик киритган мутахассис, олимларнинг хулосаларини келтирамиз. Бу хулосаларнинг марказида албатта экотуризмни тарғиб қилиш ғояси ётади.

Қозоғистонлик эксперт М.Мусатова экотуризмнинг мақсадини:

- ёввойи табиатга саёҳат;
- табиатга минимум таъсир;
- табиатни муҳофаза қилувчи фаолиятни қувватлаш;
- экологик таълим олиниши;
- экологик тадбирлардан маҳаллий аҳолининг қўшимча даромад олиши деб белгилайди.

Россиялик экспертлар И.Зорин ва В.Квартальновлар[2] экотуризм тушунчасини икки шаклда белгилашмоқда. Уларнинг биринчи хулосалари бўйича экотуризм – экологик устувор технологияларини қўлланган ҳолда табиатга тўғридан-тўғри саёҳат қилишдир. Экотурдаги замонавий экологик туризм маҳсулотлари табиатга салбий таъсир қилмайди балки, табиатни авайлаш тарбиясини кучайтиради. Уларнинг иккинчи хулосалари бўйича табиатнинг бетакрор гўшаларида бўлган туристларда унинг бойликларини асраш туйғулари ҳосил бўлади.

Эксперт Хабибрахмонов Р[3]. таклифи бўйича экологик туризм алоҳида муҳофаза қилинадиган (табиат қўриқхоналари, миллий парклар, табиат ҳайкаллари, табиат буюртмалари, тарихий меъмориал парклар) табиий ҳудудларда бўлиши керак. Шу жойларда туристлар:

[1] Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси. Ж. Экология хабарномаси, № 6 Тошкент: 2007, 21-б.
[2] Туристический терминологический словар. Москва, “Советский спорт”, 1999, 664 б.
[3] Будущее “Зеленого” туризма. Экокурьер, 1997, 22 октябр.

a) ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни қўриқлаш лозимлигини;
b) ўзининг руҳий ва жисмоний дам олганлигини;
c) экологик билим ва тарбия олганлигини тушуниб етади.

Қайд қилинган хулосаларга мазмунан тўғри келадиган фикрларни кўплаб келтириш мумкин.[1,2]

Келтирилган маълумотларни таҳлил қилганимизда экотуризмнинг ҳақиқий мухлислари ўзининг табиат бағрига саёҳати вақтида “табиат + жамият + бирдамлик + дўстлик” муносабатларини кўришни, кузатишни хоҳлайди. Умум фикрларни жамлаб таҳлил қилганимизда, экотуризм табиат қўйнида бўлишликдир ва табиатни муҳофаза қилишда экотуризм ривожи ижобий натижаларни беради.

Экспертларнинг таъкидлашича, ҳозирда жаҳон туризми индустриясида экотуризм тармоғига кирувчи табиат ва табиатдаги саргузаштлар туризмлари тезкор суръатларда ривожланиб бормоқда. Масалан, Канада давлатида “ёввойи табиатга саёҳат” туризмининг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25% ини ташкил этади. Канада давлати ҳар йили экотуризмдан 1.7 млрд. АҚШ долларида фойда олади. Бу эса ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн. доллар) 5 баравар кўпдир. Демакки, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда катта иқтисодий ҳисса қўшади ва бундан табиатда муҳофазавий тадбирларни тўлиқ ўтказишга катта молиявий ёрдам беради.

БМТ ва БТТ ташкилотларининг маълумотлари бўйича сўнгги 20 йил ичида эндигина ривожланиб бораётган давлатларда экотуристлар сони кўпайиб ва экотуризмдан олинадиган даромадлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, ҳар йили экотуризмдан Кения давлати-1.4 млрд., Эквадор давлати-11.8 млрд., Коста-Рика давлати-11.4 млрд., Непал давлати-1.5 млрд. АҚШ долларида даромад оладилар. Қайд қилиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромадлари давлат ялпи ички даромадларининг(ЯИМ) 70-80% ига тенг.

Хулоса ва таклифлар. Ривожланиб бораётган давлатларнинг туризм индустрияси асосан экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотларига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20% ини қамраб олган, ўсиш сурати эса умумий туризм ўсиш суръатидан 2-3 маротаба ошиб кетган.

Экологик туризм сўзининг моҳияти ҳозиргача бизда табиатга саёҳат маъносида тушунилмоқда. Баъзида экологик туризмни табиат туризми деб номлаш керак деган фикрлар ҳам матбуотда эълон қилинмоқда. Бизнинг фикримизча ҳақиқатан ҳам табиат бағрига ва унинг бетакрор ландшафт кўринишларига сайр-саёҳатни табиат туризми деб номласак бўлади.

Лекин, тан олишимиз керакки, туризмнинг айниқса, халқаро туризмни биз эндигина ривожлантирмоқдамиз ва туризмдаги турларни ва бу турларнинг номланишини эндигина ўрганиб ушбу турларнинг туристик ресурсларини ҳам эндигина чет эл давлатлари адабиётларидан ўрганмоқдамиз.

Экологик туризм сўзи бизга бошқачароқ маънода кириб келди. Нима учундир биз табиат туризми дейилганда туристларнинг табиат ресурсларини авайлашига кафолат бера олмаймизу, экотуризм дейилганда экотуристларнинг табиат муҳофазасига ҳиссасини қўшишга ишонамиз.

А.Гаппаров **Суть, назначение и задачи экологического туризма**	**A.Gapparov** **The essence, purpose and tasks of ecological tourism**
Аннотация: в статье показаны этапы исторического развития, сущность, цель и задачи экологического туризма.	**Abstract:** the article shows the stages of the historical development, nature, purpose and tasks of ecological tourism.
Ключевые слова: туризм, экологический туризм, туристское общество, всемирная туристская организация, индустрия туризма, природный туризм.	**Keywords:** tourism, ecological tourism, tourism society, world tourism organization, tourism industry, nature tourism.

[1] Туризм и устойчивое развитие. Экокурьер, 1997, 27 декабр.
[2] Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Экологический туризм; сущность, тенденции и стратегия развития. Тошкент,2006, 54-58 б.

Burxon Rustamovich Dehqonov – TDIU Turizm va servis kafedrasi tayanch doktoranti

ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION BOSHQARUV MEXANIZMLARI

Annotatsiya: Ilmiy maqolada ichki turizmni rivojlantirishning innovatsion mexanizmi ishlab chiqilgan bo‘lib, tashqi va ichki innovatsion mehanizmlar jadval ko‘rinishda berilgan. Ushbu tadqiqotda iqtisodiy sub'yektlar boshqaruvning innovatsion jarayonlari iqtisodiy sub’yektlarning xatti-harakatlariga ta'sir qiluvchi innovatsion boshqaruv vositalarini o‘z ichiga oladi. Biz innovatsion jarayonlar va vositalarni ichki va tashqilarga ajratamiz. Ichki turizm tizimini boshqarishning innovatsion mexanizmini joriy etish biznesning mavjud muammolarini aniqlash va ularni hal qilish yo‘llarini belgilash imkonini beradi. Buning natijasida ichki turistik-rekreatsion salohiyat samaradorligini oshirishga erishish mumkin.
Kalit so‘zlar: turizm, ichki turizm, innovatsiyalar, iqtisodiy sub’yektlar, turizmda davlat xususiy sherikchilik, turizmda IT, rekriatsion turizm, turizm destinatsiyalari.

Kirish. Yangi O‘zbekiston rivojlanish strategiyasida turizm sohasiga katta e’tibor berila boshladi. Har bir soha uchun jahon standartlariga to‘g‘ri keladigan innovatsion loyihalar ishlab chiqarila boshladi. Turizmni rivojlantirishda innovatsiyon loyihalar va grantlar e’lon qilindi. Turizm va ichki turizmni rivojlantirishda maxsus qaror va farmonlar qabul qilindi.

Bunga misol qilib O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 30 apreldagi PQ-232-son “Ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorini olishimiz mumkin.

Respublika iqtisodiyotida turizmni strategik darajaga ko‘tarish, ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilish va hajmini keskin ko‘paytirish, fuqarolarni mamlakatimizning turizm salohiyati bilan tanishtirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish, taqdim etilayotgan turizm xizmatlari sifatini yaxshilash va jahon bozorlarida raqobatbardoshligini oshirish, turizm sohasida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlik subyektlari uchun qo‘shimcha imkoniyatlar yaratish, zamonaviy xizmatlar infratuzilmasini jadal rivojlantirish, shuningdek, aholini ish bilan ta’minlash va ularning daromad manbaini kengaytirish maqsadi belgilab olingan. Shuningdek tadqiqotda iqtisodiy sub’yektlar boshqaruvning innovatsion jarayonlari iqtisodiy sub’yektlarning xatti-harakatlariga ta'sir qiluvchi innovatsion boshqaruv vositalarini o‘z ichiga oladi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Dunyo olimlari o‘z tadqiqotlarida ichki turizmni rivojlantirishda takliflar va ularning nazariy mohiyatini yoritib berishga e’tiborlarini qaratishgan. Bugungi kunda turizm yoki ichki turizm sohasiga tegishli alohida tushunchalar, qoida va ta’riflar mavjud emas. Iqtisodiy qonun va ta’riflar iste’molchilar talabini qondirish maqsadida vaqt va qulayligiga qarab o‘zgarib turganligidek, turizmni innovatsion rivojlantirishda ta’riflar ham vaqtga va iqtisodiy jarayonlarga qarab o‘zgarib turadi.

Taniqli olim Koxenning fikricha, turizm sohasida tadqiqolar qanchalik ko‘p bo‘lsa beriladigan innovatsion ta’riflar ham shunchalik ko‘p bo‘ladi.

Mening fikrimcha, hozirgi turizm sohasiga tegishli tushunchalarning aniq izohi va sharhi jahon olimlari yoki mahalliy olimlar bozorda sodir bo‘layotgan barcha ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar mohiyatini to‘g‘ri tahlil qilishi bilan bog‘liqdir.

Ichki turizm tushunchasiga berilgan ta’riflarni bir qancha guruhlarga ajratish mumkin. Ushbu soha mutaxassislari tomonidan berilgan ta’riflar ko‘proq aniq bir maqsadga yo‘naltirilgan kotseptual yo‘nalishdagi ta’riflar bo‘lib ular ichki turizmni turli xil xususiyatlari va o‘ziga xos munosabatlarni aks ettiruvchi murakkab ichki mazmun va mohiyatni ochib berishga qaratilgan. Yana ichki turizmni alohida iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va huquqiy jihatlarni qamrab oluvchi guruhlarga ajratishimiz mumkin. Ichki turizm ta’riflarini solishtirganimizda ichki va xalqaro turizmni bog‘lagan holda yoki aksincha ularni farqlab tuzilganligini ko‘rishimiz mumkin.

Olga Chkalova, Marina Efremova, Vladimir Lezhnin, Anna Polukhina, va Marina Sheresheva o‘z tadqiqotlarida ichki turizmni rivojlantirishda innovatsion qoidalarni ilgari suradilar va tadqidot olib boradilar. Ular turizmni rivojlantirishda kadrlar masalasiga innovatsion yondoshish kerak ekanligini “Innovative mechanism for local tourism system management: a

case study”[1] deb nomlangan maqolasida yoritib bergan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotda ichki turizmni barqaror rivojlanishini belgilashda yaqin yillarda kutilayotgan innovatsion o‘zgarishlarni hisobga olish va shu orqali turizm sohasini rivojlanishini alohida tarmoq sifatida o‘rganish metodologiyasi qo‘llanilib, bu borada mutaxassislar fikrini o‘rgangan holda, kuzatish, qiyoslash, tizimli va qiyosiy tahlil hamda ekspert baholash kabi usullari orqali infratuzilmaning tarkibiy qismlari rivojlanishi yo‘nalishlarini belgilab berish usuli taklif etilgan. Shuningdek, 2025 yilgacha respublikamiz turizmi rivojlanishi yo‘nalishlarining ustuvor vazifalariga oid xulosalar qilingan va turizm sohasini takomillashtirishga oid aniq tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tahlil va natijalar. Globallashgan bozor sharoitida ichki turizmni rivojlantirish muammolarini hal qilishda innovatsiyalar va barqarorlikning ahamiyati ortib bormoqda.



1-rasm. Ichki turizm tizimini boshqarishning innovatsion mexanizmi[2]

[1] “Innovative mechanism for local tourism system management: a case study” Olga Chkalova, Marina Efremova, Vladimir Lezhnin, Anna Polukhina, Marina Sheresheva.- entrepreneurship and sustainability issues. -2019

[2] Muallif tomonidan ishlab chiqilgan

Innovatsion faollikni oshirish, ichki turizmni rivojlantirishning istiqbolli yo‘nalishlarini shakllantirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Biz innovatsion jarayonlar va vositalarni ichki va tashqilarga ajratamiz. Ichki turizm tizimini boshqarishning innovatsion mexanizmini joriy etish biznesning mavjud.

1-rasmda keltirilgan ichki tizimlarni boshqarishning innovatsion mexanizmi boshqaruv sub’yekti tomonidan iqtisodiy sub’yektlarning xatti-harakatlariga ta'sir qilishi mumkin bo‘lgan qarorlar qabul qilish qoidalari, jarayonlari va vositalarini o‘z ichiga oladi.

Muammolarni aniqlash va ularni hal qilish yo‘llarini belgilash imkonini beradi. Buning natijasida ichki turistik-rekreatsion salohiyat samaradorligini oshirishga erishish mumkin.

Biz Ozbekistonda sayyohlik va rekreatsiya sektori uchun quyidagi tashqi innovatsion tartiblarni ko‘rib chiqamiz:

1) innovatsion davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish;

2) tarmoqni tizimli davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash;

3) innovatsion investorlarni izlash;

4) milliy sayyohlik va sayyohlik yarmarkalari va ko‘rgazmalarida ishtirok etish;

5) sanoatni takomillashtirish bo‘yicha innovatsion dasturlarni ishlab chiqish.

Har bir tashqi innovatsion jarayon uchun biz innovatsion vositalar to‘plamini va ularning batafsil tavsiflarini ishlab chiqdik.

O‘zbekiston hududlarida qo‘llaniladigan ichki tartib-qoidalar misolida innovatsion jarayonlar va innovatsion vositalar o‘rtasidagi munosabatni bog‘liqligini ko‘rishimiz mumkin.

Rekreatsion turizm sohasida innovatsion infratuzilmani rivojlantirish deb nomlangan ikkinchi ichki innovatsion jarayon quyidagi ichki innovatsion vositalarni o‘z ichiga oladi:

- turistik guruhlarning o‘z vaqtida kelishi uchun imkoniyatlarni amalga oshirish uchun qulay transport infratuzilmasini takomillashtirish;

- yangi turistik korxonalarni rivojlantirish va yangi ob’yektlar qurish loyihalarini ishlab chiqish;

- turistik majmualar, dam olish maskanlari, muzeylar va boshqalarni yaratish bo‘yicha loyihalarni amalga oshirish;

- ichki tizimlardagi tarixiy-madaniy obidalarni (yodgorliklarni) tiklash bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish.

Turistik va rekreatsion sektorda innovatsion axborot tizimlarini tashkil etish deb nomlangan uchinchi ichki innovatsion jarayon quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- veb-saytdagi matnli ma'lumotlar va tasvirlar, tashriflar statistikasi, shuningdek veb-saytning asosiy elementlarini tartibga solish va ularning konfiguratsiyasi bilan bog‘liq mavjud muammolarni aniqlash maqsadida turizm firmalarining veb-saytlarini monitoring qilish;

- agar kerak bo‘lsa, veb-saytlarni qayta loyihalash;

- hududiy miqyosda turar joy ob’yektlarini jamoaviy boshqarish uchun yagona IT tizimini joriy etish, bu mehmonxonalar faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilishni soddalashtirishga yordam beradi.

Rekreatsion turizm sohasidagi korxonalarning innovatsion faoliyatini tashkil etish va rag‘batlantirish deb nomlangan to‘rtinchi ichki innovatsion jarayon quyidagi ichki innovatsion vositalarni o‘z ichiga oladi:

- innovatsion jarayonlar samaradorligini baholash uchun asosiy ko‘rsatkichlarni aniqlash;

- turizm korxonalarida innovatsion jarayonlarni faollashtirish vositalarini ishlab chiqish;

- turizm korxonalarining innovatsion faoliyati samaradorligini baholash;

- turizm korxonalarida innovatsion jarayonlarni rag‘batlantirishning qo‘shimcha vositalarini joriy etish.

Innovatsion faoliyatning shu jarayon orqali namoyon bo‘lishi tarmoq iqtisodiyotini rivojlantirish va turizm xizmatlari sifatini oshirish uchun sharoit yaratadi. Yakka tartibdagi o‘zini o‘zi boshqarish chora-tadbirlari tizimini yaratish uchun turizmning turli manfaatdor tomonlariga, shu jumladan federal va mintaqaviy hokimiyat organlariga iqtisodiy, moliyaviy va tashkiliy ta'sir ko‘rsatish juda muhimdir.



2-rasm. Ichki turizm tizimini boshqarishning innovatsion mexanizmining tashqi va ichki vositalari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlik[1]

Innovatsion mexanizmni shakllantirish va innovatsion g‘oyalarni amalga oshirish uchun yangi turistik resurslar va mahsulotlarni yaratishga qaratilgan ichki turizm tizimini rivojlantirish, ularning o‘sishi va raqobatbardoshligini rag‘batlantirish zarur. Turizm destinatsiyalarida innovatsion rivojlanish jarayonining murakkabligi iste'molchilar, jamiyat, davlat boshqaruvi organlari, shuningdek turistik firmalarning o‘zaro hamkorligi bilan belgilanadi. Barcha manfaatdor tomonlarning faoliyati huquqiy normalar va qoidalar bilan tartibga solinadi. Shuning uchun turizmda innovatsion faoliyat uchun asos yaratuvchi institutsional muhit muhimdir.

Xulosa va takliflar. Maqolada taqdim etilgan tadqiqot nazariy va uslubiy asoslarni aniqlash, ichki turizm tizimini boshqarishning innovatsion mexanizmini ishlab chiqishning kontseptual yondashuvlarini aniqlash imkonini berdi.

Bugungi kunda xorij tajribasi shuni ko‘rsatadiki turizmda kadrlar malakasi zamon bilan hamnafas bo‘lishi va o‘z ustida to‘xtamasdan ishlashi kerakligini talab qilmoqda.

Turizmi sohada kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash deb nomlangan ichki innovatsion taklifimiz quyidagi ichki innovatsion vositalardan iborat:

- xodimlarni sertifikatlash;
- malaka oshirish kurslari;
- amaliy o‘quv kurslari;
- masofaviy kurslar va seminarlar;
- biznesni o‘qitish;
- professional axborot resurslaridan foydalanish va xodimlar o‘rtasida bilim almashish;
- malaka imtihonlari.

[1] “Innovative mechanism for local tourism system management: a case study” Olga Chkalova, Marina Efremova, Vladimir Lezhnin, Anna Polukhina, Marina Sheresheva.- entrepreneurship and sustainability issues. -2019

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, innovatsion ichki tizimni rivojlantirishning dolzarbligi ko‘p jihatdan mamlakat iqtisodiyotidagi mavjud vaziyat va mintaqaviy va mintaqalararo darajadagi innovatsion o‘zaro ta'sirda integratsiya jarayonlarining tobora ortib borayotgan roli bilan bog‘liq. Bu, o‘z navbatida, turizmdagi mavjud iqtisodiy jarayonlarga ta’sir ko‘rsatishning innovatsion mexanizm va vositalarini yanada o‘rganish va qo‘llash muhimligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi”.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 30-apreldagi PQ-232-son “Ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori.
3. Olga Chkalova, Marina Efremova, Vladimir Lezhnin, Anna Polukhina, Marina Sheresheva - “Innovative mechanism for local tourism system management: a case study” entrepreneurship and sustainability issues. - 2019.
4. Ш. С. Сайфутдинов. “Ўзбекистонда туризмнинг барқарор ривожланиш жараёнлари ва ҳолати”
5. Ш. С. Сайфутдинов. “Туризм ривожланишини бошқаришда хориж тажрибаси” “Сервис” илмий-амалий журнали. 1-сон. Самарқанд. Февраль 2021. 92-97 б.
6. Б. Р. Деҳқонов. “ Ички туризмни таърифлашиа бўлган қарашлар ва туризм шаклларини ўз ичига олган боғлиқликлар” Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. - №4-1 (88), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 81 б.

Б.Дехконов

Инновационные механизмы управления для развития внутреннего туризма

Аннотация: научная статья посвящена разработке инновационного механизма развития внутреннего туризма, где особое место определено инновационным процессам управления. В приведенном исследовании разработаны инновационные инструменты управления, влияющие на поведение хозяйствующих субъектов, занятых в сфере туризма. Нами инновационные процессы и инструменты разделены на внутренние и внешние. Внедрение инновационного механизма управления системой внутреннего туризма позволит выявить существующие проблемы бизнеса и определить пути их решения. Результатом станет повышение эффективности отечественной туристско-рекреационной сферы.

Ключевые слова: туризм, внутренний туризм, инновации, хозяйствующие субъекты, государственно-частное партнерство в туризме, информационные технологии в туризме, рекреационный туризм, туристские дестинации.

B.Dekhkonov

Innovative management mechanisms of domestic tourism development

Abstract: In the scientific article, an innovative mechanism for the development of domestic tourism has been developed, and external and internal innovative mechanisms are presented in a table. In this study, the innovative processes of management of economic entities include innovative management tools that affect the behavior of economic entities. We divide innovation processes and tools into internal and external. The introduction of an innovative mechanism for managing the domestic tourism system allows identifying existing business problems and determining ways to solve them. As a result of this, it is possible to increase the efficiency of domestic recreational tourism and its potential.

Keywords: tourism, domestic tourism, innovation, economic entities, public-private partnership in tourism, information technology in tourism, recreational tourism, tourist destinations.

Ilyos Ilhomovich Ayubov – SamDU katta o‘qituvchisi, PhD
Suxrob Raxmatillo o‘g‘li Baxronov – SamDU magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISH IMKONIYATLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida zamonaviy raqamli texnologiyalarning joriy etilishi turizm sohasining rivojlanishini yangi bosqichga olib chiqishi istiqbollari, COVID-19 pandemiyasidan keyingi tiklanoytgan iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lmish turizm sohasi uchun ahamiyatli jihatlari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, pandemiya, turizm, raqamlashtirish, millenianlar, Z-avlod.

Kirish. Raqamlashtirish - bu texnologiya va ma'lumotlarga asoslangan boshqaruv, bizning ijtimoiy va iqtisodiy tizimlarimiz va hayotimizni o‘zgartiradigan jarayon. Raqamli texnologiyalarni o‘zlashtirishga intilish ilg'or texnologiyalarning konvergentsiyasi va globallashuv sharoitida rivojlanayotgan ijtimoiy va iqtisodiy aloqalar bilan bog'liq. Raqamlashtirish innovatsiyalarni kuchaytirish, iqtisodiy va ekologik samaradorlikni yaratish va oshirish, jumladan, yuqori darajada globallashgan turizm sektorida ham salohiyatga ega. Sayyohlar sayohat uchun yo‘nalish qidirish, rejalashtirish va bron qilish uchun raqamli texnologiyalardan tobora ko‘proq foydalanayotganligi sababli, sayyohlik kompaniyalari uchun raqamli texnologiyalarni o‘zlashtirish va ilg'or imkoniyatlardan foydalanish tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Bizning maqolamizda raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm sohasining rivojlanishi imkoniyatlarini o‘rganish masalasi qo‘yilgan. Ushbu maqsadda Ivanov. V, Garsia S kabi olimlarning, Eurostat tashkiloti va Jahon Iqtisodiy Forumi(WEF)dagi tahlillar asosida o‘rganish ishlari amalga oshirildi.

Tadqiqot metodologiyasi. Olib borilgan izlanishlar natijasida mamlakatimiz turizmida raqamli texnologiyalar asosida tadqiqotlar o‘tkazish va ular asosida tajriba qilishga tayanadi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm sohasining rivojlanishi imkoniyatlarini o‘rganish masalalari ko‘rib chiqilgan.

Tadqiqot kuzatish, qiyoslash, statistika va iqtisodiy tahlil usullaridan foydanildi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida zamonaviy raqamli texnologiyalarning joriy etilishi turizm sohasining rivojlanishini yangi bosqichga olib chiqadi.

Tahlil va natijalar. 2019-yilda turizm jahon yalpi ichki mahsulotining 10 foizini ya’ni qariyb 9 trillion dollarni tashkil etgan, bu esa turizmning qishloq xo‘jaligi tarmog’idan qariyb uch baravar ko‘p ko‘rsatkichdir. Biroq, yetkazib beruvchilar va vositachilarning turizm qiymat zanjirida har doim tarmoqning katta qismini tashkil etuvchi kichik va o‘rta biznes o‘rtasida cheklangan muvofiqlashtirish tufayli samaradorlik sezilarli darajada pasayadi.

COVID-19 pandemiyasi turizm sanoati uchun misli ko‘rilmagan inqirozli vaziyatni keltirib chiqardi. 2020-yilda xalqaro sayyohlar miqdori 80 foizgacha qisqarib ketdi va dastlabki hisob-kitoblarga ko‘ra turizm sohasidagi ko‘rsatkichlar 2024-yilgacha inqirozdan oldingi darajaga qaytmasligi mumkin. Bu esa dunyoda ushbu sohada band bo‘lgan 120 millionga yaqin insonni ishsiz qolishi ehtimolini bildiradi. Turizm bilan bog'liq korxonalarni qayta ochish va ularning tiklanishini sayyohlar uchun xavfsiz, jozibador va iqtisodiy jihatdan foydali tarzda boshqarish ilgari ko‘rilmagan darajada muvofiqlashtirishni talab qiladi. Buning uchun bizga raqamli iqtisodiyot va raqamlashtirish jarayoni yordam beradi.

Jahon Iqtisodiy Forumi (WEF, 2017) hisob-kitoblariga ko‘ra, 2025-yilgacha bo‘lgan davr ichida raqamlashtirish faqat turizm sektori uchun rentabellikni oshirish orqali 305 milliard dollargacha qo‘shimcha qiymat yaratadi, shu bilan birga sektorda 100 milliard dollarga yaqin qiymat hosil qiladi. Turizm sohasi esa an'anaviy o‘yinchilardan innovatsion biznes modellari va qiymat ishlab chiqarish qobiliyatiga ega yangi raqamli raqobatchilarga o‘tadi. Raqamli transformatsiya, shuningdek, xavfsizlikni yaxshilash, iste'molchilar uchun xarajatlar va vaqtni tejash orqali mijozlar va soha kompaniyalari uchun 700 milliard dollarlik foyda keltirishi prognoz qilinmoqda.

Bunday o‘zgarishlarning asosiy sabablaridan biri sifatida qisman Millenniallar (1980-yillarning boshidan 1990-yillarning o‘rtalarigacha davr oralig’ida tug‘ilganlar) va Z-avlodining (1990-yillarning oxiridan 2010-yillarning boshlarigacha davr oralig’ida tug‘ilganlar) iste’mol odatlari bilan bog‘liqligini keltirish mumkin. Ular 2040 yilga kelib mahalliy va xalqaro sayyohlarning asosiy qismini tashkil qiladi. Millenianlar va Z-avlod vakillari raqamli texnologiyalar yordamida ma'lumotlarga tez va to‘g'ridan-to‘g'ri kirish imkoniyatiga ega bo‘lib ulg'ayganliklari turizm xizmatlarini qanday taqdim etilishiga ta'sir qilishda davom etadi.

Trendlar quyidagilarni o‘z ichiga oladi: rejalashtirish bosqichida ma'lumot olish uchun onlayn manbalar va mobil platformalardan foydalanishning ko‘payishi (masalan, veb-saytlar, ijtimoiy media), shuningdek, offlayn manbalardan foydalanishning kamayishi (masalan, tashrif

buyuruvchilar uchun ma'lumot markazlari, bosma ommaviy axborot vositalari); real vaqt rejimida qidirish va kashf qilish, tajriba almashish va yangilanishlarni olish uchun manzilda onlayn/ulanishda qolishga moyillik; va naqd puldan foydalanishga nisbatan elektron tijorat to‘lov usullaridan foydalanishning ko‘payishi. Bundan tashqari, Millenniallar va Z-avlod vakillari oldingi avlodlarga qaraganda ko‘proq egalik huquqini taqsimlashni qo‘llab-quvvatlaydilar va shuning uchun birgalikda iqtisodda (turar joy almashish, sayohat almashish, valyuta almashinuvi) ishtirok etish darajasi yuqori.

Turistlar turoperatorlardan takliflarni taqqoslash, ular haqida sharhlarni tekshirish, tegishli mehmonxona va yaxshi restoranni qidirish, ekskursiyalarni rejalashtirish va xarid qilish uchun do‘konlarni tanlash uchun ko‘p vaqt sarflashlari kerak. `

Turistik blokcheyn-platformani yaratish aqlli turizm tizimiga yo‘l ochadi, turizm sohasini ortiqcha harajatli vositachilardan qutqaradi, ko‘proq, arzonroq va qulayroq sayohat qilish imkonini beradi. Mutaxassislarning fikriga ko‘ra, turizm sohasidagi blokcheyn texnologiyasidan foydalanishning eng istiqbolli yo‘nalishlaridan biri mehmonxona xizmatlarini tokenizatsiya qilishdir. Chet elda bo‘lgan har bir kishining mahalliy valyuta sotib olayotganda xususiy valyuta ayriboshlovchilar tomonidan firibgarlikka, to‘lov tizimlari va kartalaridan foydalanishda tushunmovchiliklarga duchor bo‘lishi xavfi mavjud. Buni hal qilish uchun mehmonxonalar (ayniqsa, katta tarmoq mehmonxonalar) o‘zlarining ichki kriptovalyutalarini chiqarishi va qo‘shimcha xizmatlar, esdaliklar, ekskursiyalar ichida ulardan foydalanishlari mumkin. Umuman mehmonxona xizmatlari tokenizatsiya qilinishini odatiy holatdagiga nisbatan foydali bo‘ladi. Mehmonxonalar tokenlar chiqarish orqali qo‘shimcha mablag’ jalb qilishi mumkin. Sayyohlar esa oldindan kursni bilgan holda tokenlarni sotib olishlari, o‘zlaridagi ortiqcha tokenlarni ishonchli tarzda sotishlari ham mumkin bo‘ladi.

Turizmda yana bir muammolardan bu sug’urta sohasi. Sug’urta – blokcheyn texnologiyasini joriy etishning yana bir istiqbolli yo‘nalishi. Hozirgi vaqtda kechiktirilgan yoki bekor qilingan parvoz uchun kompensatsiya olish jarayoni ko‘plab muammolar bilan bog'liq bo‘lib, sayohatchilar vaqt, pul va asablarini yo‘qotishadi. Bunday vaziyatda yordam berish uchun aqlli shartnomalar bo‘lishi mumkin, ularning o‘ziga xosligi zarar ko‘gan sayyohlarga sug'urta to‘lovlarini avtomatik ravishda to‘lash, shuningdek, yangi chiptalarni bronlash imkonini beradi. Smart shartnoma to‘lov vaqtida turistdan pul darhol muayyan agentlarga yo‘naltirilishi uchun tuzilishi mumkin. Shunday qilib, markazsizlashtirilgan va oshkora operatsiyalar tizimi yaratiladi. Blokcheynda xizmat ko‘rsatuvchi provayder va iste'molchining manfaatlarini himoya qiladi. Bu talab mehmonxona bilan smart shartnomada belgilangan bo‘lsa, sayyohlarning huquqlarini kafolatlaydi, mehmonxonani esa sayyohlarning asossiz talablaridan himoya qiladi. Agar shartnoma shartlaridan biron-bir og'ish bo‘lsa, tizim avtomatik ravishda huquqbuzarni jazolaydi va jabrlanuvchiga kompensatsiya o‘tkazib beriladi. Blokcheynning asosiy vazifasi-iqtisodiy manfaatlarini himoya qilish, shuning uchun blokcheyn asosidagi shartnomalar har xil manupulyatsiyalarni oldini oladi.

Avtomatlashtirish va robototexnika turizmdagi muhim tendentsiyalardan bo‘lib, jismoniy turizm bizneslari uchun, shuningdek, onlayn dasturlar uchun ishlab chiqilgan. Misol uchun, bir vaqtlar odamlar tomonidan bajarilgan ko‘plab vazifalar endi robotlar yoki chatbotlar kabi avtomatlashtirilgan tizimlar tomonidan amalga oshirilmoqda. Ular sanoat bo‘ylab keng qo‘llanila boshlandi va odamlarga bir qator savollar berish orqali sayohatlar, transport va turar joyni topish va bron qilishda yordam berish uchun mo‘ljallangan. Murakkabroq misollar orasida ba'zi mehmonxonalar tomonidan qabulxonani boshqarish yoki hatto oziq-ovqat va ichimliklar bilan ta'minlash uchun foydalaniladigan robot "xodimlar" kiradi. Robotlar mahsulot va xizmatlarni taqdim etish qobiliyatida rivojlangan bo‘lsa-da, sanoat, hukumat va iste'molchilar ularni iqtisodiyotga integratsiya qilishni hali to‘liq amalga oshirishmagan.

Xulosa va takliflar. O‘zbekiston ulkan turistik salohiyatga ega davlat hisoblansada, hozirgi kunda bu salohiyatning juda ham kichik qismidangina foydalanilmoqda. Raqamli iqtisodiyot va zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holda turistik xizmatlar sifatini yaxshilashimiz va yurtimizga keladigan turistlar oqimini oshirishimiz mumkin. Bu esa o‘z

navbatida O‘zbekistonda iqtisodiy o‘sishga ijobiy ta’sir qiladi. Chunki turizm mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim tarmoqlaridan biri hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyotning afzalliklarini amalga oshirish uchun raqamli infratuzilmaga investitsiyalarni jalb qilish, turizm sohasida inson kapitali va biznes modellari jarayonlaridagi innovatsiyalarning ko‘nikmalarini rivojlantirishda yuqorida berilgan usullaradan foydalanishni taklif qilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Eurostat (2020), E-commerce statistics for individuals - Statistics Explained, Luxembourg.
2. WEF (2019), Platforms and Ecosystems: Enabling the Digital Economy. Briefing Paper. Geneva. http://www3.weforum.org/docs/WEF_Digital_Platforms_and_Ecosystems_2019.pdf.
3. WEF (World Economic Forum) (2017), Digital Transformation Initiative: Aviation, Travel and Tourism Industry, White Paper. Geneva. http://reports.weforum.org/digital-transformation/wp-content/blogs.dir/94/mp/files/pages/files/wef-dti-aviation-travel-and-tourism-white-paper.pdf
4. Ivanov. V. and Webster, C. (2021). Robots in tourism: A research agenda for tourism economics. Tourism Economics 1-21
5. García Sánchez, J. (2020), Tourism in the Digital Economy. Policies supporting digital transformation.

И.Аюбов, С.Бахронов
Возможности развития туризма в условиях цифровой экономики

Аннотация: В данной статье освещаются перспективы внедрения современных цифровых технологий в условиях цифровой экономики для вывода развития индустрии туризма на новый уровень, и их важные аспекты для индустрии туризма, которая является одной из важных отраслей экономики, восстанавливающейся после пандемии COVID-19.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые технологии, пандемия, туризм, цифровизация, миллениалы, поколение Z.

I.Ayubov, S.Bakhronov
Opportunities for the development of tourism in the digital economy

Abstract: This article highlights the prospects for the implementation of modern digital technologies in the digital economy to bring the development of the tourism industry to a new level, and their important aspects for the tourism industry, which is one of the important sectors of the economy recovering from the COVID-19 pandemic.

Keywords: digital economy, digital technology, pandemia, tourism, digitalization, millennials, Z-generation.

Ibragim Xudayarovich Nimatov – tayanch doktorant (PhD), “Ipak yo‘li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti

TURISTIK MAHSULOTNI TANLASHDA MOTIVLASHTIRISHNING AHAMIYATI

Annotasiya: Maqolada turistik xizmatlar iste’molchilari tur mahsulotni tanlashdagi motivlari tahlil qilingan. Tur mahsulotni shakillantirishda iste’molchi motivlaridan kelib chiqib kelgusi harakatlar dasturini ishlab chiqish zarurati asoslangan. Iste’molchilar turli segmentlarining motivlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: turistik xizmatlar iste’molchisi, turistik mahsulot, turistik yo‘nalish, motivatsiya, turistik motivatsiya, turistik ehtiyojlar, turistik talab, mintaqaviy turizm, o‘quv turlariga bo‘lgan talab.

Kirish. O‘zbekistonda bozor iqtisodiyoti rivojlanib borayotgan bir sharoitda iste’molchini sayohat to‘g‘risida qaror qabul qilishga undaydigan, turistik mahsulotni tanlashda uning xulq-atvoriga ta’sir etuvchi ob’yektiv va sub’yektiv sabab va motivlarni ko‘plab muqobil variantlar va imkoniyatlar orasidan o‘rganishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Bizning davrimizda yangi turistik yo‘nalishlarning paydo bo‘lishi va rivojlanish tendensiyalariga, bu jarayonning turistik motivatsiya bilan bog‘liqligiga katta ahamiyat beriladi.

Dam olish va ko‘ngilochar sayohatlar tobora ommalashib bormoqda. Turistlarni noyob tabiat ob’yektlari, ularning betakror go‘zalligi va ulug‘vorligi hayratlanarli afsonalar va reklama orqali qayta-qayta o‘ziga jalb qiladi. Turistik motivatsiya turistik mahsulotni rejalashtirish, ishlab chiqish va amalga oshirishning samarali tizimini yaratish uchun zaruriy asosdir.

Turistik motivlar turistik faoliyat tizimining eng muhim tarkibiy qismlari bo‘lib, ular talabni belgilovchi tarkibiy qismlar, sayohat va rekreatsiya dasturini tanlash uchun asos sifatida qaralishi mumkin.

Muayyan vaziyatning motivi, ma'lum holatlar ta'sirida, sayohat qilish va turistik mahsulotni tanlash to‘g‘risida qaror qabul qilish jarayonida iste'molchining xatti-harakatlariga ta'sir ko‘rsatishi mumkin.

Tadqiqot obyekti turistik motivatsiya bo‘lib, turistik mahsulotni tanlab turistik sayohatga jalb qiluvchi motivatsiya o‘rganilgan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Turizm sohasida turistik motivlar haqida gap ketganda, birinchi navbatda insonlarni sayohatga undaydigan sabablar nima degan savol xayolga keladi (Krompton 1979; Dann 1981). Gnoth (1997) va Kay (2003) ta'kidlashicha, turistik motivatsiyasi bo‘yicha tadqiqotlar xulq-atvor fanlari va iste'molchilarning xatti-harakatlari bo‘yicha adabiyotlar bilan parallellik ko‘rsatadi. Shuning uchun turistik motivatsiya mavzusiga to‘xtalishdan oldin motivatsiya, motivatsiya jarayoni va motivatsiya nazariyalari haqida umumiy ma`noda gapirib o‘tish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Turistik motivlarni tushunish va ulardan foydalanish, ma'lum bir turistik mahsulotni tanlashga ta'sir qiluvchi turli xil sayohat modellarini bilish turistik korxonaning muvaffaqiyatli ishlashi, turistik yo‘nalishni targ‘ib qilish va mijoz bilan o‘zaro munosabatlarning yangi shakllarini joriy etishning kalitiga aylanishi mumkin. Motivlarni aniqlagandan so‘ng, potentsial turistni jalb qilishga yordam beradigan va pirovardida turistik talab va sotishning tabiati va hajmiga ta'sir qiluvchi samarali usullarni ishlab chiqish mumkin[3].

Bugungi kunda mehmondustlik industiriyasida turistlarni motivlashtirish va turli motivlashtirish yo‘llaridan foydalanishni boshqarish muammolariga bag‘ishlab nashr etilayotgan mamlakatimiz va xorijiy ilmiy adabiyotlarida “turistlarni motivlashtirish jarayonlarini boshqarish”ning boshqaruvdagi mazmunini aniqlash bo‘yicha yagona yondashuv mavjud emas.

Jumladan, Motivatsiya tushunchasi; U lotincha "movere" so‘zidan olingan bo‘lib, harakat qilish, rag‘batlantirish, harakatda bo‘lmoq degan ma'noni anglatadi.

Motivatsiya; Bu “odamlarning o‘z xohish-istaklari va xohish-irodasi bilan ma’lum bir maqsadga erishish yo‘lidagi xatti-harakati va harakatlaridir” [5].

Boshqacha qilib aytadigan bo‘lsak, motivatsiya - bu ma'lum bir vaqt oralig‘ida odamning o‘zini qanday tutishiga olib keladigan turli xil psixologik va fiziologik omillar[6]. Motivatsiya ko‘pincha ehtiyojlarni qondirish uchun shaxsiy istaklardan keyin paydo bo‘ladi[7].

Umuman olganda, motivatsiya inson organizmini xulq-atvorga undaydigan, bu xatti-harakatning zo‘ravonlik va energiya darajasini belgilovchi, xatti-harakatga ma'lum bir yo‘nalish beradigan va uning davom etishini ta'minlaydigan turli ichki va tashqi sabablarni va ularning ishlash mexanizmlarini o‘z ichiga oladi[8]. Insonni xulq-atvorga undaydigan sabablar mavjud. Xulq-atvor har doim motivlar bilan shakllanadi. Motiv istaklar, istaklar va impulslar bilan bog‘liq bo‘lgan tushuncha bo‘lib, organizmni rag‘batlantiradi va organizmning ma'lum bir maqsadga muvofiq harakat qilishiga imkon beradi. Motiv istaklar, istaklar, ehtiyojlar va impulslarni o‘z ichiga olgan umumiy tushunchadir[9].

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida tizimli yondashuv, abstrakt-mantiqiy fikrlash, guruhlash, taqqoslash, omilli tahlil, tanlanma kuzatish usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Sotsiologik tadqiqot o‘tkazish uchun so‘rovnoma ishlab chiqilib, unga ko‘ra Samarqand shahridagi bir nechta sayyohlik agentliklari bazasida 47 kishidan so‘rov o‘tkazildi. Surovnoma ma'lumotlarni tahlil qilib, quyidagi xulosalarga kelindi: sayohatni tanlash motivatsiyasi asosan yoshga bog‘liq. 35 yoshgacha bo‘lgan insonlar dam olishning faolroq shaklini, qulay turar joy va transportdan foydalangan holda nisbatan arzon sayohatni, qiziqarli kechki o‘yin-kulgilarni (diskotekalar, barlar, qiziq uchrashuvlar, bayramona ko‘ngilochar dasturlar va boshqalar) afzal ko‘radilar. Turizm bozorida yoshlarning dam olishiga oid ko‘plab takliflar ustunlik qiladi, bu esa talabni keltirib chiqaradi. 35 yoshdan oshgan insonlar tinchroq dam olishni afzal ko‘radilar (kurort-plyaj bayramlari, tarixiy joylarga sayohatlar), qoida tariqasida, ular pul qadrini biladilar.

So‘rov natijalariga ko‘ra, sayyohlik kompaniyalari xizmatlariga talab darajasi ancha yuqori, ammo aholining to‘g‘ri motivatsiyasi bilan u yuqoriroq bo‘lishi mumkin.

So‘rov natijalaridan quyidagi xulosalar chiqarish mumkin:

Sayohatni tanlashda muhim motivlardan biri bu turistning muhitidir.

Anketaga ko‘ra, oila bilan dam olishga eng katta ustunlik beriladi, bu motivatsion natijani tavsiflaydi: oila jamiyatning eng muhim iste'molchi tashkilotidir.

Do‘stlar bilan dam olish, yangi qiziqishlarga ega bo‘lish imkoniyati, sayohatchining mavjudligi bilan bog‘liq.

Respondentlarning eng kam qismi mustaqil dam olishni afzal ko‘radi. Ushbu guruhning turisti uchun uning ehtiyojlarini eng yuqori darajada hisobga olish, yuqori darajadagi mustaqillik va kam muloqot bo‘lish lozim.



Shakl 1. Dam olish uchun kompaniya tanlashda turistlarning tanlovi.

So‘rovnoma natijalariga ko‘ra turistlar quyidagi mezonlarga asoslanadilar: 1) reklama intensivligi 15%, 2) tanishlar fikri 49%, 3) mashhurlik 26%, 4) boshqa 10%.



Shakl 2. Dam olish joyini tanlash mezonlari

So‘rovnomada sayohatni tanlashda ko‘zlangan maqsadlar ham aniqlandi.

Chet elga sayohat qilishning asosiy motivlari: o‘yin-kulgi va dam olish, 47% ni tashkil qiladi. Har qanday mamlakatga tashrif buyurgan kishi milliy bayramlar, festivallar, karnavallar, attraksionlar, akvaparklar, teatrlar va hokazolarni ziyorat qilishda ko‘ngilochar muhitni his qilishni xohlaydi.

Sayohat qilishni tanlash motivatsiyasi asosan yoshga bog‘liq. Dam olishni rejalashtirayotganda, odamlar o‘z ta'tillarini mustaqil ravishda tashkil qilishdan ko‘ra, sayyohlik agentliklari xizmatlaridan foydalanishni afzal ko‘radilar. Sayohatni tanlash sabablaridan biri bu



Shakl 3. Turar joy darajasi

turistning muhitidir. Oila bilan dam olishga eng katta ustunlik beriladi. Turistlar yo‘nalishni tanlashda tanishlari, qarindoshlari va do‘stlarining sharhlariga e'tibor berishadi. Shuningdek, ma'lum bir turistik mahsulot uchun moda, ma'lum bir mamlakatning obro‘si sayohatni tanlashga ta'sir qiladi. Reklamaning intensivligi muhim rol o‘ynaydi.

Sayohatning maqsadi quyidagilardan iborat: birinchi navbatda, o‘yin-kulgi unutilmas va yorqin taassurotlar, ikkinchi o‘rinda sayyoh uchun cho‘milish va plyajda dam olish.

Sotsiologik tadqiqotlar sayohatning asosiy motivlarini, shuningdek, yangi turistik yo‘nalishning an'anaviy turistik motivlarga muvofiqligini aniqlashga qodir. Turistik motivlarning xilma-xilligi yangi turistik yo‘nalishlarning paydo bo‘lishi uchun turli xil variantlarni taklif qiladi.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib, potentsial turistlarning motivlarini tushunish turistik mahsulotni amalga oshirish jarayonini loyihalash, tuzish va tashkil etishda katta ahamiyatga ega.

O‘tkazilgan tadqiqotlar asosida quyidagi xulosalar chiqarish mumkin:

1. Turistik mahsulotni tanlashning eng muhim omillaridan biri sifatida motivatsiya ta'tilni rejalashtirish, turni tanlash, sotib olish va tugatishga ta'sir qiluvchi eng muhim xususiyatdir.

2. Turistik motivatsiya turli ta'sirlar va omillarning kombinatsiyasi bilan tavsiflanadi. Sayohat va tanlovni rag‘batlantiradigan asosiy omillar: geografik omillar, madaniyat, iqtisodiy omillar va psixologiya. Tabiiy omillar sayohatga undash va turistlarni ma'lum bir mintaqa yoki mamlakatga jalb qilishning eng muhim elementidir. Dunyoning turli mintaqalari madaniyatining o‘ziga xos xususiyatlari odamni dam olishga tobora ko‘proq rag‘batlantirmoqda. Iqtisodiyot sayohat va xizmatlarni tanlashga ta'sir qiladi. Psixologiya kelajakdagi xatti-harakat motivining tabiatini aniqlaydi, bu esa uni amalga oshirish uchun rag‘batlantirish sifatiga ega bo‘ladi. Bu omillarning barchasi bir-biri bilan bog‘liq bo‘lib, sayyohning tanloviga ta'sir qiladi.

3. Potentsial turistlar o‘rtasida sotsiologik so‘rov o‘tkazishda bayramlarda sayohatni tanlashga ta’sir etuvchi motivlar va mezonlarni aniqlash uchun quyidagilarni ta’kidlash mumkin: nisbiy sayohat qarori sayohat maqsadlarini aniqlash, turistik yo‘nalish tanlash, oilaviy ahvoli. Yo‘nalishni tanlashda: tanishlar sharhlari, shon-shuhrat, reklama murojaatlarining intensivligi kabi mezonlar hisobga olinadi.

Shunday qilib, turistik motivlarni tushunish va ulardan foydalanish, ma'lum bir turistik mahsulotni tanlashga ta'sir qiluvchi turli xil sayohat modellarini bilish turistik korxonaning muvaffaqiyatli faoliyati, turistik yo‘nalishni targ‘ib qilish va mijoz bilan o‘zaro munosabatlarning yangi shakllarini joriy etishning kalitiga aylanishi mumkin. Motivlarni aniqlab, potentsial turistni jalb qilishga yordam beradigan va pirovardida turistik talab va sotishning tabiati va hajmiga ta'sir qiluvchi samarali usullarni ishlab chiqish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Илькевич С.В. (2015) Тенденции развития концепции сервисного менеджмента: анализ зарубежних исследовании(*Servise in Russian and abroad*) (*Il’kevich S. V. Tendentsii razvitiya kontseptsii servisnogo menedzhmenta: analiz zarubezhhukh issledovanii. (Servise in Russian and*

abroad)), T.9, I.2(58), pp. 176-193
2. Васильева К. (2018) Социально-психологические аспекты управления поведением потребителя // Вестник современных исследований(*Vasileva, K. Sotsialno-psixologicheskiye aspekty upraleniya povedeniyem potrebitelya // Vestnik sovremennыx issledovaniy*). - № 4-1 (19). – С. 113-114.
3. Мода и путешествия: как наша одежда влияет на впечатления от поездки. (Электронный ресурс) (*Moda i puteshestviya: kak nasha odejda vliyaet na vpechatleniya ot poyezdki. (Elektronnыy resurs)*). https://hotelier.pro/news/item/3476-moda-i-puteshestviya-kak-nasha-odezhda-vliyaet-na-vpechatleniya-ot-poezdki/ (дата обращения: 14.03.2022).
4. Kaplan, M. (2007). Motivasyon Teorileri Kapsamında Uygulanan Özendirme Araçlarının İşgören Performansına Etkisi ve Bir Uygulama. Yüksek Lisans Tezi, Atılım Üniversitesi, Ankara.
5. Koçel,T. (2005). İşletme Yöneticiliği: Yönetim ve Organizasyon, Organizasyonlarda Davranış Klâsik-Modern-Çağdaş ve Güncel Yaklaşımlar. İstanbul: Arıkan Basım Yayım Dağıtım.
6. Plotnik,R. (2009). Psikolojiye Giriş. (Ç.T.Geniş, Dü.) İstanbul: Kaknüs Yayınları.
7. Goossens, C. (2000). Tourism Information and Pleasure Motivation. Annals of Tourism Research , 27 (2), 301-321.
8. Arık,İ. (1996). Motivasyon ve Heyecana Giriş. İstanbul: Çantay Kitabevi
9. Ünlü: (2013). İş Yaşamında Motivasyon Kuramları. S.Ünlü, E.Eroğlu, R.Gökdağ, M.Ergüven, & Y.Tuna (Dü.) içinde, İş ve Yaşamda Motivasyon. Eskişehir: Anadolu Üniversitesi.

И.Ниматов

Значение мотивации при выборе туристской продукции

Аннотация: в статье рассмотрены мотивы потребителей туристских услуг при выборе турпродукта. Изучены потребительские мотивы в формировании вида товара. Виды туризма формировались исходя из мотивов возрастных групп потребителей.

Ключевые слова: потребитель туристских услуг, туристский продукт, туристский маршрут, мотивация, мотивация туриста, потребности туриста, туристский спрос, региональный туризм, спрос на образовательные виды туризма.

I.Nimatov

The importance of the motives in choosing a tourist product

Abstract: the motives of consumers of tourist services in choosing a tour product are considered in this article. Studied consumer motives in the formation of the type of goods. Types of tourism were formed based on the motives of the age groups of consumers.

Keywords: consumer of tourist services, tourist product, tourist route, motivation, tourist motivation, tourist needs, tourist demand, regional tourism, demand for educational types.

Dilfuza Zoxitovna Norkulova – SamISI, “Turizm” kafedrasi dotsenti,
Shaxlo Akram qizi Turdiyeva – Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti tyutori

O‘ZBEKISTON TARIXIY-MADANIY MEROS OB’YEKTLARINI SAQLASHDA YUNESCONING O‘RNI

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekiston YUNESCO xalqaro hamkorlik tashkiloti a’zosiga aylanishi, ushbu yillar oralig‘ida O‘zbekistonda amalga oshirilgan muffaqiyatli lohiyalari to‘g‘risida hamda, moddiy va nomodiy meroslarimizni saqlash va qayta tiklash, muzey fondlarini kengaytirish, umumjahon merosiga kiritilishi, YUNESCO tomonidan qabul qilingan huquqiy-me’yoriy hujjatlar mazmun mohiyati xususida fikr yuritiladi.
Kalit so‘zlar: Birlashgan Millatlar Tashkiloti, muzey, moddiy meros, nomoddiy meros

Kirish. O‘zbekistonda tarixiy-madaniy meros ob’yektlarini saqlashda YUNESKO bilan hamkorlikning o‘ziga xos jihatlari va istiqbollarini belgilahda 1992-yil 2-martda O‘zbekistonning BMTga a’zo bo‘lishi, katta ahamiyat kasb etdi. Chunki, davlatlarning tan olinishi ularning xalqaro huquq sub’yektiga aylanishida muhim bosqich bo‘lib xizmat qiladi. Respublika xalqaro huquq va xalqaro munosabatlarning to‘laqonli sub’yektiga aylandi. Bu tarixiy voqea jahon hamjamiyati uchun ham muhim ahamiyat kasb etdi, chunki uning safiga yosh mustaqil davlat qo‘shildi va u o‘z oldiga ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyotiga ega bo‘lgan va Markaziy

Osiyoda muhim mintaqaviy siyosiy ahamiyat kasb etuvchi demokratik huquqiy davlat barpo etishni maqsad qilib qo**‘**ygan edi. Turli davlatlar o‘rtasida ko‘p tomonlama hamkorlikning muhim shakllaridan biri xalqaro tashkilotlar faoliyati hisoblanadi. Tinchlikni saqlash va mustahkamlash, xavfsizlik va jahondagi barcha davlatlar o‘rtasida hamkorlikni rivojlantirish maqsadida tuzilgan va universal tashkilot sifatida umumiy vakolatga ega bo‘lgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti va uning ixtisoslashgan tashkilotlari davlatlararo xalqaro tashkilotlar orasida alohida o‘rinni egallaydi. O‘zbekiston BMTning deyarli barcha ixtisoslashgan muassasalari faoliyatida, jumladan, BMTning ta’lim, fan va madaniyat masalalari bo‘yicha tashkiloti (YUNESKO) faoliyatida ishtirok etmoqda [1].

Tarixiy-madaniy meros ob’yektlarini saqlashda muzeylarning o‘rni beqiyosdir. Muzey - bu madaniy-tarixiy, tabiiy-ilmiy qadriyatlarni aniqlash, muzey predmetlari vositasida axborotni to‘plash va tarqatish uchun mo‘ljallangan tarixiy belgilangan, ko‘p qirrali ijtimoiy axborot muassasadir. Ma'lum tarixiy sharoitda muzeylar faoliyati ijtimoiy faoliyatning alohida qatlami sifatida - muzey ishining mavjud bo‘lishi bilan belgilanadi. Uning tarkibiga muzeylarning amaliy faoliyati va yodgorliklarni asrash, muzeylar tizimi, muzey siyosati va qonunchiligi, kadrlarni tayyorlash va malakasini oshirish tizimi, sohaviy ilmiy, ilmiy - metodik va o‘quv markazlari, maxsus davrlashtirish va nihoyat maxsus ilmiy fan muzeyshunoslik kiradi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. O‘zbekiston tarixiy-madaniy meros ob’yektlarini saqlashda YUNESCO xalqaro tashkilotiga a’zo bo‘lishi va unga kiritilgan madaniy va nomoddiy boyliklarimiz ro‘yxati, ustuvor yo‘nalishlari**, muzeyshunoslikni rivojlantirishda nazariy-uslubiy masalalari quyidagi xorijiy va mahalliy olimlarning ishlarida tadqiq qilingan va ijtimoiy tarmoqlarda yoritilgan:** Gaybullaev S. **[**1], Clear Wells [2], M.Muxamedova [3], Xakimov R.[4] kabi olimlarning kitob va qo‘llanmalarida va ijtimoiy tarmoqlarda keng e’tibor qaratganlar.

Muzeyshunoslik, muzeyshunoslikning mohiyati va rivojlanishi, muzeyshunoslikni rivojlantirishda nazariy-uslubiy masalalari quyidagi xorijiy va mahalliy olimlar tadqiqot olib borgan va ijtimoiy tarmoqlarda yoritilgan. O‘zbek olimlaridan G.Karamanova [7],B.Boltayev [8], M.Muxamedova [10], muzeyshunoslik sohasini rivojlantirishda milliy va xalqaro tashkilotlar faoliyatining o‘rni kitoblarida muzeyshunoslikni o‘rni, fanga kiritilishi, rivojlanish bosqichlari bo‘yicha o‘z qo‘llanmalarida katta e’tibor qaratganlar.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotda O‘zbekiston tarixiy-madaniy meros ob’yektlarini saqlashda YUNESKO xalqaro tashkilotiga a’zo bo‘lishi va unga kiritilgan madaniy va nomoddiy boyliklarimiz ro‘yxati bo‘yicha mavjud nazariyalar va ushbu xizmatlarning o‘ziga xos tomonlari tahlil qilindi.

Mavzu doirasida muammoni chuqur tahlil qilish, ilmiy asoslangan xulosa va tavsiyalarni ishlab chiqish maqsadida indeksiya va deduksiya, qiyosiy tahlil, xorijiy va mahalliy ilmiy nashrlarda davlat xizmatlari asoslangan ilmiy ishlarni kuzatish va tahlil qqilish orqali olingan ma’lumotlarga asoslangan bo‘lib, qiyosiy tahlil usulidan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Hozirgi kunda O‘zbekiston Respublikasi xalqaro maydonda mustaqil ishtirok etmoqda va uning mavqei ortib borishini turli xalqaro tashkilotlar bilan uzviy hamkorlik misolida ko‘ramiz. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi YUNESKO ishlari bo‘yicha O**‘**zbekiston Respublikasi Milliy komissiyasi hozirgi kunda ikki tomonlama hamkorlikni yuqori darajaga olib chiqishda va YUNESKOning O‘zbekistonga qaratilgan dasturlarini 176 ta loyihani samarali amalga oshirishda muhim rol o‘ynamoqda [2]. YUNESKO Markaziy Osiyodagi, xususan O‘zbekistondagi faoliyatining ustuvor yo‘nalishi sifatida quyidagilarni belgilagan:

- ta’limni isloh qilish va uni rejalashtirish hamda boshqarishni kuchaytirish;
- ekotizimni saqlash;
- madaniy merosni saqlash, muzeylar faoliyatini tadqiq etish va madaniy turizmni rag‘batlantirish;
- ijtimoiy va gumanitar fanlar tarmog‘ini va ijtimoiy o‘zgarishlarni boshqarishni rag‘batlantirish;
- mustaqil matbuot, radio va televideniyeni rivojlantarish;

- axborotdan foydalanish va yozma merosni saqlash.[3]

Ko‘rinib turibdiki, YUNESKOning O‘zbekistondagi va Markaziy Osiyodagi faoliyatining asosiy yo‘nalishlari madaniy va tarixiy merosni saqlash va o‘rganish orqali ma’naviy hamda dunyoviy taraqqiyotga ko‘maklashishdan iboratdir. Hozirgi kunga qadar YUNESKO o‘z vakolat doirasida, O‘zbekiston bilan quyidagi hujjatlarni imzolagan: O‘zbekiston Respublikasi hukumati va YUNESKO o‘rtasida o‘zaro hamkorlik to‘g‘risida Memorandum (1995-yil 26-avgust); O‘zbekiston Respublikasi hukumati va YUNESKO o‘rtasida YUNESKOning O‘zbekistondagi Vakolatxonasini ochish to‘g‘risida shartnoma (1995-yil 23-aprel); YUNESKOning «Sharq taronalari» mukofotini ta’sis etish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi va YUNESKO o‘rtasida shartnoma (2000-yil 13-sentyabr). O‘zbekiston Respublikasining rasmiy delegatsiyalari YUNESKO Bosh konferensiyasining 1993-yilgi 27- sessiyasida esa kuzatuvchi sifatida ishtirok etgan bo‘lsa, keyingi sessiyalarda haqiqiy a’zo sifatida faol qatnashmoqda. YUNESKO bilan O‘zbekiston Respublikasi hamkorlik aloqalari juda keng va serqirradir. Ikki tomonlama munosabatlarda oliy darajadagi tashriflar muhim ahamiyatga ega [4].

2002-yilning aprelida Buxoro shahri YUNESKOning Tinchlik medaliga sazovor bo‘lishi ham katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Bu mukofot ikki yilda bir marta tanlov asosida dunyoning beshta mamlakatida joylashgan beshta shaharga beriladi. 2000-2001 yillar uchun o‘tkazilgan tanlovda 76 ta shahar nomzodi Buxoro ushbu mukofotga tarixiy obidalarni saqlash va qayta tiklash, shuningdek, ijtimoiy birdamlikni mustahkamlash, turli millatlararo va diniy jamoalararo o‘zaro hamjihatlikni mustahkamlash yo‘lidagi sa’y-harakatlari evaziga erishdi. O‘zbekiston hozirgi kungacha 130 dan ortiq xalqaro ko‘p tomonlama konvensiyalar va shartnomalarga qo‘shilgan yoki ularni ratifikatsiya qilgan.

Shuni ta’kidlab o‘tish lozimki, ta’lim, fan, madaniyat va axborot sohasidagi O‘zbekiston qonunchiligi YUNESKOning xalqaro huquqiy aktlari bilan mos ravishda rivojlanib bormoqda. Konvensiya madaniy va tabiiy yodgorliklarni asrash bo‘yicha eng universal xalqaro huquqiy vosita hisoblanadi. Konvensiyani tatbiq etish bo‘yicha idoralar, YUNESKO tomonidan 1989-yil 15-noyabrda qabul qilingan tarixiy-madaniy merosning tarkibiy qismi bo‘lmish «Xalq og‘zaki ijodini asrash to‘g‘risida»gi tavsiyanomasiga a’zo bo‘lish uchun mamlakatimizda ko‘plab zarur hujjatlar qabul qilingan [5]. Ayni paytda YUNESKO Umumjahon madaniy merosi ro‘yxatiga O‘zbekistondagi 4 ta me’moriy majmua – Xiva, Buxoro, Samarqand va Shahrisabz shaharlarining tarixiy markazlari kiritilgan. O‘zbekiston tomonidan 1993-yildan 2020-yilgacha YUNESKOning mamlakatimizning umumjahon merosi ro‘yxatiga 5ta moddiy-ma’daniy meros ob’yekti, nomoddiy madaniy merosining 8 ta obyekti (Boysun madaniy makoni, Shashmaqom mumtoz musiqasi, Katta ashula, Askiya san’ati, Navro‘z, Palov madaniyati va an’analari, Marg‘ilon hunarmandchilikni rivojlantirish markazi: adras va atlas tikish, Xorazm raqsi – Lazgi) kiritilgan. Ta’kidlash joizki, rejalashtirilgan qurilish va obodonlashtirish ishlarining loyihalari YUNESKOning Umumjahon merosi markazi bilan kelishib olish yo‘lga qo‘yildi. Masalan, 2020-yilda YUNESKOning Umumjahon merosi markazi bilan kelishib olish uchun 11 ta loyiha Umumjahon merosi markaziga yuborilgan. 2020-yil sentabr oyida Buxoro tarixiy markazida rejalashtirilgan obyektning loyihasi yuzasidan Umumjahon merosi markazining ijobiy xulosasi olindi. Bugungi kunda O‘zbekistonda moddiy va nomoddiy madaniy meros ob’yektlarini muhofaza qilish bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda. 2030-yilgacha 10 dan ortiq madaniy meros ob’yekti va 5 dan ortiq nomoddiy meros nomzodnomasi kiritilishi rejalashtirilgan. [6]

O‘zbekistonda moddiy va nomoddiy madaniy meros ob’yektlarini muhofaza qilish bo‘yicha ochiq osmon ostidagi yoki bino ichidagi konservatsiya qilingan muzeylar ham YUNESKO bilan hamkorlikdagi faoliyatida ahamiyati kattadir. Muzeylardagi moddiy va nomoddiy madaniy meros ob’yektlarining bahosini va qiymatini aniqlash, ularni to‘g‘ri saqlash, ko‘rgazmalarni to‘g‘ri tashkil etish zarurati ko‘pgina tadqiqotlarga zamin bo‘lishi mumkin.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib shuni qayd etish lozimki, YUNESCO va O‘zbekiston munosabatlari yildan yilga tobora rivojlanib bormoqda va bu hamkorlik natijasida O‘zbekiston xalqaro hamjamiyatga har tomonlama keng tanilib, uning jahonda tutgan o‘rni mavqei yanada

oshib bormoqda. Shuni inobatga olgan holda, quyidagi taklif va tavsiyalarni berish maqsadga muvofiqdir:

- YUNESCOning barcha dasturlarida, tarixiy-madaniy merosni asrash bo‘yicha loyihalarda ko‘proq qatnashish va 8 mingdan ortiq madaniy meros ob’yektlaridan bo‘lgan, shundan 2330 tasi me’morchilik, 3945 tasi arxeologik, 1138 tasi monumental yodgorliklar va 157 tasi diqqatga sazovor maskanlaridan madaniy meros ro‘yxatlariga yanada ko‘proq kiritish, ochiq osmon ostidagi yoki bino ichidagi konservatsiya qilingan muzeylar faoliyatini chuqurroq tadqiq qilish.

- O‘zbekistonda mavjud muzeylarni xalqaro darajada tanitish, yani targ‘ib qilishda YUNESCOning taqdim etayotgan imkoniyatlari va hamkorlik dasturlaridan keng foydalanish.

- O‘zbekistonda katta miqdorda mavjud bo‘lgan, ammo konservastiya qilinmagan, davlat tomonidan muhofaza qilinishi to‘g‘risidagi maxsus belgi yoki ma’lumotlar ko‘rsatilmagan me’morchilik, arxeologik va monumental yodgorliklar infratuzilmalarini taftish qilish va konservastiya qilish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Gaybullaev S. “YUNESKOning jaxon madaniy merosini asrashdagi o‘rni va bu borada O‘zbekiston bilan hamkorlik tajribasi” Ta’lim o‘nalishi - 5150200 San’atshunoslik; Muzeyshunoslik: konservatsiya va badiiy yodgorliklarni saqlash ixtisosligi bo‘yicha “bakalavr" akademik darajasini olish uchun himoyaga taqdim etilgan Bitiruv malakaviy ishi materiallaridan qisman foydalanilgan. Toshkent 2015. B-48.
2. 176 Clear Wells. The UN, UNESCO and the politics o f knowledge. London/ “The Macmillan Press”, 1987 P 54
3. M.Muxamedova, Muzeyshunoslik sohasini rivojlantirishda milliy va xalqaro tashkilotlar faoliyatining o‘rni,Toshkent -2017,b.181
4. Хакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: ЮНЕСКО фаолияти. Т.: Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. Б.87-91.
5. http://www/unesco.ore/general/engmabout/historv/members/shtml
6. https://www.trt.net.tr/uzbek/madaniyat-va-san-at/2021/06/22/o-zbekistonda-me-moriy-majmualar-yunesko-umumjahon-madaniy-merosi-ro-yxatiga-kiritildi-1662684
7.G.Karamanova. Muzeyshunoslik va arxivshunoslik. Ma’ruzalar matni. Qoraqolpoq davlat universiteti, Nukus -2017, 3-bet;
8. B.Boltayev. Muzeyshunoslik fanidan uslubiy- qo‘llanma, “Durdona” nashriyoti Buxoro -2016, 8-11 bet;
9. https://mrdi.uz/institut/fakultetlar/sanatshunoslik/muzeyshunoslik-kafedrasi/
10. M.Muxamedova, Muzeyshunoslik sohasini rivojlantirishda milliy va xalqaro tashkilotlar faoliyatining o‘rni,Toshkent -2017,3-bet .

Д. Норкулова, Ш.Турдиева

Роль ЮНЕСКО в сохранении объектов историко-культурного наследия Узбекистана

Аннотация: В данной статье рассмотрены вступление Узбекистана в члены организации международного сотрудничества ЮНЕСКО, успешные проекты, реализованные в Узбекистане за эти годы, а также сохранение и восстановление нашего материального и нематериального наследия, расширение музейных фондов, включение их в мировое наследие, содержание принятых ЮНЕСКО нормативно-правовых документов.

Ключевые слова: Организация Объединенных Наций, музей, материальное наследие, нематериальное наследие, музей под открытым небом, консервация.

D. Norkulova, Sh.Turdieva

The role of UNESCO in preserving historical and cultural heritage objects of Uzbekistan

Abstract: This article discusses the entry of Uzbekistan into the membership of the UNESCO international cooperation organization, successful projects implemented in Uzbekistan over the years, as well as the preservation and restoration of our tangible and intangible heritage, the expansion of museum funds, their inclusion in the world heritage, the content of the legal documents accepted by UNESCO.

Keywords: United Nations, museum, tangible heritage, intangible heritage, open-air museum, conservation.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

УДК 334.7

Константин Иванович Курпаяниди – Профессор Российской Академии Естествознания, к.э.н., доцент, докторант, Ферганский политехнический институт

СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В статье рассмотрены современное состояние и институциональные проблемы развития сектора предпринимательства национальной экономики Узбекистана. В работе при помощи наблюдений, статистического анализа и целенаправленного мониторинга деловой среды для малого и частного предпринимательства проанализированы различные критерии, влияющие на состояние институциональной и предпринимательской сред. Автором предложены ряд институциональных мероприятий по активизации предпринимательства в стране.
Ключевые слова: бизнес, институциональная среда, предпринимательство, конкурентные условия, малый бизнес, международный рейтинг.

Введение. В Республике Узбекистан в результате успешно проводимых реформ малый бизнес играет ключевую роль в модернизации национальной экономики. За 31 год независимости в стране создана стабильная нормативно-правовая база, укрепляющая верховенство частной собственности, являющейся основой рыночной экономики. Создана благоприятная деловая среда и надежные правовые гарантии для быстрого развития малого бизнеса и частного предпринимательства, что является важным фактором формирования класса средних собственников, устойчивого развития экономики страны, создания новых рабочих мест и увеличения доходов населения. Вместе с этим, современный малый и частный бизнес рассматривается как целевая группа проводимых реформ и, главное, как движущая сила преобразований в социально-экономической и общественно-политической сферах [1]. Сегодня предпринимательская деятельность осуществляется через институты рыночной инфраструктуры – совокупность взаимосвязанных конструкторско-технологических, информационно-производственных и организационных систем. Он позволяет осуществлять полный цикл предпринимательства — от первоначальной идеи до конечной практической реализации в виде конкретного продукта или услуги [2]. Предпринимательская институциональная система для успешного функционирования также должна иметь благоприятную нормативно-правовую базу и эффективную систему вывода продукции предприятий на рынки. Отсюда проблема формирования институциональной инфраструктуры является одной из самых серьезных и актуальных. В то же время все компоненты институциональной инфраструктуры предпринимательства: взаимодействие с органами государственной власти, финансовыми институтами, обеспечение технологическими и производственными мощностями, прозрачность и доступность информации - по-прежнему не отвечают жестким конкурентным рыночным условиям и не обеспечивают рост экономической эффективности предпринимательской деятельности. Ситуацию усугубляют и значительные межрегиональные различия в институциональной безопасности предпринимательства [3].

Неравные возможности для предпринимателей часто приводят к нарушению системы действующего законодательства, перераспределению ролей между органами государственной власти, нестабильности и непрозрачности финансовых рынков, отсутствию пруденциального надзора за действиями субъектов отношений. В размытой институциональной среде место институционального вакуума может занять система неэффективных институтов - институциональные ловушки, неформальное лоббирование, коррупция и теневая экономика.

Анализ литературы. Термин “институт”, “институция” в переводе с латинского

("institution") означает устойчивые традиции или закрепленные обычаи, порядки в виде установленных правил, общественных норм или законов. Впервые вводит в научный оборот это понятие У. Гамильтон, в его работе «Институциональный подход к экономической теории», рассматривающий институт как своего рода стержень общественной системы. “Институты, — по определению У. Гамильтона, — это словесный символ для лучшего обозначения группы общественных обычаев. Они обозначают преобладающий и постоянный образ мысли, который стал привычным для группы или превратился для народа в обычай... Институты устанавливают границы и формы человеческой деятельности. Мир обычаев и привычек, к которому мы приспосабливаем нашу жизнь, представляет собой сплетение и неразрывную связь институтов” [4].

Основоположником институционализма считается Т.Веблен (*Thorstein Bunde Veblen*) [5]. Годом рождения институционализма считается 1898 год, ознаменовавшийся выходом в свет работы Т. Веблена «Почему экономика не является эволюционной наукой». Сам термин «институт» был введен в научный оборот несколько позже, в 1918 г., американским исследователем Уолтоном Гамильтоном. Последователями являются У. Клэр Митчелл (*Wesley Clair Mitchell*) [6], Дж. Кларк (*John Maurice Clark*) [7], Дж.Гэлбрейт (*John Kenneth Galbraith*) [8]. В работах этих авторов сформулированы теоретико-методологические основы институционализма.

Методология исследования. В процессе подготовки исследования были использованы общенаучные методы познания, наблюдения, абстрактно-логического мышления, системного подхода, экономической интерпретации, методы системного подхода к решению задач, а также анализа, синтеза и единства логического анализа и диалектического развития, исторический подход, анализ материальности познания, статистические гипотезы и взаимосвязи, экспертные исследования.

Анализ и обсуждения. Анализ становления и экономической деятельности малого бизнеса требует изучения институциональных факторов его внешней среды (становления и предшествовавшего развития институтов) на макро- и мезоуровнях. В этой связи, следует отметить, что уровень развития малого бизнеса и частного предпринимательства зависит от совершенства законодательной базы, уровня конкуренции, экономической безопасности; форм и инструментов государственного регулирования предпринимательства. Анализ основных тенденций развития субъектов малого предпринимательства в 2021 году показывает, что в отчетном году принят ряд системных мер, направленных на создание условий для ведения бизнеса, привлечения иностранных инвестиций для субъектов малого и частного предпринимательства, являющихся основой развития экономики Узбекистана.

8 апреля 2022 года за № УП-101 был издан Указ Президента Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёева «Об очередных реформах по созданию условий для стабильного экономического роста путем улучшения предпринимательской среды и развития частного сектора», направленный на создание еще более благоприятной деловой среды путем отмены всех видов внеплановых, встречных проверок и устранения барьеров. Центральное внимание в этом документе уделено принятию конкретных мер по обеспечению динамичной модернизации малых и частных предприятий и стимулированию их экспортной деятельности, что должно стать главным направлением экономического роста развития отраслей и регионов, обеспечения занятости населения.

В целях финансового содействия осуществления в жизнь предпринимательских инициатив населения, совершенствования механизмов обеспечения его занятости и сокращения бедности посредством поднятия на новый уровень системы работы махалла-бай, был принят Указ Президента Республики Узбекистан, от 03.12.2021 г. за № УП-29 «О приоритетных направлениях государственной политики по развитию предпринимательства, обеспечению занятости населения и сокращению бедности в махалле».

Осуществление мероприятий по обеспечению гарантированной защиты интересов частной собственности и малого предпринимательства способствует динамичному развитию этого сектора. В результате чего добавленная стоимость продукции малого

бизнеса в общем объеме валового внутреннего продукта страны в течение года росла и составила в 2021 году: 59.4%. В 2021 году удельный вес малого предпринимательства в общем объеме производства промышленной продукции составил 27,0%. Количество действующих субъектов малого предпринимательства на 1000 человек населения составило 16,5 ед. [9].

Доля малого и среднего бизнеса в ВВП развитых стран составляет 50–60%. В Великобритании — 51%, Германии — 53%, Финляндии — 60%, в Нидерландах — 63%, Японии-63. США-62, а России-20%[1].

В Узбекистане практическое изучение институциональной среды осуществляется как в академической науке (Центр экономических исследований и реформ при Администрации Президента Республики Узбекистан, Институт макроэкономических исследований и прогнозирования при Министерстве экономического развития и сокращения бедности), так и негосударственным сектором (Торгово-промышленная палата, Ассоциация развития бизнеса Узбекистана (UBDA), Ассоциация банков Узбекистана, Ассоциация «Tadbirkor ayol»**, Маркетинговая ассоциация Узбекистана).**

Анализ зарубежной практики государственной поддержки малого предпринимательства показывает, что ее формы и содержание весьма многообразны. Характерная общая черта – множественность каналов получения такой поддержки, отсутствие монополизма какого-либо одного ведомства при наличии органа, вырабатывающего национальную политику в данной области и координирующего ее осуществление. За рубежом также огромное значение придается формам взаимодействия органов господдержки малого предпринимательства и институтов его самоорганизации, таких как ассоциации, общества взаимного кредитования, структуры субконтрактации и франчайзинга.

Проведенные многочисленные международные и отечественные научные исследования показали, что для предпринимательского сектора экономики Узбекистана характерны типичные проблемы, заключающиеся в:

- низком качестве государственной бюрократии;
- достаточно затруднительном доступе к экономическим ресурсам;
- не соответствие конкурентным условиям игроков финансового рынка;
- забюрократизированность сектора внешней торговли;
- неэффективность процесса ликвидации субъекта предпринимательства [10].

В целях устранения выявленных недостатков, считаем целесообразным активное совершенствование функций государства в области регулирования институциональной среды предпринимательства, совершенствование координационных функций государства, включающее в себя:

- расширение практики разработки и принятия законов прямого действия, в которых прописаны все нормы, регулирующие деятельность органов исполнительной власти в той или иной сфере и устанавливающие её ответственность (например, принятие Кодекса предпринимательства);
- усиление контрольно-аналитической работы Олий Маджлиса Республики Узбекистан, связанную с проведением оценок регулятивного воздействия государства и экономической эффективности принимаемых законов;
- значительное упрощение регламента ведения бизнеса в сфере сельского хозяйства, государственного таможенного, санитарного, ветеринарного и фито - контроля, информационно-коммуникационных технологий, инфраструктуры, строительства, пожарной безопасности, медицинского обслуживания, ценового контроллинга, земельных отношений и фискальной политики [11];
- активное использование возможности Общественного Фонда по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества при Олий Маджлисе для периодического проведения социологических обследо-

[1] https://www.rbc.ru/newspaper/2019/11/01/5db9abe99a794773c1fbd2e0

ваний мнения отечественных предпринимателей и т.п.;

- разработать механизм формирования и развития правовой культуры у предпринимателей и обеспечения неукоснительного соблюдения законодательства всеми членами общества;
- усилить позиции общественных организаций, таких как правозащитные организации и ассоциации, союзы, с целью защиты интересов и прав предпринимателей, расширения их свободы действий;
- поэтапную деятельность по изменению налоговой нагрузки на бизнес-структуры, снижение ставки налога на фонд оплаты труда;
- дальнейшего расширения и упрощения процедур приватизации государственной собственности, сокращения участия государства в уставных фондах хозяйствующих субъектов, создания благоприятных условий для развития частного предпринимательства на базе приватизированных объектов государственной собственности;
- разработку и реализацию отраслевых и территориальных программ развития малого бизнеса и частного предпринимательства;
- разработку дополнительных критериев для отнесения субъектов предпринимательства к малому бизнесу (на основе объема выручки и т.п.). Введение дополнительных критериев определения статуса предприятий (например, при определении субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства целесообразно использовать несколько критериев - количество занятых на предприятии работников и годовой оборот предприятия).

Опираясь на положительный мировой опыт в этой сфере, целесообразно рассмотреть критерии:

- объемы выручки за последние 12 месяцев. При введении этого критерия в группу малых предприятий будут попадать только те предприятия, которые будут иметь маленькое количество работающих и реализует сравнительно небольшие объемы продукции;
- стоимость основных фондов;
- реализация фискальной, стимулирующей укрупнение действующих в малых предприятий, пересмотр принципов классификации форм предпринимательства, основанных на опыте развитых стран и возвращение в экономический оборот понятия “среднее предприятие”, создание комплексной системы фискальных и таможенных льгот;
- разработку и принятия мер по развитию конкурентной среды в банковском секторе и формированию небанковских институтов кредитования, в которых требования по залогу и другие условия кредитования на порядок легче, чем в коммерческих банках;
- кардинальный отказ от неэффективных линий льготного кредитования, разработать единые подходы к формированию процентной политики в коммерческих банках с доминирующей долей государства в новых экономических условиях;
- необходимость в постоянном применении квазифискальных инструментов (фискальные каникулы, преференции, «ценовые ножницы» и т.д.) для обеспечения окупаемости деятельности субъектов бизнеса и отдельных секторов национального хозяйства (проекты государственной инвестиционной программы);
- активизация дальнейшего развитие электронных услуг и межведомственного интеграции государственных и местных органов государственного управления;
- активное продвижение в общество системы мониторинга «Open Data Portal of the Republic of Uzbekistan» деятельности органов государственной власти и органов управления, широкого вовлечения в данный процесс институтов гражданского общества;
- повышение цифровой открытости и доступности информации путем эффективного решения задач внедрения механизмов «Электронного правительства», обозначенных в Стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030»: G2C, G2B, G2G, а также оптимизации деятельности правительства и органов местной власти при оказании государственных услуг через Единый портал интерактивных государственных услуг *my.gov.uz.*

Заключение и предложения. Исследование предпринимательства с использованием институционального подхода является перспективным направлением в

экономической науке.

Институциональная теория позволяет выявить глубинные, сущностные изменения, способствующие становлению предпринимательства в стране.

Реализация основных направлений и задач административной реформы в условиях рыночной трансформации экономики будет способствовать дальнейшему совершенствованию институциональных основ развития малого бизнеса и среднего предпринимательства.

По итогам проведенного исследования можно сделать вывод, что только эффективные и адресные меры органов государственной власти и местного самоуправления по активному устранению бюрократических препятствий для ведения бизнеса в национальной экономике Узбекистана способны действительно кардинальным образом трансформировать ситуацию и помочь малым и частным компаниям обрести свое достойное место на новом рынке стран Шанхайской организации сотрудничества и способствовать вступлению Узбекистана во Всемирную торговую организацию.

Список использованной литературы:

1. Курпаяниди, К.И. Вопросы совершенствования организационно-экономического механизма развития частного предпринимательства// Хоразм Маъмун Академияси Ахборотномаси - Вестник Хорезмской Академии Маъмуна. – 2022.-№ 1(85), С. 89–93.
2. Курпаяниди, К. И. Анализ макроэкономической политики государства / К. И. Курпаяниди, Ш. О. Мухсинова // Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – № 6-2(74). – С. 112-117.
3. Abdullaev A. Institutional reforms as a key driver of entrepreneurial activities in Uzbekistan //Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 7-14.
4. Hamilton, W. H. (1932). Institution. Encyclopedia of the social sciences, 8, 84-89.
5. Veblen, T. (1998). Why is economics not an evolutionary science?. *Cambridge Journal of Economics, 22*(4), 403-414.
6. Mitchell, W. C. (1941). Business cycles and their causes. In *Business Cycles and Their Causes*. University of California Press.
7. Clark, J. M. (1918). Economics and Modern Psycholoy: I. Journal of Political Economy, 26(1), 1-30.
8. Galbraith, J. K., Weidenbaum, M. L., Hession, C. H., Deckard, B., Sherman, H., & Thompson, C. C. (1975). Economics and the public purpose. Journal of Economic Issues, 9(1), 87-100.
9. George G., Merrill R. K., Schillebeeckx S. J. D. Digital sustainability and entrepreneurship: How digital innovations are helping tackle climate change and sustainable development //Entrepreneurship Theory and Practice. – 2021. – Т. 45. – №. 5. – С. 999-1027.
10. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2021 года. Ташкент, Госкомстат, 2022.
11. Massaro M. Digital transformation in the healthcare sector through blockchain technology. Insights from academic research and business developments //Technovation. – 2021. – С. 102386.

К.Курпаяниди

Ўзбекистонда тадбиркорликни институционал ривожлантиришнинг ҳолати ва муаммолари

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва институционал муаммолари кўриб чиқилган. Кичик ва хусусий тадбиркорлик учун ишбилармонлик муҳитини кузатиш, статистик таҳлил қилиш ва мақсадли мониторинг қилиш ёрдамида институционал ва тадбиркорлик муҳитининг ҳолатига таъсир қилувчи турли мезонлар таҳлил қилинган. Муаллиф мамлакатда тадбиркорликни фаоллаштириш учун бир қатор институционал чораларни таклиф қилади.

Калит сўзлар: бизнес, институционал муҳит, тадбиркорлик, рақобат шароитлари, кичик бизнес, халқаро рейтинг.

K.Kurpayanidi

The state and problems of institutional development of entrepreneurship in Uzbekistan

Abstract: The article considers the current state and institutional problems of the development of the entrepreneurship sector of the national economy of Uzbekistan. Using observations, statistical analysis and targeted monitoring of the business environment for small and private entrepreneurship, various criteria affecting the state of the institutional and entrepreneurial environment are analyzed. The author proposes a number of institutional measures to enhance entrepreneurship in the country.

Keywords: business, institutional environment, entrepreneurship, competitive conditions, small business, international rating.

Нилуфар Абдахатовна Абдукадирова – СамИСИ , «Иқтисодий таҳлил ва статистика» кафедраси ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Анотация: Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Мақолада мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга доир илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, тадбиркор, бизнес, бизнесмен, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик, аҳоли бандлиги, аҳоли даромади.

Кириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги уч йилда Президентнинг элликдан ортиқ Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишланган қатор илмий ишлари мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, А.В.Чаянов[1], К.А.Раицкий[2], И.А.Журавлева[3], А.П.Киселев[4] каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мустақилликдан кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу мавзу бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан С.С.Ғуломов[5], Ё.Абдуллаев[6], М.С.Қосимова[7], Б.Ходиев[8], А.Абдуллаев[9], Д.Суюнов[10], М.Қ.Пардаев[1], С.К.Салаев[2], Б.А.Абдукаримов[3], Г.С.Севликянц ва Э.Н.Хаджаев[4] кабиларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб

[1] Қаранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: “Соц.экгиз”, 1962. - 332 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948. - 240 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: “Мысль”, 1982.-159 с.; А.В.Чаянов. О размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, №7,- 47 с.

[2] Раицкий К.А. Экономика предприятии. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.

[3] Журавлева И.А. Основные направления развития малого бизнеса в сфере услуг и их экономическое обоснование, Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Белгород-2005.

[4] Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. – “Либра”, 1995. - 246 с.

[5] Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. - 365 б.

[6] Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм), Т.- “Меҳнат”, 2000.- 347 б.

[7] Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2003. - 239 б.

[8] Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: “Иқтисод-молия” 2007.- 254 б.

[9] Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б., Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” 2003. - 191 б.

[10] Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., ТДИУ, 2004. - 23 б.

ўтиш лозим.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш ва иқтисодий статистик усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича республикада сезиларли ишлар қилинмоқда. Аҳоли иш билан бандми, демак, уларда даромад олиш ва уни ошириб бориш имконияти мавжуд. Бунинг учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар яратилган.

Таъкидлаш лозимки, Самарқанд вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши мамлакатимиздагига қараганда илдамроқ суръатлар билан ўсиб бормоқда. Фикримизча бунинг асосий сабаби, вилоят раҳбарияти ва мутассадди ташкилотларнинг ушбу соҳага бўлган эътиборларнинг кучайганлиги натижасида ушбу соҳа субъектлари сонининг ошганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг кескин суръатлар билан ошишига олиб келди. Фикримизча мавжуд ҳолатни ҳар томонлама ижобий деб баҳолаш мумкин.

Республикада иш ўринларининг кўпайиши нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳоли бандлигини оширишга, балки иқтисодиётимизни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлиги йил сайин ошиб бормоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг статистик маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 2020 йил мобайнида вилоятнинг туман ва шаҳарларида жами 85,7 мингта янги иш ўринлари яратилди. Бу иш ўринларининг 77,8 мингтаси қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда Президентнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжаланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, аввалambор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни

---

[1] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т: “Фан ва технология”, 2007. - 163 б.

[2] Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. - 49 б.

[3] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: “Фан ва технология”, 2007. - 386 б.

[4] Севликянц Г.С., Ходжаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан.-Т.: изд. Народного наследия им. А.Кадыри МГП “Ижод”, 1993. - 159 с.

таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларининг сустлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда[1].

1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2020-2021 йилларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари

	ЯҲМ	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Асосий капиталга киритилган инвестициялари
Самарқанд вилояти	104,1	106,1	102,8	102,2	128,2
Самарқанд ш.	х	109,9	103,2	99,6	120,9
Каттақўрғон ш.	х	114,6	102,3	102,1	203,6
туманлар:					
Оқдарё		104,6	101,7	103,5	157,6
Булунғур	х	104,0	100,9	93,8	115,9
Жомбой	х	121,2	102,8	112,3	170,8
Иштихон	х	107,7	102,4	103,8	99,5
Каттақўрғон	х	104,4	101,2	106,9	104,7
Қўшработ	х	116,7	102,9	102,6	148,8
Нарпай	х	113,7	101,8	101,9	109,3
Нуробод	х	107,7	103,7	105,0	106,2
Пайариқ	х	103,6	101,3	103,2	76,5
Пастдарғом	х	107,4	101,9	105,9	80,5
Пахтачи	х	106,8	102,8	104,2	155,0
Самарқанд	х	108,9	103,9	90,5	121,9
Тайлоқ	х	96,1	100,9	100,6	201,8
Ургут	х	107,7	103,0	102,6	149,3

Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2020-2021 йилларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари келтирилган бўлиб, Самарқанд вилояти 2021 йили 2020 йилга нисбатан ЯҲМ 104,1 фоизга ўсган бўлиб, саноат маҳсулоти 106,1 фоизга, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 102,8 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 102,2 фоизга, асосий капиталга киритилган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 11.09.2018 й.

инвестициялар 128,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткичларни Самарқанд вилоятидаги туманлар кесимида ҳам кўрадиган бўлсак, барча туманларда бу кўрсаткичларни ўсганлигини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича **ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсди** ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич **6,5 минг АҚШ долларид**ан зиёдни ташкил этади[1]. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (106,1 %), қурилиш (114,1 %) ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (103,9 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 77,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2020 йил январь-декабрга нисбатан 2,8 бандга камайган.

Самарқанд вилоятида 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 31,2 фоизни ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга кўра, **2021 йилда** ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот **(ЯҲМ) ҳажми 37593,9 млрд. сўмни** ташкил этди ва **2020 йилга нисбатан 4,1 фоизга** кўпайган.

1-расм. Самарқанд вилоятида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби *(фоизда).*



[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида республикамизда “Ҳар бир оила тадбиркор” ва “Ёшлар келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўм маблағ ажратилди, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда Республикада кичик биснес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг савдодаги улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда (жами кичик бизнес субъектларининг 26,7%и ёки 63,7 мингта субъект). Чакана савдо товар айланмасида эса, 20,2%ни кичик биснес ва микрофирмаларнинг улуши ташкил этган бўлса, якка тартибдаги тадбиркорларнинг улуши 69,4% ни ташкил этганини кўришимиз мумкин, бу банк секторига пул тушумига салбий таъсир кўрсатади ва кичик бизнес субъектларининг солиқ солинадиган базасида номувофиқликларни келтириб чиқаради.

Хулоса ва таклифлар. Самарқанд вилоятида қулай тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш йўлларига қаратилган муаммоларни тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Қулай тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш йўлларига қаратилган масалалар мамлакатимиз олимлари томонидан кам ўрганилган. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий муаммолари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.
2. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги.

Н.Абдукадирова

Пути повышения прибыльности малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг

Аннотация: Повышение эффективности деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере обслуживания в условиях модернизации экономики и повышения благосостояния населения является одним из важных вопросов, стоящих сегодня перед экономикой страны. В статье разработаны научно обоснованные предложения и практические рекомендации по определению перспективы повышения эффективности деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг, которая признана основной движущей силой собственности, и совершенствованию их организационно-экономической механизмов.

Ключевые слова: предпринимательство, предприниматель, бизнес, бизнесмен, малый бизнес, оказание услуг, частное предпринимательство, занятость населения, доходы населения.

N.Abdukadirova

Ways to increase the profitability of small business and private entrepreneurship in the service sector

Abstract: Improving the efficiency of small business and private business entities in the field of services in the context of modernization of the economy and improvement of the population's well-being is one of the important issues facing the country's economy today. The article developed scientifically based proposals and practical recommendations for determining the prospects for improving the efficiency of small businesses and private entrepreneurship in the service sector, which is recognized as the main driving force of ownership, and improving their organizational and economic mechanisms.

Keywords: entrepreneurship, entrepreneur, business, businessman, small business, service provision, private entrepreneurship, population employment, population income.

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Bekzod Maxsudovich Abdumannonov – SamISI, “Menejment” kafedrasi assistenti

QURILISH TARMOG‘IDA INSON RESURSLARI MEHNATINI TASHKIL ETISHDA RIVOJLANGAN XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Annotatsiya: Mazkur maqolada respublikamizda qurilish tarmog‘ida inson resurslarini boshqarish potensiali, muammolari, istiqbollari, shuningdek ushbu sohada kadrlarni tanlashga ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan omillar hamda bu borada inson resurslarining malakasi va ahamiyatini oshirish to‘g‘risida so‘z yuritilgan. Shuningdek, maqolada qurilish sohasining xususiyatlari, nafaqat miqdoriy tarkibining ahamiyati, balki xodimlarning sifat xususiyatlari ham bayon etilgan.
Kalit so‘zlar: Malaka oshirish, tajriba almashish, Yagona milliy mehnat tizimi IDAK (idoralararo dasturiy apparat kompleksi), HR-menejment, KPI (faoliyat samaradorligi ko‘rsatkichlari) tizimi.

Kirish. Ma’lumki, korxona va tashkilotlarda sodir bo‘layotgan barcha jarayonlarni rivojlantirishning turli usullari, yo‘nalishlari va strategik modellari mavjud. Mamlakatimiz rivojlanishning ilm ko‘lami yuqori bo‘lgan, kashfiyotlar, ixtirolar, yuqori texnologiyalar, innovatsion g‘oyalarga qurilgan intensiv yo‘lni tanlab olgan. Shunday ekan, bo‘lajak olimlar, tadqiqotchilar va magistlarga bugungi kunda eng dolzarb bo‘lgan korxonalarni rivojlantirishning turli modellari va strategiyalarini mukammal o‘rgatish hamda uning jahon tan olgan nazariyalarini ongiga singdirish ancha dolzarb masalalar sirasiga kiradi. Shuni alohida ta’kidlash joizki, qurilish sohasida mutaxassislar tayyorlaydigan oliy ta’lim tizimidagi tub islohotlarning asl maqsadi ham bugungi kunda iste’molchi kadrlar uchun jahon durdonalarini mukammal tushunadigan hamda korxonalarni innovatsion rivojlantirish strategiyasi sari ildam qadam tashlashga yetaklaydigan inson resurslariga bo‘lgan ehtiyoj tobora ortib bormoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Xorijiy ilg‘or mamlakatlarda korxona va tashkilotlardagi menejment tizimi va xo‘jalik faoliyatini boshqarish samaradorligini oshirish muammosi R.Laykert, G.Saymon, F.Teylor, G.Emerson, A.Fayol, E.Meyo va boshqa olimlarning asarlarida tadqiq etilgan. MDH davlatlarida V.R.Vesnin, E.K.Strabonskiy, O.S.Vixanskiy, A.M.Naumov va boshqalarning asarlarida ham o‘rganilgan. Bizning mamlakatimizda ushbu yo‘nalishda olib borilgan tadqiqot natijalari Sharifxo‘jayev M.Sh., Hikmatov O.H., G‘ulomov S.S., Abdullayev Yo., Zaynutdinov Sh.N., Ziyayev M.Q., Mahmudov E.H., Muxiddinov R.M., Mirzabekov B.B., Nurimbetov R.I., Mamanazarov O.Sh., Gimush R.I., Kalmetov B.D. va boshqalar tomonidan rivojlantirilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida mamlakatimizda qurilish tarmog‘ida inson resurslari mehnatini tashkil etishda rivojlangan xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribalari o‘rganildi. Tadqiqotda nazariya va amaliyot o‘rtasidagi bog‘liqliklarga asoslanib, inson resurslarini samarali boshqarish bo‘yicha nazariy mushohada, tizimli yondashuv usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar. Respublikamizda so‘nggi yillarda barcha sohalar kabi qurilish tarmog‘ini modernizatsiyalash va rivojlantirishga ham alohida e’tibor qaratilmoqda. Tizimni yanada takomillashtirishga qaratilgan davlat rahbarining bir qator farmon hamda qarorlari, davlat dasturlari qabul qilinib, tarmoqda islohotlar samaradorligini oshirish bo‘yicha olib borilayotgan tadbirlar natijasida bunyodkorlik ko‘lamlari tobora kengayib bormoqda.

Biroq, qurilish sohasidagi yangi davrning boshlanishi, tizimdagi muammolarni aniqlash, tan olish va ochiqlash, ayniqsa, ularni yechish oson kechgani yo‘q. 2017-2022-yillar mobaynida qurilish sohasini tartibga soluvchi jami 129 ta normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi: 2017 - 25 ta, 2018 yilda - 26 ta, 2019-yilda - 22 ta, 2020-yilda 22 ta, 2021-yilda 21 ta, 2022-yilda 13 ta. Ushbu farmon va qarorlar tizimda yillar davomida saqlanib qolgan muammolarni tubdan isloh qilishga qaratildi.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-maydagi PQ-2936-son



2017-2022-yillarda qabul qilingan qurilish sohasinin tartibga soluvchi Qonun, farmon va qarorlar

O‘zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Qarori [3] qabul qilindi. Unga ko‘ra, Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi tarkibiy tuzilmasi tubdan o‘zgartirildi va yangi vazifalar qo‘yildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-apreldagi «Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5392-son Farmoniga [4] muvofiq Davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi negizida O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tashkil etildi.

Vazirlikning asosiy vazifalari etib - shaharsozlik va qurilish uchun muhandislik-texnik izlanishlar sohasida yagona ilmiy-texnikaviy siyosatni olib borish, respublika hududida aholini joylashtirishning bosh sxemasini, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar, tumanlar, shaharlar hududlarini rejalashtirish sxemalarini, aholi punktlarining bosh rejalarini va boshqa shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish va tasdiqlashni tashkil qilish, ularning amalga oshirilishi ustidan monitoring yuritish; shaharsozlik sohasida davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlari bo‘yicha takliflar tayyorlash (va boshqa qator yo‘nalishlar) belgilandi.

Shu bilan birga O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi faoliyatini samarali tashkil etish to‘g‘risida” PQ-3646-son Qarori [5] qabul qilindi. Ushbu hujjat bilan «Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi» davlat unitar korxonasi tashkil etilishi belgilandi. Unga ko‘ra, belgilangan tartibda shaharsozlik hujjatlari ekspertizasini tashkil etish va o‘tkazishni ta’minlash, arxitektura-rejalashtirish va shaharsozlik yechimlari darajasini oshirish, loyiha ishi va qurilish ishlab chiqarishini takomillashtirish, loyihalash va qurilish sohasida ilg‘or tajribani o‘rganish va ommalashtirish kabi asosiy vazifalar biriktirildi.

Respublikamizda 11 ta hududda “O‘zshaharsozlik” va Samarqand shahrida “Toshkentboshplan” loyiha instituti filiallari, shuningdek, 13 ta hududda 26 ta yetakchi loyiha tashkiloti ochildi. Toshkent va Samarqand Davlat arxitektura-qurilish institutlari hamda 14 ta qurilish kasb-hunar kolleji Qurilish vazirligi tasarrufiga o‘tkazildi.

Mamlakatimizda qurilish tarmog‘ini yanada takomillashtirish, arxitektura hamda qurilish organlari va muassasalarini izchil rivojlantirish mexanizmlarini shakllantirish, davlat boshqaruvi tizimining samaradorligini ta’minlash, sohaga ilg‘or raqamli texnologiyalarni joriy etish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF-6119-son Farmoni [7] qabul qilinib, mazkur farmon yurtimizda qurilish tarmog‘ining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, kadrlar salohiyati, bilimi va tajribasini oshirishga qaratilgan keng ko‘lamli

ishlarning yangi ufq va istiqbollarni ochib berdi. Shuningdek, mazkur Farmonga ko‘ra qurilish sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jalb etgan holda “Shaffof qurilish” axborot tizimini ishga tushirish ko‘zda tutilgan. Natijada:

– qurilish sohasida axborot-texnologiyalar rivojlantirish Markazi tashkil etildi;

– yuridik va jismoniy shaxslarga keng foydalanish imkonini beruvchi “O‘zbekiston Respublikasi davlat shaharsozlik kadastri” geoaxborot tizimi joriy qilindi;

– qurilish-montaj ishlarida tizimli nazorat o‘rnatilib, qurilishning barcha bosqichlarida nazorat qilishning aniq mexanizmlari va ijro hujjatlarini yuritishning elektron onlayn tizimi yaratildi;

– shaharsozlik hujjatlari ekspertizasini elektron hujjatlar almashinuvi orqali bosqichma-bosqich amalga oshirish tizimi joriy etildi;

– vazirlik tizimidagi tashkilotlar zamonaviy kompyuter texnikasi va dasturiy mahsulotlar bilan ta’minlandi;

- 2025-yilga borib “Shaffof qurilish” milliy axborot tizimi doirasida qo‘shimcha to‘rtta elektron platforma yaratilishi, shuningdek, ularning idoralararo axborot tizimlari va ma’lumotlar bazalari bilan integratsiya qilinishini ta’minlash belgilangan.

Shiddat bilan qad ko‘tarayotgan ijtimoiy ob’yektlar, ko‘p qavatli turar joylar va umuman olganda, barcha turdagi bunyodkorlik ishlari o‘z navbatida sifatli qurilish mahsulotlariga bo‘lgan talabni kuchaytirmoqda. Shu bois, ushbu yo‘nalishdagi ishlarni to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish, yangi turdagi energiya tejamkor qurilish materiallari ishlab chiqarish, sohaga investorlarni keng jalb qilish orqali yirik loyihalarni amalga oshirish, tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash borasida tizimli ishlar amalga oshirib kelinyapti.

Yuqoridagi tahlillar shuni ko‘rsatmoqdaki, Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev rahbarligida respublikamizda qurilish sohasida amalga oshirilayotgan kadrlar strategiyasi va taktikasi yaqin kelajakda ushbu sohada ta’lim jarayonidan boshlab, ishlab chiqarish jarayonigacha bo‘lgan barcha jabhalarda tub o‘zgarishlar sodir bo‘lishiga zamin yaratadi.

Keyingi yillarda respublikamizda qurilish sohasida tub islohotlar amalga oshirilayotganligiga qaramasdan, bugun oldimizda ushbu sohada kadrlar tayyorlash borasida hal qilinishi lozim bo‘lgan bir qator dolzarb masalalar turgani, ularga yechim topish, mavjud muammolarni o‘z vaqtida hal etish muhim hayotiy vazifalarimizdan biri ekanligini yaxshi anglamog‘imiz zarur.

Biroq, sohada qurilishni tashkil etishgacha bo‘lgan jarayonlarni yuritishda bir qancha muammolar mavjudligi ko‘rinib qolmoqda, ushbu muammolarning kelib chiqishiga sabab bo‘layotgan asosiy faktorlar quyidagilar:

- sohaga doir me’yoriy (normativ) hujjatlar, jumladan, shaharsozlik qoidalari va qurilish (SNiP) me’yorlarining aksariyat qismi eskirgan bo‘lsa-da, hozirgi kunda ham undan foydalanib kelinmoqda;
- qurilish loyihalarini o‘zboshimchalik bilan bilimsiz kadrlar bajarayotganligi uchun sifati past, narxi esa yuqori darajada saqlanib qolmoqda;
- qurilish korxonalari xodimlarning zarur bilim va malakaga ega emasligi;
- sohada malakali kadrlarning yetishmasligi;
- qurilgan bino va inshootlardan keyinchalik foydalanishda xavfsizlik talablarining ishonchli emasligi;
- shu kunga qadar *(2020-yil 27-noyabr kuniga qadar)* qurilish sohasida qabul qilingan biror-bir strategiya va siyosatning mavjud bo‘lmaganligi;
- sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish darajasining pastligi;
- sohada loyihalashtirish va qurilish haqida umuman tasavvurga ega bo‘lmagan rahbarlar va ijrochilarning juda ko‘pligi;
- oliy ta’lim muassasalarining ilmiy va moddiy-texnik salohiyati zaifligi natijasida ushbu sohada oliy o‘quv yurtlarini tamomlayotgan mutaxassislarning zamonaviy nazariy bilimining pastligi, amaliy ko‘nikmalarga deyarli ega emasligi yetishib chiqayotgan yosh kadrlar bilim

darajasining sayozligi va zamon talablariga javob bera olmasligida namoyon bo‘lmoqda.

Yuqorida qayd etilgan muammolar mamlakatimizda qurilish sohasining jadal innovatsion rivojlanishiga to‘sqinlik qilmoqda. Buni 2018-2019-yillarda Turkiya davlatidan chet el valyutasida yuqori ish haqi to‘lash sharti bilan yurtimizga taklif etilgan quruvchi-muhandislar, loyihachilar tomonidan Samarqand shahrining “Qorasuv” maskanida qurilishning zamonaviy loyihalari va texnologiyalarini qo‘llagan holda qisqa muddatlarda, sifatli qurib foydalanishga topshirib kelinayotgan ko‘p qavatli temir-beton konstruksiyali uy-joylar misolida ko‘rishimiz mumkin.

Xulosa va takliflar. Mamlakatimizda qurilish tarmog‘ini modernizatsiyalash sharoitida arxitektura va qurilish organlari va muassasalarining izchil rivojlantirish mexanizmlarini shakllantirish, davlat boshqaruvi tizimining samaradorligini ta’minlash va sohaga raqamli texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, sohada kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishni tashkil qilish tizimini kuchaytirish maqsadida quyidagi asosiy yo‘nalishlarni amalga oshirish lozim:

- umumiy o‘rta ta’lim va ixtisoslashtirilgan davlat umumta’lim maktab (IDUM)larida 10-11-sinf o‘quvchilari va o‘rta-maxsus ta’lim muassasalari talabalari uchun “Muhandislik grafikasi, chizma-geometriya, arxitektura va dizayn” yo‘nalishida o‘quv mashg‘ulotlari o‘tkazish bo‘yicha dars soatlarini ta’lim jarayoniga tatbiq etish hamda ushbu yo‘nalishda darsliklar chop etilishini tashkil etish;

- qurilish tarmog‘i rivojlangan xorijiy davlatlar olimlari, quruvchilari o‘rtasida o‘zaro tajriba almashish, arxitektorlar va muhandislarni yurtimizdagi oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalarida onlayn va oflayn tarzda o‘quv mashg‘ulotlari o‘tishlari uchun zaruriy shart-sharoitlarni yaratish, qurilish sohasida mutaxassislar tayyorlaydigan oliy ta’lim muassasalaridagi barcha ta’lim yo‘nalishlarida qo‘shma ta’lim dasturlarini, shu jumladan magistratura yo‘nalishlari, tarmoq uchun eng muhim hisoblangan mutaxassisliklar bo‘yicha dasturlarni yaratish maqsadida arxitektura va qurilish sohasida kadrlar tayyorlashni amalga oshirayotgan ilg‘or xorijiy oliy ta’lim muassasalari bilan yo‘lga qo‘yilgan o‘zaro hamkorlikni yanada kuchaytirish;

- xorijiy olimlar, arxitektor va muhandislar bilan hamkorlikda mehnat bozorida eng ko‘p ehtiyojga ega bo‘lgan ixtisosliklar bo‘yicha qo‘shma ta’lim dasturlarini yaratish, bitiruvchilarga, jumladan magistrlarga ham ikki tomonlama diplom berish hamda tajriba almashish maqsadida qurilish va arxitektura sohasida kadrlar tayyorlaydigan ilg‘or xorijiy oliy ta’lim muassasalari bilan hamkorlik aloqalarini yanada kuchaytirish;

- viloyatlarda joylashgan arxitektura-qurilish yo‘nalishidagi o‘rta maxsus ta’lim muassasalarida “Elektron ta’lim” milliy tarmog‘iga ulashni tashkil etish bo‘yicha barcha zaruriy chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- mehnat bozorida xaridorgir hisoblangan malakali kadrlarni tayyorlash uchun o‘qitishning zamonaviy va innovatsion metodlarini qo‘llash, arxitektura-qurilish texnikumlari va kollejlarni zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari bilan qamrab olish ko‘lamini yanada kengaytirish, shuningdek, arxitektura-qurilish yo‘nalishi bo‘yicha texnikum va kollejlar o‘qituvchilari malakasini muntazam ravishda oshirib borish maqsadida qurilish sohasida ilg‘or hisoblangan xorijiy davlatlardagi oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalarida faoliyat yuritib kelayotgan professor-o‘qituvchilar tomonidan onlayn tarzda o‘quv mashg‘ulotlari va seminarlar o‘tkazilishini tashkil etish, shuningdek, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llagan holda yurtimizdagi eng tajribali quruvchi mutaxassislar o‘rtasidan o‘qituvchilarni tanlab olishga kompleks yondashush va natijadorlikni ta’minlash;

- rivojlanish tendensiyalari va qurilish sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarni hisobga olgan holda xorijiy olim va mutaxassislarni jalb qilib, tarmoqqa oid yangi darsliklar, o‘quv qo‘llanmalar to‘plamini chop etishga tayyorlash, shuningdek arxitektura va qurilish sohasiga taalluqli ilg‘or xorijiy adabiyotlarni o‘zbek tiliga tarjima qilinishini ta’minlash;

- viloyatlarda arxitektura va qurilish sohasi yo‘nalishidagi xorijiy, xususan, Yaponiya, Germaniya, Xitoy, Turkiya va boshqa rivojlangan davlatlarning oliy ta’lim muassasalari filiallarini ochish;

- xorijiy davlatlar bilan arxitektura-qurilish sohasidagi ta’lim yo‘nalishida uzviy aloqalarni

o‘rnatish, shu jumladan xalqaro universitetlar va assotsiatsiyalarga qo‘shilishni tashkil etish;

- qisqa muddatli kurslar doirasida yuqori malakali masterlar va muhandis-texnik xodimlarni jalb qilgan holda tor ixtisosli mutaxassislarni o‘qitish va tayyorlash bo‘yicha xizmatlar sohasini kengaytirish va sifatini yaxshilash, tahsil olganlarning tanlangan kasbga muvofiqligini tasdiqlovchi maxsus sertifikatlarni berish, shuningdek maxsus sertifikatlar identifikatsiyasi va monitoringi tizimini Yagona milliy mehnat tizimi IDAK (YaMMT)da joriy etish;

- qonunchilikdagi yangiliklar va mavzularning dolzarbligini hisobga olib, Qurilish vazirligi tizimi, vazirlikning hududiy boshqarmalari rahbar va xodimlari uchun o‘quv dasturlarini tizimli asosda yangilash yuqori natijadorlikni ta’minlaydi.

Bundan tashqari, qurilish ob’yektlarida qurilish-montaj ishlarini bajarishda mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasiga bo‘lgan talablarni kuchaytirish, qurilish-montaj ishlarini bajarish vaqtida favqulodda hodisalar va baxtsiz voqealarga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida quyidagi masalalarni hal qilish lozim:

- “Qurilish maydonchalarida jarohatsiz ishlash” dasturini ishlab chiqish, shu jumladan mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi yo‘nalishi bo‘yicha hujjatlar to‘plami to‘liq butlanganligini o‘rganish, muhandis-texnik va ishchilar tarkibi orasidan bilimli xodimlarni tanlab olish, mehnat muhofazasi bo‘yicha mas’ul xodimlar bilimlarini tekshirish uchun ularni attestatsiyadan o‘tkazish;

- qurilish uchastkasida sifatli ishlash uchun tegishli infratuzilmani tayyorlash, jumladan, shaxsiy himoya vositalari, dam olish joylari va boshqalar bilan ta’minlash;

- qurilish-montaj ishlarining barcha bosqichlari yakunlanganidan keyin butun yondosh hududlarning ekologik talablarga muvofiq rekultivatsiya qilinishini ta’minlash;

- mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi yo‘nalishida alohida natijalarga erishgan xodimlarni rag‘batlantirish (mukofot yoki ko‘krak nishoni bilan taqdirlash) tizimini joriy etish lozim.

Qurilish organlari va muassasalari rahbar va ishchi-xodimlari uchun xalqaro ekspertlar ishtirokida xorijiy amaliyot, seminar va o‘quv kurslarini tashkil etish yuqori samara beradi.

Bunda, qurilish organlari va muassasalariga malakali kadrlarni jalb qilishga yo‘naltirilgan rekrument bo‘yicha yangi metodlar (onlayn-rekrutment, faol xedxanting)ni joriy etish;

qurilish organlari va muassasalari tizimida HR-menejmentni joriy etish va shu asosda Qurilish vazirligining ijobiy imijini yaratgan holda kadrlarni qo‘llab-quvvatlash, boshqarish va nazorat qilishning samarali tizimini ishlab chiqish;

xodimlarni baholash tizimini takomillashtirish, xususan, Qurilish vazirligida KPI (key performance indicators - bu maqsadlarga erishish darajasini yoki jarayonning maqbulligini o‘lchashga yordam beradigan faoliyatning raqamli ko‘rsatkichlari, ya’ni samaradorlik) tizimini joriy etish;

ishchilarga ish haqi to‘lashning yangi metodlarini (xodimlar faoliyati samaradorligining reyting tizimi, idoraviy rag‘batlantirish dasturlarini joriy etish;

qurilish vazirligining korrupsiyaga qarshi siyosatini amalga oshirish va muvofiqlashtirish uchun antikorrupsion komplaens tizimini samarali joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishni kengaytirish;

ijro intizomida ilg‘or axborot texnologiyalaridan foydalanish;

qurilish mahsulotlari saqlanadigan ombor logistikasi jarayonlarini avtomatlashtirilgan boshqarish tizimini, shuningdek qurilish jarayonini masofadan turib nazorat qilish va ombordagi barcha asosiy jarayonlar avtomatlashtirilishini ta’minlovchi mehnat resurslarini samarali boshqarish tizimini joriy qilish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Respublikamiz iqtisodiyotini, shu jumladan uning tarkibiy qismlari bo‘lgan katta-kichik korxona va tashkilotlar, firmalar iqtisodiyotini rivojlantirish va mustahkamlash uchun inson resurslaridan unumli foydalanishni tashkil etish muhim muammo bo‘lib hisoblanadi. Inson omiliga insonning shaxsiy xususiyatlari majmuining yuzaga chiqishi sifatida qarash lozim. Bu esa

uning mehnat jarayonidagi faoliyatida namoyon bo‘ladi. Ushbu tushuncha insonning ishlab chiqarish jarayonidagi hal qiluvchi rolini ko‘rsatib beradi.

Biroq, usbu yo‘nalishda raqobat muhitining kuchayib borishi, ishlab chiqarish rivojlanishining barqaror istiqbolini ta’minlash zaruriyati bozor islohotlarini amalga oshirayotgan mamlakatlardagi korxonalarni yangi texnika va texnologiyalarni, innovatsion jarayonlarni joriy qilish haqida yanada ko‘proq qayg‘urishga va mas’uliyatni ikki barobar oshirishni taqozo etmoqda. Bu o‘z navbatida, inson resurslarini takomillashtirishni talab etadi.

Xulosa qilib aytganda, qurilish korxonalarining amaliy faoliyatida inson resurslari va uning rivojlanishini rejalashtirish, yangi mehnat motivatsiyasi va ma’naviyatini, korxona rahbariyati bilan yangiliklar xavfini o‘ziga olish, malakali ishlarni bajarish va ishlab chiqarishning doimiy o‘zgaruvchan sharoitlariga moslashish uchun inson resurslarini rivojlantirishga tayyorgarlik hissini shakllantirish tobora ko‘proq ahamiyat kasb etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. –Toshkent: O‘zbekiston, 2017. -104 b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 21-apreldagi PQ-2909-sonli “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 1-maydagi PQ-2936-son O‘zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-apreldagi “Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5392-son Farmoni.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi faoliyatini samarali tashkil etish to‘g‘risida” PQ-3646-son Qarori.
6. Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 12-iyundagi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonini tasdiqlash haqida” 1750-III-sonli Qarori.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 27-noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF-6119-son Farmoni.
8. Lewin B. Transforming People Management. Lessons Learnt and Predictions of Future Success. Bookboon, 2014. – 59 p.
9. Пулуаева В.Н. Управление человеческими ресурсами в экономике знаний: монография. – М.: Издателский дом ГУУ, 2018. – 159 с.
10. Baymuradov Sh.M. Innovasion iqtisodiyotni rivojlantirish uchun kadrlarni tayyorlashda noan’anaviy yondashuvning ahamiyati. Zamonaviy ta’lim / Современное образование 2017.

Б.Абдуманнонов

Важность использования опыта развитых зарубежных стран в организации труда персонала в строительной отрасли

Аннотация: В данной статье речь идет о потенциале, проблемах, перспективах управления человеческими ресурсами в строительной отрасли в нашей республике, о факторах, которые могут повлиять на подбор кадров в этой области, а также о повышении квалификации и значимости человеческих ресурсов в этом отношении. Также в статье излагаются особенности строительной отрасли, важность не только количественного состава, но и качественных характеристик персонала.

Ключевые слова: Повышение квалификации, обмен опытом, единая национальная система труда МПАК (межведомственный программно-аппаратный комплекс), HR-менеджмент, KPI (показатели эффективности деятельности) система.

B.Abdumannonov

The importance of using the experience of developed foreign countries in the organization of labor of human resources in the construction network

Abstract: This article discusses the potential, problems, prospects of Human Resource Management in the construction network in our republic, factors that can affect the selection of personnel in this area, as well as increasing the competence and importance of human resources in this regard. The article also describes the features of the construction industry, the importance of not only the quantitative composition, but also the qualitative characteristics of employees.

Keywords: Professional development, exchange of experience, unified national labor system MPAC (interdepartmental software and hardware complex), HR management, KPI (performance indicators) system.

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Джаҳонгир Расулович Зайналов – д.э.н., профессор СамИЭС

ВАЛЮТНАЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ СУБЪЕКТОВ

Аннотация: В статье раскрыто значение валютной самостоятельности предпринимательских субъектов, направленное на облегчение их деятельности в условиях валютных ограничений. Отмечается, что в Республике Узбекистан последовательно развиваются отдельные аспекты «смягчения» принципа валютной самостоятельности, особенно для совместных предпринимательских субъектов. Даются конкретные рекомендации по обеспечению самоокупаемости, поэтапному повышению качества и расширению экспорта продукции. В работе также отмечается, что большую роль должна сыграть правильно разработанная схема финансирования деятельности предпринимательских субъектов.

Ключевые слова: принципы, либерализация, самоокупаемость, валютная самоокупаемость, экспорт, инновационная продукция, прибыль, коэффициент валютной самоокупаемости, иностранный партнер.

Введение. Одной из центральных валютно-финансовых проблем деятельности предпринимательских субъектов является необходимость обеспечения их валютной самоокупаемости. Законодательство предусматривает возможность создания в основном таких предпринимательских субъектов, у которых все валютные расходы, включая выплату прибыли и иных сумм, причитающихся иностранным участникам и специалистам, обеспечиваются за счет собственных валютных поступлений.

Этот принцип распространяется на все хозяйствующие субъекты. Необходимость его применения в настоящее время не вызывает сомнения: он не позволяет предпринимательским субъектам превратиться в валютных иждивенцев государства. Тем не менее, опыт показывает, что такой порядок осложняет деятельность даже достаточно конкурентоспособных предпринимательских субъектов в периоды, когда их продукция реализуется преимущественно внутри страны.

Обзор литературы. Между тем, уже сейчас известно достаточно много способов, позволяющих облегчить деятельность предпринимательских субъектов в условиях такого рода валютных ограничений. Некоторые из них довольно активно применяются в нашей стране, другие подсказывает мировая практика. Законодательство Республики Узбекистан последовательно развивалось по пути «смягчения» принципа валютной самоокупаемости для предпринимательских субъектов, в частности, для совместных предприятий (СП). Если первоначально предпринимательские субъекты должны были покрывать свои валютные расходы только за счет реализации продукции на экспорт, то в последующем они получили право реализовывать продукцию отечественным предприятиям за счет принадлежащих им средств валютных фондов. Говоря о валютной самоокупаемости предприятий с иностранными инвестициями, можно отметить, что «их валютная самоокупаемость может быть обеспечена … за счет их собственных валютных поступлений, … также в рамках деятельности создаваемых объединений и иных организационных структур»[1]. Было также принято решение о возможности создания так называемых «антиимпортных» производств, валютные расходы которых могут финансироваться из централизованных источников.

Большинство ученых-экономистов настаивают на том, что валютная самоокупаемость - возмещение расходов предприятий и организаций, осуществляющих внешнеэконо-

[1] Статья 54 Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от 25.12.2019 г. № ЗРУ-598

мическую деятельность, за счет их собственных валютных доходов[1]. Ему вторит И.Н. Егорычева, отмечая, что: «Внешнеэкономическая деятельность осуществляется на основе валютной самоокупаемости. Ее результаты входят в общий итог хозяйственной деятельности предприятия для финансирования внешнеэкономических операций»[2]. Тогда как отдельные экономисты различают такие понятия, как валютная самоокупаемость и валютное самофинансирование, отмечая, что: «Валютная самоокупаемость - это более широкое понятие, чем валютное самофинансирование. Оно означает, что хозяйствующий субъект за счет имеющейся у него валюты покрывает все необходимые затраты в валюте. Принцип валютной самоокупаемости выражается в превышении поступления валюты над ее расходами. Соблюдение этого принципа означает, что хозяйствующий субъект не проедает свой валютный фонд, а постоянно накапливает его»[3]. По мнению М.В. Романовского «Уровень валютной самоокупаемости оценивают с помощью соответствующего коэффициента», рассчитываемого как отношение суммы остатка валюты на начало расчетного периода и поступлению валютных средств в расчетном периоде к ожидаемому расходу валютных средств[4]. Коэффициент валютной самоокупаемости демонстрирует, во сколько раз сумма валюты, имеющаяся в распоряжении предпринимательского субъекта, больше суммы расхода валюты. Таким образом, он дает возможность оценить уровень валютной устойчивости предпринимательского субъекта. Чем выше значение рассчитанного коэффициента, тем выше уровень валютной устойчивости хозяйствующего субъекта[5].

Методология исследования. Проведение исследований в рамках написанной работы предполагало использование методов экспертной оценки, направленный на обзорную характеристику вопросов, связанных с валютной самоокупаемостью предпринимательских субъектов.

Анализ и результаты. Проблема валютной самоокупаемости имеет комплексный характер, затрагивает различные аспекты внешних экономических условий и внутренней организации функционирования предпринимательских субъектов всех типов. Поэтому состояние дел с валютной самоокупаемостью в том или ином предпринимательском субъекте – это своего рода индикация того, насколько компетентно предпринимательские субъекты в рамках совместной деятельности выбрали предмет сотрудничества, разработали порядок финансирования создания и деятельности своего субъекта, учли конъюнктуру рынка, валютно-финансовые условия сотрудничества и др. Поэтому и подходить участникам к решению данной проблемы следует с большой ответственностью.

Наиболее принципиальным путем решения задачи валютной самоокупаемости предпринимательских субъектов в современных условиях является выбор инновационного вида продукции, который может быть изготовлен на высоком уровне, обеспечивающем его конкурентоспособность на мировом рынке, курс на диверсификацию производства, а также поэтапное повышение качества и расширение экспорта продукции.

Следовательно, практика ряда зарубежных стран показывает, что достижение валютной самоокупаемости не является непреодолимым препятствием для нормальной деятельности фирмы, так как ее можно обеспечить при экспорте уже 30-40 % выпускаемой продукции. Это вполне достижимый показатель, хотя на практике добиться его зачастую нелегко, причем, не всегда по вине самих предпринимательских субъектов. Стабильный

[1] Амбарцумов А.А., Стерликов Ф.Ф. 1000 терминов рыночной экономики. Справочное учебное пособие. – М.: Крон-Пресс, 1993. – С. 52

[2] Финансы: Учебник/В.М.Родионова, Ю.Я.Вавилов, Л.И.Гончаренко и др.; Под ред. В.М.Родионовой- М.: Финансы и статистика, 1993 – С. 250

[3] Балабанов И.Т. Финансовый анализ и планирование хозяйствующего субъекта. – 2-е изд., доп. – М.: Финансы и статистика, 2002 - С. 81

[4] Финансы предприятий: Учебник /Под ред. М.В. Романовского. — СПб.: «Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000. — С. 345.

[5] Балабанов И.Т. Финансовый анализ и планирование хозяйствующего субъекта. – 2-е изд., доп. – М.: Финансы и статистика, 2002 - С. 82

экспорт продукции означает, что предпринимательские субъекты должны отвоевать себе место на мировом рынке. Это – большая самостоятельная задача, которая требует значительной подготовки, продолжительных усилий и, как правило, крупных инвестиционных вложений. В этом контексте тот факт, что предпринимательским субъектам Республики Узбекистан требуется сочетать поставки на внешний рынок с удовлетворением внутреннего спроса – скорее фактор, препятствующий экспансии предпринимательских субъектов на мировом рынке, чем благоприятствующий ей. Конечно, ситуация бывает иной, если в предпринимательской деятельности участвует фирма, уже зарекомендовавшая себя на зарубежных рынках. В этом случае, однако, встает вопрос: в какой степени такая фирма будет заинтересована в том, чтобы открыть дорогу продукции субъектов совместной деятельности к иностранным покупателям, насколько это вписывается в ее рыночную стратегию? Во всяком случае, в настоящее время анализ такого варианта в отношении предпринимательских субъектов представляет больше умозрительный интерес, поскольку подавляющее большинство иностранных партнеров, участвующих в деятельности отечественных предпринимательских субъектов – это мелкие предприятия (компании).

Но бывают и другие случаи, когда под давлением иностранного участника или вследствие некомпетентности отечественного партнера уже на стадии определения предмета сотрудничества в рамках совместных предпринимательских субъектов создаются предпосылки, которые в будущем могут осложнить их работу. Имеются случаи, когда иностранный партнер навязывает отечественному предпринимательскому субъекту производство устаревшей продукции, реализация которой на внешнем рынке затруднена. Нередко в предпринимательских субъектах намечается осуществление производства не конечного продукта, а промежуточного – узлов, компонентов, в которых заинтересован зарубежный партнер, и которые не имеют самостоятельного рынка сбыта. В результате формируется однобокая специализация совместных предпринимательских субъектов, которая ставит их в зависимость от потребителей иностранного участника, ограничивает самостоятельные экспортные возможности.

Заключение и предложения. На наш взгляд, требование валютной самоокупаемости имеет свой положительный аспект, поскольку ориентирует предпринимательский субъект совместный выпуск инновационной продукции. Необходимость обеспечения экспорта части инновационной продукции является важным стимулом для совершенствования производимой ими продукции, приведения ее в соответствие с международными стандартами.

При этом нельзя и переоценивать вклад принципа валютной самоокупаемости в повышение технического уровня и качества продукции предпринимательского субъекта, так как конкурентоспособность на внешнем рынке является функцией гораздо более широкого спектра факторов, чем качество и технический уровень изделия. Значительную роль играют его приспособленность к требованиям конкретного рынка, коммерческие условия, поставки, качество и доступность сервисного обслуживания и т.д. Международный опыт показывает, что наибольшего успеха добиваются специально совместно-организованные экспортные производства. Кроме того, поставки продукции на экспорт отнюдь не гарантируют, что точно такая же по параметрам продукция будет реализовываться внутри страны. Однако следует отметить, что, когда экспорт будет осуществляться вынужденно, для получения валюты, это, как правило, будет связано с дополнительными финансовыми расходами, относительным снижением рентабельности, а значит, будет падать и качество продукции.

Решению проблемы валютной самоокупаемости способствует постоянная диверсификация деятельности предпринимательских субъектов в соответствии с потребностями рынка. Напр., оригинальным способом может стать совместный ресторан или совместная гостиница, намеревающиеся использовать доходы в сумах для покупки товаров (продукции) с последующей их реализацией за рубежом.

В смягчении рассматриваемой проблемы большую роль может сыграть правильно

разработанная схема финансирования создания и деятельности предпринимательских субъектов. При формировании уставного фонда необходимо учитывать, что в первые годы своего существования их валютные доходы могут быть недостаточными для нормальной деятельности, и, следовательно, часть уставного фонда уже изначально должна быть образована в валюте. Однако одновременно, еще до достижения валютной самоокупаемости, свободный остаток прибыли в национальной валюте полностью или частично может быть использован партнерами для расширения производства.

С начала 2016 г. возможности приобретения валютных средств предпринимательскими субъектами существенно расширяются в связи с организацией постоянно действующих обменных центров (пунктов) при банках.

Ж.Зайналов

Тадбиркорлик субъектларнинг валюта мустақиллиги

Аннотация: Мақолада валюта чекловлари шароитида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини осонлаштиришга қаратилган валюта мустақиллигининг аҳамияти очиб берилган. Ўзбекистон Республикасида валюта мустақиллиги тамойилини “юмшатиш”нинг айрим жиҳатлари, айниқса, қўшма тадбиркорлик субъектлари учун изчил ривожлантирилмоқда. Ўзини-ўзи молиялаштириш, маҳсулот сифатини босқичма-босқич ошириш ва экспортини кенгайтириш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Мақолада шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг тўғри ишлаб чиқилган схемаси катта рол ўйнаши қайд этилган.

Калит сўзлар: тамойиллар, либерализация, ўзини-ўзи таъминлаш, валюта мустакиллиги, экспорт, инновацион маҳсулотлар, фойда, валюта мустақиллиги коэффициенти, хорижий ҳамкор.

J.Zaynalov

Currency independence of business entities

Abstract: The article reveals the importance of the currency independence of business entities and the importance of the currency independence of business entities, aimed at facilitating their activities in the conditions of currency restrictions. It is noted that certain aspects of “softening” the principle of currency independence are being consistently developed in the Republic of Uzbekistan, especially for joint business entities. Specific recommendations are given to ensure self-sufficiency, gradually improve quality and expand exports of products. The paper also notes that a properly developed scheme for financing the activities of entrepreneurial entities should play a big role.

Keywords: principle, softening, self-sufficiency, currency self-sufficiency, export, innovative products, profit, currency self-sufficiency ratio, foreign partner.

Абдураҳим Нортожиевич Тўраев – ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси профессори, и.ф.д.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВЛАРНИ СЕКЬЮРИТИЗАЦИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада тижорат банклари активларини секьюритизациялаш шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича глобал секьюритизациялашган активлар бозори фаолияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланган мамлакатларда активларни секьюритизациялашнинг замонавий дериватив турларини ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш, ипотека билан таъминланган активларни секьюритизациялашнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини келтириб чиқаришдаги таъсирини баҳолаш ва бу жараёнда инқирозга сабаб бўлган заиф жиҳатларни аниқлаш ва активларни секьюритизациялаш амалиётини ривожлантириш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, қимматли қоғозлар, молиявий активлар, банк активлари, кредит риски, секьюритизация, активлар секьюритизацияси.

Кириш. Яқин ўтмишда юз берган глобал молиявий инқироз халқаро молия бозорларида секьюритизациялашган воситаларга бўлган инвестицион талаб ҳажмининг

кескин қисқаришига сабаб бўлди. Аммо, сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва молия тизимининг инқирозли жараёнлар таъсиридан муваффақиятли ўтиши ўз навбатида, активларни секьюритизациялашни такомиллаштириш доирасида янги турдаги секьюритизациялаш воситалари эмиссиясининг йўлга қўйилиши мазкур амалиётни қайта фаоллашувига имконият яратди. Хусусан, «2018 йилнинг биринчи ярмида хорижий мамлакатлар томонидан секьюритизациялаш доирасида амалга оширилган жами бирламчи эмиссиялар ҳажми 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 11,2 фоизга ошгани ҳолда, 1 трлн. 50 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этди» [1]. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда секьюритизациялашган битимларда халқаро молия-кредит институтлари томонидан қўлланилаётган инновацион операция ва амалларнинг мамлакатлар молия тизимига тўлиқ жорий этилмаганлиги мазкур соҳани такомиллаштиришнинг халқаро даражадаги зарурати ва долзарблигини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур» [2] эканлиги муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Ҳозирда тижорат банкларида активларни секьюритизациялаш амалиётидан фойдаланилмаслиги соҳага оид қатор, жумладан, мамлакатда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва бу бозорнинг ҳозирда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функциясини бажара олмаётганлиги, молия бозорида институционал инвесторлар фаолиятининг суст йўлга қўйилганлиги, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида уларнинг умуман иштирок этмаслиги, активларни секьюритизациялаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг деярли йўқлиги ва бу фаолиятни рағбатлантириш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги, активларни секьюритизациялаш ҳисобига муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни ички ва ташқи молия бозорларида жойлаштириш имкониятининг ўта пастлиги, молия бозори инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, хусусан инвестицион воситачилар институтининг шаклланмаганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Келтирилган бу каби муаммо ва камчиликлар активларни секьюритизация-лашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалий жиҳатларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб бориш заруратини кун тартибига қўяди, бу эса тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тижорат банклари активларини секьюритизациялаш жараёнининг концептуал асослари, унинг функциялари, шакл ва тамойиллари бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган.

С.Шварц ўзининг тадқиқот ишларида активларни секьюритизациялашни «секьюри-тизация ташкилотчисига хос бўлган хавфларни бартарф этиш мақсадида секьюритизация ташкилотчисининг дебиторлик қарздорлигининг тўлиқ ёки бир қисмини ажратиш йўли билан инвестициялар бозорида кам харажат қилган ҳолда молияларни жалб қилиш» [3].

Иқтисодчи олим Х.П.Бэр ўзининг тадқиқотларида активларни секьюритизациялашнинг табақалашган активларнинг кредит ташкилоти ёки бошқа корхона балансидан чиқарилиши; активларнинг махсус ташкил этилган юридик шахсга берилиши орқали юридик мустақиллигига эга бўлиши; қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан халқаро пул воситалари бозорида унинг қайта молиялаштирилиши амалга оширилиши каби хусусиятларини аниқлаб берган»[8].

П.С.Роуз фикрича, «секьюритизация – ноликвид қарзларни ликвидли активларга айлантириш жараёнидир»[9].

Шунингдек, Н.В.Александрова эса активларни секьюритизациялаш амалиётига нисбатан «секьюритизациялашнинг ташаббускорида мавжуд муайян активларни ташаббускор балансидан кўчириш, кейинчалик мазкур активлар таъминотида қимматли қоғозлар эммисия қилиш ва уларни кенг инвесторлар ўртасида жойлаштириш асосида янги махсус ташкил этилаётган ташкилотларга бериладиган табақаллаштирилган молиявий активлар кўринишига ўтказиш босқичларидан таркиб топган молиялаштиришнинг

инновацион услуби» [10] деган таърифни илгари суради.

Юқорида олимлар келтирилган таърифларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: *«Банк активларини секюритизациялаш – бу банк балансида турган кредит талаблари билан таъминланган қимматли қоғозлар эмиссияси негизида ресурс жалб этишга қаратилган операциялардир».*

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, функционал ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, прогнозлаш, мантиқий хулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Активларни секьюритизациялаш амалиётининг ривожланиб бориши фонд бозори воситалари жозибадорлигини ошириш асосида молиялаштиришнинг замонавий манбаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу ўз навбатида, молиявий амалиётлар билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантиришни кун тартибига қўяди.

Кредит ташкилоти бир вақтнинг ўзида эмитент банкрот бўлган пайтида активларга нисбатан унинг эгасининг биринчи навбатдаги талабларини кафолат берувчи облигация эмиссияси жараёнини амалга оширади (1-расм).



1-расм. Банк активларини балансли секьюритизациялаш битими

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Шуни таъкидлаш керакки, фақатгина юқорида санаб ўтилган учта тавсифнинг мавжудлигида активларни секьюритизациялаш каби молиявий трансакцияни аниқлаш мумкин. Ушбу таснифлардан бирининг йўқлиги ёки битимнинг юқорида келтирилган таснифларига тўлиқ мувофиқ бўлмаслиги «активларни секьюритизациялаш» атамасини қўллаш имкониятини бермайди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур трансакцияни активларни секьюритизациялаш услубиётига киритиш мумкин эмас, чунки активлар заклад варақларни эмиссия қилувчи ипотека банкининг балансида туради. Рисклар тақсимланмаган, варақаларни чиқариш бўйича таъминот кредит институтининг мол-мулки ҳисобланади. Истиқболда эмиссия қилинаётган заклад варақларига нафақат активлар бўйича тўловлар оқимлари, балки бутун кредит ташкилотининг молиявий оқимлари орқали хизмат қилинади. Келтирилган сабабларга кўра Америкада ипотека облигациялари эмиссияси (Mortgage – Backed Bonds) амалиётини активларни секьюритизациялаш сифатида таснифлаш мумкин эмас. Бунда шунга эътибор бериш керакки, банк активларини секьюритизациялаш классик маънода – бу шубҳасиз, қимматли қоғозларни чиқариш ёрдамида баланслашмаган банк активларини секьюритизациялашдир. Тадқиқот предметини аниқ ажратиб олиш учун турли адабиёт манбаларида қўлланилаётган активларни секьюритизациялаш тушунчасини таснифлаш лозим (2-расм).

Мазкур расм банк активлари секьюритизациясининг бошқа мумкин бўлган секьюритизациялашган операцияларни амалга ошириш вариантлари ўртасидаги ҳолатни яққол намоён этади. Шунга эътибор бериш керакки, бу ерда турли хил – ҳам синтетик, ҳам

анъанавий битимлар моделлари мавжуд бўлиши мумкин. Нобанк активларни секьюритизациялашни ҳам банк кредитлари, ҳам фонд бозорларидан молиялаштиришни жалб қилиш орқали амалга ошириш мумкин.



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

2-расм. Активларни секьюритизациялаш тушунчаси таснифи

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда секьюритизация турли давлат иқтисодчилари томонидан кескин танқидга учраб келган. Бу эса, мазкур молиявий воситанинг оммавийлашиши ва нуфузига салбий таъсир кўрсатди. Инқироз натижасида инвестициялар бозори узоқ вақт давомида «турғун» ҳолатга тушиб қолди. Бугунги кунда активларни секьюритизациялаш тез ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Секьюритизациянинг муваффақиятли қўлланилиши ҳудудий банкларни миллий ва умумжаҳон инвестициялар бозори билан бирлаштириб, фондлаштиришдан фойдалана олиш соҳасида географик ва ҳудудий табақаланишни камайтиради.

Кредит риски даражасини пасайтириш воситалари кўриб чиқилганда, инновацион воситалар, яъни активларни секьюритизациялаш ва биржадан ташқари бозорда муомалада бўладиган ҳосилавий деривативларни алоҳида тадқиқ этиш лозим. Иқтисодчи олима Сюзан Биес ўзининг тадқиқотларида инновацион молиявий муносабатлар ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида таркибий молиявий воситаларнинг етакчи роли ҳақида таъкидлайди [13].

Ушбу ўзига хос хусусият алоҳида тармоққа активларни секьюритизациялаш ва кредит деривативлари каби кредит риски даражасини жиловлаш воситаларини киритиш зарурлигини кўрсатади. Тадқиқот ишида классик молиявий воситаларнинг муфассал бўлиниши ва таркиблашган молиявий воситалар ёки таркибий молиялаштириш жараёнлари таҳлил қилинди. Кенг маънода «таркибий молиялаштириш» молия ресурсларини жалб қилиш жараёни билан намоён бўлиб, унда эмиссия қилинаётган қарз воситаларининг кредит сифати эмитентнинг кредит сифати билан боғлиқ эмаслиги аниқланди. Фикримизча, таркибий молиявий воситаларга кредит рискини бошқа шахсга ўтказиш механизмининг бир қисмини киритиш лозим. Ушбу шартга аниқлик киритиб, секьюритизациялаш ва кредит деривативлари ана шундай механизмларга киради, деган хулосага келиш мумкин.

Таркибий молиявий воситалар тўғрисида келтирилган юқоридаги расм маълумотларини иккита асосий сабаблар кесимида тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Биринчиси кредит рискига таъсир кўрсатиш хусусиятига эга ва умумий типология асосларига таянадиган воситалар сифатида секьюритизациялаш ва кредит деривативларининг яхлитлиги билан боғлиқ. Иккинчи жиҳатни ўрганиш эса «таркибий молиявий институтлар» ва «секьюритизациялаш» тушунчаларини ўзаро аниқлаш ҳамда «кредит рискини бошқа шахсга ўтказиш механизмлари» каби мустақил тушунчаларга

ажратишга имкон беради.

Активларни секьюритизациялаш жараёни тартибини ишлаб чиққанда биз банк назорати бўйича Базель қўмитаси тамойилларига ва Гюнтер Фонбаернинг тадқиқотларига таяндик. 3-расмда секьюритизациялашнинг асосий иштирокчилари келтирилган.

Юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисига тавсиф бериб ўтамиз:



– *Комиссион харажатлар.*

3-расм. Секьюритизациялаш жараёнининг тузилмавий модели

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Ташаббускор (originator) – активларни шакллантирувчи юридик шахс сифатида намоён бўлади. Кўпинча ушбу ролни молиявий активларга эга тижорат банклари ҳам бажаради. Асосан тижорат банклари ипотека кредитларни секьюритизациялашда ташаббускор сифатида иштирок этади.

Дебиторлар (debitors) – ташаббускор билан муносабатга киришган юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, улар туфайли ташаббускор олдида молиявий мажбуриятлар юзага келади.

Ҳозирда мамлакатимизда активларни секьюритизациялашга рухсат берадиган ягона ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари» тўғрисидаги ҳужжат бўлиб, ушбу ҳужжатда банк томонидан берилган кредитлар ва бошқа активлари таъминотида облигациялар кўринишида қарз қимматли қоғозларини чиқариш мумкинлиги белгиланган. Ушбу ҳужжатга асосан тижорат банкларининг активларини секьюритизациялаш мумкин. Лекин, бугунги кунда, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда активларни секьюритизациялашни жорий этиш ва ривожлантириш учун бу ҳужжат етарли эмас. Бу эса, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни талаб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси бугунги кунда секьюритизациялаш амалиётини рағбатлантиришнинг муҳим ва зарур эканлигини кўрсатади. Мазкур чора-тадбирлар секьюритизация доирасида эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг умумий инвестицион жозибадорлигини шакллантиради ва дастлабки босқичда катализатор вазифасини бажаради.

Хулоса ва таклифлар.

1. Активлар секьюритизацияси жараёнида иштирокчилар ўртасида юзага келадиган

муносабатларни ташкил этишда: оригинатор ва махсус хўжалик юритувчи ташкилот (МХТ) ўртасидаги муносабатларда секьюритизация учун мўлжалланган активларни оригинатор балансидан ажратиш ва МХТга сотиш; оригинатор ва МХТ ўртасида оригинаторнинг сервис хизматлари агенти сифатида фаолият юритиши бўйича «топшириқ шартномаси»ни тузиш; сервис хизматлари агенти вазифасини бошқарувчи агентлар ҳам бажариши мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ҳамда бу бозорнинг молиявий ресурларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдек функциясини бажара олмаётганлиги сабабли тижорат банкларида секьюритизациялаш амалиёти ҳанузгача йўлга қўйилмаган. Мазкур амалиётни тижорат банклари фаолиятига жорий этиш қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига бевосита боғлиқдир:

молия бозорида, хусусан, қимматли қоғозлар бозорида институционал инвесторлар фаолиятини янада жадаллаштириш лозим;

тижорат банклари активларини секьюритизациялашнинг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини шакллантириш ва мазкур фаолиятни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш зарур;

активларни секьюритизациялаш ҳисобига муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларни ички ва ташқи молия бозорларида жойлаштириш имкониятларини ўрганиб чиқиш ҳамда уни йўлга қўйиш лозим;

инвестицион воситачилар институтини шакллантириш орқали молия бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш зарур.

3. Европа қимматли қоғозлар бозори АҚШ қимматли қоғозлар бозоридан активлар хилма-хиллиги ва давлат секторининг тўғридан-тўғри иштирокига кўра фарқ қилади. Европа мамлакатларида секьюритизациялашнинг йўлга қўйилишига асосий сабаблардан бири бу – мазкур механизм қатъий чекловлар ва рақобат шароитида ҳам тижорат банкларига ўз маблағларини оптимал бошқариш имкониятини беришидир.

4. Мамлакатимизда секьюритизациялаш амалиёти ривожланишининг энг муҳим омили инфратузилма бўлиб, унинг элементлари сифатида мамлакат қонунчилигига мувофиқ бўлган секьюритизациялаш битимларининг таъминоти, банк назорати, ягона тизимга келтирилган рейтинг агентлиги, шахсий инвестицион базаси намоён бўлиши лозим. Бундан ташқари, кредит портфелининг минимал миқдори, жаҳон майдонларида машҳур эмаслиги, ҳаттоки йирик бўлмаган кредит ташкилотлари томонидан мазкур технологиялардан фойдаланиш имкониятлари учун кредит рейтингига эга бўлмаслиги каби салбий омиллар шароитида банк ссудаларини секьюритизациялашни амалга ошириш учун асослаш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, секьюритизациялашни банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва махсус молиявий инструментлардан фойдаланиш асосида банк активларини оптималлаштириш орқали рискларни пасайтириш имкониятини берувчи жараён сифатида изоҳлаш мумкин. Секьюритизациялаш операциялари нафақат кредит рискларини бошқарувчи банкларга, балки, кредит маблағлари қийматини пасайтиришдан манфаатдор бўлган мижоз учун ҳам янги имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. James M., Schopflocher T.. Global Securitization On Pace For $1 Trillion In 2018. «Standard and Poor’s Global Ratings» / GLOBAL STRUCTURED FINANCE RESEARCH. July 24, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz
3. Schwarez L. The Aichemy of Asset Securitization: Standford Journal of Lo, Business & Finance (2004). P.136.;
4. Peris H., Hartwood E. 2011 capital access index securitization in financing economic activities/Sangeetha Malaiyandi, Donald McCarthy, Triphon Phumiwasana and Glenn Yago. –New York: Milken Institute, 2011. –P. 65.;
5. James Gill. Why Does Securitization Exist? – scientific article (on-line journal). p. 4.;

6. Andreas (Andy) Jobst. What is structured finance? / Andreas Jobst // BIS Review. – 2011.- №20.- P.17.;
7. James R. Barth. Tong Li, Sangeetha Malaiyandi, Donald McCarthy: 2013 capital access index securitization in financing economic activities;
8. Бэр Х.П. Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов – инновационная техника финансирования банков / Пер. С нем. Ю.А.Алексеева., О.М.Иванова. М.: Волтере Клувер, 2009.;
9. Роуз П. Банковский менеджмент – пер. с англ. – М.: Дело; 1997. – С. 709.;
10. Александрова Н.В. Понятие и виды секьюритизации // Финансы и кредит. 2007. № 5.
11. Каримов Н.Г., Ташходжаев М.М. Prospects of development of securitization of banking assets in Uzbekistan. / Austrian Journal of Humanities and Social Sciences № 9–10. 2016. September–October. –p. 72.;
12. Роуз П. Банковский менеджмент – пер. с англ. – М.: Дело; 1997. – С. 709.
13. Bies S. Strengthening compliance through effective corporate governance. Remarks at the annual regulatory compliance conference. 11.06.2012.
14. www.cbu.uz
15. https://www.sifma.org

А.Тураев **Совершенствование системы секьюритизации активов в коммерческих банках** **Аннотация:** В статье раскрыта деятельность мирового рынка секьюритизированных активов и их особенности для развития и совершенствования форм и методов секьюритизации активов коммерческих банков, изучены современные производные виды секьюритизации активов в развитых странах и определение их эффективности, влияние секьюритизации активов, обеспеченных ипотекой, на оценку причин мирового финансово-экономического кризиса и в процессе выявления уязвимостей, вызвавших кризис, а также пути развития практики секьюритизации активов. **Ключевые слова:** коммерческий банкинг, ценные бумаги, финансовые активы, банковские активы, кредитный риск, секьюритизация, секьюритизация активов.	**A.Turaev** **Improving the securitization system of assets in commercial banks** **Abstract:** The article reveals the activity of the world market of securitized assets and their features for the development and improvement of forms and methods of securitization of assets of commercial banks, studies the modern derivative types of securitization of assets in developed countries and the definition of their effectiveness, the impact of securitization of assets secured by mortgages, on the assessment of the causes of global financial-economic crisis and in the process of identifying the vulnerabilities that caused the crisis, also studies the ways to develop the practice of asset securitization. **Keywords:** commercial banking, securities, financial assets, banking assets, credit risk, securitization, securitization of assets.

Санжар Абдулаҳадович Раҳимов – СамДАҚИ, и.ф.б.фал.док. (PhD), катта ўқитувчи.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг филиалларида 2000-2020 йилларда фойдаси ҳажмига таъсир кўрсатувчи инфляция даражаси, банкнинг рискка тортилган активлари, банк капитали ва кредитларнинг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаларини корреляцион-регрессион таҳлил қилинган. Ушбу омиллар банк фойдасига таъсири назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган ҳамда уларнинг натижавий омил (фойда)га таъсири орасидаги боғланиш модели тузилган.
Калит сўзлар: Банк, фойда, инфляция, риск, капитал, кредит фоизи, Фишер мезони, дитерминация коэффициенти, вариация кўрсаткичи.

Кириш. Кейинги йилларда мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, банкларни бозор принципларига транформация қилиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилишига қарамасдан, мамлакатда тижорат банклари капитали таркибида давлат

улуши (87,2 фоиз) юқорилигача қолмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат ЯИМга нисбатан тижорат банклари активлари 63,1%, кредит қуйиламлари 47,7%, депозитлари 19,1%, капитали 10,1%дан иборатдир. Ўзбекистон банк тизими активлари таркибида рискка тортилган активлар 86,3%ни, соф фойданинг активларга нисбати (ROA) 2,2, капиталга нисбати (ROE) 10,3 ташкил этади (CBU-2020)[1].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тижорат банклари фойдасини шакллантиришда кредит қўйилмалари муҳим аҳамият касб этмайди, бундан ташқари уларнинг активлари таркибида рискка тортилган активлар улуши юқори бўлса-да иқтисодий самарадорлиги паст ҳисобланади. Бироқ, тижорат банклари фойдани муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратиши табиий жараён ҳисобланади, чунки фойда даражаси акциядорга тўланадиган дивидендлар ва ходимларга иш ҳақи ҳажмини ошириш, банкнинг капитали ҳажмини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Албатта, тижорат банклари фойдасига мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати таъсири мавжуд, бироқ инфляция даражаси, банкнинг рискка тортилган активлари, банк капитали ва кредитларнинг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари уларнинг фойда даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Банкларнинг молиявий ресурслари ва уларнинг табиати бўйича айрим назарий, услубий, амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Таггарт, Л.Спеллман, Е.Брейвер, Ж.Дука, К.Мертенс, М.Смирлок, П.Роуз, Ж.А.Татом, К.Р.Даррел ва бошқа мутахассисларнинг[2] мақола ҳамда илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, депозит сиёсатининг банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясида тутган ўрни ва алоҳида хусусиятлари Ж.Синки, М.Портер, А.М.Тавасиев, А.В.Грибановлар[3] томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик олимлар Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов, Т.М.Каралиев, Ш.Б.Рўзметов, Б.К.Мирзамайдинов, С.М.Ходиев, З.Я.Рахманов, А.М.Раҳимов, И.И Жўраевларнинг[4] илмий ишларида тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашда депозит операцияларининг ролини ошириш борасидаги муаммолар тадқиқ этилган.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, иқтисодчи олимларимиз тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини ошириш масаласи ҳамда бу борадаги хорижий тажрибалар ягона бир тизимга келтирилган ҳолда алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида тадқиқот ишларини амалга оширмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари, Марказий банкнинг даврий статистик бюллетени ҳисоботлари маълумотлари асосида тизимли ёндашув, қиёсий статистик кузатиш, корреляцион-регрессион таҳлил, алмон ва коэффициент методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу берилган [1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бюллетени-2020 йил. https://cbu.uz/oz/statistics/buleten/439589/

[2] Lucas Jr R.E. Glass-Steagall: A Requiem. The American Economic Review. 2013. Vol. 103, no. 3. P. 43-47.; Krugman P. Financial repression. The New York Times. 2 July 2011.; Taggart R.A. Effects of deposit rate ceilings: The evidence from Massachusetts savings banks. Journal of Money, Credit and Banking. 1978. Vol.10, no.2. P. 139-57 ва ҳ.к.

[3] Дж.Синки. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 1018 с.; Porter, M. The Five Competitive Forces that Shape Strategy. Harvard Business Review, 2008. – P. 86 ва бошқалар.

4 Абдуллаева Ш.З. “Банк иши”.-Т.: Иқтисод-молия 2017 й. -312 б; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 35 б., Қоралиев Т.М «Пул ва банклар» Дарслик. Т.: – «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2019 й. – 461 б. Ва бошқа адабиётлар.

Тижорат банклари фойдасига таъсир этувчи кўрсаткичлар Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари, Марказий банкнинг даврий статистик бюллетени ҳисоботлари асосида маълумотлар базаси шакллантирилди[1] (1-жадвал).

1-жавдал

Тижорат банклари фойдасига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар

N	Йиллар	y	x_1	x_2	x_3	x_4
1	2000	20	28,2	1068	225	39,5
2	2001	39	26,6	2076	276	36,2
3	2002	56	21,6	2966	502	32
4	2003	64	3,8	3367	715	13
5	2004	73	3,7	3860	791	12,2
6	2005	80	7,8	4215	824	16
7	2006	86	6,8	4549	930	15,9
8	2007	102	6,8	5349	1055	15
9	2008	171	7,8	8980	1333	16,6
10	2009	207	7,4	9974	1761	15,9
11	2010	261	7,3	12480	2656	13,8
12	2011	309	7,6	15927	3101	14,3
13	2012	413	7	23251	4220	13,6
14	2013	571	6,8	26347	4662	15,6
15	2014	724	6,1	30967	5655	15,3
16	2015	915	5,6	53252	6320	13,9
17	2016	1153	5,7	57552	8460	13,9
18	2017	1844	14,4	106345	19993	18,5
19	2018	3197	14,3	155328	24231	21,8
20	2019	4675	15,2	223263	52467	24,8
21	2020	5642	11,1	316098	58162	18,8

Бу ерда: *Y -банк фойдаси (млрд сўм)*
X_1 – инфляция (фоизда)
X_2 – банк тизимининг рискка тортилган активлари, жами (млрд сўм)
X_3– банк регулятив капитали (млрд сўм)
X_4 – банк кредит фоизлари ўртачаси (фоизда)

Жадвалда Ўзбекистон тижорат банкларининг фойдаси, инфляция даражаси, банк тизимининг рискка тортилган активлари, тижорат банклари регулятив капитали, банк кредитларининг йиллик ўртача фоиз ставкалари ҳақида 2000-2020 йиллар 1 январь ҳолатига маълумотлар келтирилган.

Тижорат банклари фойдаси ҳажмига таъсир кўрсатувчи банкнинг рискка тортилган активлари орасидаги таҳлилида Алмон моделларидан фойдаланилди.

Алмон усули ёки Алмон лаглари *L* лагнинг пировард қиймати ва лагнинг полиномиал структурага бўлган тақсимланган лагли моделларни ифодалаш учун фойдаланилади.

$$y_t = \beta_0 + \beta_1 x_t + \beta_2 x_{t-1} + ... + \beta_L x_{t-L} + \varepsilon_t \qquad (1)$$

Лаг структураси лаг миқдоридан келиб чиқиб омилли ўзгарувчилар параметрлари боғлиқлиги графиги ёрдамида аниқланади.

Алмон усулининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

[1] Омонов А.А. Тижорат банклари фойдасига таъсир этувчи омилларнинг коореляцион ва регрессион таҳлили.

1) Таъсир этувчи омиллар олдидаги β_i коэффициентлар i лаг қийматидан боғлиқлиги қуйидаги полиномиал функцияларда аппроксимацияланади:

а) биринчи даражали $\beta_i = c_0 + c_1 \cdot i;$

б) иккинчи даражали $\beta_i = c_0 + c_1 \cdot i + c_2 \cdot i^2;$

с) учинчи даражали $\beta_i = c_0 + c_1 \cdot i + c_2 \cdot i^2 + c_3 \cdot i^3;$

д) ёки умумий ҳолда *P*-даражали: $\beta_i = c_0 + c_1 \cdot i + c_2 \cdot i^2 + ... + c_p \cdot i^p.$

Қўйилган масаланиинг ечимини топиш учун Excel электрон жадвалидан фойдаланамиз. Натижалар қуйидагича бўлди.

2-жавдал

Алмон усули натижалари

N	Йиллар	y	x	z0	z1	z2
	Ўтган йили	20	225			
1	2001	39	276			
2	2002	56	502			
3	2003	64	715	179	3425	8719
4	2004	73	791	232	4305	10481
5	2005	80	824	273	4769	11295
6	2006	86	930	303	5229	12457
7	2007	102	1055	341	5849	14039
8	2008	171	1333	439	7039	17147
9	2009	207	1761	566	9004	22236
10	2010	261	2656	741	12823	32281
11	2011	309	3101	948	16376	40294
12	2012	413	4220	1190	21518	53040
13	2013	571	4662	1554	25527	61939
14	2014	724	5655	2017	30509	73763
15	2015	915	6320	2623	34932	84162
16	2016	1153	8460	3363	43675	107075
17	2017	1844	19993	4636	83219	220097
18	2018	3197	24231	7109	121139	306511
19	2019	4675	52467	10869	225856	589120
20	2020	5642	58162	15358	303651	757557

Энди регрессия тенгламасининг параметрлари қуйидагича топилди:

$$y = -27,45 + 0,48 z_1 - 0,07 z_2 + 0,025 z_3, (3).$$

Юқоридаги маълумотлар асосида (1) формуладан фойдаланиб ушбу натижага эга бўламиз:

$$y_t = -25,45 + 0,4854 x_t + 0,4415 x_{t-1} + 0,4488 x_{t-2} + 0,7155 x_{t-3}, (4)$$

Моделнинг зичлиги ва адекватлигини баҳолаш учун *Фишер мезонидан фойдаланилади.*

Ҳисобланган $F_{хис} > F_{жад}$ эканлиги келиб чиқса, $\tilde{y}$ - омилнинг келажакдаги қийматларини регрессия тенгламаси орқали башорат қилиш мумкин бўлади. Бунда $F_{хис}$=*1038,5*> $F_{жад}$= 2,34.

Кўп омилли корреляция коэффициенти x_t, x_{t-1} *,...,* x_{t-L} *омиллар билан натижавий кўрсаткич* ***y*** *орасидаги боғлиқликнинг зичлигини аниқлайди.*

Дисперсион таҳлилдан фойдаланилиб кўп омилли корреляция коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R = \sqrt{\frac{SS_{umum}}{SS_{omil}}} = \sqrt{1 - \frac{SS_{qoldiq}}{SS_{omil}}} = 0{,}998523$$

эканлигидан регрессия тенгламасининг муҳимлиги келиб чиқди.

Мақолада тижорат банкларида *y – банк фойдаси (млрд сўм)га таъсир этувчи омил x – банк регулятив капитали (млрд сўм орасидаги боғланиш аниқланган. Корреляция коэффициенти* $R = \sqrt{\frac{SS_{umum}}{SS_{omil}}} = 0{,}99$ эканлигидан натижавий ва таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланиш кучлилиги тасдиқланди.

Регрессия тенгламаси

$$y_t = -25{,}45 + 0{,}4854\,x_t + 0{,}4415\,x_{t-1} + 0{,}4488\,x_{t-2} + 0{,}7155\,x_{t-3}$$

нинг муҳимлиги Фишер мезонига кўра $F_{his} = \frac{MS_{omil}}{MS_{qoldiq}}$, $F_{his} = 1038{,}5$ қиймат жадвалдан топилган қиймат $F_{жад}$= 2,34 дан катта.

Демак, дитерминация коэффициенти шуни кўрсатиб турибдики, фойданинг 98 % вариацияси банк регулятори билан, 2 % га вариацияси бошқа омиллар билан шартлашган.

Хулоса ва таклифлар. Тижорат банклари фойдасига таъсир этувчи кўрсаткичлар билан боғлиқ муаммолар доирасида амалга оширилган тадқиқотлар, ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муддатли депозитлар муҳим аҳамият касб этади;
- Ўзбекистон тижорат банклари фойдани максималлаштириш борасида кенг имкониятларга эга, булардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади;
- тижорат банклари фйодасига таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли оптималлаштириш, банкларга депозитларни жалб этишда аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, депозитлар бўйича фоиз тўловларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан девальвация даражаси муҳим аҳамият касб этади;
- тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, нафақат уларнинг фаолиятига балки, мамлакатда иқтисодий ўсишга, монетар сиёсатнинг самарадорлигига, аҳолининг тўлов қобилиятига ва бошқа қатор масалаларга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз тижорат банклари фойдаси ҳажмига таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш, тижорат банкларида депозитлар барқарорлигини таъминлайдиган стратегия ишлаб чиқарилиши лозим. Бунинг учун аввало, мижозларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини оширадиган маркетингни ривожлантириш, тижорат банклари учун депозит базасининг асосини ташкил қилувчи мижозлар гуруҳини аниқлаш ва уларга комплекс депозит-ссуда хизматини таклиф қилиш, мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Б.Беркинов. Эконометрика. Ўқув қўлланма. Тошкент.: “Фан ва технология”, 2015 й. -164 бет.
2. Шодиев Т.Ш., Хакимов Т.Х. ва бошқалар. Эконометрика. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2007 йил.
3. Кувайскова, Юлия Евгеньевна. Эконометрика: учебное пособие / Ю. Е. Кувайскова. *– Ульяновск: УлГТУ, 2017. – 166 с.*
4. Қўшбоқов Абдуҳамид Норжигитович, Рахимов Абдулахад Нематович. Кластер тизими ва бозор иқтисодиёти муносабатлари. «Интернаука»: научный журнал – №

43(219). Часть 4. Москва, Изд. «Интернаука», 2021. – 84 с. ISSN 2687-0142
5. Рахимов Абдулахад Нематович. Кластер тизими қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишининг асоси. Инновационные подходы в современной науке. сб. ст. по материалам LXIX междунар. науч.-практ. конф. – № 9 (69). Часть 2 – М., Изд. «Интернаука», 2020. – 164 с. ISSN 2587-8603

С.Рахимов

Эконометрический анализ прибыли коммерческих банков

Аннотация: В статье проведен корреляционно-регрессионный анализ уровня инфляции, рисковых активов, капитала банка и среднегодовых средневзвешенных процентных ставок по кредитам, влияющих на прибыль в филиалах коммерческих банков Узбекистана в 2000-2020 гг. Теоретически и практически изучено влияние этих факторов на прибыль банка и создана модель зависимости их влияния на конечный фактор (прибыль).

Ключевые слова: банк, прибыль, инфляция, риск, капитал, процент ссуды, критерий Фишера, коэффициент детерминации, индекс вариации.

S.Rahimov

Econometric analysis of profit of commercial banks

Abstract: The article carried out a correlation-regression analysis of the level of inflation, risky assets, bank capital and average annual average weighted interest rates on loans that affect profits in branches of commercial banks in Uzbekistan in 2000-2020. The influence of these factors on the bank's profit has been studied theoretically and practically, and a model of the relationship between their influence on the final factor (profit) has been created.

Keywords: bank, profit, inflation, risk, capital, loan percentage, Fisher criterion, coefficient of determination, variation index.

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ “Молия” кафедраси доценти, PhD
Шавкат Фарходович Муродов – СамИСИ “Молия” таълим йўналиши талабаси

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ВЕНЧУР КАПИТАЛИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЖАҲОН ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ

Аннотация: мақолада инвестиция лойиҳаларини венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг жаҳон илғор тажрибаси ўрганилган ҳамда уларни қўллашга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: венчур капитали, венчур бизнеси, инновацион маҳсулот, инновацион ривожланиш.

Кириш. Бозор иқтисодиётининг барча соҳаларида, жумладан, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналардан даромадларини кўпайтириш ва бозордаги улушларини сақлаб қолиш учун, улардан доимо инновацион лойиҳалар, технологиялар ва маҳсулотларни ўз фаолиятларига жорий этишни талаб этади. Ҳозирги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган, мамлакатимиз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбари томонидан илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, венчур бизнесини мамлакатимизга жорий қилиш, бунинг учун зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, инновацион ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни молиялаштириш билан боғлиқ барча вазифалар қўйилган.

Венчур бизнесини молиялаштиришда мамлакатимизда ҳали етарли даражада тажриба шаклланган йўқ ва бунинг учун албатта иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли Қарорининг қабул қилинганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади[1]. Ушбу қарорда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Венчур капитали фондларининг юзага келиши, венчурли инвестициялаш жараёни таҳлили, венчур капиталида ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари, венчур капиталини инвестициялаш босқичлари ва венчур капиталининг инновацион фаолият жадаллашувига таъсири каби масалалар “Massachusetts Institute of Technology” олимлари П.Гомперс ва Ж.Лернерларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Шу билан биргаликда, янги ташкил этилаётган инновацион корхоналар фаолиятини ривожланишида венчур капиталининг роли ва аҳамияти, Селикон водийсида ташкил этилган корхоналарни молиялаштиришда венчур капиталидан фойдаланишнинг тажрибаси ва венчур капиталини инвестициялашнинг анъанавий шаклларидан ажратиб турувчи хусусиятлари Т.Хеллман ва М.Пуриларнинг ишларида атрофлича қараб чиқилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларидан самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон амалиётида инновацион лойиҳаларни ва туристик корхоналарни молиялаштириш усули, ўз хусусиятларига ва инфратузилмасига эга бўлган венчур капитали бозори яратилган. Айнан венчур капитали ривожланган мамлакатларда инновацион лойиҳаларни молиялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташқи манбаларни қўллаш имконияти йўқлигида, илмий янгиликларни молиявий негизи бўлиб хизмат қилади. Венчурли инновацион лойиҳалаштириш инвестицияни юқори даромад келтирадиган соҳага киритиш ва инновацияларни жорий қилишнинг самарали механизми учун маблағ манбаи сифатида етарлича эътиборни ўзига тортади. Турли минтақа ва давлатларда инновацион венчурли молиялаштиришнинг ривожланиши, ушбу мамлакатларнинг ўсиш суръатининг ортишига олиб келади. Қуйида инновацион венчур бизнесини жорий қилиш орқали иқтисодиёти янада ўсиб бораётган бир қанча давлатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз.

Венчур капиталининг келиб чиқиши ва илк ривожланиши 1946 йилда АҚШда бошланган бўлиб, бошқа давлатлардан 30 йилча аввал пайдо бўлган ва кейинчалик Европага тарқалиб кетган. АҚШ ҳозиргача венчур капитали саноатида асосий етакчи ҳисобланиб келинмоқда.

Венчур капиталининг пайдо бўлишига асосий сабаб, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин АҚШда юқори сармоя ва илмий салоҳият мавжуд бўлган. Уруш оқибатида жуда кўп кичик инновацион корхоналар ташкил топган, натижада, юқори таваккалчиликка эга бўлган ушбу инновацион корхоналарни тўғридан-тўғри инвестициялаш мақсадида, 1946 йилда венчур капитали ёрдамида инвестициялаш мақсадида биринчилар қаторида Америка Тадқиқот ва Ривожланиш (инг. American Risearch and Development, ARD) фонди ташкил этилган. 1950 йилнинг ўрталарига келиб венчур капитали, ушбу, кичик инновацион корхоналарни молиялаштиришнинг асосий манбаига айланиб қолган.

Венчур капиталининг шиддат билан ривожланиши Силикон водийсида кузатилган бўлиб, 1957 йилда Инвестиция банки ходими Артур Рок Клейнер лойиҳасини, хусусан, янги хилдаги кремний транзисторини ишлаб чиқаришни молиялаш мақсадида, Уолл Стрит 1,5 млн. АҚШ долларини йиғиб берган ва инновацион ғоя молиялаштирилиб амалиётга жорий қилинган. Шу тариқа Силикон водийсида барча ярим ўтказгич компанияларининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Қарори.

етакчиси ҳисобланган “Fairchild Semiconductors”га асос солинган, сўнгра Intel ва Apple Computer компаниялари ташкил этилган. 1984 йилга келиб Артур Рокнинг номи муваффақият синонимига айланган ва у «венчур капитали» атамасини ишлатган биринчи шахс бўлиб ҳисобланган[1].

Компьютер бизнесининг ҳозирги гигантлари DEC, Apple Computers, Compaq, Solectron, Brookstone, Sun Microsystems, Microsoft, Lotus, Intel, GenenTech, Sports Authority, Au Bon Pain, Federal Express кўп жиҳатдан венчур капитали туфайли ҳозирги мавқеига эришган. Бунинг устига, шахсий компьютерлар ва биотехнология каби янги тармоқларнинг жадал ўсиши асосан венчур инвестициялари иштирокида рўй берган.

1958 йилда Конгресс, янги корхоналар учун активларнинг етишмовчилигини кўрсатган Федерал захира банкининг 1957 йилдаги тадқиқотига жавобан, янги корхоналарни венчур капитали билан таъминлаш мақсадида Кичик бизнес бошқармаси (инг. Small Business Administration, SBA) томонидан лицензияланган хусусий корпорациялар кичик бизнесни инвестициялаш Компанияси (инг. Small Business Investment Company, SBIC)ни яратиш тўғрисида Фармон чиқарган.

1970 йилларда АҚШ венчур капитали билан боғлиқ бир қатор ўзгаришларни амалга оширган. Янги қонунлар қабул қилинган ва солиқ тизимида ўзгаришлар жорий қилган. Фойда солиғи камайтирилган ва пенсия ажратмаларининг хавфсизлиги таъминланган, натижада, пенсия жамғармалари маблағларининг бир қисмини (5 фоизи) венчурли капиталига йўналтирилган. Венчур капитали бозорида пенсия жамғармаси ҳисобидан инвестициянинг кўпайиши натижасида, лойиҳалар кўпайиб борган, лекин кейинчалик тажрибасиз инвесторларнинг кўпайиши оқибатида венчур капитали бозорида катта йўқотишлар вужудга келган. Агар пенсия жамғармалари тўғрисида қонун қабул қилинишидан олдин, АҚШда венчур капитали қўйилмалари бўйича ўртача даромадлилик даражаси 50 фоиздан ошган бўлса (1980 йилда), унда кўпгина тажрибасиз инвесторлар фаолияти оқибатида ушбу кўрсаткич 0 фоизга тушиб кетган (1984 йилда) ва 1990 йилгача ушбу кўрсаткич 15 фоиздан ошмаган[2]. Буларнинг барчаси инвестиция сиёсатида ўзгартиришлар қилинишига олиб келди ва корхоналар аралаш молиялаштириш тизимига ўта бошлади. 1994-1998 йиллар оралиғида бошланғич капитали 1,8 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган 138 та янги SBICлар лицензия олишган[3].

Европада венчур капитали 1980 йиллар охирида пайдо бўлган. Европа венчур капитали АҚШ венчур капитали каби инновацияларни жорий қилишда муҳим манба ҳисобланмаган. Европа венчур бизнеси кичик ва ўрта корхоналарни, айниқса уларни кенгайиш босқичида ривожлантириш ва ҳақиқий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Европа венчур бизнесининг инфраструктура ривожланиши асосий босқичлари кўп жиҳатдан АҚШ тажрибасини такрорлаган. 1983 йилда тўғридан-тўғри инвестициялаш ва Европа венчур капитали уюшмаси (EVCA)га асос солиниши венчур саноати вакиллари ва Европа комиссиясининг ўзаро биргаликдаги ташаббуси натижасида амалга ошган. Уюшма фаолияти Европада венчур бизнесини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган. Уюшманинг асосий стратегик вазифалари бўлиб, венчурли молиялаштирилишга институционал инвесторларни жалб қилиш, Европа тузилмаларидаги ўз аъзолари ва венчур саноатининг бошқа иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, венчур капиталининг чиқиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳисобланган.

Осиёлик венчур инвесторлар ўзларининг АҚШлик ҳамкасбларига нисбатан капитални етук компанияларга киритишга кўпроқ мойилдирлар. Японияда венчур капиталининг энг йирик манбалари тўпланган: корпорациялар (46%), банклар (30%) ва

[1]Гулькин П. «Международный опыт оформления венчурной деятельности», в сб. «Венчурное инвестирование в России.Юридические аспекты)», РАВИ, 2001.

[2]Шатин И.А. Эволюция рынка венчурного инвестирования в развитых экономиках (на примере США). Вестник Челябинского государственного университета. 2010. № 27 (208). Экономика. Вып. 29. С. 42–46.

[3] Малкина М.Ю. Анализ особенностей взаимодействия государства и бизнеса в инновационном процессе. Экономический анализ: теория и практика. 2011. № 14.

суғурта компаниялари (10%). Кўпгина Япон венчур фондлари – катта корпорацияларнинг филиаллари ҳисобланади.

Тайванда 1970 йиллар ўрталарида, ушбу давлатнинг эътиборини асосий технология бозорларига қаратиш учун миллий лаборатория – Саноат технологияларини ўрганиш институти (ITRI)га асос солинган. Тайвань ҳукумати кўплаб ёш компаниялар учун менежерларга маблағлар ажратиб, уларни ишга ёллаган. Тайвань ҳукуматининг ёрдамига қўшимча ҳолда энг йирик тайванлик компаниялар кўп йиллар мобайнида Тайвань корхоналарининг бошланғич молиялаштирилишини таъминлаган.

Жанубий Корея ҳукумати хорижий венчур капиталининг юқори технологияли янги компанияларни яратишдаги ролини тан олган. Шунга амал қилиб, Корея ҳукумати, давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқот институтлари ёрдамида ривожлантирилган технологияларни тижоратлаштиришга уриниб кўриш мақсадида 1974 йилдан 1984 йилгача бўлган даврда венчур капитали иштирокида илк тўртта фирмани ишга туширган.

Халқаро тажрибада венчурли бизнесда дастлабки босқичларданоқ юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, инвестициялаштирилган жараёнларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самарага эришилмаса молиялаштирилган маблағдан ажралиб қолиш мумкин. Бизнеснинг бу турига илм-фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижаларини молиялаштириш кўпроқ мос келади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, венчур фондини янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр турган ягона инвестор деб айтиш мумкин. Бундай кўринишдаги кредит маблағларига эҳтиёж асосан энди иш бошлаётган тадбиркор, олим, тадқиқотчи, инженер ва кашфиётчиларда юзага келиб, улар ўзига хос, антиқа ғояларни ва истиқболли ишланмаларни мустақил равишда амалга оширишни мақсад қилиб қўйишади. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасида венчурли инновацион молиялаштиришни ташкиллаштириш жараёни олимларимиз, давлат вакиллари ва амалиётчилар томонидан деярли ўрганилмаган, амалиётда эса илмий ва услубий жиҳатдан асоссиз бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиёти тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда туризм соҳасида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш венчурли усулини қўллаш таклиф этилди. Айнан венчур капитали инновацион лойиҳаларни молиялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташқи манбаларни қўллаш имконияти йўқлигида, илмий янгиликларни молиявий негизи бўлиб хизмат қилади, деган хулоса чиқарилди.

З.Мухаммедова, Ш.Муродов

Мировой опыт финансирования инвестиционных проектов за счет венчурного капитала

Аннотация: в статье рассматривается передовой мировой опыт финансирования инвестиционных проектов за счет венчурного капитала и вырабатываются предложения по их применению.

Ключевые слова: венчурный капитал, венчурный бизнес, инновационный продукт, инновационное развитие.

Z.Mukhammedova, Sh.Murodov

World experience in investment projects financing through venture capital

Abstract: the article discusses the best world experience in investment projects financing through venture capital and develops proposals for their applying.

Keywords: venture capital, venture business, innovative product, innovative development.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Комил Бахрамович Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Эркин Джамалдинович Муйдинов – Colligium Humanum Варшава менежмент университети Андижон филиали доценти, и.ф.н.

КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ЮРИТИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ (2-мақола)

Аннотация. Ушбу иккинчи мақолада корхоналарда асосий воситаларни МҲХСларга мувофиқ ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.
Калит сўзлар: МҲХС, БҲМС, асосий воситалар, тан олиш, тан олишни тўхтатиш, баҳолаш, қайта баҳолаш, эскириш, қадрсизланиш.

Кириш. Корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи активларда асосий воситалар муҳим ўрин тутади. Айнан ушбу активлар корхоналар фаолиятини юритиш ва ривожлантиришнинг муҳим гарови ва омилидир. Халқаро амалиётда компаниялар асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш махсус “Асосий воситалар” деб номланган 16-сон БҲХС (IAS) билан тартибга солинган. Бизнинг республикамизда, корхоналарнинг асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”[1] ҳамда 21-сон БҲМС “"Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"[2]да белгиланган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда амалда бўлган ушбу миллий стандартларимиз корхоналар асосий воситаларига доир халқаро амалиётда қабул қилинган кўплаб тартибларга тўлиғича мос эмас. 16-сон БҲХС (IAS)да белгиланган тартибларни амалиётда қўллаш бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан янгича билим ва кўникмаларни ҳосил қилишни тақозо этмоқда. Айнан шулар ҳозирги кунда республикамизда корхоналар асосий воситаларига доир 16-сон БҲХС (IAS)да белгиланган тартибларни амалиётга жорий этиш йўлларини чуқур тадқиқ этишни долзарб қилиб қўймоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикамизда охирги йилларда МҲХСларини корхоналар амалиётига жорий масалалари борасида кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар чоп этилди. Улар сирасига, чунончи олимларимиздан С. Ташназаров, Д.Нарбеков, Ш.Рахмонов, А.Тураев, Ш.Эргашева, А. Ибрагимов, Н. Ризаев, И. Ибрагимова, Ж. Қурбанбаев, С Джуманов, К.Уразов, М. Пўлатов, Э. Мўйдинов ва бошқалар[3] қаламига мансуб ишларни киритиш мумкин. Шубҳасиз, ушбу ишлар республикамизда асосий воситалар бўйича МҲХСларда белгиланган тартиб-қоидаларни корхоналар амалиётига жорий этишда муҳим ўрин тутади.

Тадқиқот методологияси. МҲХСларга кўра корхоналар асосий воситаларини ҳисоб

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 октябрда, 114-сон буйруқ билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилган, № 1299

[2] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда 103- сон буйруқ билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябр рўйхатдан ўтказилган, № 1181

[3] Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 584-б; Нарбеков Д., Рахмонов Ш., Тураев А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018; . Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 227 б; Уразов К.Б.,Пўлатов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyotmatbaa uyi», 2021, -560 бет; Мўйдинов Э.Д. ва бошқалар.Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари: 1000 та тестга 1000 жавоб. Ўқув қўлланма.-Тошкент, “Иқтисодиёт дунёси”, 2020, -435 б; Хамдамов Б.К., Ибрагимов К.Ш. Совершенствование бухгалтерского учета в Узбекистане на основе международных стандартов финансовой отчетности. //Ж.Халқаро молия ва ҳисоб. -2017.-№1. -1-8-б; Қурбанбаев Ж., Джуманов С. Бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш йўллари // Ж.Молия. 2016 й. №1, 99-104-б.

ва ҳисоботда акс эттиришнинг амалий масалаларини тадқиқ қилишда биз томонимиздан тизимли ёндашув, дедукция, индукция, таҳлил, таққослаш, қийматни баҳолашнинг дисконтлаш ва бошқа усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. 16-сон БҲХС (IAS) “Асосий воситалар” ва 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”нинг таққослама таҳлили улар ўртасида турли фарқли жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди. Қуйида ҳисоб ходимлари учун муҳим аҳамиятга молик бўлган асосий фарқларга тўхталамиз.

Стандартларни мақсади ва қўллаш доираси бўйича.

5-сон БҲМС “Асосий воситалар”нинг мақсади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган асосий воситалар ҳисоби услубиётини аниқлаш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур стандарт тармоқ хусусиятларидан қатъи назар барча корхоналардаги асосий воситаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

16-сонли БҲХС (IAS) бошқа стандартлар ҳисобга олишни ўзгача тартибини талаб этган ёки рухсат этган ҳоллардан ташқари, асосий воситаларни ҳисобга олишда қўлланиши лозим. Ушбу халқаро стандартнинг 3-моддасига кўра у қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:

(а) 5-сон МҲХС (IFRS) “*Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган асосий воситаларга;

(б) 41-сон БҲХС (IAS) “*Қишлоқ хўжалиги*”га мувофиқ қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активларга, ҳосилдор ўсимликлар бундан мустасно. Мазкур стандарт ҳосилдор ўсимликларга нисбатан қўлланади, лекин ҳосилдор ўсимликлардан олинган маҳсулотларга нисбатан қўлланмайди;

(в) фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш активларини тан олиш ҳамда баҳолашга (ушбу активлар 6-сон МҲХС (IFRS) “*Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш*” билан тартибга солинади);

(г) нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмалардан фойдаланиш ҳуқуқларига ва фойдали қазилмаларнинг захираларига.(бироқ, мазкур стандарт (б)–(г) бандларда кўрсатилган активларни қазиб олиш ёки сақлаб туриш учун фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланади.

(д) инвестиция кўчмас мулкига нисбатан (ушбу активлар ҳисоби 40-сон БҲХС (IAS) “*Инвестицион кўчмас мулки*”га мувофиқ тартибга солинади ва бунда корхона ўз балансида бўлган инвестицион кўчмас мулк ҳисобини юритишда бошланғич қиймат моделидан фойдаланиши лозим).

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, 16-сон БҲХС (IAS) фойдаланишдаги асосий воситалар ҳисобининг умумий талабларини белгилайди. Турли соҳалардаги ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган асосий воситаларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари алоҳида БҲХС ва МҲХСлар билан белгиланади.

Асосий воситалар таърифи, таркиби ва тан олиниши бўйича.

16-сон БҲХС (IAS), 6-модда	**5-сон БҲМС, 3а модда**
6.**Асосий воситалар** – бу қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлардир: (а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, ёки хизматлар кўрсатиш ёки бошқа томонларга ижарага бериш ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун сақланадиган; ва (б) бир даврдан ортиқ муддат давомида фойдаланилиши кутиладиган.	3.а) **Асосий воситалар** — корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар; 4. Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

7 Асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати фақат ва фақат қуйидаги мезонлар бажарилганда актив сифатида тан олинади: (а) ташкилотга мазкур объект билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса; ва (б) объектнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.	а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати; б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар. Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Келтирилган маълумотлардан бу борада мазкур стандартларда бир неча муҳим фарқлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Биринчидан, 16-сон БҲХС (IAS)да асосий воситалар таркибига киритилиши учун моддий активдан иқтисодий наф олиниши эҳтимоли бўлиши ва қабул қилинаётган объектни бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлиши лозим. Шунинг учун 5-сонли БҲМСда асосий воситалар сифатида санаб ўтилган ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар 16-сон БҲХС (IAS)да фақат ва фақат юқорида келтирилган меъзонларга жавоб берсагина асосий воситалар деб тан олинади. Бу тартиб яроқсиз ҳолатга келган, лекин корхона балансида турган ёки яроқли бўлса ҳам фойдаланилмаётган активларга ҳам тегишли. 16-сон БҲХС (IAS) талабларига кўра бундай моддий қийматликлар молиявий ҳисоботда асосий воситалар таркибида кўрсатилиши мумкин эмас.

Шу билан бирга 16-сон БҲХС (IAS)нинг 11-моддаси белгиланган тартибдан четга чиққан ҳолда асосий воситани тан олиш мумкинлигини шартига мисол келтиради. Унга кўра, асосий воситалар объектлари хавфсизликни таъминлаш ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида харид қилиниши мумкин. Бу каби асосий воситаларни харид қилиш, мавжуд бўлган муайян асосий восита объектидан олинадиган келгуси иқтисодий нафни бевосита оширмаса-да, корхонага бошқа активлардан келгуси иқтисодий наф олиш учун зарур бўлиши мумкин. Бундай асосий воситалар объектлари актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб беради, чунки улар ёрдамида корхона томонидан тегишли активлардан олинадиган келгуси иқтисодий наф бундай объектлар харид қилинмаганида олиниши мумкин бўлган нафдан ортиқ бўлади. Масалан, кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи завод хавфли кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва сақлаш учун экологик талабларга риоя этиш мақсадида янги кимёвий моддалар билан ишлаш технологияларини жорий этиши мумкин; ишлаб чиқариш корхонасини бундай такомиллаштиришлар актив сифатида тан олинади, чунки уларсиз ушбу корхона кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва сотиши мумкин бўлмасди.

Иккинчидан, 16-сон БҲХС (IAS)да 5-сон БҲМСдан фарқли ўлароқ, объектни асосий восита таркибига қабул қилишнинг муҳим шартларидан бири сифатида унинг бир бирлиги (тўплами) учун қиймат ўлчови белгилаб қўйилмаган. 16-сон БҲХС (IAS) 9-моддасига кўра мазкур стандарт тан олиш мақсадлари учун ўлчов бирлигини, яъни асосий восита объекти айнан нимадан ташкил топишини белгиламайди. Шунинг учун, корхонанинг ўзига 5-сон БҲМСнинг 4-модда “б” бандининг давомида келтирилганидек, хос шарт-шароитларида тан олиш мезонларини қўллашда мулоҳаза талаб этилади. 16-сон БҲХС (IAS)га кўра, 5-сон БҲМСдан фарқли ўлароқ, айрим ҳолларда шаблонлар, асбоблар ва қолиплар каби алоҳида аҳамиятли бўлмаган объектларни жамлаш ва тан олиш мезонларини жамланган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин.

16-сон БҲХС (IAS)нинг 8-моддаси моддий қийматларни асосий восита деб тан олиниши мумкин бўлган яна бир ҳолатини баён қилади.Унга кўра эҳтиёт қисмлар, захирадаги ва ёрдамчи ускуналар каби моддалар асосий воситалар таърифига жавоб берганда, улар ушбу БҲХСга мувофиқ асосий восита сифатида тан олинади. Акс ҳолда, бундай моддалар захиралар сифатида таснифланади. Бу жойда юқорида келтирилган моддий қийматликлар мураккаб асосий воситанинг яроқсиз ҳолатга келган таркибий

қисмини жорий таъмирлаш жараёнида алмаштириш учун ишлатиладиган қимматли активлар бўлиб, бундай алмаштириш натижасида асосий воситанинг фойдали хизмат муддати ортиши ва ёки унинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши рўй беради. Бундай тартиб республикамизнинг 5-сон БҲМСда назарда тутилмаган.

Асосий воситаларни таснифлаш бўйича. Асосий воситаларга доир МҲХСларга кўра тадбиркорлик субъектлари ўзларининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботларида асосий воситалар аҳамиятлилик талабини ҳисобга олган ҳолда 5-сон БҲМСда мавжуд бўлмаган қуйидаги гуруҳлар бўйича акс эттирилиши мумкин:

- инвестицион кўчмас мулк;
- сотиш учун мўлжалланган асосий воситалар;
- давом эттирилмайдиган фаолиятга тегишли асосий воситалар;
- биологик активлар.

Бундан ташқари, яроқсиз ҳолатга келган, лекин хали корхона балансида турган ва (ёки) яроқли, лекин даромад яратиш жараёнида қатнашмаётган, узоқ муддат фойдаланилмаётган, ҳамда молия муассасаларидан қарз олиш жараёнида гаровга қўйилган активлар асосий воситалар таркибидан чиқарилиб, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида шу мақсадларда очилган “Бошқа узоқ муддатли активлар” моддасида тақдим этилади.

Асосий воситаларни баҳолаш бўйича.

Активнинг тан олиш мезонларига жавоб берадиган асосий восита объекти МҲХС ва БҲМС бўйича ҳам бошланғич қиймат бўйича баҳоланиши лозим.

5-сон БҲМС дан фарқли ўлароқ 16-сон БҲХС (IAS)да активнинг бошланғич қийматига асосий восита харид қилинган пайтда ёки ундан маълум давр мобайнида захираларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш даври мобайнида асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш учун қилинадиган сарфлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олган ташкилотнинг ушбу сарфлар бўйича дастлабки ҳисоб баҳоси киритилади.

Мисол 1. “Х” корхона 900 млн. сўмга асосий восита сотиб олди. Ердан фойдаланиш бўйича берилган ҳуқуқига кўра объектни 20 йилдан кейин демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у эгаллаган ер майдонида табиий ресурсларни қайта тиклаш мажбурияти юклатилган.

Ушбу ишларни бажариш харажатлари қуйидагилардан иборат (млн.сўм) :

Машина ва механизмлар хизмати - 20
Иш ҳақи харажатлари - 8
Бошқа харажатлар - 12
Жами харажатлар - 40

Шу даврдаги корхона капиталининг қиймати 10% ни ташкил қилади.

1-йил

Асосий воситани сотиб олиш қийматига

Дт Асосий воситалар 900 млн сўм
Кт Етказиб берувчилар 900 млн сўм

Асосий воситани демонтаж қилиш ва олиб ташлаш хамда у эгаллаган ер майдонида табиий ресурсларни қайта тиклаш сарфлар бўйича дастлабки ҳисоб баҳоси

$$PV = \frac{40 \text{ млн.сўм}}{1/(1+0{,}1)^{20}} = 40 \times 0{,}1486 = 6{,}0 \text{ млн сўм}$$

Дт Асосий воситалар (Демонтаж харажатлари) 6,0 млн сўм
Кт Асосий воситани демонтаж қилиш бўйича резерв 6,0 млн сўм

2-йил 20 млн.сўм

$$PV = \frac{}{1/(1+0{,}1)^{19}} = 20 \times 0{,}1635 = 6{,}54 \text{ млн сўм}$$

(6,54 млн.сўм – 6,0 млн.сўм) = 0,54 млн.сўм

Дт Молиявий харажатлар - 0,54 млн сўм

Кт Асосий воситани дем.қилиш бўйича Резерв - 0,54 млн сўм.

Асосий воситалар объекти ундан раҳбарият томонидан кўзланган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилганда, бу объектнинг баланс қийматида сарфларнинг тан олиниши тўхтатилади. Шу боис, объектдан фойдаланиш жараёнида ёки объектни жойини ўзгартиришда амалга оширилган сарфлар ушбу объектнинг баланс қийматига киритилмайди.

16-сон БҲХС (IAS)нинг 23-моддасига кўра асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати тан олиш санасида пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нархга тенг бўлади. Агар тўловни одатий кредитлаш шартларидан ташқарида бўлган кечиктириш орқали амалга оширилса, пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нарх ва барча тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ, агар у 23-сон БҲХС (IAS)га мувофиқ капиталлаштирилмаса, кредитлашнинг бутун муддати мобайнида фоиз харажатлари сифатида тан олинади.

Мисол 2. “Y” корхонаси офис биносини сотиб олишни режалаштирмоқда. Бино эгаси уни сотиш бўйича корхона раҳбариятига 2 та усулни тавсия этди. Таклифга кўра корхона бино қийматини бирданига тўлиқ тўлашга рози бўлса, уни 500 млн сўмга, агар тўловни 3 йил давомида амалга оширишни маъқул кўрса, 400 млн.сўмини бирданига тўлаган ва 180 млн сўмига 3 йиллик кечиктиришга эга бўлган ҳолда сотиб олиши мумкин.

Корхона мазкур офис биносини тўлов муддатини кечиктириш йўли билан сотиб олишни маъқул деб топди.

Бу ҳолат 16-сон БҲХС (IAS) бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади.

1. Бино учун бирданига тўланиши керак бўлган сумма тан олинганда

Дт Асосий восита 400 млн. сўм

Кт Тўланадиган ҳисобварақ 400 млн. сўм

2.Тўлов муддати кечиктирилган сумманинг 1 йилдаги қийматига

(180 млн.сўм/3 йил) = 60 млн.сўм

Дт Фоиз кўринишидаги харажатлар 60 млн.сўм

Кт Тўланадиган фоизлар 60 млн.сўм

16-сон БҲХС (IAS)нинг 23-моддаси ҳамда 20-сон БҲХС (IAS) “*Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”га мувофиқ кирим қилинаётган асосий воситалар объектининг баланс қиймати давлатдан олинган субсидиялар суммасига камайтирилиши мумкин. Бундай тартиб республикамизнинг 10-сон БҲМС “Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар”да ҳам назарда тутилган. 20-сон БҲХС (IAS)нинг 13-моддаси давлат субсидияларини ҳисобга олиш тартибига оид иккита асосий ёндашув мавжудлигини таъкидлайди:

(1)-усул капитал ёндашуви бўлиб, бунда субсидия фойда ёки зарардан ташқарида тан олинади;

()-усул даромад ёндашуви бўлиб, бунда субсидия бир ёки бир нечта даврлар мобайнида фойда ёки зарарда тан олинади.

Мисол 3. “Z” корхонаси 15% ли ҚҚС билан 352 941 минг сўмга қишлоқ жойда ишчи ўрни яратиш учун ускуналар сотиб олди. Мазкур лойиха бўйича давлат субсидияси суммаси 100 000 минг сўмни ташкил қилади.Ушбу ускунанинг фойдали хизмат муддати компания мутахассислари томонидан 10 йил қилиб белгиланган бўлиб унга шу давр ичида тўғри усулда эскириш ҳисобланиб борилади. Шунга кўра давлат субсидияси 10 йил давомида даромад сифатида тан олинади.

Биринчи усул.

Ускунани сотиб олиниши ва давлат субсидиясини тақдим қилинишига

Дт Асосий воситалар 300 000 минг сўм

Дт ҚҚС (камайтиришга) 52 941 минг сўм
Кт Пул маблағлари 352 941 минг сўм

Дт Дебиторлик қарзи 100 млн.сўм
Кт Келгуси давр даромадлари 100 млн.сўм

Мазкур ускуналар бўйича фойдаланишнинг 1-йили учун ҳисобланган эскириш (300 000 минг сўм / 10 йил = 30 000 минг сўм) суммасини давлат субсидиясининг қисми ҳисобига камайтирилишига

Дт Эскириш харажатлари 30 000 минг сўм
Кт Ускунанинг эскириши 30 000 минг сўм
Дт Келгуси давр даромадлари (давлат субсидияси) 10 000 минг сўм
Кт Молиявий фаолият даромадлари (давлат субсидияси) 10000 минг сўм.

Баланс тузиш санасига ускунанинг баланс қиймати 270 000 минг сўмни ташкил қилади.

(300 000 – 30 000) = 270 000 минг сўм

Иккинчи усул. *Ускунани сотиб олиниши ва давлат субсидиясини тақдим қилиниши*

Дт Асосий воситалар 300 000 минг сўм
Дт ҚҚС (камайтиришга) 52 941 минг сўм
Кт Пул маблағлари 352 941 минг сўм
Дт Дебиторлик қарзи 100 млн.сўм
Кт Асосий воситалар 100 млн.сўм

Мазкур ускуналар бўйича фойдаланишнинг 1-йили учун эскириш ҳисобланди (200 000 минг сўм / 10 йил = 20 000 минг сўм)

Дт Эскириш харажатлари 20 000 минг сўм
Кт Ускунанинг эскириши 20 000 минг сўм

Баланс тузиш санасига ускунанинг баланс қиймати 270 000 минг сўмни ташкил қилади.

(300 000 – 100 000 - 20 000) = 180 000 минг сўм

Тан олишдан кейинги баҳолаш бўйича.

Корхоналар асосий воситаларни тан олишда кейинги баҳолаш учун ўзининг ҳисоб сиёсатида 16-сон БҲХС (IAS)нинг 30- бандида назарда тутилган **бошланғич қиймат моделини** ёки 31- бандида қайд этилган **қайта баҳолаш моделини** танлаши лозим.

Мазкур стандартнинг 30-бандига кўра, актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита объекти жамғарилган эскириш ва *қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар* чегирилган ҳолда бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олиниши лозим.

16-сон БҲХС (IAS)нинг 31-бандида эса, актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита объекти кейинги жамғарилган эскириш ва қадрсизланишдан кейинги жамғарилган зарарларни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олиниши лозимлиги таъкидланган.

Айнан шунга ўхшаш талаб республикамизнинг 5-сон БҲМСда баён этилмаган. Лекин, бу борада “Бухгалтерия баланси” деб номланган 15-сон БҲМСнинг 12-моддасида асосий воситалар ва номоддий активлар бошланғич (тиклаш) қиймати, эскириш (амортизация) суммаси, қолдиқ қиймати бўйича ошкор қилиниши лозим, деб таъкидланган.

Шу ўринда маҳаллий ҳисоб ҳодимларимиз учун янги бўлган “қадрсизланишдан зарар” тушунчасини ёритиш учун тўхталиб ўтамиз.

Қадрсизланишдан зарар - бу актив баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошган суммасидир. Активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг *қопланадиган қиймати* - бу унинг чиқиб кетиш бўйича харажатлар чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қийматининг юқорирофидир. “Активларнинг қадрсизланиши” деб номланган 36-сон БҲХС (IAS) га кўра **фойдаланишдаги қиймат** - бу активдан ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган

бирликдан олиниши кутилган келгуси пул оқимларининг келтирилган (дисконтланган) қийматидир. Агар активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса, актив қадрсизланган ҳисобланади.

Мисол 4.

Ускунанинг баланс қиймати - 290 000 ш.б.

Сотиш харажатлари айириб ташланган ҳаққоний қиймати - 220 000 ш.б.

Қолган 3 йиллик фойдаланиш муддати ичида ускунадан келиб тушадиган пул маблағлари оқими йилига - 100 000 ш.б.

Дисконтлаш ставкаси - 10% га тенг

Шунга кўра 3 йил ичидаги пул маблағлари оқимининг соф келтирилган (дисконт) қиймати 248 684 ш.б. га тенг

PV = 1/(1+i) n , бунда: PV – дисконтланган қиймат;

i – самарали фоиз ставкаси;

n – фойдаланиш муддати.

$$PV = [\ 100\ 000 : (1+0{,}1) + 100\ 000 : (1+0{,}1)^2 + 100\ 000 : (1+0{,}1)^3\ ] = 248\ 680 \text{ ш.б.}$$

$$PV = [\ 100\ 000 \times 0{,}9091 + 100\ 000 \times 0{,}8264 + 100\ 000 \times 0{,}7513\ ] =$$

$$= 90\ 910 + 82\ 640 + 75\ 130 = 248\ 680$$

Ускунанинг баланс қиймати билан солиштириш (290 000 - 248 680) активни 41 320 ш.б. га қадрсизланганлигини кўрсатади

Бухгалтерия ёзуви

Дт Асосий воситани қадрсизланишидан олинган зарар 41 320 ш.б.

Кт Асосий восита 41 320 ш.б.

Қайта баҳолаш қийматини ҳисобдан чиқариш тартиби бўйича.

Бу борада ҳам, бизнинг фикримизча, халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларида белгиланган тартибларда жиддий фарқ мавжуд. Чунки, 5-сон БҲМСнинг 53-бандига кўра, асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларни чиқиб кетишидан даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қиймати, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқлар ва харажатларни айириш орқали аниқланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситаларнинг илгариги қайта баҳолашдаги баҳосининг ўсиш суммаси, яъни ушбу асосий воситаларнинг илгариги баҳосини ўсиш суммаларининг илгариги баҳосини пасайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад таркибига киритилади ва бир вақтнинг ўзида «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капитал камаяди.

16-сон БҲХС ((IAS))нинг 41-моддасига кўра эса, қайта баҳолаш қийматини ҳисобдан чиқариш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

(а) хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишининг жамғарилган суммаси тегишли актив реализация қилинган пайтда бевосита тақсимланмаган фойдага олиб борилиши;

(б) жами қиймат ўсиши тегишли активдан фойдаланиш тугатилганда ёки актив ҳисобдан чиқарилган пайтда тақсимланмаган фойда таркибига ўтказилиши;

(в) қиймат ўсишининг бир қисми корхона томонидан активдан фойдаланиш жараёнида тақсимланмаган фойда таркибига ўтказилиши.

Бундай ҳолатда тақсимланмаган фойдага ўтказиладиган қиймат ўсиши суммаси қайта баҳоланган баланс қийматига асосан ҳисобланган эскириш суммаси ва активнинг бошланғич қийматига асосан ҳисобланган эскириш суммаси орасидаги фарққа тенг бўлади. Қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсиши счетидан тақсимланмаган фойда счетига ўтказмалар фойда ёки зарарлар орқали акс эттирилмайди.

Мисол 5. Ускунанинг баланс қиймати қайта баҳолангунга қадар – 155 050 минг сўм, қайта баҳолашдан кейин – 160 000 минг сўм, фарқ - 4 950 минг сўм, дейлик. Ускунанинг қолган фойдали хизмат муддати – 5 йил, Ташкилот қайта баҳолаш резервидаги суммани

ҳар йили тақсимланмаган фойдага олиб бориш усулидан фойдаланади.

Ушбу ҳолда ҳар йили тақсимланмаган фойдага олиб бориладиган ўсиш суммаси 990 минг сўм (4950/5) ни ташкил этади

Бухгалтерия ёзуви:

Дт Асосий воситани қайта баҳолаш резерви 990 минг сўм

Кт Тақсимланмаган фойда 950 минг сўм

Бунда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижасида юзага келадиган солиқлар 12-сон БҲХС (IAS) “*Фойдадан солиқлар*”га мувофиқ тан олинади ва ёритиб берилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби бўйича.

5-сон БҲХС нинг 30-бандига кўра, асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига *қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади* ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга ёхуд ушбу объект балансдан ҳисобдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади. Мазкур стандартнинг 31-бандида асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ёки ушбу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан *кейинги ойнинг дастлабки санасида тўхтатилиши* назарда тутилган.

16-сон БҲХС (IAS)нинг 55-бандига кўра, актив бўйича эскириш ҳисоблаш ушбу активдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган, яъни у раҳбарият томонидан кўзланган мақсадда *фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилган пайтдан бошланади*.

16-сон БҲХС (IAS)га мувофиқ асосий воситага эскириш қуйидаги икки санадан олдингисида тўхтатилади:

**5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана;*

** асосий воситани актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана*.

Ҳам 16-сон БҲХС (IAS), ҳам 5-сон БҲМСга кўра эскириш ҳисоблаш, агар актив бўйича тўлиқ эскириш ҳисобланмаган бўлса, актив бекор туриб қолганда ёки фаол фойдаланишдан чиқарилганда тўхтатилмайди. Лекин, эскириш ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули қўлланганда, маҳсулот ишлаб чиқарилмаган пайтда эскириш суммаси нолга тенг бўлиши мумкин.

Изланишлар қиёсланаётган халқаро ва миллий стандарт ўртасида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш бўйича тавсия этилган усуллар бўйича ҳам фарқ мавжуд эканлигини кўрсатди. Чунончи, 16-сон БҲХС (IAS)да республикамизнинг 5-сон БҲМСда (62-банд) тавсия этиган “йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул)” мавжуд эмас.

Бундан ташқари актив бўйича қўлланадиган эскириш ҳисоблаш усули камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилиши лозим, активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафнинг истеъмол характерида аҳамиятли ўзгариш пайдо бўлганда, ушбу ўзгаришни акс эттириш мақсадида эскириш ҳисоблаш усули ҳам ўзгартирилиши лозим. Бундай ўзгариш ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар сифатида 8-сон БҲХС (IAS)га мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.

Активни тан олишни бекор қилиш тартиби бўйича. 5-сон БҲМСнинг 50-бандига кўра, асосий воситалар қиймати чиқиб кетишда (тугатилганда; сотилганда; айирбошланганда; текинга берилганда; устав капиталига таъсисчи улуши сифатида берилганда; молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда; камомад ёки йўқотишлар аниқланганда; таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанда) корхона балансидан чиқарилиши лозим. Бизнинг фикримизча, бу борада 16-сон БҲХС (IAS)нинг ёндашуви кенгроқ ва мазмун жиҳатдан ўзгачароқ. Мазкур стандартнинг 67-бандига кўра асосий восита объектининг баланс қийматини тан олиш қуйидаги ҳолларда бекор қилинади**:**

(a) ҳисобдан чиқарилганда; ёки

(b) ундан фойдаланишдан ёки ҳисобдан чиқарилишидан ҳеч қандай келгуси иқтисодий наф кутилмаганда**.**

Асосий воситаларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ёки зарар асосий восита объектини тан олишни бекор қилиш пайтида фойда ёки зарар таркибида, бошқа фаолиятдан олинган натижа сифатида акс эттирилиши лозим. Бундан ташқари, ушбу стандартнинг 72-бандига кўра, асосий воситани тан олиш бекор қилиниши натижасида фойда ва зарарлар таркибида тан олинадиган товон суммаси тушумни тан олиш тўғрисидаги 15-сон МҲХС (IFRS)нинг 47-72 бандларидаги шартнома нархини аниқлаш талабларига мувофиқ аниқланади. Фойда ва зарарлар таркибида тан олинган товон суммасининг кейинги ўзгаришлари мазкур стандартга кўра шартнома нархларининг ўзгариши бўйича талабларга мувофиқ ҳисобга олинади. Бу эса миллий бухгалтерия стандартларида баён қилинган тартибдан мутлақо фарқ қилувчи услубдир.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, “Асосий воситалар” деб номланган 16-сон МҲХС (IFRS)да белгиланган тартиб-қоидалар республкамизнинг 5-сон БҲМСда белгиланган тартиб-қоидалардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Мамлакатимиз корхоналари ҳисоб амалиётига мазкур халқаро стандартни жорий этиш фойдаланувчилар учун тадбиркорлик субъектларининг асосий воситалари тўғрисида ҳар тарафлама ишончли маълумотларни олиш ҳамда ушбу маълумотларда аниқ иқтисодий мантиқни таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”.
2. БҲХС (IAS) – 40 “Инвестицион мулк”.
3. МҲХС (IFRS) 16 “Ижара”.
4. МҲХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва тугатилган фаолият”.
5. БҲХС (IAS) 20 “Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдами тўғрисида маълумотларни очиб бериш”.
6. БҲХС (IAS) – 23 “Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби”.
7. МҲХС (IFRS) 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”.
8. БҲХС (IAS) – 36 “Активларни қадрсизланиши”;
9. МҲХСШҚ-1 (IFRIC) Шарҳи. Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф-муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришлар.
10. Мўйдинов Э.Д. ва бошқалар. Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари: 1000 та тестга 1000 жавоб. Ўқув қўлланма.- Тошкент, “Иқтисодиёт дунёси”, 2020, -435 б.
11. Нарбеков Д., Рахмонов Ш., Тураев А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2018.
12. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. – 584-б.
13. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 227 б.
14. Уразов К.Б.,Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021, -560 бет.
15. Хамдамов Б.К., Ибрагимов К.Ш. Совершенствование бухгалтерского учета в Узбекистане на основе международных стандартов финансовой отчетности. //Ж.Халқаро молия ва ҳисоб. -2017.-№1. -1-8-б.
16. Қурбанбаев Ж., Джуманов С. Бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш йўллари // Ж.Молия. 2016 й. №1, 99-104-б.

К.Уразов, Э.Муйдинов

Практические аспекты учета основных средств на предприятиях на основе международных стандартов финансовой отчетности

Аннотация: В данной второй статье исследованы практические аспекты ведения учета основных средств на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: МСФО, НСБУ, основные средства, признание, остановка признания, оценка, переоценка, износ, обесценение.

K.Urazov, E. Muydinov

Practical aspects of accounting for fixed assets at enterprises based on international financial reporting standards

Abstract: this second article explores the practical aspects of keeping fixed asset records based on international financial reporting standards.

Keywords: IFRS, NAS, fixed assets, recognition, stop recognition, valuation, revaluation, depreciation, impairment.

Абдумалик Бектемиров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА ДАРОМАДЛИЛИКНИ (РЕНТАБЕЛЛИКНИ) ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада корхоналар фаолиятида даромадлиликни таҳлил қилишда фаолиятдаги зарарсизлик нуқтасини аниқлаш ва бу нуқтани ижобий томонга силжитиш орқали фойда (даромад) кўрсаткичларини ошириш масалалари қараб чиқилган.
Калит сўзлар: даромад, фойда, маҳсулот реализацияси, тушум, рентабеллилик, доимий харажатлар, ўзгарувчан харажатлар, зарарсизлик нуқтаси

Кириш. Хўжалик субъектлари фаолиятини бозор иқтисодиётининг кучли рақобат шароитида юргизишда, унинг қарамоғида бўлган активлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида активларнинг ҳолатини, уларнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиш ва таҳлил қилишни талаб қилади. Иқтисодий адабиётларда активлар ҳаракатини таҳлил қилишнинг бир қанча усуллари баён қилинган. Шундай бўлса-да тадқиқотимизда уларнинг айрим жиҳатлари тўғрисида фикр юритамиз.

Маълумки, хўжалик субъектларининг даромадлилиги абсолют ва нисбий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Даромадлиликнинг абсолют кўрсаткичи – бу фойда ёки даромад суммасидан иборат. Нисбий кўрсаткич – бу рентабеллиликни ифодалайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фойда ёки даромад кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобат шароитида ҳамда вужудга келадиган инфляция даврида фаолият кўрсата олиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай шароитда субъектнинг рентабеллилик даражаси кўрсаткичидан фойдаланилади, яъни инфляция даражаси билан хўжалик субъектининг рентабеллилик даражаси солиштирилади. Бунда рентабеллилик даражаси инфляция даражасидан катта бўлиши тақозо этилади. Шундай экан бу кўрсаткични аниқлашнинг ўзига хос усулларини таҳлил қилиш, унинг очилмаган ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш зарурати туғилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда иқтисодий ва молиявий дастакларнинг моҳияти кескин ошмоқда. Мамлакатимизнинг С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, М.Қ.Пардаев, Б.Ходиев, Б.Беркинов, А.Кравченко, А.В.Ваҳобов, Н.С.Маликов [1-5] каби етук иқтисодчи олимларининг бу соҳадаги тадқиқотларида корхоналарни муваффақиятли бошқаришда, унинг самарали фаолият олиб боришида айнан иқтисодий ва молиявий дастаклардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган. Шундай бўлса-да тадқиқотлар кўрсатадики, хўжалик субъектининг самарали фаолият юритишида иқтисодий ва молиявий дастакларнинг очилмаган қирралари, хусусиятлари мавжуд экан. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ана шу хусусиятларни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот методологияси индукция ва дедукция, илмий абстракция, кузатиш, қиёслаш, таҳлил ва синтез усулларига асосланган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар қандай хўжалик фаолиятида даромадга ёки фойдага дастлабки кундан бошлаб эришиб бўлмайди. Бошланғич даврда харажатларга юз тутиш объектив ҳодисадир. Маълум вақтдан бошлаб эса бу харажатлар ўз мевасини беради. Бунинг учун ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) аниқ режа ва прогноз асосида юритиш зарур. Хўш даромад ёки фойда олиш учун қанча вақт зарур бўлади? Буни аниқлаш учун хўжалик юритувчи субъект (корхона) фаолиятида (ишлаб чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда) зарарсизлик нуқтасини аниқлаш зарур бўлади. Корхона ишлаб чиқариши (ёки хизмат кўрсатишининг) зарарсизлик нуқтасининг иқтисодий моҳияти шундаки, айнан шу нуқтадан бошлаб корхона фойда кўра бошлайди. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида зарарсизлик нуқтасини аналитик ҳамда график усулда аниқланиши мумкин. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг рентабеллик даражаси 0,00% дан ортиқ бўлган маҳсулотларни сотишдан тушган тушумнинг минимал ҳажмини аниқлашдан иборат. Бу миқдор қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\mathbf{R_{min}} = \frac{\mathbf{D_x \, x \, R}}{\mathbf{R - U_x}}, \mathbf{(1)}$$

бу ерда, R_{min} – хўжалик юритувчи субъектнинг рентабеллилик даражаси 0,00 % дан юқори бўлгандаги тушумнинг минимал ҳажми, сўмда;

R – хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот реализациясидан тушган тушум, сўмда;

D_x – хўжалик юритувчи субъектнинг доимий харажатлари ҳажми, сўмда;

U_x – хўжалик юритувчи субъектнинг ўзгарувчан харажатлари ҳажми, сўмда.

Агар корхона янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқараётган (хизмат кўрсатаётган) бўлса юқоридаги формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\mathbf{R_{min}} = \frac{\mathbf{D_x}}{\mathbf{1 - \frac{U_x^1}{N_1}}}, \mathbf{(2)}$$

Бунда, U_x^1 – бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган ўзгарувчан харажатлар, сўмда;

N_1 – бир бирлик маҳсулот нархи, сўмда.

Келтирилган формуланинг апробациясини қуйидаги мисолда кўриб чиқайлик.

Мисол: корхонада ҳар бир донаси 40000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхонанинг шартли ўзгармас харажатларининг йиллик миқдори 936000 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулот бирлигига ўзгарувчан харажатлар даражаси - 51,41%.

Бунда бир бирлик маҳсулотга ўзгарувчан харажатлар ҳажмини аниқлаймиз:

U_x = 40000 х (51,41/100) = 205,6 минг сўмга тенг.

$\mathbf{R_{min}} = \frac{\mathbf{D_x}}{\mathbf{1 - \frac{U_x^1}{N_1}}}$ = 936000/(1-(205,6/40000) = 19259,3 минг сўм

Унда бир бирлик учун 40000 сўм нархда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган маҳсулотларнинг минимал миқдори

19259300/40000 = 48148 бирликка тенг

Демак, корхона бир йил давомида 48148 дона маҳсулот реализация қилганда, корхона фақат маҳсулот ишлаб чиқаришга қилган харажатларини, яъни таннархини қоплайди.

Зарарсизлик нуқтаси график усулда қуйидагича аниқланади (1-расм). Координаталар текислигида вертикал ўққа корхона тушумини, горизонтал ўққа эса маҳсулот ҳажмини масштаб билан жойлаштирамиз. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида дастлабки даврда корхона миқёсида харажатлар қилинади. Маълумки бу харажатлар икки қисмдан иборат: доимий харажатлар ва ўзгарувчан харажатлар. Корхона ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлмаган харажатлар доимий харажатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ харажатлар эса ўзгарувчан харажатларни ташкил қилади. Биринчи навбатда доимий харажатларни (**D_x**) графикда ифодалаймиз. Шундан сўнг ўзгарувчан харажатларни (**U_x**) **r_a** нуқтадан бошлаб жойлаштирамиз. Навбатдаги вазифа маҳсулот реализациясидан тушган тушумни (**R**) **0** нуқтадан бошлаб жойлаштирамиз. Натижада текисликда бир қанча кесмалар шаклланди. Улардан (**r_a**, **U_x**) кесма жами харажатларни ифодалайди, яъни (**JX=D_x+ U_x**). (**r_a**, **U_x**) ва (**0, R**) кесмалар кесишган нуқтада корхона зарарсизлик нуқтасига эришади. Айнан шу нуқтадан бошлаб корхона фойда кўра бошлайди (1-чизма.).

Графикдан кўриниб турибдики, корхонанинг ўз фаолиятидаги зарарсизлик нуқтаси қанча **0** га яқинлашса, унинг даромад ола бошлаш даври шунча эртароқ бошланар экан. Бу ўз навбатида зарарсизлик нуқтаси **(Z)** га таъсир кўрсатувчи омилларни (кўрсаткичларни) оптималлаштириш заруратини келтириб чиқаради. Кўрсаткичларни оптималлаштириш масаласини эса келгуси тадқиқотларимизда кўриб чиқамиз.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан қуйидагилар таклиф этилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш) фаолиятида тушумнинг маҳсулот ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш) таннархига таъсир кўрсатиш даражасини ҳамда даромадлиликни таҳлил қилишда зарарсизлик нуқтасини аниқлашнинг аналитик ва график усулидан фойдаланиш.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятдаги харажатларни оптималлаштириш.



1-расм. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятида зарарсизлик нуқтасини аниқлашнинг график усули

3. Зарарсизлик нуқтасини **0** га томон силжитиш орқали (график асосида) даромадлиликни (рентабеллиликни) ошириш.

Бу таклифлар хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқиладиган дастурларни илмий асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. - 365 б.
2.Ё.А.Абдуллаев Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 1-қисм “100 савол ва 100 жавоб”, 2000 й.
3. Пардаев М.Қ. Корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. – Маъруза матни, СамИСИ, 2000 й.
4. Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.- 254 б.
5. A.V.Vahobov, N.S.Malikov Moliya. –Darslik, 2015 y.

А.Бектемиров **Некоторые аспекты анализа доходности (рентабельности) в деятельности предприятия** **Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы определения точки безубыточности в деятельности предприятий и повышения показателей прибыли (дохода) за счет смещения этой точки в положительную сторону **Ключевые слова:** доход, прибыль, реализация продукции, выручка, рентабельность, постоянные затраты, переменные затраты, точка безубыточности.	**A.Bektemirov** **Some aspects of the analysis of profitability in the activities of the enterprise** **Abstract:** this article discusses the issues of determining the break-even point in the activities of enterprises and increasing profit (income) indicators by shifting this point in a positive direction **Keywords:** income, profit, product sales, revenue, profitability, fixed costs, variable costs, break-even point.

Анвар Нематович Холикулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ РЕНТАБЕЛЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида рентабелликни оширишнинг ички имкониятлари ва уларни таҳлил қилиш йўллари, хизмат кўрсатиш корхоналари рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичларини инновацион ва рақамли иқтисодиёт талабларига мос янги тизимни ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлиги, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизматлар соҳаси, рентабеллик кўрсаткичлар таҳлили.

Кириш. Ҳозирги кунда иқтисодий ривожланиш бутун дунё ҳамжамиятида рўй бермоқда. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ривожланишни баҳолашда энг аввало самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлса иқтисодий ривожланиш ҳам шунчалик юқори бўлади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига асосан, натижавийлик, даромадлилик ҳамда рентабеллик кўрсаткичларини киритишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш корхоналари рақобатбардошлигини аниқлашда энг муҳим кўрсаткичлар тизими рентабеллик кўрсаткичлар тизимидир. Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичларининг янги тизимини, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил қилинаётган хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методологик масалалари хорижлик олимлардан[1], Боден М., Милес И., Еиченгреен Б., Гупта П., Есченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П., Корцзынски М., Михалёв И. В., Полянин А. В., В.К. Романович, С.Н.Коробкова, И. В.Михалёв, А. В. Полянин, В.К. Романович, Л. М. Кликич, Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко, Л. А. Сосунова, Д. В. Чернова, А.Я.Басс, Е. А. Разомасова, В.А. Плотников, М.Г. Иваненко, Д.Р. Хайруллина ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан[2] М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий салоҳияти жорий харажатлари рентабеллиги ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг таъсирини аниқлаш ва амалиётда фойдаланиш мумкинлигини исботлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади. Биринчиси, хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий салоҳияти жорий харажатлари рентабеллигини аниқлаш усули (1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида хизмат кўрсатиш корхонасида фойда суммаси 34,8 % ёки 128,2 млн. сўмга ошган. Иқтисодий салоҳиятининг умумий қиймати эса ўтган йилга нисбатан 795,0 млн. сўмга ёки 6,7 % га кўпайган. Аммо хизмат кўрсатиш корхонасининг барча харажатлар суммаси 39,4 минг сўмга ёки 2,7 %га камайган. Жорий харажатлар суммаси эса 21,2 минг сўмга ёки 6,0 %га ошган. Оқибатда хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллиги 0,82 пунктга ва бошқа шу билан боғлиқ бир қанча кўрсаткичларнинг ҳам

[1] Boden M., Miles I. (ed.). Services and the Knowledge-based Economy. – Psychology Press, 2000.; Eichengreen B., Gupta P. The two waves of service-sector growth //Oxford Economic Papers. – 2013. – №. 1. – pp. 96-123.; Eschenbach F., Hoekman B. Services policy reform and economic growth in transition economies, 1990-2004. – The World Bank, 2005.; Triplett J.E., Bosworth B.P. Productivity in the US services sector: new sources of economic growth. – Brookings Institution Press, 2004.; Михалёв И. В., Полянин А. В. Методологические подходы государственного регулирования в сфере услуг. - 2014.; Korczynski M. Human resource management in the service sector. – Basingstoke: Palgrave, 2002.; Романович В.К. Сервисная деятельность. учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. / С.Н. Коробкова, В.И. Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова -3-е изд.-СПб.:Питер, 2005.-156 с.; Кликич Л.М. Эволюция сферы услуг: неравновесный подход //М.:Изд-во МСХА. - 2004. - С.18.; Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А. Сфера услуг: Экономика: учебное пособие// М.: кнорус. – 2007. -Т. 328 с.; Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Технико-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.; Хайруллина Д.Р. Повышение эффективности управления развитием малых предприятий сферы услуг: дис. канд. экон. наук. 2014. – 230 с.;

[2] Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2021. 186 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.; Тухлиев И.С., Турсунова Г.Р. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналишлари. // «Сервис» илмий – амалий журнали, 2012 йил, 4-сон. – 43-48 б.

1-жадвал

Хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий салоҳияти жорий харажатлари рентабеллиги ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳисобот даврида аниқлаш усули

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисо-бот йилида	Фарқи (-, +)	Ўсиш суръати
	I Ҳажм кўрсаткичлари				
1	Хизмат кўрсатиш корхонасида фойда суммаси, млн. сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг умумий қиймати, млн. сўм	11745,0	12590,0	+795,0	106,7
3	Хизмат кўрсатиш корхонасининг барча харажатлари, млн. сўм	1468,9	1429,5	+39,4	97,7
4	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари, минг сўм	356,2	377,4	+21,2	106,0
	II Нисбий кўрсаткичлар				
5	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллиги, % (1қ / 4қ) х 100	3,11	3,94	+0,83	126,7
6	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатлари рентабеллиги, % (1қ*100/3қ)	103,30	131,47	+28,17	127,3
7	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатларнинг иқтисодий салоҳият қийматидаги ҳиссаси, коэфф. (3қ/ 2қ)	0,2425	0,2640	+0,0215	108,9
8	Хизмат кўрсатиш корхонаси жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият суммаси, коэфф (2қ/4қ)	0,1245	0,1135	+0,0110	91,2

ошганлиги кўриниб турибди. Фақат хизмат кўрсатиш корхонаси жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият суммаси 8,8 % камайган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари иқтисодий салоҳият жорий харажатлари рентабеллигининг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодий салоҳият самарадорлигига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисо-бот йилида	Фар-қи (-,+)	Занжирли алмаштириш		
					I	II	III
1	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатлари рентабеллиги, %	103,30	131,47	+28,17	131,47	131,47	131,47
2	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатларнинг иқтисодий салоҳият қийматидаги ҳиссаси, коэфф.	0,2425	0,2640	+0,0215	0,2425	0,2640	0,2640
3	Хизмат кўрсатиш корхонаси жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият суммаси, коэфф	0,1245	0,1135	-0,0110	0,1245	0,1245	0,1135
4	Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллиги, %	3,11	3,94	+0,83	3,97	4,32	3,94

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллиги жорий йилда 0,83 бандга ошган. Ушбу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатлари рентабеллигининг 28,17 бандга ошганлиги хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллигини 0,86 бандга (3,97 - 3,11) ошишига сабаб бўлган.

2. Хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти барча харажатларнинг иқтисодий салоҳият қийматидаги ҳиссасининг 0,0215 пунктга ошганлиги хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллигини 0,35 бандга (4,32 - 3,97) кўпайтирган.

3. Хизмат кўрсатиш корхонаси жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият суммасининг 0,0110 бандга ошганлиги меҳмонхона хўжалиги иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллигини 0,38 бандга (3,94 - 4,32) оширишига муваффақ бўлган.

Барча омиллар таъсири эвазига хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг жорий харажатлари рентабеллиги 0,83 бандга (0,86 + 0,35 - 0,38) ошган.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ҳисоб-китоблар натижаси ҳам хизмат кўрсатиш корхонаси иқтисодий салоҳияти жорий харажатлари рентабеллигини оширишнинг ички имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу бевосита Хизмат кўрсатиш корхоналари жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият умумий қийматнинг камайишида намоён бўлмоқда. Келтирилган харажатларнинг шундай юзаки қараганда, кўпайиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкиндай кўринади. Аммо келтирилган харажатларнинг кўпайиши иқтисодий салоҳият қийматининг янги яратилаётган маҳсулотга (иш, хизматга) тезроқ кучаётганлиги ва унинг қопланиш муддатини тезлаштираётганлигидан далолат беради.

Бизнинг мисолимизда хизмат кўрсатиш корхонаси жорий харажатларга тўғри келадиган иқтисодий салоҳият суммаси ўтган йилги даражада қолганда эди рентабеллик даражаси яна 0,38 бандга ошган бўлур эди. У ҳолда рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдори 3,94 % эмас, балки, 4,32 % ни (3,94 + 0,38) ташкил қилган бўлур эди. Ўтган йилга нисбатан унинг фарқи 0,83 банд эмас, балки, 1,21 % га (4,32 - 3,11) тенг бўларди.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ҳозирги шароитда ички имкониятларни ахтариб топиш учун муҳим иҳтисодий дастаклардан бири экан. Шу туфайли унинг назарий ва методологик асосини яратиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш муҳимлигига қарамасдан, бу муаммо иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Буни инобатга олиб ишда асосий эътибор ушбу соҳа рентабеллиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга қаратилди. Чунки ҳозирги шароитда ҳам бир хизмат кўрсатиш корхонаси сервис сифатини ўнглаши учун, ўзининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаб бориши учун харажатларнинг рентабеллик даражасини ошириб бориш лозимлигини тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -416 б.
2. Ш.М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2022. -104 б.
3. Пардаев М.Қ., Хасанов Б., Исроилов Ж., Пулатов М., Эшбоев Ў., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув-қўлланма, Т.: Чўлпон, 2012, 400 бет
4. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Наврўз. – Тошкент. 2014, 236-бет
5. Холиқулов А.Н., Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Самарқанд, СамДЧТИ нашр-матбаа маркази, 2020 йил, – 126 бет

6. Худайбердиев У.Х., Холиқулов А.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва муаммолари. Монография. Самарқанд, СамИСИ, 2020, 124 бет.

А.Холикулов **Факторы, влияющие на рентабельность экономического потенциала предприятий сферы услуг и пути их анализа** **Аннотация:** в статье разработаны внутренние возможности повышения рентабельности сервисных предприятий и способы их анализа, показатели, отражающие рентабельность сервисных предприятий, новая система, отвечающая требованиям инновационной и цифровой экономики. **Ключевые слова:** экономическая эффективность, конкурентоспособность предприятий сферы услуг, сервис, оказание услуг, сфера услуг, анализ показателей рентабельности.	**A.Kholikulov** **Factors affecting the profitability of economic potential in service enterprises and ways of their analysis** **Abstract:** in the article, the internal possibilities of increasing the profitability of service enterprises and ways of their analysis, the indicators representing the profitability of service enterprises, a new system that meets the requirements of the innovative and digital economy have been developed. **Keywords:** economic efficiency, competitiveness of service enterprises, service, service provision, service industry, analysis of profitability indicators.

Алишер Уктамович Каршиев – соискатель СамИЭС
Дилафруз Каршиевна Усманова – доцент кафедры Цифровой экономики СамГУ

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В статье проведен анализ строительной отрасли в Узбекистане. Рассмотрены основные правительственные документы, регулирующие строительный бизнес, выявлены основные причины и возможности стремительного развития строительного бизнеса. Вместе с тем, авторами выявлены основные проблемы современного градостроительства. Предложения разработаны на основе анализа статистических данных Государственного Комитета Республики Узбекистан по статистике.
Ключевые термины: отрасль строительства, девелоперские организации, цифровизация строительного бизнеса, инновации и модернизация.

Введение. В последние годы стремительных преобразований в экономике страны наблюдается активность строительной отрасли. Этому способствовала эффективная политика в области градостроительства, которая стимулировала развитие бизнеса. Строительные регуляторы упростили ряд процедур по импорту и развитию экспортоориентированного производства строительных материалов, чтобы удовлетворить спрос как в жилищной, так и коммерческой и некоммерческой недвижимости. Несмотря на локдаун, после непродолжительного застоя, при поддержке правительства, была оперативно возобновлена деятельность строительных организаций. В результате строительство обусловило рост экономики, повысило деловую активность компаний, улучшило качество жизни населения.

Анализ литературы. Значительный вклад в разработку теории и методологии, конкретных методов, моделей и инструментов оценки экономической эффективности внесли отечественные М.К.Пардаев, Ж.И.Исроилов, российские И. М. Бабук, А. С. Головачев, Б. И. Гусаков, Л. Н. Нехорошева и зарубежные ученые Ahmad, S. Z., Chan C., Kitchen, P. J., П. Самуэльсон, У. Нордхауси другие. Однако объектом их исследования являются либо промышленные предприятия либо оценка конкурентоспособности отрасли. Вопросы оценки экономической эффективности деятельности строительных организаций остаются малоизученными. Теоретическая неразработанность вышеназванных аспектов потребовала критического переосмысления существующих подходов к оценке

эффективности строительных организаций в целях их приведения в состояние, отвечающее современным требованиям информационного обеспечения процесса управления с учетом отраслевой специфики на разных уровнях иерархии управления строительной организацией – на уровне проекта, объекта и деятельности строительной организации в целом, а также с позиций разных заинтересованных пользователей – заказчика (инвестора) и подрядчика.

Все вышеизложенное определяет высокую актуальность и практическую значимость настоящего исследования.

Методология исследования. Теоретической и методологической основой исследования послужили фундаментальные концепции эффективности, представленные в трудах отечественных и зарубежных ученых, программные и прогнозные разработки государственных органов власти и управления, Указы и Постановления Президента, законодательные, директивные и нормативные акты.

Фактологическую, статистическую и информационную базу исследования составили документы Государственного комитета по статистике, Министерства строительства Республики Узбекистан.

В статье использован системный и комплексный подход к изучению проблемы эффективности в строительстве, абстрактно-логический, статистический, экономико-математический и другие методы исследований.

Анализ и результаты. В соответствие с данными Государственного Комитета статистики за последние пять лет в республике зарегистрировано 45185 строительных организаций, что почти в 2 раза превышает этот показатель 2018 года. Несмотря на пандемию, тенденция роста продолжается благодаря высокой рентабельности строительного бизнеса, развитию государственно-частного партнерства, совершенствованию финансовых, налоговых и банковских преференций

Рис.1. Динамика роста число строительных организаций в Узбекистане

Впрочем, это не означает, что отрасль полностью вышла из кризиса, который начался еще до пандемии. Если строительному сектору удалось перейти к компенсационному росту и «отыграть» падение 2020 года, то проблемы с нехваткой квалифицированных кадров, коррупцией и нарушением норм строительства, отсутствием четкой политики и стратегии в области строительства все еще не решены.

Темпы роста строительных работ в первом полугодии 2021 года составило 100,1%.

Доля строительства, которую выполняли госорганизации — 4,1 %, а объем — почти 2 трлн. сумов.

Согласно данным Государственного Комитета статистики Узбекистана в первом квартале 2022 года в республике наблюдался рост строительных работ на 23,1 % больше, чем за такой же период 2021 года: в денежном исчислении эти работы составили 2,1 млрд долларов. Безусловно, наиболее высокий рост показывают крупнейшие города — Ташкент, Фергана (здесь наибольшее число строительных компаний и высокий спрос): 209,1 млн долларов и 128,7 млн долларов, соответственно.

Таблица 1.

Развитие строительства по регионам Узбекистана на начало 2022 года[1]

Показатели по областям	**количество строит.орга-низаций**	**объем строительных работ, млрд.сум**	**объем работ на 1 организацию**	**уд.вес строительных организаций по регионам**
г.Ташкент	9138	12413,8	1,358481	20,2
Ташкентская	3929	3713,9	0,945253	8,7
Ферганская	3737	2654,8	0,710409	8,3
Кашкадарьинская	3448	2974,7	0,862732	7,6
Самаркандская	3422	2944,4	0,860432	7,5
Андижанская	3296	2300,9	0,698089	7,3
Бухарская	2922	2870,3	0,982307	6,5
Сурхандарьинская	2903	2300,5	0,792456	6,4
Респ.Каракалпакстан	2457	1852,1	0,753805	5,4
Наманганская	2398	2137,5	0,891368	5,3

[1] На основе данных Государственного Комитета Республики Узбекистан

Джизакская	2115	1244,6	0,588463	4,6
Хорезмская	2041	1460	0,715336	4,5
Навоийская	1767	2114	1,196378	3,9
Сырдарьинская	1612	965,2	0,598759	3,6
Узбекистан	45185	41946,7	0,928332	100

Высокая деловая активность в строительном бизнесе в текущем году наблюдается в г.Ташкенте, Ташкентской области и Ферганской области. В этих регионах функционируют около трети всех строительных организаций республики. Объем строительных услуг на 1 организацию самый высокий в Навоийской области. Несмотря на небольшое число организаций 1612, каждая из них в среднем выполнено работ на сумму свыше 1 млрд. Это обусловлено высокой динамикой роста нежилого строительства – промышленных объектов, коммерческих структур и развитием логистического хаба в регионе, что обуславливает строительство объектов складирования перевозимого груза. По республике каждая строительная организация в среднем оказывает услуги на 928322 тыс. сум.

Объем строительных работ, выполненных крупными строительными организациями на начало 2022 года составил 11291,3 млрд. сум. По сравнению с 2021 годом темпы роста работ составили 114,15% по данным 2021 года темпы роста строительных работ достигли 85,7% по сравнению с 2020 годом.

Рынок недвижимости оценивают как весьма перспективный: в Узбекистан активно заходят инвесторы. В частности, многие эксперты подчеркивают, что в стране отмечается строительный бум — об этом говорят цифры по производству объемов стройматериалов, а также количество сдаваемых в эксплуатацию площадей.

Но безусловно, тенденция строительства жилых проектов наблюдается в регионах, в то время как строительство апартаментов или офисов бизнес-класса — в Ташкенте. Известный комплекс МДЦ Ташкент-сити (Murad Building) — флагман узбекского девелоперского бизнеса, который состоит из нескольких ультрасовременных зданий разного коммерческого назначения, и многие считают, что такой современный и амбизиозный проект послужил мотивом для реализации подобных проектов — поскольку проект оказался по-настоящему успешным. Реализация проекта стала возможна благодаря участию проверенных профессиональных компаний из-за рубежа, поскольку нормативов и стандартов в Узбекистане для таких современных сооружений нет, поэтому правительство страны просто разрешило девелоперской компании Murad Building строительство по международным стандартам, опираясь на иностранный опыт.

В целом надо понимать, что несмотря на динамику роста строительной отрасли, рынок все еще развивающийся, поэтому крупные девелоперы тщательно взвешивают за и против, прежде чем зайти на отечественный рынок. В любом случае, активность рынка недвижимости только увеличивается, но пока что за счет локальных бизнесов. В апреле 2022 года количество зарегистрированных сделок купли-продажи недвижимости в Узбекистане на 15,1% больше, чем в марте, а рост по сравнению с аналогичным периодом прошлого года составил 12,6% .

Правительство пытается вводить программы по ипотечным вливаниям, а также финансировать цифровизацию отрасли в целом, а также поддерживать программы по инвестированию предприятий по производству отечественных стройматериалов, а также строительства типовых проектов жилых зданий с применением зеленых и энергосберегающих технологий.

И по прогнозам в ближайшее время численность населения Узбекистана может достигнуть 38 млн человек. Министерство строительства Узбекистана отчитался, что в прошлом году в рамках ипотечной программы было построено более 1000 многоэтажек в регионах — это около 45,5 тысячи квартир.

Так, в стране действует начатый в 2020 году проект стратегии «Цифровой Узбекис-

тан – 2030»[1] и Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы[2], которые ориентированы на глобальную цифровизацию экономики, общества, государственного сектора.

В республике действуют привлекательные ипотечные программы, благодаря которым было построено в 10 раз больше жилья, чем в предыдущие годы. В марте 2022 года стартовала Президентская программа жилищного строительства на сумму в $1,1 млрд — она касается всех регионов страны и будет поддерживать строительство доступного жилья.

Однако говорить, что в стране распространены инновационные технологии пока рано — лишь несколько крупных (а их немного) застройщиков могут позволить применять их (в проектировании в основном), но и спрос на высококлассное жилье со всеми преимуществами технологий невысок и сосредоточен в мегаполисах.

Основной проблемой отечественного рынка строительства все еще считают **высокую коррупцию в стране и слабую цифровизацию отрасли**, а также ярко выраженную монополию крупных застройщиков. Эти факторы по-прежнему влияют на теневое ведение бизнеса, и в целом не достаточно высокий уровень качества строительства и малую прозрачность: только крупные девелоперы могут применять современные технологии и премиум-класса стройматериалы, что определяет стоимость квадратного метра на жилье.

Остальному малому бизнесу остается лишь работать «в серую» или использовать низкого качества материалы, за счет чего снижая стоимость — чтобы конкурировать на рынке. Однако это приводит к тому, что уровень качества строительства в Узбекистане крайне невысок.

Еще одна весомая проблема в строительстве Узбекистана — низкий уровень качества работ, связанный с недостатком финансирования, отсутствием или дефицитом специалистов, устаревшие нормативы, отсутствие цифровых технологий и инструментов для управления и строительного контроля. Все это взаимосвязано и приводит к системным повторениям проблем по проектам.

К сожалению, в стране нередки новости по серьезным проблемам построенных объектов — вплоть до обрушений из-за того, что работы были проведены без соблюдения норм и стандартов, или построены незаконно. Инспекция государственного архитектурно-строительного надзора сообщает, что фиксирует большое число некачественных строительно-монтажных работ: в 2021 было выявлено 2 880 письменных предписаний по устранению дефектов, что свидетельствует о наличии коррупции по выдаче разрешений и процедуре приемке объектов в строительном секторе, об отсутствии эффективного цифрового контроля строительства, что существенно облегчает мониторинг и выявление дефектов.

Предложения и выводы по повышению эффективности строительных организаций

1) одним из самых прогрессивных и эффективных способов борьбы с коррупцией и увеличение качества строительно-монтажных работ может послужить цифровизация.
2) В строительстве ощущается острая нехватка утвержденных новых нормативов сдачи объектов, а также специалистов, которые бы могли проводить эффективную приемку и инспекции. И для этого необходимо будет пересматривать систему обучения в профильных строительных вузах и проводить глобальные реформы в этой сфере.
3) Поставка и изготовление строительных материалов, а также проведение тендеров также нуждаются в цифровом управлении — это также снизит коррупционные схемы, сделав все процессы прозрачнее. И безусловно, строительный сегмент Узбекистана,

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 №УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации»

[2] www.lex.uz. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026гг».

если планирует переходить на цифровые технологии для цифрового строительного надзора и по-настоящему внедрять BIM-технологии, которые являются ведущей технологией по цифровизации строительства во всем мире, обязательно ждет пересмотр нормативов и стандартов на законодательном уровне, а также постепенный уход от монополии государства за строительным надзором в руки частных компаний.

4) Существует также мнение, что руководители органов местного самоуправления регулярно вносят свои изменения в уже утвержденный проект — а это приводит к увеличению сроков реализации проектов (как следствие, удорожание), а также неблагоприятно сказывается на качестве строительства и подпитывает коррупцию. Решение этой проблемы специалисты видят в ряде обновлений в законодательной базы. И большой помощью в поддержании новых правил ведения строительства могут стать цифровые инструменты, которые могут поддерживать коммуникацию между всеми участниками проекта и держать в курсе всех обновлений в режиме реального времени, гарантируя прозрачность ведения проекта.

В целом, нужно отметить, что Узбекистан заинтересован к принятию новых стандартов качества строительства, понимая, что цифровизация отрасли не просто тренд, но необходимость, которая гарантирует прибыльность бизнеса и обеспечивая высокий уровень жизни. Самый быстрый и простой способ оцифровать строительный бизнес — использовать программное обеспечение, такое как PlanRadar. Для внедрения не нужны IT-специалисты, работать с приложением можно с любого устройства, обеспечивая бесшовную связь между строительной площадкой и офисом, контролируя проект и ход работ в режим реального времени, проводя эффективные инспекции каждого из этапов строительства, фиксируя все доказательства при помощи видео и фото, назначая задачи, и в пару кликов формируя необходимую отчетность.

Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 05.10.2020 №УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации»
2. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026гг».
3. Экономика строительства : учебник / под общ. ред. И. С. Степанова. – 3-е изд., доп. и перераб. – М. : Юрайт-Издат, 2005. – 620 с.
4. Brock, W. A., Mirman, L. J. (1973), ‘Optimal economic growth and uncertainty: the no discounting case,’ International Economic Review 14(3), P.560-573.
5. Little, I., Mirrlees, J. (1974), Project appraisal and planning for developing countries, Heinemann, London.
6. Marglin, S. (1963), ‘The social rate of discount and the optimal rate of investment,’ Quarterly Journal of Economics 77(1), 95-111. Meadows, D. H., Meadows, D. L., Randers, J., Behrens.

A.Qarshiyev, D.Usmanova

O‘zbekistonda qurilish tashkilotlari samaradorliligi tahlili

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekistondagi qurilish sanoati tahlil qilinadi. Qurilish biznesini tartibga soluvchi asosiy davlat hujjatlari ko‘rib chiqildi, qurilish biznesini jadal rivojlantirishning asosiy sabablari va imkoniyatlari belgilab berildi. Shu bilan birga, mualliflar zamonaviy shaharsozlikning asosiy muammolarini aniqladilar. Takliflar O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlarini tahlil qilish asosida ishlab chiqilgan.

Tayanch iboralar: qurilish sanoati, developerlik tashkilotlari, qurilish biznesini raqamlashtirish, innovatsiyalar va modernizatsiya.

A.Karshiev, D.Usmanova

Analysis of the efficiency of construction organizations in Uzbekistan

Abstrast: The article analyzes the construction industry in Uzbekistan. The main government documents regulating the construction business are considered, the main reasons and possibilities for the rapid development of construction business are identified. At the same time, the authors identified the main problems of modern urban planning. The proposals are developed based on the analysis of statistical data of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on statistics.

Keywords: construction industry, development organizations, digitalization of the construction business, innovation and modernization.

Бобур Фарходович Боронов – СамИСИ докторанти, и.ф.ф.д. (PhD)

ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАСНИФИ

Аннотация: Мақолада ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган яроқсиз маҳсулотларнинг назарий асослари, уларнинг ҳисоб олдидаги таснифи, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги аҳамияти, фойда солиғига таъсири, шунингдек ҳисобда акс эттиришда асос бўлувчи ҳужжатлар келтирилган.

Калит сўзлар: тайёр маҳсулот, ёғ-мой маҳсулотлари, яроқсиз маҳсулотлар, чегириладиган харажатлар, чегирилмайдиган харажатлар, ҳисоб сиёсати.

Кириш. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулотларининг сифат даражаси энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни[1]да мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахслар озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқаришлари кўрсатилган.

Шунингдек, мамлакатда ёғ-мой маҳсулотларини техник томондан ишлаб чиқариш, уларни омборларда сақлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори[2]да қатор талаблар белгилаб берилган. Хусусан, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасининг бинолари, технологик асбоб-ускуналари ва маҳсулотларнинг гигиеник ва давлат томонидан белгиланган стандартлар талабларига жавоб бериши, маҳсулотларнинг қадоғида корхонанинг номи, жойлашган манзили, маҳсулотнинг яроқлилик ва сақланиш муддати каби белгилар билан таъминлаш лозимлиги каби вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш, яъни бугунги иқтисодий глобаллашув шароитида, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш, ушбу жараёнлар натижасида пайдо бўладиган яроқсиз ёғ-мой маҳсулотларини ҳисобда тўғри акс эттириб бориш ва бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиниши учун ахборот фойдаланувчиларни зарурий ахборот билан таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида муҳим аҳамиятга эгадир. Корхоналарда пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотларни ўз вақтида, аналитик ҳисоб маълумотларида акс эттириш, ушбу маълумотлар асосида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш корхоналарда яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнларини самарали бошқариш имконини беради. Бундай иқтисодий жараёнлар эса, ишлаб чиқариш ҳисоби олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотлар ҳисоби ва уларнинг таснифини очиб бериш мақсадида олиб борилган тадқиқотларда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналарда, хусусан ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш муаммоларига бағишланган илмий ишлар муҳим бўлиб, тадқиқот давомида бу борада иқтисодий адабиётлар ва ахборот манбаларида келтирилган таърифларни ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.М.Халикованинг фикрича, “Бугунги кунда республикамизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш бозорни сифатли, хавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-I-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2020 йил17 ноябрь. 724-сон.

хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади”[1], деб таъкидлаган.

“Ишлаб чиқариш-техника назорати – саноат корхоналарида маҳсулот сифатини назорат қилиш юзасидан бажариладиган хизматлар мажмуи. Техник назорат ишлаб чиқаришнинг барча қисмлари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, ярим фабрикатлар, бутловчи қисмлар, технологик жараёнлар, асбоблар, дастгоҳлар, ускуналар, тайёр маҳсулотлар ва бошқалар)да амалга оширилади. Назорат қилинадиган объект хусусиятига кўра, назоратнинг кузатиб назорат қилиш, механик хусусиятларни назорат қилиш, кимёвий таҳлил, металлографик тадқиқотлар ўтказиш, синаб кўриб назорат қилиш ва бошқа усуллари бор”[2].

Маҳсулот ишлаб чиқариш цикли – иш даври (тайёр маҳсулот олиш учун кетган вақт) ва ишлаб чиқариш жараёнидаги танаффуслар (операциялар орасидаги давр ва сменалар ўртасидаги вақт)дан иборат”[3].

Юқорида келтирилган таърифлар корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритишга хизмат қилади. Олиб борилган тадқиқот давомида аниқ бўлдики, бугунги кунда, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари, хусусан корхоналарда ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўладиган яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнлари, уларнинг ҳисобини ташкил этиш, таснифлаш бўйича аниқ илмий изланишлар олиб борилмаган бўлиб, ушбу йўналишда чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида бўлгани каби ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида яроқсиз маҳсулотлар келиб чиқади. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотлар – бу яратилган маҳсулотларнинг сифати техник ва Давлат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган, ёки муддати ўтган, сотишга яроқсиз озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олиш учун асос бўлувчи ҳужжатларнинг шакли, ҳужжатларнинг корхона бўлимларида айланиш кетма-кетлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлиб, бундай ҳужжатлар ва уларнинг корхона бўлимларида айланиш кетма-кетлиги корхона томонидан мустақил тарзда ишлаб чиқилади ва “Ҳисоб сиёсати”да кўрсатилади.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотлар бўйича ҳужжатлар шакллари ва уларнинг айланишини қуйидагича акс эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-расм):

1-расм. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотлар бўйича ҳужжатлар айланиши

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотларни аниқлаш ва техник назорат қилиш техник назорат бўлими томонидан амалга оширилади.

[1] Халикова М.М. Озиқ-овқат ёғлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни тадқиқ этиш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -2021, № 6, ноябрь-декабрь.
[2] https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-texnika-nazorati-uz/
[3] https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-tsikli-uz/

Агар корхонада бундай бўлим мавжуд бўлмаса, корхонанинг таҳлилхона (лаборатория) бўлими бу вазифани бажаради.

Корхонада ишлаб чиқариш пайтида юзага келган яроқсиз маҳсулотларнинг пайдо бўлиш сабаблари, жавобгар шахслар аниқланади ва комиссия иштирокида уч нусхада далолатнома тузилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда далолатноманинг регламентлаштирилган шакли ишлаб чиқилмаган. Шу боис, ушбу турдаги далолатноманинг намунавий шакли хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил тарзда ишлаб чиқилади ва корхонанинг “Ҳисоб сиёсати”да кўрсатилади.

Бизнинг фикримизча, яроқсиз маҳсулотларни расмийлаштириш учун мўлжалланган яроқсиз маҳсулотлар далолатномаси таркиб жиҳатидан тўрт қисмдан ташкил топиши лозим. Далолатноманинг биринчи, яъни титул қисмида ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, санаси кўрсатилади. Ҳужжатнинг иккинчи, яъни асосий қисмида яроқсиз маҳсулотнинг номи, унинг қайси бўлимда ишлаб чиқарилганлиги, ўлчов бирлиги, сони ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилган ушбу яроқсиз маҳсулотнинг нормаси ва аниқланган яроқсизлик даражаси ўртасидаги тафовут акс эттирилиши лозим. Далолатноманинг учинчи, яъни натижавий қисмида яроқсиз маҳсулотларни пайдо бўлишида аниқланган айбдор шахслар (айбдор шахс аниқланган тақдирда), шунингдек яроқсиз маҳсулотларнинг пайдо бўлиш сабаблари кўрсатилиши лозим. Ҳужжатнинг охирги тўртинчи қисми, яъни расмийлаштириш қисмида комиссия аъзолари (рўйхат бўйича) исм-шарифлари, уларнинг эгаллаб турган лавозимлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларининг исм-шарифлари, имзолари, корхона муҳри акс эттирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг, унинг бир нусхаси бухгалтерия бўлимига, қолган нусхалари эса, яроқсиз маҳсулот аниқланган бўлимга ва айбдор шахсга тақдим қилинади. Далолатнома бўйича амалга оширилган бухгалтерия ёзувларидан сўнг, ушбу ҳужжат асос сифатида тикиб қўйилади.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот турига қараб яроқсиз маҳсулотнинг нормаси давлат томонидан ишлаб чиқилган стандартларга ёки корхонанинг ҳисоб сиёсатига белгиланади. Бу норманинг ҳисобга олиниши фойда солиғи базасига таъсир қилганлиги боис муҳим ҳисобланади.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулот тасдиқланган нормадан ортиқ бўлмаса, фойда солиғи базасидан чегириладиган харажатларга киради ва бу корхона фаолиятида одатда, 1-2%ни ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 317-моддасида чегириб ташланмайдиган харажатлар таркибида яроқсиз маҳсулотларнинг тасдиқланган нормадан ортиқча йўқотишлари бўйича моддалар келтирилмаган[1]. Шунинг учун, бизнингча, ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотларнинг нормаси мутахассис ходимлар билан ишлаб чиқилиши ва ҳисоб сиёсатига киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Мана шу тасдиқланган ички ҳужжат, корхонада фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда, яъни харажатларни фойда солиғи базасидан чегириш ёки, чегирмаслик учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотларни нормаси бўйича харажатлар сифатида тан олишда ва корхонанинг “Ҳисоб сиёсати”да уларнинг фойда солиғи базасидан чегириладиган ва чегирилмайдиган даражалари бўйича таснифлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 317-моддаси – “Чегириб ташланмайдиган харажатлар”нинг таркибини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу моддада, айнан, яроқсиз маҳсулотлар бўйича алоҳида банд келтирилмаган бўлса-да, унга яқинроқ бўлган харажатлар келтирилган. Жумладан:

9-банд “Лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

бартараф этишга доир харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари ҳамда ушбу харажатларнинг ўрнини камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан қоплаш имкони бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар”;

34-банд “Товар-моддий қимматликларни яроқсизлиги сабабли (сақлаш муддати ўтганлиги, жисмоний ва (ёки) маънавий эскирганлиги, шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра) ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар мустасно)”.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни натижасида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотлар бўйича нормадан ортиқча харажатларни фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган харажатлар, яъни **“Чегириб ташланмайдиган харажатлар”** сифатида корхонанинг **“Ҳисоб сиёсати”**да акс эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган яроқсиз маҳсулотлар, бухгалтерия ҳисобида 2610-“Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар” счёти бўйича ҳисобга олинади ва ҳисоб-варақнинг дебетида яроқсиз маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида юзага келган барча харажатлар, жумладан материал, меҳнат ҳақи ва бошқа шу каби харажатлар акс эттирилади.

Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида 2610-счётнинг кредитида яроқсиз маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида яратилган ва кирим қилинган товар-моддий захиралари ёки тайёр маҳсулотлар, қисман маҳсулот таннархига киритиладиган асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, айбдор шахслар аниқланганда, улардан ушлаб қолинадиган қисми ва бошқалар акс эттирилади.

2610-счёти бўйича аналитик ҳисоб корхонада алоҳида бўлимлари, маҳсулот турлари, харажатлар таркиби ва бошқалар бўйича ҳисобга олинади.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида яроқсиз маҳсулотлар икки хил бўлади ва мана шу сифатларига қараб улар бўйича бухгалтерия проводкалари берилади:

* яроқсиз маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш мумкин бўлган;

* яроқсиз маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўладиган яроқсиз маҳсулотларнинг таснифи ишлаб чиқилди (1-жадвал):

1-жадвал

Ёғ-мой саноати корхоналарида яроқсиз маҳсулотларнинг таснифланиши[1]

№	Таснифлаш белгиси	Таснифлаш белгисига кўра гуруҳлари	Гуруҳга кирувчи маҳсулотлар тавсифи
1	Яроқсиз-лик даража-сига кўра	Қайта ишлаб чиқариш мумкин бўлган	Бутунлай, ёки яроқсиз қисмини техник жиҳатдан қайта ишлов бериш натижасида тузатиб бўладиган ҳамда омборга тайёр маҳсулот сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ёғ-мой маҳсулотлари
		Қайта ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган	Тузатиш имконсиз бўлган, ёки тузатиш натижасида фойдаланишга топшириб бўлмайдиган ёғ-мой маҳсулотлари
2	Аниқлан-ган жойига кўра	Ишлаб чиқариш бўлимида	Ишлаб чиқариш бўлимларида, ёки асосий омборга топшириш пайтида аниқланган ёғ-мой маҳсулотлари

[1] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

		Асосий омборда	Режали ва режадан ташқари инвентаризация жараёни натижасида аниқланган ёғ-мой маҳсулотлари
		Корхона ташқарисида	Харидорларга сотиш жараёнида, бозорда, ёки истеъмолчилар томонидан шикоят қилинганда аниқланган ёғ-мой маҳсулотлари
3	Жавоб-гарлик ҳолатига кўра	Айбдор аниқланмаганда	Жавобгар шахс аниқланмаганда, яъни асбоб-ускуна, ёки материалларнинг айби, шунингдек электр-энергиянинг буғ ва совутиш жараёнининг ўчиб қолиши, натижасида келиб чиққанда
		Айбдор аниқланганда	Ходимнинг айби билан ишлаб чиқариш натижасида келиб чиққанда. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз ёғ-мой маҳсулоти учун камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ яроқсиз маҳсулот ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди[1]
4	Ходимдан ундириш ҳолатига кўра	Иш ҳақидан ушланадиган	Раҳбарнинг буйруғи асосида, меъёрий-ҳужжатларга мувофиқ ходимнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади
		Ўз хоҳишига кўра келтириб қўйиладиган	Ходимнинг аризасига кўра, ўз хоҳиши билан, айнан ўшандай маҳсулотнинг бозор баҳосида тўлаш, ёки ўшандай маҳсулотни келтириб қўйиш
5	Фойда солиғига тортили-шига кўра	Чегириладиган харажатлар	Ҳисоб сиёсатига мувофиқ, белгиланган нормадан ошмаган харажатлар
		Чегирилмайдиган харажатлар	Ҳисоб сиёсатига белгиланган нормадан ортиқча харажатлар

Биз томонимиздан ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ишлаб чиқилган ушбу таснифий асослар корхонада ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўладиган яроқсиз маҳсулотларни тўғри ҳисобга олиш, у бўйича бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш, шунингдек ушбу маҳсулотлар бўйича харажатларни солиқ ҳисоботларида тўғри акс эттиришга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари асосида хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги кунда, хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулотлар ҳисоби бўйича иқтисодчи олимлар томонидан етарлича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган яроқсиз маҳсулотларнинг ҳуқуқий асослари, уларни ҳисобда тан олиш ва ҳужжатларда акс эттириш масалалари бўйича аниқ илмий изланишлар адабиётларда келтирилмаган. Шу боис, тадқиқот давомида ушбу маҳсулотларнинг назарий асослари ўрганилди ва таснифий асослари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олишда асос бўлувчи ҳужжатлар ва уларнинг кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот натижалари ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш натижасида вужудга келадиган яроқсиз маҳсулотлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштиришда, шунингдек уларни ҳисобда тан олишда, бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳамда ҳисобот шаклларида акс эттиришда маълум даражада хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-I-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 01.04.1996.

3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. 01.04.1996.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2020 йил17 ноябрь. 724-сон.
5. Халикова М.М. Озиқ-овқат ёғлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни тадқиқ этиш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -2021, № 6, ноябрь-декабрь.

https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-texnika-nazorati-uz/
https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-tsikli-uz/

Б.Боронов **Учет и классификация бракованной продукции на предприятиях масложировой промышленности**	**B.Boronov** **Accounting and classification of defective products at the enterprises of the oil and fat industry**
Аннотация: В статье представлены теоретические основы бракованной продукции, ее классификация перед бухгалтерским учетом, их значение при принятии управленческих решений, их влияние на налог на прибыль, а также документы, являющиеся основанием для отражения в бухгалтерском учете.	**Abstract:** The article presents the theoretical foundations of defective products, their classification before accounting, their importance in making management decisions, their impact on income tax, as well as documents that are the basis for accounting.
Ключевые слова: готовая продукция, масложировая продукция,, бракованные продукты, вычитаемые расходы, невычитаемые расходы, учетная политика.	**Keywords:** finished products, oil and fat products, defective products, deductible expenses, non-deductible expenses, accounting policy.

To‘lqin Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev – SamISI o‘qituvchisi

QURILISH KORXONALARINING IQTISODIY TAHLILINING OB’YEKTI SIFATIDA ALOHIDA XUSUSIYATLARI.

Annotatsiya: Ushbu maqolada qurilish korxonalarining tasniflanishi, uning faoliyat jarayonlarining alohida xususiyatlari hamda qurilish korxonalarining iqtisodiy tahlilning obyekti sifatidagi alohida xususiyatlari to‘g‘risida yoritilgan.
Kalit so‘zlar: qurilish korxonalari, tahlil, qurilish sohasi, iqtisodiy tahlilning obyekti, qurilish korxonalarida iqtisodiy tahlilning maqsadi, davlat, aksiyadorlik, shirkat, xususiy, qo‘shma va boshqa pudrat qurilish-montaj tashkilotlari.

Kirish. Mamlakatning rivojlanayotganligini, uning yangilanayotganligini hamda ravnaq topayotganini hech bir soha qurilish sohasidek yaqqol ko‘rsatib bera olmaydi. Yangi O‘zbekistonni yaralishini qurilish sohasidan ayro tasavvur qilish mumkin emas. Bugungi kunda mamlakatimizda qurilish sohasi jadal rivojlanmoqda.

Xususan, mamlakatimizda amalga oshirilgan qurilish ishlari 2020 yilda 2016 yilga nisbatan qariyb 3 barobarga, qurilish korxonalarida xodimlarga o‘rtacha to‘langan ish haqi esa 2 barobarga oshgan. Bu erishilgan natijalar albatta bugungi olib borilayotgan islohotlar natijasidir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida faqatgina axborotlarni yig‘ish emas balki uni o‘qish hamda tahlil qilish muhim masaladir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyev mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy- iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasini aynan “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib –intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak[1]” deb bejizga

[1]O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy- iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasidan.

nomlamagan. Bunda har bir soha hamda ushbu sohaga javobgar rahbarlar o‘z faoliyati natijalarini hamda o‘zgarish tendensiyalarini muntazam o‘rganib borishi kerak. Buning uchun esa tahlilga zarurat tug‘uladi. Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili esa qurilish faoliyatini boshqa tur faoliyatidan farqli jihatlari mavjudligi hamda mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda ahamiyatliligi sababli o‘ta muhimdir. Yuqorida keltirib o‘tilgan sabablar mazkur ishni tayyorlashga sabab bo‘ldi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Ushbu mavzu bo‘yicha mahalliy va xorijiy adabiyot manbalari tahlili, qurilish sohasida fundamental tadqiqotlar qatorida I.S.Stepanova [1], Arens E.A. [2], DJ.K. Lobbek [3], Serov V.M. [4] , Gurkov I.B [5] singari xorijiy olimlarning, M.Q.Pardayev[6], N.T.Tuxliyev [7], E.V.Golьsheva [8], M. Miraxmedov [9], A.A.Eshtaev [10], K.B.Urazov [11], singari mahalliy iqtisodchi olimlarning qurilish sohasidagi turli masalalari bo‘yicha ilmiy tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar.

Tadqiqot metodologiyasi. Ilmiy-tadqiqot ishida statistik va iqtisodiy tahlil usullari, tahlil, sintez, mavhumiy-mantiqiy tahlil, shuningdek, tanlovli kuzatuv, sostiologik so‘rov, SWOT-tahlil, qiyoslov usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Qurilish xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlariga xizmat ko‘rsatib, asosiy fondlarni qayta takror ishlab chiqarish uchun sharoitlarni ta’minlaydi, xalq xo‘jaligining maqbul tarkibini barpo etish, ishlab chiqaruvchi kuchlarni maqsadga muvofiq joylashtirish, respublikaning yangi tabiiy boyliklarini o‘zlashtirish, bo‘sh mehnat resurslarini ijtimoiy ishlab chiqarishga jalb etishga yordam beradi. Respublikada qurilish ishlari pudrat, subpudrat va qisman xo‘jalik usullarida olib boriladi.

Qurilish industriyasi negizini davlat, aksiyadorlik, shirkat, xususiy, qo‘shma va boshqa pudrat qurilish-montaj tashkilotlari, shuningdek, o‘z moddiy-texnika va ishlab chiqarish bazasiga, malakali ishchi va mutaxassis kadrlarga ega bo‘lgan korxonalar, transport va boshqa yordamchi xo‘jaliklar tashkil etadi. O‘zbekistonda qurilish-montaj kompaniyalari, korporatsiyalari, qurilish aksiyadorlik jamiyatlari va birlashmalari, quyi pudrat tashkilotlari, kichik korxonalar, qo‘shma korxonalar, loyiha va ilmiy hamda qurilish sohasiga moslashtirilgan ilmiy tadqiqot institutlari faoliyat ko‘rsatadi. Qurilish-montaj ishlarining deyarli barchasini ixtisoslashtirilgan qurilish tashkilotlari amalga oshiradi.

Qurilish tashkilotlari iqtisodiyotning «Qurilish» deb atalgan tarmog‘i quyi bo‘g‘inini tashkil qiladi. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi tomonidan belgilangan xalq xo‘jaligi tarmoqlari klassifikatoriga muvofiq qurilish tashkilotlarining alohida turlariga quyidagi tarmoq kodlari ajratilgan:

- 60000 -Qurilish;
- 61000 -Pudrat va xo‘jalik usulida qurilish, montaj va boshqa ishlarni olib boruvchi umumqurilish va ixtisoslashgan tashkilotlar;
- 62000 -Ishlab chiqarish maqsadidagi bino va inshootlarni kapital ta’mirlashni bajaruvchi tashkilotlar;
- 63000 - Noishlab chiqarish maqsadidagi bino va inshootlarni ta’mirlash, aholi buyurtmasiga ko‘ra yashash joylarini ta’mirlash va qurish ishlarini bajaruvchi tashkilotlar;
- 65000 – Burg‘ulash ishlarini bajaruvchi tashkilotlar;
- 66000 - Loyiha, loyiha-qidiruv va qidiruv tashkilotlari;
- 69000 - Qurilish xo‘jalik boshqarmalari[1].

Qurilish tashkilotlarini xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar sifatida turli belgilari bo‘yicha tasniflash mumkin. Mulkiy shakli va yuridik maqomiga ko‘ra qurilish tashkilotlari ochiq aksiyadorlik jamiyatlari (OAJ), mas’uliyati cheklangan jamiyatlar (MCHJ), xususiy korxonalar (firmalar) va davlat unitar korxonalari bo‘lishi mumkin. Ushbu maqomdagi qurilish tashkilotlarini tuzish va ular faoliyatini yuritish respublikamizda bu turdagi xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar to‘g‘risidagi qonunlar va qonun osti hujjatlari, shuningdek ushbu tashkilotlarning ta’sis hujjatlari asosida amalga oshiriladi. Nomlanishiga ko‘ra ham qurilish tashkilotlari

[1] “Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobi”, Urazov K.B. 2007. Ma’ruza matni 2 qism.

turlichadir. Chunonchi, ularning eng keng tarqalgan nomi bo‘lib harakatlanuvchi mexanizatsiyalashgan kolonna (XMK–PMK) hisoblanadi. Qurilish tashkilotlariga bunday nomni berilishi negizida ularning qurilish, qurilish montaj va boshqa ishlarga doir o‘z faoliyatini bevosita buyurtma berilgan joylarda maxsus harakatlanuvchi texnik vositalar, mashina va mexanizlar yordamida amalga oshirishlari yotadi. Bundan tashqari qurilish tarmoida xususiy qurilish firmasi, sho‘’ba qurilish korxonasi, qurilish kompaniyasi, qurilish tresti kabi nomlardagi xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar ham mavjud. Faoliyat yuritish doirasiga ko‘ra qurilish tashkilotlari tarmoq va tarmoqlararo qurilish tashkilotlariga bo‘linadi. Tarmoq qurilish tashkilotlari xalq xo‘jaligining alohida olingan tarmoqlarida o‘z faoliyatini yuritadilar. Ixtisoslashganligiga ko‘ra qurilish tashkilotlari maxsus va universal tashkilotlar bo‘lib hisoblanadi. Masalan, qurilish tashkilotlarining metro qurilishi, uy qurilishi, yo‘l qurilishi, ko‘prik qurilishi va boshqa shu kabi maxsus ixtisoslashgan turlari mavjud. Ayrim qurilish kompaniyalari (trestlari) ko‘p tarmoqli, ya’ni universal tashkilotlar bo‘lib hisoblanadi. Xodimlarining soniga ko‘ra qurilish tashkilotlari mikrofirmalar, kichik korxonalar, o‘rta va yirik korxonalarga bo‘linadi. Respublikamizning qonun hujjatlariga ko‘ra qurilish tarmog‘ida mikrofirmalar bo‘lib xodimlarining soni 20 tagacha, kichik korxonalar bo‘lib xodimlarining soni 50 nafargacha, o‘rta korxonalar bo‘lib xodimlarining soni 100 nafargacha va yirik korxonalar bo‘lib xodimlarining soni 100 dan oshiq bo‘lgan korxonalar hisoblanadi. Ta’sischilarining tarkibiga ko‘ra qurilish tashkilotlarini mahalliy va xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalarga bo‘lish mumkin.

Xulosa va takliflar. Qurilish faoliyatini tahlil nuqtayi nazaridan boshqa faoliyat turlaridan farqli jihatlari quyidagilardan iborat.

1. Qurilish faoliyati uzoq davriylikka ega ekanligi;
2. Bajarilgan ish bo‘yicha har bir hisobot davrida moliyaviy natijani aniqlashda muammolar vujudga kelishi;
3. Mehnat samaradorligini aniqlashni aniq tizimi mavjud emasligida (subpudratchi tashkilot xodimlari mehnat unumdorligi);
4. Qurilish korxonalarida xarajatlarni xususiyatiga ko‘ra davriy tan olish tizimi mavjud emasligida;
5. Qurilish korxonalarini moliyaviy holatini ifodalovchi ko‘rsatkichlarini xalqaro talablarga moslashtirilmaganligi;
6. Korxona tomonidan tender asosida bajarish uchun olingan qurilish ishining daromadi aniqligi ammo unga sarflanadigan xarajatlar aniqlashtirilmaganligi.

Moliyaviy holat tahliliga ko‘plab xorijiy hamda mamlakatimiz olimlari o‘z ta’riflarini ishlab chiqgan. Masalan, M.I. Bakanov moliyaviy holat tahliliga quyidagicha ta’rif bergan “Moliyaviy holat tahlili deganda moliyaviy resurslarning turlari bo‘yicha mavjudligini, raqobatbardoshligini, davlat va boshqa xo‘jalik sub’yektlari oldidagi majburiyatlarini bajarish qobiliyatini ifodalovchi ko‘rsatkichlar kabi muhim jihatlar majmuasi tushuniladi”. Yuqoridagi ta’rifdagidek moliyaviy holat tahlilini faqatgina ko‘rsatkichlar yoki ko‘rsatkichlar tizimi deb qarasak “Moliyaviy holat tahlili” terminini to‘liq qamrab ololmagan hisoblanamiz. Buni quyida mamlakatimiz hamda xorijiy olimlar tomonidan korxonaning moliyaviy holatiga berilgan ta’riflarda ham ko‘rishimiz mumkin. Shunday ta’riflardan biri M.Q.Pardayev tomonidan berilgan ta’rifdir. Unga ko‘ra moliyaviy holatga quyidagicha ta’rif berilgan “Moliyaviy holat- korxonani moliyalashtirishga qodirlik darajasi[1]”. Bundan tashqari L.I.Donsova, N.A.Nikifolovalar moliyaviy holatga “Moliyaviy holat – korxona aktivlari va kapitalining tarkibiy elementlarini balansligi shunungdek ulardan samarali foydalanish darajasini xarakterlovchi ifoda hisoblanadi[2]” deb ta’rif bergan.

Yuqorida berib o‘tilgan ta’riflar albatta korxonaning moliyaviy holatini hamda korxonalarda moliyaviy holat tahlilini ma’lum darajada yoritib bergan. Ushbu ta’riflardan kelib chiqqan holda qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahliliga o‘z ta’rifimizni ishlab chiqdik. **Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlili korxonaning ayni paytdagi moliyaviy**

[1]Pardaev M.Q. Iqtisodiy tahlil nazariyasi.Samarqand.: Zarafshon, 2005 yil, 183-bet.
[2]L.I.Donsova, N.I. NIkiforova., “Анализ финансовой отчётност”, M: Дело и сервис, стр-6.

holatini ma’lum belgilangan tahliliy ko‘rsatkichlar asosida o‘rganish , moliyaviy holatni ifodalovchi ko‘rsatkichlarni dinamik hamda tarkibiy o‘zgarishni baholash, faoliyat davomida erishilgan natijalarga omillar ta’sirini aniqlash va korxonada mavjud foydalanilmayotgan imkoniyatlarni topish bilan shug‘ullanuvchi soha hisoblanadi.

Yuqorida ishlab chiqilgan ta’rifning berib o‘tilgan ta’riflardan farqli tomonlari shundan iboratki ushbu tarifda tahlil jarayonini barcha bosqichlari qamrovi mavjuddir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. -“Xalq so‘zi”, 2020 yil 25 yanvar.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori, 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qurilish – montaj ishlari sifatini tubdan yaxshilash va qurilishni nazorat qilish tizimini takomillashtirish chora tadbirlari” to‘g‘risidagi PQ-4586 sonli Qarori. - 06.02.2020.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini qurilish tarmog‘ini modernizastiya qilish, jadal va innovastion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risidagi” PF-6119 sonli Farmoni – 28.11.2020.
5. Экономика строительства: Учебник / под общей ред. И.С.Степанова.- 3-е изд., доп. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2004..
6. Аренс Э.А., ДЖ.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
7. Шодмонов Ш.Ш, Ғафуров У.У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Фан ва технолигия, 2005.
8. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2004.
9. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строительстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.
10. Мирахмедов М., , Шомирзаев Э. Қурилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент. – Тошкент: ТАҚИ, 2012.
11. Nurimbetov R.I. Loyihalar tahlili va ularni boshqarish. O‘quv qo‘llanma. - T.: TAQI, 2012.
12. Nurimbetov R.I. Korporativ boshqaruv.- (o‘quv qo‘llanma) – T.: TAQI, 2012.-156 b.
13. Rahimov Q.E. Qurilishda marketing va yagona buyurtmachi xizmatini tashkil etish. Darslik. – T.: TAQI, 2018.

Т.Яхёев

Особенности строительных предприятий как объекта экономического анализа

Аннотация: В данной статье речь идет о классификации строительных предприятий, особенностях процессов их деятельности и особенностях строительных предприятий как объекта экономического анализа.

Ключевые слова: строительные предприятия, анализ, строительная отрасль, объект экономического анализа, цель экономического анализа в строительных предприятиях, государственные, акционерные, частные, совместные и другие подрядные строительно-монтажные организации.

T.Yakhyoyev

Special characteristics of construction enterprises as an object of economic analysis.

Abstract: This article is about the classification of construction enterprises, special features of their activity processes and special features of construction enterprises as an object of economic analysis.

Keywords: construction enterprises, analysis, construction industry, object of economic analysis, purpose of economic analysis in construction enterprises, state, joint-stock, private, joint and other contract construction and assembly organizations.

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

BBK-81.2-3 **UDK: 894.375**

To‘lqin Kulibaevich Mardiyev – SamISI, “Tillarni o‘qitish” kafedrasi mudiri, dotsent

BAXT KONSEPTINING INGLIZ VA O‘ZBEK FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDAGI TALQINI

Annotatsiya: Ushbu maqolada qardosh bo‘lmagan ikki ingliz va o‘zbek tillarining verballashuvi hamda mazkur tillarda mavjud bo‘lgan til birliklari orqali ularning umumiy va alohida o‘ziga xos tomonlari qiyoslangan. Jumladan, til har bir millat uchun madaniylikning oynasi, xazinasi sanaladi. Bu xazina (til orqali) barcha insonlarga xos madaniy-axloqiy qadriyatlar bo‘lib, ular avloddan avlodga yetib kelgan. Zero, maqollar va frazeologizmlar ana shunday madaniy-axloqiy qadriyatlarni ifodalovchi til birliklaridir.
Kalit so‘z: Baxt va quvonch, shodlik, oqibat, mehr, istak, iliq munosabat, e’tibor, lingvomadaniy, til va madaniyat, tafakkur, emotsional, axloqiy, tuyg‘ular, lisoniy, hissiy, verbal,qadriyatlar.

Kirish. Ma’lumki, tilda xususiylik, milliylik belgisi mavjud, ya’ni har bir xalqning o‘ziga xos tili bor. Ammo til orqali aks etadigan madaniylik belgisidan umummilliylik xususiyati ustundir. Zero, til har bir millat uchun madaniylikning oynasi, xazinasi sanaladi. Bu xazina (til orqali) barcha insonlarga xos madaniy-axloqiy qadriyatlar bo‘lib, ular avloddan avlodga yetib kelgan. Chunonchi, paremiyalar ana shunday madaniy-axloqiy qadriyatlarni ifodalovchi til birliklaridir.

Ingliz va o‘zbek badiiy adabiyoti matnlarida ko‘p hollarda muhabbatga erishish *baxt* konseptiga bog‘lanib ketadi. *Baxt* o‘ziga xos tuyg‘u, ya’ni baxtli hayot mazmuniga erishish tushunchasini ifodalaydi hayot hamda bunday baxtga erishmaslik xususiyatlari ham mavjud bo‘lib, *baxtsizlik* diada (ikkilik) konseptini yuzaga chiqaradi. Diniy adabiyotlarda ham insonlar o‘rtasidagi baxt va baxtsizlik dualligi Allohning qudrati bilan bog‘liq bo‘ladi. Baxt va baxtsizlik dualligi nafaqat ilohiy kuchlarning ta’sir etish obyekti, balki, o‘z erki va insonga ta’sir etish qobiliyatini ko‘rsatuvchi yaxshiliklar obyekti ham hisoblanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. XIX asrning birinchi yarmida V.Gumboldt tomonidan zamonaviy antropologik tilshunoslikka asos solindi. U bir necha bor, *til — bu shunday organki, inson u yordamida o‘z fikrini ifodalaydi* deb ta’kidlagan. Dunyo tilshunosligida esa XX asrning birinchi choragida lingvomadaniy masalalar haqidagi mulohazalarga tanqidiy yondashiladi. Yu.Stepanov o‘zining tadqiqotlarida mental shakllanishning mohiyatini ochishga harakat qilib, bunda so‘zining etimologiyasiga murojaat qiladi. Konseptning kognitiv tilshunoslik, lingvokulturologiya, shuningdek, adabiyotshunoslik fanlaridagi izohi o‘zaro farqlanadi. Ushbu termin tilshunoslikda o‘tgan asrning 80-yillariga qadar tushuncha so‘ziga sinonim sifatida ishlatilgan bo‘lsa, bugungi kunga kelib uning izohi tushuncha terminiga nisbatan kengayganini ko‘rish mumkin. Chunonchi, o‘zbek tilshunosligida G‘.Salomovning maqol va idiomalar tarjimasi bo‘yicha amalga oshirgan tadqiqotlari, Sh.Rahmatullaevning “O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati”, M.Abdurahimovning “O‘zbekcha-ruscha aforizmlar lug‘ati”, T.Mirzayev, B.Sarimsoqov, A.Musoqulovning “O‘zbek xalq maqollari” to‘plamlari; Sh.SHomaqsudov, Sh.Shorahmedovning “Ma’nolar maxzani”; Sh.Shomuhammedovning “Donolar bisotidan”; SH.Abdurazzoqovaning “Tafakkur gulshani” (tarjimalari); Hamidjon Homidiy, Mahmud Hasaniyning “Mashriqzamin hikmat bo‘stoni”, xususan, H.Berdiyorov, R.Rasulovning “O‘zbek tilining paremiologik lug‘ati”; U.Sanaqulovning “Mahmud Koshg‘ariy hikmatlari” kabi kitoblarida tilimizdagi madaniy- axloqiy qadriyatlar aks etgan til birliklari to‘planganligini kuzatish mumkin. Qator yillar davomida tilshunoslikning ushbu bo‘limi lingvomadaniy masalalarni o‘rganishga bag‘ishlangan ishlarda ta’kidlangan ediki, maqol va matallar tilning milliy o‘ziga xos birliklari hisoblanib, xalqning madaniy imkoniyatlarini oshiradi.

Tadqiqot metodologiyasi. Ushbu maqolada asosan, tavsifiy, chog‘ishtirma, konseptual

tahlil usullaridan hamda til nazariyasi, madaniyatlararo kommunikatsiya nazariyasida qo‘llaniladigan ilmiy metodlardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalari. Bugungi kunda inson tuyg‘ularining lingvomadaniy jihatdan verballashuvini qardosh bo‘lmagan ingliz va o‘zbek tillarida mavjud bo‘lgan til birliklari orqali tahlil qilish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Bunda asosiy masalalar ikki qardosh bo‘lmagan til vakillarining lingvomadaniy jihatdan o‘xshash va farqli tomjnlari tilda mavjud bo‘lgan maqollar va badiiy asarlar orqali namoyon bo‘ladi. Biz ingliz va o‘zbek tillarida *baxt* tuyg‘usini ifodalovchi konseptlarning semantik strukturasi haqida fikr bildirilgan. Manbalardan seziladiki, *baxt –baxtsizlik* kabi konseptual tushunchalar barcha millat adabiyotida keng e’tirof etiladi. *Baxt* leksemasi yoki konseptining inson kamolotiga erishishdagi ahamiyati to‘g‘risida dunyoning barcha yetuk mutafakkir olimlari o‘z fikrlarini ta’kidlab o‘tishgan. Aflotun shunday deydi: *Boshqalarning baxtini o‘ylab, o‘z baxtimizni ham topamiz* [3,89].

A.S. Makarenko *baxt* to‘g‘risida shunday deydi: *Baxtning zarur tarkibiy qismi–bu to‘g‘ri yashayotganingga, ortingda xudbinlik, qalloblik, makkorlik, zararkunandalik va yana shunga o‘xshash boshqa bir razilliklar yo‘qligiga qat’iy ishonishdir* [2, 9].

Maqolamizdan ingliz va o‘zbek tilida ham - har ikkala tilda baxt konseptini ochib beradigan frazeologik birliklarni ko‘rib chiqamiz. Ba’zilari ikki tilda ham bir-biriga nisbatan yaqin bo‘lsa, boshqalarida esa umuman bog‘liqlikni ko‘rmaymiz. Jumladan, *Happy birthday! Happy New Year!* deganimizda aynan o‘zbek tilidagi kabi *Tavallud ayyomingiz qutlug‘ bo‘lsin yoki Yangi Yilingiz muborak* jumlalariga yaqin bo‘lgan bo‘lsa, biroq o‘zbeklarda bahoriy ayyom Navro‘z munosabati bilan tayyorlanadigan sumalak taomini tayyorlash jarayonlari yoxud bu bilan bog‘liq jarayonlar qozonga yog‘ tashlab, bo‘g‘irsoq pishirish va o‘sha xonadonga tinchlik-omonlik tilab fotiha o‘qish, bundan tashqari, ulug‘ taom bo‘lmish sumalak qozonga solinganda niyat qilib toshlar-u yong‘oq tashlash, sumalak pishganda taom suzilgach, agar kimningdir idishidan tosh chiqsa, bu *baxt ramzi, baxtli bo‘lish ramzi* sanaladi. Albatta, bu kabi urf-odatlar faqatgina bizlarga tegishli bo‘lib, inglizlarda bunday an’analar yo‘q ekan.

Baxt qushi degan ta’birning mavjudligi bejiz emas. Qush hech mahal bir yerda uzoq qo‘nib o‘tirmaydi. *Baxt* ham shu — kishiga hamisha yo‘ldosh bo‘lavermaydi. Baxtiyorlik ko‘p hollarda kishini xudbinlikka, manmanlikka yetaklashi mumkin. Ana shunda jar yoqasiga keltiradi-yu o‘zi g‘oyib bo‘ladi. Kishi “Baxtim, qayerdasan?!” deb chapak chalib qolaveradi. Hayotdan ma’lumki, jarga qulaganlar ham uchraydi. Esi butun odamlar esa o‘zini asrab qola oladi. “Baxtingni qo‘ldan berma”, degan gapni men “manmanlikka berilma, xudbin bo‘lma”, degan ma’noda tushunaman. Masalan: *Yigitcha ortiqcha hoyu- havaslarga berilib, baxtingni qo‘ldan chiqarmagin* [5, 200].

Baxt zarralardan tashkil topadi. Masalan*: Ertalab dasturxonimizda non turishi— baxt. Uni yemay, isrof qilishlik esa xudbinlik. Har tong ahli oilamni, qo‘ni-qo‘shnimni, qarindosh-u do‘stlarni sog‘–omon ko‘rmoqlik — baxt. Ulardan birining ko‘nglini og‘ritish esa— xudbinlik… Zargar tilla zarralarini to‘plab, bir ajib uzuk yasasa-yu, ammo uni bir onda yo‘qotib qo‘ysa…Inson ham baxtini ana shunday mashaqqat bilan topadi, osonlik bilan yo‘qotadi. Bunga faqat o‘zigina aybdor, - deb yozganda Tohir Malik haq edi* [4, 212-219].

Baxt va quvonch hayotimizning bir qismi bo‘lishi kerak. Unutmangki, *baxt* o‘zimizda, shuning uchun uni boshqa joydan izlash shart emas. Biroq, taniqli hozirgi mualliflardan yoki tarixdan iqtiboslarni o‘qish har doim foydali bo‘ladi; chunki ular bizni o‘zlarining dono so‘zlari bilan o‘ylashga va aks ettirishga majbur qiladi. *Baxt* yashashda emas, balki qanday yashashni bilishda. *Baxt* tashqarida emas, ichkarida; shu sababli, bu bizdagi narsaga emas, balki, o‘zimizga bog‘liq ekan. Shuningdek, ingliz adabiyotida *happiness/baxt* konseptining o‘ziga xos tuyg‘u munosabatlari ifodalanganini kuzatish mumkin. Inglizlarda *happiness/baxt* konseptining insonlar taqdiri, uning baxt-saodatga erishishi o‘zgalar baxti hisobidan bo‘lmasligi, qalbaki baxtning hech kimga kerak emasligi muhim o‘rin egallaydi.

Your unselfishness cannot entirely comprehend how much my mind has gone on this; but, only ask yourself, how could my happiness be perfect, while yours was incomplete? “Your own feeling tells you that you were not what you are,” she returned. “I am.” That which promised

happiness when we were one in heart, is fraught with misery now that we are two [7,67].

Ingliz va o‘zbek maqollarida *happiness/baxt* konseptini ifodalovchi misollar muhim o‘rin egallaganini kuzatishimiz mumkin: *Kindness brings happiness. Obedience is the mother of happiness. All happiness is in the mind. He is not happy who does not realize his happiness. Happiness is something to do, something to love, something to hope for.You can never be happy at the expense of the happiness of others* [8, 354.].

O‘zbek maqollarida ham bunday misollar anchagina. *Baxt kulgu bor uyga kirar. Baxt – sandiqda, kaliti – osmonda. Baxtni mehnatdan izla. Baxtni qo‘ldan tashlama kabi* [1,398].

Ingliz tilida *happiness* leksemasini ifodalovchi qator frazeologik birliklar ya’ni idiomalar mavjud bo‘lib, keling, ularni birma-bir ko‘rib chiqamiz: “Walk on air”, “in seventh heaven”, “on cloud nine”, “on top of the world”, “over the moon” and “thrilled to bits” and so on.

Tahlil qiladigan bo‘lsak, *walk on air – havoda yurish* iborasi o‘timsiz fe’l bo‘lsa, *thrilled to bits – zarracha hayajonlangan* sifatdosh so‘z birikmasi, qolganlari esa frazeologik fe’llar bo‘lib, gapda asosiy gap o‘rnida ham to‘liq qo‘llanila oladi. Yuqorida ko‘rib o‘tganlarimizning barchasi norasmiy ravishda ishlatiladigan sof idiomalardir.

She’s been walking on air ever since she met Julia. Walking on air – bu idioma odatda juda ham xursand bo‘lib ketgan kishining eyforik xatti-harakatlarini tasvirlaydi, sababi, ular bilan butunlay kutilmagan holat yuz bergani bo‘rttirib ifodalangan.

Gloria was in seventh heaven as she wandered around the shops knowing she could buy whatever she liked [6,193] .

In seventh heaven – ushbu ibora biror narsadan juda xursand bo‘lish yoinki o‘zini haddan ortiq xursand qilish ma’nolarini nazarda tutadi. Yuqoridagi *In seventh heaven iborasi*ning sinonimi sifatida *on cloud nine* iborasidan foydalanamiz, ya’ni bu idioma *euphoric* so‘ziga ham ma’nodosh bo‘lib, odatda sevib qolgan yoki endigina lavozimi ko‘tarilgan va boshqa holatlar uchun o‘zini bag‘oyatda baxtli his qilish xususiyatini beradi:

He was on cloud nine after winning the competition. On top of the world – dunyoning tepasida. Ayniqsa, muvaffaqiyat, omad yoki sodir bo‘lgan biron bir yaxshilik va moddiy narsa tufayli o‘zini juda baxtli va mag‘rur his qilish xususiyatini anglatadi.

E.g. a promotion, winning a lottery. Everything is going well for the one who is on top of the world [9,128].

Over the moon means *delighted about something.* Bu ibora asosan o‘zbek tilida mubolag‘aga yaqin bo‘lib, Kanadada unchalik “over the moon” iborasidan foydalanilmaydi, ammo Angliyada og‘zaki uslubda norasmiy ravishda foydalaniladi.

E.g. The whole team were over the moon at winning the competition [9, 96].

Thrilled to bits means *very surprised and very happy about something.* Bu jismoniy baxt hissini ifodalab, norasmiy uslubda keng qo‘llaniladi.

E.g. I was thrilled to bits with the gift from my family/when I received her marks from the research paper [10,909].

Yuqorida keltirilgan iboralarning barchasi *“*delighted”, “elated”, “ecstatic” and “jubilant” kabi nihoyatda baxtiyorlik xususiyatini bildiruvchi sifatlar bilan bir xil tasvirlovchi ma’noga ega bo‘lib, ular asosan norasmiy uslubda va badiiy adabiyotlarda keng qo‘llaniladi. Ushbu misollardan ayonki, inson tuyg‘ularini xalq tilida va badiiy matnlarda hamda maqollarda aks etishini ko‘rsatadi. Keltirilgan har ikkala tildagi misollarda ham nazariy, ham amaliy jihatdan talqin etilgan holatlarni ko‘rishimiz mumkin.

Xulosa va takliflar. Qiyoslanayotgan har ikki tilning lingvomadaniy jihatdan sezilarli darajada farqli tomonlarini uchratsak-da, lekin umumiylikka xos bo‘lgan jihatlarini ham maqolada ko‘rishimiz mumkin.

1. Ingliz va o‘zbek tilida baxt konseptini ochib beradigan frazeologik birliklarni ko‘rib chiqanimizda tahlillar shuni ko‘rsatdiki, ba’zi maqollar ikki tilda ham semantik jihatdan bir-biriga nisbatan yaqin bo‘lsa, boshqalarida esa umuman bog‘liqlikni ko‘rmaymiz.

2.Ingiliz tilida yuqorida keltirilgan iboralarning barchasi *“*delighted”, “elated”, “ecstatic” and “jubilant” kabilari nihoyatda baxtiyorlik xususiyatini bildiruvchi sifatlar bilan bir xil tasvirlovchi

ma’noga ega bo‘lib, ular asosan norasmiy uslubda va badiiy adabiyotlarda keng qo‘llaniladi. Shuningdek, so‘z va idiomalarni tarjima qilishda ikki qardosh bo‘lmagan til vakillarining lingvomadaniy jihatlariga e’tibor qaratish lozim.

3. Faqat sharqona madaniyatga xos bo‘lgan shunday *qadriyatlarimiz* borki, ular g‘arb madaniyati vakillari uchun hech qanday ahamiyat kasb etmaydi. Jumladan, sumalakdan chiqgan toshning o‘zi ham bizda baxt, omad ramzi hisoblanadi.

4. Baxt konsepti mazmunidagi qadr-qiymatga erishishni barcha inson istaydi. Hamma umr bo‘yi baxtga erishishga intiladi. Baxtga intilish insonnning tug‘ma xususiyatidir, shuning uchun ham bu har qanday axloqning negizi bo‘lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karamatova K., Karamatov X.S. Maqollar, Maqollar, Poslovitsy. – T.: Mehnat, 2000.- 398 b.
2. Mahmudov N. Tilning mukammal tadqiqi yo‘llarini izlab…/ O‘zbek tili va adabiyoti. – Toshkent. 2012. -№ 5. – 9.
3. Sodiqov N. “Aforizmlar”. – T.: Sharq nashriyoti. -89b.
4. Tilshunoslikning dolzarb masalalari. – Andijon, 2012. – B. 212-219.
5. O‘tkir Hoshimov. “Bahor qaytmaydi”. – T.: - 2000. – 200.
6. Longman Idioms Dictionary. Pearson Education. – 2002. -193p.
7. Oxford Advanced learner’s dictionary of current English. – 2000. – 67.
8. The Concise Dictionary of Proverbs. – Oxford. 2003. – 354p.
9.Shaw G. B. Pygmalion. – Dover Publications, 1994. – 96p.
10.Webster’s New Dictionary of Synonyms. -Massachusetts, USA.: 1984. – 909p.

Т.Мардиев

Анализ концепта счастья в английском и узбекском фразеологических единицах

Аннотация: В этой статье сравниваются общие и уникальные аспекты двух неродственных языков, английского и узбекского, посредством вербализации и лингвистических единиц, присутствующих в этих языках. В частности, язык считается зеркалом и сокровищем культуры каждого народа. Этим сокровищем (через язык) являются культурные и нравственные ценности всех людей, которые передавались из поколения в поколение. Ведь пословицы и фразеологизмы являются языковыми единицами, выражающими такие культурно-нравственные ценности.

Ключевые слова: счастье, радость, следствие, доброта, желание, теплое отношение, внимание, язык и культура, мышление, эмоциональное, нравственное, чувства, языковое, словесное, ценностное.

T.Mardiev

Analysis of the happiness concept in the english and uzbek phraseological units

Abstract: This article compares the common and unique aspects of two unrelated languages, English and Uzbek, through the verbalization and linguistic units present in these languages. In particular, the language is considered a mirror and treasure of the culture of each people. This treasure (through language) is the cultural and moral values of all people that have been passed down from generation to generation. After all, proverbs and phraseological units are linguistic units expressing such cultural and moral values.

Keywords: happiness, joy, consequence, kindness, desire, warm attitude, attention, language and culture, thinking, emotional, moral, feelings, linguistic, verbal, value.

Umar Xudayberdiyev – SamISI dotsenti, i.f.n.

MAKTAB – TA’LIM VA TARBIYA MASKANI, MUQADDAS DARGOH

Annotasiya: Maqolada umumiy o‘rta ta’lim mohiyati, ahamiyati, o‘rta ta’limdagi mavjud kamchiliklar va ularning yechimlari bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: ta’lim, tarbiya, umumiy o‘rta ta’lim, ta’limning hozirgi holati, ta’limdagi kamchiliklar, iqtisoslashtirilgan maktablar, ilg‘or xalqaro tajriba.

Kirish. Mamlakatimizda keyingi yillarda barcha sohalardagi kabi, ta’limda ham ijobiy o‘zgarishlar olib borilmoqda. O‘zbekistonda o‘rta ta’lim Konstitutsiyada ko‘rsatilganidek bepul bo‘lib, barcha yoshlar uchun majburiydir. Yoshlarning bilim olishi o‘quvchining qiziqishi,

iqtidoriga, maktablardagi shart-sharoitning mavjudligiga, darslik va o‘quv asboblarining zamonaviyligiga, o‘qituvchilarning tajribasi va salohiyatiga va boshqa omillarga bog‘liq. Maktablarda ilg‘or xalqaro tajribalarga asoslangan milliy ta’lim o‘quv dasturlari bo‘yicha tayyorlangan darsliklar, o‘quv-metodik qo‘llanmalardan foydalinilmoqda. Iqtidorli yoshlarga chuqurroq ta’lim berish maqsadida hududlarda Prezident maktablari, atoqli shoir va yozuvchilar nomidagi ijod maktablari, matematika, fizika, kimyo, biologiya, informatika fanlari bo‘yicha ixtisoslashgan maktablar tashkil etildi. Hozirgi paytgacha matematika va fizika fanlari bo‘yicha 126 ta, kimyo va biologiya fanlari bo‘yicha 87 ta, axborot texnologiyalari bo‘yicha 99 ta, xorijiy tillarni o‘rgatish bo‘yicha 20 ta ixtisoslashtirilgan maktablar faoliyati yo‘lga qo‘yilgan. Kelgusida bunday maktablarni har bir hududda ochib, ularning sonini ko‘paytirish choralarini ko‘rish belgilangan. Ta’lim-tarbiyani yaxshilash, o‘qituvchilar hurmatini joyiga qo‘yish, ish haqini oshirish natijasida moddiy ta’minotini yaxshilash bo‘yicha ancha ishlar amalga oshirildi. Kechagina maktab o‘qituvchilari, ustozlari bilan birgalikda ko‘chalarning ozodaligini saqlash, paxta terimida qatnashish, ta’limga ta’luqli bo‘lmagan barcha ishlarga tayyor ishchilar edi. Hatto boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ham darslardan keyin, ota –onasiga yordam berish uchun, “oq oltinimiz ” qanday terilishini o‘rganish uchun, paxta terimiga olib chiqilar edi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Ta’lim tizimida boshlang‘ich va o‘rta ta’lim tizimi juda muhim hisoblanadi. Bu ta’lim tizimi ta’limning keyingi bosqichlari uchun poydevor hisoblanadi. Ta’lim va tarbiya xususida mamlakatimiz olimlaridan S.S.G‘ulomov, R.X.Ayupov, M.E.Po‘latov, A.V.Vaxabov, M.X.Saidov, M.Q.Pardaev, Q.J.Mirzaev, M.M.Muxammedov, A.O.Ochilov, B.Sh.Usmonov kabilar tomonidan turli jurnallar maqolalarida, ilmiy-uslubiy ishlarida tadqiq qilingan. Shuningdek, ushbu mavzu dolzarb ekanligini inobatga olib yanada takomillashtirish hamda tegishli o‘rganishlarni o‘tkazish va tavsiyalar ishlab chiqish o‘ta dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Bundan tashqari Davlatimiz rahbari ham bu sohaga alohida e’tibor qaratib qator Farmon va Qarorlar qabul qilingan. Jumladan, 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmoni, 2022-yil 11-maydagi “2022-2026-yillarda xalq ta’limini rivojlantirish bo‘yicha milliy dasturini tasdiqlash tog‘risida” PF-134-sonli Farmoni, 2022-yil 11-may “Xalq ta’limini rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar tog‘risida”gi PQ-241-sonli Qarorlarida ham Xalq ta’limi tizimini yanada takomillashtirish kerakligi ta’kidlangan. Maktablarda ta’lim va tarbiya, uni uyg‘unlashtirib olib borish samaradorligi haqida olimlar tomonidan tizimli ravishda kam tadqiq qilingan. Shuningdek, ushbu mavzu dolzarb ekanligini inobatga olib yanada takomillashtirish hamda tegishli o‘rganishlarni o‘tkazish va tavsiyalar ishlab chiqish o‘ta dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot davomida induksiya va deduksiya, zamon va makon, analiz va sintez, mantiqiy tahlil kabi usullarni qo‘llagan holda o‘rganilgan.

Tahlil va natijalar. Hozirgi davrda bunday salbiy holatlarga barham beriladi. Lekin hozir ham o‘quvchilarning chuqur, zamon talabalariga mos ta’lim olishda, komil inson bo‘lib tarbiyalanishida salbiy ta’sir etadigan holatlar mavjudligini qayd etishimiz lozim. Bunday holatlarni quyidagilar bilan ifodalashimiz mumkin:

- Ayrim maktablarda o‘quvchilar sonining maktab sig‘imidan ancha ko‘p bo‘lishi, sinflarda 30 nafardan ko‘proq, hatto 50 nafargacha o‘quvchi bo‘lishi:
- Fanlarni o‘qitish asosan nazariy bilimlar bilan cheklanib qolishi, laboratoriyalar va amaliyot o‘tash joylarining etishmasligi;
- Mahalliy hokimyat, aholining ayrim qatlamlari tomonidan bilim olishga e’tiborsizligi natijasida o‘qituvchilarga turli tazyiq o‘tkazilayotganligi
- Ayrim ota- onalarning farzandlarining bilim olishiga, tarbiyasiga e’tiborsizligi, yoshlarga keragidan ortiqcha pul mablag‘lari, qimmatbaho buyumlar, hatto yengil mashinalar taqdim qilinishi holatlari mavjud;
- Ayrim o‘qituvchilarning o‘quvchilarga ta’lim berishdagi befarqligi, o‘zining malakasini muntazam oshirib, yangi metodikalar fandagi yangiliklarni o‘zlashtirmaganligi kabilardir.

2021-yil 3-noyabr kuni ta’lim sifatini nazorat qilish Davlat inspeksiyasida umumta’lim muassasalari reytinggiga bag‘ishlangan matbuot anjumanida mavjud 10130 ta maktabning 1449 tasida ta’lim sifati qoniqarli emas deb topilgan.

Umumiy o‘rta ta’limdagi bu kamchilik va muammoilarni bartaraf qilishda mamlakat Prezidentining 2022-yil 11-mayda qabul qilingan “2022-2026-yillarda xalq ta’limini rivojlantirish bo‘yicha milliy dasturini tasdiqlash tog‘risida” gi Farmoni, hamda “Xalq ta’limini rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar tog‘risida” gi Qarori muhim ahamiyatiga ega.

Dasturda Toshkent davlat pedagogika universiteti xalq ta’limi vazirligi tasarrufiga o‘tkazilib zamonaviy o‘quv dasturlarini ishlab chiqishda yetakchi oliy ta’lim muassasasi etib belgilangan, tayyorlangan milliy o‘quv dasturini tezroq ta’lim jarayoniga to‘liq joriy etish, uning asosida darsliklar, o‘quv qo‘llanmalar yaratish lozimligi ko‘rsatilgan. Shuningdek Farmonda pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini muntazam ravishda oshirish, pedagog kadrlarning umumta’lim fanlari bo‘yicha bilim darajasi va kasbiy mahoratini baholash tizimini ishlab chiqish va amaliyotga joriy qilish topshirilgan. Fanlar bo‘yicha tegishli darajadagi sertifikatga ega bo‘lgan pedagog kadrlarni har oylik qo‘shimcha ustama bilan rag‘batlashtirish belgilangan.

Prezidentning Qarorida 2022-2026-yillarda umumiy o‘rta ta’lim muassasalarini qurish, rekonstruksiya qilish hisobiga 1,2 million o‘quvchi o‘rni miqdoridagi yangi quvvatlar yaratish, maktablarda internet tezligini yaxshilash, yangi, zamonaviy kompyuterlar bilan ta’minlash, yuqori sinf o‘quvchilarining kasbga moyilligini aniqlab, ularni ushbu kasblarga o‘rgatish choralarini ko‘rish belgilangan. 2022-yil 1-avgustga qadar umumiy o‘rta ta’lim muassasasidagi ichki tartib va odob-axloq qoidalarni qayta ko‘rib chiqib, ularda maktab va ota – onalarning bola tarbiyasidagi, ta’limdagi ishtiroklari, hamda mas’ulyatlari oshirilishi ko‘zda tutilgan. Qarorda buyuk ajdodlarimizning ilmiy va madaniy merosi, ularning ibratli hayot yo‘li hamda jahon sivilizatsiyasini rivojlantirishga qo‘shgan xissalarini targ‘ibot ishlarini kuchaytirish lozimligi takidlangan.

Prezidentning ushbu Farmon va Qarorining amaliyotga tatbiq etilishi umumta’lim maktablarida ilm olish sifatini yuqori darajaga ko‘taradi, iqtidorli o‘quvchilarimizning nufuzli xalqaro fan olimpiadalarida yuqori o‘rinlarni egallashga imkon yaratadi. Shu yil 10-15-may kunlari Toshkentda bo‘lib o‘tgan 15 ta davlat vakillari qatnashgan 56-xalqaro Mendeleyev kimyo olimpiyadasida o‘zbekistonlik o‘quvchilar 10 ta medal qo‘lga kiritdilar. Yuz nafarga yaqin o‘quvchilar ishtirok etgan bu olimpiadada terma jamoamiz 1 ta oltin, 4 ta kumush va 5 ta bronza medali bilan taqdirlangan. Bunday Xalqaro fan olimpiadalarida matematika, fizika, biologiya, informatika fanlaridan ham yuqori natijalarni ko‘rsatayotgan o‘quvchilarimiz ko‘plab topiladi. Ularning fanlar bo‘yicha qiziqishlarini oliy ta’lim va ilmiy muassasalarda to‘g‘ri yo‘naltirilib, tajribali ustozlarga biriktirilib, rag‘batlantirilib turilsa, ulardan zamonamizning Xorazmiylari, Beruniylari, Ibn Sinolari yetishib chiqib, mamlakatimiz dovrug‘ini dunyoga taratadi.

Qarsak ovozi ikki qo‘ldan chiqadi deganlaridek, o‘quvchining yaxshi? chuqur bilim olishi uchun maktab o‘qituvchilari hamda ota-onalar birdek harakat qilishlari lozim. Bunda o‘qituvchi fan mavzularini yaxshi tushuntirib, o‘quvchini qiziqtirishi, olgan bilimi amaliyotda zarurligini tushuntirishi lozim. Ota-onalar esa farzandining bilim olishini muntazam ravishda nazorat qilib borishlari lozim. Fanlar bo‘yicha tanlovlar o‘tkazilib fanning mavzularini yaxshi o‘zlashtirgan o‘quvchilar munosib rag‘batlantirilishi lozim.

Lekin hozircha farzandni dunyoga keltirib, mehribonlik uyiga tashlab ketayotgan ota-onalar, aliment to‘lamasdan, bola tarbiyasiga befarq otalar ham uchraydi.

Fanlardan past baho olibsan, yaxshi o‘qi deb farzandiga tanbeh berish emas, o‘qituvchini past baho qo‘yibsan deb haqoratlaydigan, hatto uradigan zo‘ravonlar ham topiladi.

Maktab ta’lim-tarbiya maskani, muqaddas dargoh. Yoshlarni komil inson qilib tarbiyalashda maktabning ahamiyati ulug‘. Yoshlarga ta’lim-tarbiya berishda jonkuyar, mehribon, qalb-qo‘rini beradigan ustozlarning xizmatlari beqiyos. Shuning uchun ham “Ustoz – otangdan ulug” degan maqol paydo bo‘lgan.

Bundan 560 yillar ilgari shoirlar sultoni, hazrat Navoiyning

“Agar shogird shayxulislom,
Agar qozidur, agar ustoz
Rozi- Tangri rozidur” deb yozgan quyidagi baytini keltirsak tushungan insonga yetarli bo‘lsa kerak.

Xulosa va takliflar. Yoshlarning chuqur bilim olishlari uchun quyidagilarga e’tibor berish lozim:

Birinchidan, ota-onalar bolalarga yoshligidan ilmga muhabbat uyg‘otishi, kitob sevib o‘qishni tarbiyalamog‘i lozim.

Ikkinchidan, sinflardagi o‘quvchilar sonini ko‘pi bilan 25 nafar bo‘lishga erishish, o‘quvchilarning fanlardan bilim olish darajasini aniqlovchi nazorat usullarini ko‘paytirish lozim.

Uchinchidan, pedagoglarning mahoratini muntazam oshirib borish, fan o‘qituvchilarining o‘zaro darslarga kirib, bu darslarning muhokamasini muntazam yo‘lga qo‘yish lozimdir.

To‘rtinchidan, maktablarda fanlardan tanlovlar o‘tkazib, g‘oliblarni rag‘batlantirish, ularni namuna sifatida ko‘rsatish lozim bo‘ladi.

Bu taklif va tavsiyalar inobatga olingan maktab o‘quvchilarining fanlardan oladigan bilimlari yaxshilanadi va zamon talabiga javob beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 11-maydagi “2022-2026-yillarda xalq ta’limini rivojlantirish bo‘yicha milliy dasturini tasdiqlash tog‘risida” PF-134-sonli Farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 11-may “Xalq ta’limini rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar tog‘risida”gi PQ-241-sonli Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmoni.
4. ttps://m.kun.uz/news/2022/05/13/xalq-talimi-yangi-5-yillik-islohotlar-rejasi

У.Худайбердиев **Школа – место обучения и воспитания, святое место**	**U.Khudaiberdiev** **A school is a place of education and upbringing, a holy place**
Аннотация: В статье описаны сущность и значение общего среднего образования, существующие недостатки среднего образования и пути их решения.	**Abstract:** The article describes the nature and importance of general secondary education, existing deficiencies in secondary education and their solutions.
Ключевые слова: образование, воспитание, общее среднее образование, современное состояние образования, недостатки образования, профильные школы, передовой зарубежный опыт.	**Keywords:** education, upbringing, general secondary education, the current state of education, deficiencies in education, specialized schools, advanced international experience.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси катта ўқитувчиси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ПЕДАГОГЛАР ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

Аннотация: мақолада ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар вақтини тўғри тақсимлаш орқали педагоглар меҳнатидан унумли фойдаланиш мезонларига эътибор қаратилган.
Калит сўзлар: илмий салоҳият, инновацион иқтисодиёт, илмий фаолияти самарадорлиги, профессор-ўқитувчиларнинг рейтинги, ўқув юкламалари, ақлий меҳнат, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш.

Кириш. Қадимдан бир мақолсифат ҳикмат бор: “Ёқутлар топилар вақтлар билан, Вақтлар топилмас ёқутлар билан”, дейилган. Вақт шундай неъматки, унинг ҳар бир лаҳзасидан самарали фойдаланишнинг таъсирчан механизми яратилган бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор профессор-ўқитувчилар вақтини қадрлашни йўлга қўйишдек

тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Зеро, “ақл ақлдан қувват олади”, деган мумтоз ҳикмат ҳам асрлар оша яшаб келмоқда. Доно билан қанча вақт ўтказсанг ҳам вақтинг зое кетмаган бўлади. Бундай гапларни бежиз келтирмадик. Чунки вақт қадри бу жуда қиммат, уни ҳеч қандай моддият билан ўлчаб ёки топиб бўлмайди. Вақтдан тўғри фойдаланиш, вақтни тўғри тақсимлаш ҳар инсоннинг, мутахассиснинг қатъий шиори бўлиши керак. Айниқса, таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар вақтини ҳам тўғри тақсимлаш ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида жуда зарур. Зеро профессор-ўқитувчининг вақти фақат ўзи учун эмас, балки тарбияланаётган авлод учун ҳам муҳимдир. Битта ўқитувчи 40 нафар талабага дарс берса, ўқитувчининг йўқотган вақти фақат ўзи билан чегараланмайди, балки ўша 40 нафар талабага ҳам таъсир қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясининг 2-бобида олий таълим муассаса (ОТМ)ларида илмий салоҳият 36.4 фоиз эканлиги, илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши 49, фан докторлари — 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари — 43 ёш эканлиги ва фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши 45 фоизни ташкил этганлиги ҳақида тўхталиб ўтилган[1]. Кўриниб турибдики, илмий салоҳиятга эга бўлганларнинг анчагина салмоғи нафақадагиларга тўғри келмоқда. Уларнинг билими, тажрибаси ва илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Ушбу муаммолар билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ш.Бекмуродов, М.Ш.Шарифхўжаев, Ё.А.Абдуллаев, Б.Ю.Ходиев, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, Қ.Ж.Мирзаев, Д.Набиев, Р.К.Алимов, Б.А.Бегалов, Д.Б.Григорович, М.Х.Саидов, Г.Н.Ахунова, Т.З.Тешабоев, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, Ҳ.П.Абулқосимов, А.С.Кучаров, О.С.Қаҳҳаров, О.Х.Ҳамидов кабилар[2] илмий-тадқиқот олиб борганлар.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, замон ва макон, иқтисодий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Профессор аудиториядаги 60-80 нафар талабага 80 дақиқа дарс ўтади, шу талабалардан 50-60%и бу дарсдан нимадир олади. Агар шу профессор ўша вақтини тадқиқотчи ёки докторант билан ўтказса, 100 % ўзлаштириш бўлади ва тадқиқотчи олган маълумоти устида бир неча ойлаб ишлайди, айрим шогирдлари шу

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

[2] Ғуломов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. –Т.: Шарқ, 2004, - 203 б.; Ходиев Б.Ю. Инновационная образовательная стратегия в условиях преодоления мирового финансово-экономического кризиса. – Т.: Экономика, 2009, -89 с.; Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. – Менежмент. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 200, -701 бет., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография.. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 260 б., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” yfihb`nb? 2014. – 384 бет., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти.– Т.:Молия, 2002, -169 б.; Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари: Монография. – Тошкент. - 2005. - 244 б; Бекмуродов А.Ш. Информацинно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования: методика, содержание и техническое обеспечение.– Т.: Экономика, 2009, -205 б.; Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. –Т.: Фан ва технология, 2007. 129 б.; Кучаров А.С. Таълимда тадбиркор кадрларни тайёрлаш. – Т.:Тошкент, 2005, -169 б.; Набиев Д. Совершенствование управления маркетингом образовательных услуг в условиях модернизации экономики. Автореф. ... докт. эконом, наук. – Ташкент, 2009. - 48 с; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Т.: «Турон-Иқбол»: 2006. - 592 б.; Абдурахманов К.Х. и др. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. – Т., 2005. Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.– Т., 2005, Муҳаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2017. – 300 б., Муҳаммедов М.М. Экономическая история Узбекистана: от эпохи Тимура до наших дней. Монография. – Т.: “Тафаккур бўстони”, 2019. – 512 бет., Қаҳҳоров О.С., Хамидов О.Х. Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича). Дарслик. 2020 йил. Бухоро. – 402 б. Қаҳҳоров О.С., Хамидов О.Х. Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича). Ўқув қўлланма. 2020 йил. Бухоро. – 352 б., Қаҳҳоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлаш. Монография. – Т.: Фан, 2011. - 156 б.ва бошқалар.

йўналиш бўйича умр бўйи ишлашлари мумкин. Бу берилган таълим илмий-тадқиқотчи учун бир қанча ихтиролар қилиш учун йўл кўрсатилган бўлади. Шу тариқа илмий инновацион фаолиятига асос солинади ва жамият учун фойдали ихтиролар яратилади. Демак профессорнинг вақти қаерга сарфлангани самарали эканлигига ортиқча шархнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Талабалар аудиториясига тажрибали доцентлар ва ўқитувчилар, ҳамда илмий-тадқиқот ишлари билан чуқур шуғулланмайдиган профессорлар қўйилса, шуларнинг ўзи ҳам етарли деб ўйлаймиз. Самарали илмий-тадқиқотлар билан шуғулланадиган профессорлар асосан асосий вақтини илмий-тадқиқотчи изланувчилар билан шуғулланса мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирда вақт ОТМларда мамлакат ривожи учун салмоқли ҳисса қўшган профессорлар саноқли бўлса-да бор. Уларнинг тўлиқ штатда тадқиқотчилар билан фаолият олиб боришига шароит яратиш керак. Ҳар бир ҳудудда профессор-академиклар уюшмаси ташкил этилиб, бу ерда янги замонавий ўқув адабиётлари яратиш билан шуғулланиш, маслаҳатлар бериш, тизимлардаги муаммолар уларни бартараф этиш каби фаолиятлар олиб бориш шароитларини яратиш лозим. Докторантлар ва илмий фаолият билан шуғулланувчи тадқиқотчилар бундан фойдаланишлари лозим бўлади.

Ушбу уюшмани молиялаштириш манбалари бўлиб ташкилотлар, ОТМлар ва тадқиқотчилар ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 2-бобида бу ҳақда қуйидагилар таъкидланган: “инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган”[1]. Ушбу камчилик йиллар давомида давом этиб келмоқда ва соҳада туб ўзгариш бўлмаса, бу яна қанча давом этиши хусусида бирор нарса айтиш қийин.

Ҳозирги вақтда кўпгина фанлардан ўқув адабиётлари (дарслик ва ўқув қўлланмалар) етарли эмас. Аммо, кўпгина профессор-ўқитувчилар ўқув адабиётларини яратишдан жуда катта манфаатдор ҳам эмас. Чунки, уларга йиллик ўқув юкламаларига адабиётларни яратиш алоҳида юкламадан соат ажратилмайди. Булар иккинчи даражали режалар қаторидан жой олади. Ҳозиргача яратилган дарсликларнинг аксарият қисми профессор-ўқитувчиларнинг шахсий ташаббуси билан яратилмоқда. Ачинарлиси, айрим дарсликлар албатта Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашр қилинмоқда, аммо айримларини нашр қилиш яна профессор-ўқитувчилар зиммасида қолиб кетмоқда. Хорижий мамлакатларда дарслик ёзишнинг ўзи муносиб рағбатлантирилади, уни чиқариш давлатнинг ёки бошқа манфаатдор ташкилотларнинг зиммасида. Дарслик нашр қилингандан кейин муаллифлар яна рағбатлантирилади. Уларнинг рейтинги бир йилда эмас, бутун фаолияти давомида шу билан белгиланади. Шу туфайли мазкур дарслик устида олимлар узлуксиз фаолият кўрсатиб, такомиллаштириб боради. Баъзан қўлимизга фалон дарсликнинг 15-тиражи, ҳатто 20-тиражлари тушиб қолади. Фикримизча бундай тажрибани ўзимизда ҳам жорий қилишимиз лозим.

Баъзи профессор-ўқитувчилар бир ўқув йили давомида бир неча ўқув адабиёти, монография чоп этади, халқаро илмий-амалий конференцияларга мақолалари билан иштирок этади, жойларга бориб илмий-маърифий маърузалар ўқийди, яна 600-700 соат аудитория дарсларини ўтади. Демак, ҳар томонлама ақлий меҳнат билан шуғулланади. Меъёрдан ортиқ ақлий меҳнат психологларнинг таъкидлашича, “Ақлий жиҳатдан толиқиш организм функционал ҳолатининг ёмонлашувига, диққатнинг ва иш қобилиятининг пасайишига, ҳаракатлар аниқлигининг бузилишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси бош мия қобиғида тормозланиш жараёнининг ривожланишидан, марказий нерв системаси қўзғалишининг пасайишидан ҳамда нерв жараёнларининг ҳаракатчанлигидан далолат беради”[2]. Шунинг учун профессор-ўқитувчининг ўқув адабиётлари яратиш учун

[1]Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ.

[2] З.Валиева, Н.Турсунова. “ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” фанидан маъруза матни ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, Тошкент -2016.

ажратилган вақтини ҳам дарс ўтиш юкламалари ҳисобидан амалга оширилса мақсадга мувофиқ, бўлар эди.

Бундан бир неча йиллар олдин республика миқёсида ўқув адабиётларининг “Энг яхши ўқув адабиёти” номинацияси бўйича кўрик-танловлари мавжуд эди. Бу ҳам профессор-ўқитувчининг илмий-тадқиқот фоалиятни рағбатлантириш ва илмий фаолияти самарадорлигини ошириш учун мотивация ҳисобланарди. Бу тадбирни ҳам қайта ташкил қилиш лозим. Буни қайта ташкил этишда ўқув адабиётларини баҳолашда адолат мезонларига қаттиқ риоя қилиниш мақсадга мувофиқ. Чунки мукофотга сазовор бўлган ўқув адабиётлари билан ишлаш жараёнида анча камчиликлар кўзга ташланиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Худди шундай бошқа бир ўқув адабиёти талабга тўлиқ жавоб беришига қарамасдан, улар танловда эътибордан четда қолиб кетган. Таълим муассасалари илмий салоҳиятини белгилашда шу ўқув даргоҳи томонидан яратилган ўқув адабиётларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Америка Қўшма Штатларида университет ходимларининг муҳим тоифаси бўлган профессор-ўқитувчилар таълим муассасалари томонидан берилаётган таълим сифатини белгилаб беради. Профессор-ўқитувчилар асосан ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боради, одатда улар тадқиқот етакчиларидир. Профессор-ўқитувчилар бошқа тоифаларга қараганда ярим вақт ишлайди, яъни тўлиқ бўлмаган иш куни. Профессорлар тадқиқот лойиҳасига раҳбарлик қилиш учун махсус рухсатни олиши керак. Доцентларнинг иш вақти тўлиқ иш куни ҳисобланади. Улар ҳам тадқиқот лойиҳаларига раҳбарлик қилиши мумкин, бу учун улар ҳам профессор сингари докторлик даражаси ва иш тажрибасига эга бўлиши керак. Илмий-тадқиқот билан шуғулланувчиларга ҳам ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланмайдиган ёрдамчи ходимлар бириктирилади (ёки ёрдамчи ўқитувчилар ўқув машғулотлари имтиёзли соатларга алмаштирилади). Америка “Мияни йиғиш”га асосланган етакчи давлатлардандир. Шунинг учун у ерда хориждан кадрларни йиғиш учун муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиб туради.[1] Шунинг учун ҳам ушбу давлат таълим тизими энг самарали ривожланган давлатга айланган.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, бир қанча таклифларимизни ҳукмингизга ҳавола қилмоқчиман:

Биринчидан, илмий мактаб яратган профессор-ўқитувчилар ноёб педагоглар ҳисобланади. Уларнинг асосий фаолияти илмий-тадқиқот ва тадқиқот олиб борувчилар билан шуғулланиш учун барча шароитларни яратиб бериш лозим.

Иккинчидан, дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини ёзадиган профессор-ўқитувчилар юкламасига дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини киритиш учун уларнинг меъёрий ўлчовларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ

Учинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда бозор принципларини жорий қилишга эришиш лозим. Ҳозиргидек, муаммони ҳам профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари топиб, уларнинг ечимини ҳам ўзлари ишлаб чиқиб, шу ишни жорий қилиш масаласини ҳам ўзлари ҳал қилмасликлари лозим. Ҳозир жуда катта самара берадиган ғоя муаллифлари амалиётчиларга ялиниб юрадилар. Бундай бўлмаслиги керак. Ҳар бир профессорга унинг мавзуси ва салоҳиятидан келиб чиқиб, буюртмаларни беришни ташкил қилиш керак.

Тўртинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг рейтингида асосий балл илмий кадрларни тайёрлашга ва ўқув адабиётларини нашр қилишга қаратилган бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги Янги Ўзбекистонда такомиллашган янги тартиб изланмоқда. Таълим соҳаси ҳам биринчи галда янги босқичга ўтишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан биз ишлаб чиққан тавсиялар ҳам маълум ушбу йўналишнинг маълум бир қисмини тўлдиради, деган фикрдамиз.

[1] https://cyberleninka.ru/article/n/kadrovyy-potentsial-amerikanskih-universitetov/viewer

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ
3. Валиева, Н.Турсунова. “ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ” фанидан маъруза матни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент -2016.
4. https://cyberleninka.ru/article/n/kadrovyy-potentsial-amerikanskih-universitetov/viewer

С.Бабаназарова

Педагоги в системе высшего образования – главные критерии эффективной организации деятельности

Аннотация: в статье акцентируется внимание на критериях эффективного использования труда педагогов, путем правильного распределения времени профессорско-преподавательского состава, работающего в образовательных учреждениях в условиях современной инновационной экономики.

Ключевые слова: научный потенциал, инновационная экономика, эффективность научной деятельности, рейтинг профессорско-преподавательского состава, учебная нагрузка, умственный труд, коммерциализация научных разработок.

S.Babanazarova

Pedagogues in the higher education system are the main criteria for effective organization of activities

Abstract: the article focuses on the criteria for the effective use of the work of teachers, through the correct distribution of the time of the teaching staff working in educational institutions in a modern innovative economy.

Keywords: scientific potential, innovative economy, efficiency of scientific activity, rating of the teaching staff, teaching load, mental work, commercialization of scientific developments.

Ҳилола Нематовна Очилова – СамИСИ стажёр-тадқиқотчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ SWOT ТАҲЛИЛИ (1-мақола)

Аннотация: мақолада олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили қараб чиқилган. Бунда ҳар қандай корхоналарнинг фаолиятида қўлланилгани каби олий таълимда ҳам SWOT таҳлилдан фойдаланиш унинг стратегик йўналишини аниқлаш ва унга тўлиқ эришиш учун имкониятларни кўрсатиб бера олиши исботланган. Бунда олий таълимнинг бугунги кундаги кучли томонлари, заиф томонлар имкониятлари ва таҳдидлар алоҳида ўрганилиб тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: SWOT таҳлил, олий таълим, кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари, таҳдидлари, бошқарув қарорлари.

Кириш. Маълумки, жамиятда турли иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар тизимли равишда узлуксиз давом этиб туради. Муҳими улар ўзаро боғлиқ ҳолда диалектик тарзда содир бўлиб бораверади. Ушбу жараёнларни тизимли равишда ўрганиб, яхши ва ёмон, ижобий ва салбий томонларини ўрганиб бориш, уларга аниқ баҳо беришда SWOT таҳлил усуллари ва имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Адабиётларда эътироф этилишича SWOT таҳлилнинг келиб чиқиши инглиз тилидан олинган бўлиб, “таҳлил қилинаётган объектнинг кучли (Strengths – S), заиф (Weaknesses – W), имониятлари (Opportunities – O) ва таҳдидлардан иборат (Threats – T) сўзларининг бош ҳарфидан ташкил топган (SWOT). Бунинг ўзбек тилидаги таржимасининг бош ҳарфлари КЗИТ таҳлили сифатида намоён бўлади[1], деб кўрсатилган. Тадқиқот жараёнида ушбу таҳлилдан

[1] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 493-бет.

фойдаланиш анча қулайликларга эришиш имкониятини яратади. Чунки бирорта предмет ёки ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда унинг кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари, таҳдидларини бир вақтнинг ўзида ўрганиш ва шунга мос равишда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Шу жиҳатдан ушбу усулнинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Лекин адабиётларда мазкур усулнинг кўпгина ечимлари берилган бўлса-да, амалиётда деярли қўлланилмаяпти. Шу жиҳатдан ушбу таҳлил усулини таълим сифати ва самарадорлигини оширишда фойдаланиш ҳам ўта долзарб масалалардан бири сифатида баҳоланиши табиий.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий адабиётларда SWOT таҳлилга бағишланган маълумотларни деярли учратмадик. Фақат М.Қ.Пардаевнинг иқтисодий таҳлилга оид асарларида ушбу мавзунинг моҳияти очиб берилган. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда SWOT таҳлил усулидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотларимиз натижасида SWOT таҳлилдан фойдаланиш натижасида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, мантиқий ёндошув, қиёсий таҳлил каби усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистон шароитида олий таълимда кўрсатиладиган хизматларни тадқиқ қилишда унинг кучли томонларини, имкониятларини, заифлик томонларини ва таҳдидларини ўрганиш объектив заруриятга айланиб бормоқда. Бунга эришиш учун SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Олий таълимда хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун тегишли муаммоларни аниқламасдан туриб уларнинг ечимлари бўйича ташкилий, иқтисодий, педагогик омилларнинг таъсирини аниқлаш, тегишли стратегияни белгилаш имкони йўқ. Шунинг учун, барча муаммоларни ўзида мужассамлаштирган SWOT таҳлилини ишлаб чиқиш объектив зарурат бўлиб ҳисобланади. Бу таҳлил усули олий таълимда кўрсатиладиган хизматларнинг тўрт жиҳатини аниқлаш орқали режалаштириш усулидир.

Мазкур муаммога мамлакатимизда турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, профессор М.Қ.Пардаев “SWOT таҳлил дейилганда, таҳлил қилинаётган объектнинг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва таҳдидларини кенг миқёсда аниқлаб берадиган таҳлилнинг шакли тушунилади” деб таъриф берганлар[1]. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, SWOT таҳлил амалий жиҳатдан қандай аҳамиятга эга ва у ўзи нима, деган саволга жавоб ахтарамиз. SWOT таҳлил бу – стратегик режалаштириш усули бўлиб, ташкилот ва муассасаларнинг ички ва ташқи омилларини аниқлаш ва ушбу омилларни ташкилотнинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидларига ажратишдан иборатдир. SWOT таҳлил тўрт йўналишда олиб борилади. Бу қуйидаги чизмада тасвирланган (1-расм).



1-чизма. SWOT таҳлилнинг мазмуни

Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай корхоналарнинг фаолиятида SWOT таҳлилдан фойдаланиш унинг стратегик йўналишини аниқлаш ва унга тўлиқ эришиш учун

[1] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Т., “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 494-бет.

имкониятларни кўрсатиб берарди.

Умуман олганда SWOT таҳлил усули корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ўрганувчи таҳлил усулидир. Ушбу таҳлил усули стратегик режалаштириш усули ҳам деб ҳисобланади. Мазкур таҳлил усулидан тадқиқотларимиз жараёнида олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг қуйидаги мақсадларида фойдаланиш мумкин, деган хулосага келдик:

- олий таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларга ечим топишда;
- олий таълим муассасаларининг олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги тўсиқларни аниқлашда;
- олий таълим муассасаси ўзи учун энг самарали йўл танлаб олишда;
- олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган ўзгаришлар учун зарурий имкониятлар ва етишмовчиликларни кўрсатишда;
- олий таълим муассасаси битирувчилари меҳнат бозоридаги ўрни ва мавқеини аниқлашда;
- олий таълим муассасаларидаги меҳнат бозорларининг талабларига мос янги йўналишларни жорий қилишда.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларига академик мустақилликни берган даврда ушбу мақсадларни амалга ошириш ўта муҳим ҳисобланади. Чунки жуда кўп масалаларни олий таълим муассасалари ўзлари ҳал қилишига тўғри келмоқда. SWOT-таҳлил орқали Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этишда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолини, жамиятни ва давлат манфаатларини қондиришда таълим хизматларининг аҳамиятини тушуниб олиш керак бўлади. Жумладан, таълим хизматларини кўрсатишда аҳолининг фаровонлигини оширишга, етук кадр етказиб беришда давлатнинг ривожланишига ҳисса қўшаётганлигини инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини такомиллаштириб бориш имкониятини ўзлари топади ва ўзлари ҳал қилади.

SWOT таҳлил натижасида ОТМларда кўрсатилаётган таълим хизматлари бошқа хорижий ОТМларда кўрсатилаётган таълим хизматларини ўрганишга ва ижобий томонларини жорий этишга ёрдам беради, чунки таҳлилда ОТМнинг таълим хизматларида ўзларининг кучли ва заиф томонларини, имкониятлари ва хавф солаётган таҳдидларини ҳам санаб ўтадилар.

Бизнинг изланишларимиз натижасида олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили

Кучли томонлари	**Заиф томонлари**
1. Етук, рақобатдош, бозорбоп мутахассислар тайёрлашга имкониятнинг мавжудлиги. 2. Илмий салоҳиятнинг йилдан-йилга ўсиб бориши. 3. Талабаларда жамиятга, оиласига кўпроқ фойдаси тегиш кераклик руҳиятининг шаклланганлиги. 4. Масофавий таълим олиш имкониятларининг мавжудлиги. 5. Кредит-модул тизимининг амалиётга жорий қилинганлиги. 6. Аудиторияларнинг замонавий ахборот технологиялари билан таъминланганлиги. 7. Олий таълим хизматлари истеъмолчиларининг йилдан-йилга ортиб бориши. 8. Олий маълумотли аҳоли фаравонлигининг нисбатан юқорилиги. 9. Таълим хизматларининг олий ўқув	1. ОТМни ривожлантириш учун зарурий иқтисодий механизмларнинг такомиллашмаганлиги. 2. Интернет тезлигининг сустлиги. 3. Назария билан амалиётнинг етарли даражада уйғунлашмаганлиги. 4. Дуал таълимнинг олий таълимда ривожланмаганлиги. 5. Педагог-ходимларни иш ҳақининг етарли эмаслиги. 6. Ишга жойлаштириш дастури қониқарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги. 7. Инновацион ривожланишнинг таълим билан уйғун эмаслиги. 8. Изланишлар учун маҳаллий ва глобал маълумотлар базаларидан

юртларига даромад келтириши. 10. Чет элга малака ва стажировкага бориш йўлга қўйилганлиги. 11. ОТМларда илмий-тадқиқот билан шуғулланувчиларга имкониятларнинг яратилганлиги.	фойдаланиш имкониятининг етарли эмаслиги. 9. Айрим профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятининг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги.
Имкониятлари	**Таҳдидлари**
1. Билим олиш имконияти мавжудлиги. 2. Олий таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши. 3. Олий маълумотли аҳолининг бандлик даражасининг таъминланиши. 4. Педагог-ходимларнинг дам олиши ва даволаниши учун етарли шароитларнинг мавжудлиги. 5. Таълим олиш натижасида иқтисодий самарадорликнинг оширилишида аҳоли манфаатдорлигининг ортиб бориши. 6. Давлат томонидан узлуксиз равишда таълим хизматларини қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар, дастурлар қабул қилинаётганлиги. 7. Ўзини-ўзи таъминлаш ва яшашига зарур имкониятларнинг таъминланиши. 8. Мамлакатда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни кучайтирилганлиги 9. Хорижий олимлар ва профессорларни ҳамкорликда ишлаш имкониятларининг мавжудлиги.	1. Олий таълим олишга ҳамманинг салоҳияти етмаслиги. 2. Аҳоли ўртасида илм-фаннинг аҳамиятини тўғри англамаганлиги. 3. Айрим профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси халқаро талабларга жавоб бермаслиги. 4. Таълим хизматларининг халқаро стандартлар даражасида ташкил қилинмаганлиги. 5. Меҳнат бозорида билим даражасининг инобатга олинмаслиги. 6. Олий таълимда ўқишга кирган айрим талабаларнинг ўқиш иштиёқининг пастлик ҳолатларининг мавжудлиги 7. Жуда кўп кўриладиган чораларга қарамасдан ҳамон коррупциянинг учраб туриши. 8. Талабаларга баҳо қўйишда адолатнинг тўлиқ шаклланмаганлиги.

Тадқиқотларимиздан шуни англадикки, SWOT таҳлилнинг яна муҳим хусусиятларидан бири ОТМнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш жараёнида нималарга аҳамият бериш лозимлиги аён бўлади. Кучли томонларини янада кучайтириш, заиф томонларини бартараф қилиб уларни ҳам кучайтириш, имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозим ҳамда таҳдидларнинг олдини олиш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам кенг бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Олий таълим тизимида SWOT таҳлил усулидан фойдаланиб олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қанча хулосаларга келинди.

Биринчидан, тадқиқот натижасида олий таълим соҳасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг 10 та кучли томонларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Шу жараёнларни мазкур ҳолатда ушлаб туриш мақсадга мувофиқ. Буларни имкон қадар янада кучайтириш чораларини кўриш лозим бўлади.

Иккинчидан, олий таълимда таълим хизматларини кўрсатиш жараёнида уни ривожлантиришнинг 12 банддан иборат заиф томонлари аниқланди. Буларни бартараф қилиш учун ҳар бир олий ўқув юрти ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб “Йўл хариталарини” ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Учинчидан, тадқиқот натижасида олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг ҳам 11 банддан иборат имкониятларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу имкониятлардан ҳам фойдаланиш натижасида таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга катта йўл очилади. Бунга эришиш учун ҳар бир бандни ким томонидан, қанча вақтда, қай тарзда амалга ошириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уни тизимли равишда амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, ҳар қандай вазиятда таҳдидларнинг бўлиши тайин. Бу таълим хизматларида ҳам борлиги аниқланди ва 6 банддан иборат йўналишлари белгиланди. Келажакда Янги Ўзбекистонга мос ва унинг барча талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш учун қайд этилган таҳдидларнинг бирортаси ҳам қолмаслиги керак. Буларни йўқ қилиш учун тизимли ишларни олиб борадиган чора-тадбирлар дастури ва “Йўл харита”ларини тузиб, уларни амалга ошириш лозим бўлади.

Бешинчидан, юқоридаги ижобий ва салбий ҳолатлардан келиб чиқадиган тавсияларни мукаммал эришиш учун тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишни ва уни назорат қилишни тақозо қилади.

Умумий хулоса қилиб айтганда, тадқиқотларимиз натижасидан ва унда ишлаб чиқилган тавсиялардан олий таълим тизимида фойдаланилса, таълим сифати ва самарадорлиги оширилиши билан бирга талабаларнинг билим савияси ҳам ошиб боради. Натижада Янги Ўзбекистонга мос салоҳиятли инновацион кадрлар корпуси яратилади. Ушбу ҳолат жамият тараққиётига, иқтисодиётимизнинг ривожланишига, аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб боришига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. https://lex.uz/docs/5013007
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Т., “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 493-510-бетлар.
4. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. Т., “Наврўз” нашриёти, 2014.
5. Шарифхўжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. – Менежмент. Дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000. – 701б.
6. Пардаев Обид. Юқори технологик хизматларни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили. // Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари. 1-қисм, 2012 йил 17 феврал, - 16-24-бетлар.
7. Пардаев М.Қ., Гаппаров А.Қ. Жиззах вилоятида экологик ва рекреация туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили// «Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари». 2013 йил 20 февраль. Республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари. II қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2013, - 204-207-бетлар.
8. Бердиқулова И.Р. Туризм бозори стратегиясини белгилашда SWOT таҳлилдан фойдаланиш имкониятлари. “Сервис” илмий-амалий журнали, 2015 йил 2-сон, - 137-142 бетлар.
9. Очилов О.И., Одилова М.Ҳ. SWOT таҳлил ва уни маркетингда қўллаш йўналишлари. // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (I-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 170-173-бетлар.

Х.Очилова

SWOT-анализ развития образовательных услуг в высшем образовании

Аннотация: в статье рассматривается SWOT-анализ развития образовательных услуг в высшей школе. Доказано, что использование SWOT-анализа в высшем образовании, как и в деятельности любых предприятий, может определить его стратегическое направление и показать возможности для его полного достижения. При этом отдельно изучаются и систематизируются сегодняшние сильные и слабые стороны, возможности и угрозы высшего образования.

Ключевые слова: SWOT-анализ, высшее образование, сильные и слабые стороны, возможности, угрозы, управленческие решения.

H.Ochilova

SWOT analysis of the development of educational services in higher education

Abstract: the SWOT analysis of the development of educational services in higher education is considered in the article. It has been proven that the use of SWOT analysis in higher education, as in the activities of any enterprises, can determine its strategic direction and show opportunities for its full achievement. In this, today's strengths, weaknesses, opportunities and threats of higher education are separately studied and systematized.

Keywords: SWOT analysis, higher education, strengths, weaknesses, opportunities, threats, management decisions.

УЛУҒ УСТОЗЛАРИМ ИБРАТЛАРИ

Устозлик касби Аллоҳнинг инояти билан берилган учта касблардан бири экан. Устоз деган шарафга муяссар бўлганлар агар ҳақиқий устоз бўлса ҳақиқатда икки дунё саодатига мушарраф бўладиган инсонлардир. Ҳаётимни таҳлил қилиб, ёшлигимга бир назар солиб, хулосага келдимки, мен ҳақиқий устозларни кўрган шогирд эканман.

Ҳаётимдан айрим мисолларни келтирмоқчиман. Булар нафақат ёшларга, балки, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган устозларга ҳам ибрат бўлади, деган хулосага келдим. Мен ўқиган мактабда Ўмирзоқ Абдуназаров деган математика ўқитувчимиз бор эди (Аллоҳ раҳмат қилсин). У киши кўчада учрашиб қолсак ҳам, дўппингни ол, деб, қўлга олдирарди ва энди унинг каштасининг юзасини топ, дер эди. Бу дарсликларда йўқ нарса, лекин ҳаётда бор нарсалар. Биз топа олмасак, шу гулларнинг юзини ўзи топишни ўргатиб, формуласини чиқариб тўлиқ тушунтирииб берар эди. Кейин биз ҳам шундай қилиб, ҳамма нарсага математика нуқтаи назаридан ёндошар эдик. Биз мактабдан уйгача анча йўл юрар эдик. Шунда юрган йўлимизнинг масофасини ҳам ўлчаб формуласини чиқариб юрардик. Шундай бўлганки, инсоннинг бутун ҳаёти математика қуршовида, деб тушунганмиз.

Шу фазилат менга ҳам ўтиб қолган экан чоғим, ҳозир иқтисодий ҳодисалар, уларнинг ўзаро боғлиқликлари ҳақида формула ясашим, уни амалиётда қўллаб ҳисоб-китоб қилишим ҳеч ҳам қийинчилик туғдирмайди. Иқтисодий жараёнлар бир-бири билан ўзаро боғлиқликда. Айнан шу боғлиқликларнинг формуласини чиқариб, улар бир-бирига қандай таъсир қилади ва ундан қандай фойдаланиб, қанақа хулоса чиқариш кераклиги ҳеч ҳам мураккаблик туғдирмайди. Бунга мактабдаги пойдевор сабаб, деб биламан.

Худди шундай ўша мактабимизда Бахром Ҳайдаров деган химия ўқитувчимиз бор эди. Ҳозир 100 ёшга яқинлашиб қолди, умрлари узоқ бўлсин. Ҳар биримизга бир ҳафтага битта модда ролини ўйнашни топширар эди. Масалан, бир ҳафта мен натрийман. Бутун натрийнинг хусусиятларини, у қаерда учрайди, қандай моддалар билан реакцияга киришади, реакция натижасида нималар ҳосил бўлади, хуллас ҳамма-ҳаммасини ўрганар эдик. Мен ўзимни (натрийман) тўлиқ ўрганиб айтиб берганимдан кейин бошқа модда ролини ўйнар эдим. Шу тариқа химияни бутунлай зўр ўрганганмиз.

Шундай қилиб, устозимиз бизга химия фанини ўзимиз мисолимизда тўлиқ ўргатган. Сўнгра ўзимизда бор нарсаларнинг таркибини ўргатар эди. Хуллас, бутун борлиқни химия, деб тушунтирган. Тупроқ, сув, ҳаво ҳаммасининг формуласини ёзиб кўрсатар эди. Мен ўқиган мактаб ҳозирги тил билан айтганда, узоқ чекка қишлоқда жойлашган. Ҳамон ўша жойда. Мана ҳозир яна аслига қайтди. Ўтган 2021 йилда қишлоғимизда жойлашган 14-мактаб вилоятда етакчи бўлиб, болаларнинг олий мактабга кириши бўйича биринчи ўринни эгаллабди. Республикада ҳам нуфузли ўринга сазовор бўлишганини бугунги кундаги мактаб директори Н.Т.Ўсаров, фахр билан сўзлаб берди.

Мана мактаб, мана ўқитувчилар. Аммо ҳозирги жуда катта имкониятлар пайдо бўлган паллада шундай ижодкор, масъулиятли, ноанъанавий тарзда, инновацион усулларни қўллаб дарс ўтадиган ўқитувчилар қанча? Афсуски етарли эмас. Ҳақиқатда таълим соҳасининг барча босқичларида туб ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини шу йилги олий таълимга ўқишга кириш мақсадида тестга кирган абитуриентларнинг натижаси яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳозирги кунда халқ таълимида (Олий таълимнинг пойдевори) таълим сифати жуда паст эканлигидан далолатдир. Тестга кирган 1 млн 73 минг 821 нафар абитуриентнинг 550 минг нафари (51,2 фоиз) ўтиш баллининг энг қуйи чегараси бўлган 56,7 баллни ҳам тўплай олмаганлиги жуда ачинарли ҳолат эканлигидан далолат бериб турибди.

Ушбу ҳолат мамлакатимизда таълим сифатининг пастлигидан, айниқса ўқитувчиларнинг касбий савияси ва мавқеининг етарли эмаслигидан далолатдир. Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун педагоглар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш ва мазкур сифатни уларнинг бутун касбий фаолияти давомида тизимли равишда такомиллаштириб бориш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бир жараён ҳамон ёдимда, биз ўқувчиларда бир интилиш бўлиб, ўқитувчиларимизни хафа қилиб қўймаслик ва мунозара жараёнида қийналиб қолмаслик учун уй вазифаларини ҳамиша тўлиқ тайёрлаб келишга ҳаракат қилганмиз. Бизда баҳо олиш иккинчи даражали эди. Муҳими, билим олиш, мунозара жараёнида уялиб қолмаслик асосий вазифамиз бўлган.

Самарқанд кооператив институтига кирган йилларимда ҳам жуда ажойиб, иқтидорли устозлардан дарс олганман. “Молия ва кредит” фанидан Фаткулина Зайнаб Абдуллаевна рус тилида дарс ўтар эди. У кишининг дарс ўтиш маҳорати жуда юқори эди. Маърузани шундай ўқир эдики, молия фанини “каллангизга қўйиб қўяр” эди. Устоз Ражаб Абдуллаевич “Ҳисоблаш техникаси” деган фандан дарс берар эди. Кейинчалик бу фан “Иқтисодий ахборотларни механик қайта ишлаш” фанига айлантирилди. Шу жараёнда биз оддий счетда ҳисоблашдан арихмометр, кейинчалик ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиб ҳисоб-китоб қилишгача ўрганганмиз. Маҳорат билан дарс ўтар эди.

Учинчи курсда бизга “Хўжалик фаолияти таҳлили назарияси” фанидан Исмат Тўхтаевич домла (охиратлари обод бўлсин, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) дарс берди. Ўша йиллари ҳар йили талабалар илмий конференцияси бўлар эди. Менга “Иқтисодий таҳлилнинг усуллари” мавзусида маъруза қилишимни айтди. Тайёрланиб, маъруза қилдим. Домлага маъқул бўлди чоғимда шу мавзуда курс иши ёзинг, деб буюрди. Шу тариқа менинг курс ишимга ҳам, диплом ишимга ҳам, номзодлик диссертациямга ҳам, докторлик диссертациямга ҳам илмий раҳбарлик қилди.

Фан доктори бўлиш учун 3 марта докторлик диссертациямни ёзганман. Иккита ишим бекор бўлгандан кейин ҳафсалам пир бўлиб, энди ёзмайман, деган қарорга келганимида у кишининг қистови мени яна учинчи бор ёзишга ундаганини ҳеч ёдимдан чиқармайман. Биринчи сафар СССР матлубот кооперацияси бўйича ёзган эдим. Ҳимоя қилгунимча СССР тарқалиб кетди. Кейин Ўзбекистон матлубот кооперацияси бўйича ёзган эдим, ёқлаганимча кооперацияни тугатиш ҳақида қарор чиқиб қолди. Домланинг қаттиқ талаби бўйича учинчи бор “Эркин иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари” мавзусида ёзиб ёқладим. Агар устозим менга тўғри йўл кўрсатиб қистамаганда балки ёзмаган бўлармидим. Барчаси Аллоҳдан, аммо сабабчиси устозим Исмат Тўхтаевич бўладилар. Бу кишининг устозлик мақоми менга жуда катта ибрат мактаби бўлган. Ҳозир ҳам бўладиган шогирдлар бўлса, албатта тўхтаб қолманглар деб ундаб, маслаҳат бериб тураман. Бу ҳам устозимнинг менга бўлган жуда катта ибрати.

Ушбу ҳолат биринчи галда ўқитувчи-педагогларнинг мавқеини ва масъулиятини етарли даражага кўтариш ва ушбу мутахассисликларига иқтидорли, энг юқори балл олган абитуриентларни жалб қилишни таъминлаш лозим. Акс ҳолда мактабларда таълим сифати ҳам самарадорлиги ҳам ошмайди. Таълим учун қилинаётган катта миқдордаги сарф-харажатлар, яъни инвестициялар ўзини-ўзи ҳеч қачон оқламайди ва мос равишда Президентимиз қўяётган талабларига жавоб бера олмайди. Натижада нафақат олий таълимнинг ва илм-фаннинг, балки жамият тараққиётининг пойдевори мустаҳкам бўлаолмайди.

Қайси мамлакатда устозлар улуғланса, ўша мамлакатлар экспортга картошка ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эмас, ғоялар, инновацион технологияларни экспорт қилмоқда. Бизда ҳам соҳага эътибор кучайди, лекин камчиликларимиз ҳам анчагина. Уларни бартараф қилиб, ҳақиқий Янги Ўзбекистонга муносиб устозларни етиштиришимиз лозим. Устознинг улуғлиги – унинг устозлигида. Устозлик эса, унинг шу номга муносиблигида. Азиз устозлар устозлик мақомига муносиб бўлишда Алоҳнинг ўзи ёр ва мададкор бўлсин.

Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

Таҳририятга мақола юборилганда муаллиф қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- “Сервис” журнали хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда иқтисодиётга оид мавзусидаги илмий мақолаларни чоп этишга мўлжалланган ОАК томонидан эътироф этилган илмий-амалий нашр бўлганлиги сабабли, таҳририятга тақдим этиладиган мақолалар ҳам бевосита шу соҳага оид илмий изланишларга, тадқиқот натижаларига асосланган бўлиши лозим.
- Мақолада мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бугунги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ифода этилган, аниқ таклиф ва тавсияларини ўз ичига олган якуний хулосага эга бўлиши керак.
- Илмий мақоланинг ҳажми жадвал, расмлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан бирга 4 бетдан, қисқа хабарлар 3–4, тақризлар 2 бетдан кам бўлмаслиги, MS Word дастурида Times New Roman 14 шрифтида бир интервал оралиғида расмийлаштирилган бўлиши керак.
- Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган бўлиб, аниқ, равон ва адабий тилда таҳрир қилинган ва 1 нусхада қоғоз вариантига муаллифлар имзо чеккан ҳолда электрон версияси билан бирга тақдим этилиши талаб қилинади.
- Ҳар бир мақоланинг муаллифи, мавзуси, аннотацияси ва калитли сўзлари ўзбек, рус, инглиз тилларида берилган бўлиши шарт.
- Таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати амалдаги стандартлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.
- Жадвал, диаграмма ва расмлар ихчам ва тушунарли фақат китоб шаклида ёритилиши, уларнинг тартиб рақами, номи, жадвал маълумотларининг манбаларига ҳаволалар албатта берилиши лозим. Альбом шаклидаги жадвал ва расмлар қабул қилинмайди.

- **Мақоланинг таркиби**: Мақола муаллифи тўғрисида маълумот, мақоланинг мавзуси, мақола аннотацияси, калит сўзлар, кириш, мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили, таҳлил ва натижалар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳамда таҳрир қилинган бўлиши шарт.
- Ушбу талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этишга қабул қилинмайди.

“Сервис” журналида эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг ишончлилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгардир.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикрига мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилаётган материалларни шу журналдан олинган, деб кўрсатилиши ва албатта ихтибос берилиши шарт.

ISSN 2091-5187

“СЕРВИС”

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

24.11.2022 йилда теришга берилди. 7.12.2022 йилда босишга рухсат этилди. Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/8. “Times” гарнитураси. Офсет босма усули. Шартли босма табоғи 14,49. Ҳисоб-нашриёт табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 27/22.

MChJ “NAVRO‘Z POLIGRAF” матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳар, Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022